74
М-96

2020

# педагогик таълим инновацион кластери

Ғ.МУҲАМЕДОВ
У.ХОДЖАМҚУЛОВ
С.ТОШТЕМИРОВА

Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм.

Чирчиқ давлат педагогика институти
https://www.cspi.uz/uz
tvchdpi@edu.uz
Чирчиқ ш. А.Темур к. №104

74
Л-96

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ғ.МУҲАМЕДОВ, У.ХОДЖАМҚУЛОВ,
С.ТОШТЕМИРОВА

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ

(монография)

-3898-

Тошкент
"Университет"
2020

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

**Муҳамедов Ғ., Ходжамқулов У., Тоштемирова С. Педагогик таълим инновацион кластери. Монография. –Т.: Университет, 2020 й. 280 б.**
**УЎК: 37.005.591.6**
**КБК: 74**
**М 96**

Мазкур монографияда Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий стратегик илмий тадқиқот йўналиши бўлган **“Педагогик таълим инновацион кластери”**нинг илмий-назарий асослари ҳақида сўз юритилган. Таълим кластерлари борасида хорижий тадқиқотчиларнинг таъриф ва тавсифлари таҳлил қилинган. Педагогик таълим кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатидаги хусусиятлари, унинг таълимга нисбатан инновацион ёндашув эканлиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни кластер воситасида интеграциялашнинг назарий жиҳатлари, кластернинг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш воситаси сифатидаги ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Монографияда таълим кластерлари бўйича хориж тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, педагогик таълим кластерини амалиётга жорий этилишининг шакли сифатида қаралаётган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларини ташкил қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, умумтаълим мактабларида мавжуд муаммоларни бартараф этишда олий таълимнинг илмий салоҳиятидан кенг фойдаланиш механизмлари тадқиқ қилинган. Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан “Мактаб-лаборатория”ларда ташкил қилинган тажриба-синов ишларининг мазмуни баён қилиниш билан бирга, миллий педагогикамизда янги ҳодиса ҳисобланган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси тушунчасининг таърифи ва тавсифи, шунингдек, ушбу муаммо билан боғлиқ асосий тушунчаларнинг изоҳи келтирилган.

Монография педагогик олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, шунингдек, “Педагогик таълим инновацион кластери” бўйича илмий иш олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:**

**Ш.Қ.Мардонов** – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори;

**Б.Менглиев** – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Чирчиқ давлат педагогика институти Кенгашининг 2020 йил 3 январдаги 7-сонли мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

**ISBN: 978-9943-5604-3-7**

**© “Университет” нашриёти, Тошкент, 2020 й.**



# КИРИШ

Дунё тамаддунининг бугунги босқичини глобаллашув жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув, таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда соҳаларни ривожлантиришнинг моҳияти ва мазмунига, стратегияси ва тамойилларига, ёндашув ва услубларига бирдай таъсирини ўтказаётган куч сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунга келиб, жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларини ҳам юзага чиқармоқда, бу инсоният олдига кутилмаган янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Глобаллашувнинг моҳияти ва хусусиятларини чуқур ўрганиш унга мослашиш, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш, унинг кучидан ўзига қарши фойдаланиш имкониятини яратади. Бундан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усул ва воситаларини, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Дунё тажрибаси глобаллашувнинг кучидан ўзига қарши фойдаланишнинг синалган усули сифатида кластер моделини таклиф қилмоқда. Мамлакатимизда ҳам кластер модели иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларига фаоллик билан кириб келмоқда. Шубҳасиз, бу жараён ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот таннархи пасайиши ва сифати ошишига олиб келмоқда. Энг муҳими, кластер методи ёрдамида манфаатли боғланиш ҳосил қилган корхоналарнинг рақобатбардошлиги бир неча баробарга ошмоқда. Глобаллашув натижасида дунё бозорида рақобатнинг кескин ошиши кузатилаётган бугунги кунда бу сифат ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кейинги йилларда жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда. Миллий таълим тизимининг кейинги чорак асрдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Айни пайтда, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасида алоқа ва узвийлик таъминланишида айрим камчиликлар ҳам кузатилмоқда, бу пировардида, мақсадни белгилашдаги тарқоқлик ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги

ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотида мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар кузатилди. Бу айрим ҳудудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлди.

Тизимдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йилдан ошиқроқ вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.[1]

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини татбиқ этиш, соҳага инновациялар кири-тиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим-фан-ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида баъзи соҳаларда юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи, бевосита, узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди. Умуман, бу муаммо кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айни масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида, педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3305-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2829-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 14 март; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 22 май.





айланмоқдаки, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Иқтисодиёт ва таълимни ислоҳ қилиш мамлакатимиз олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва жаҳон бозорида таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга зарурат туғдирмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев президентлик лавозимига киришган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Дарҳақиқат, мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. 2019 йилнинг 23 август санасида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида юртбошимиз: ***"Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак"***,[2] дея таъкидлаб, педагогикага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг мактаблардаги ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини юксалтиришдаги ўрни сезилмаётганини афсус билан қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг умумтаълим мактаблари фаолиятини такомиллаштиришда педагогик олий таълим муассаса-ларининг ўрни борасида билдирилган фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, соҳага инновацияларни жорий қилиш, хориж амалиётида синовдан ўтган усул ва воситаларни ижодий ёндашган ҳолда соҳага татбиқ қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг суръати ва самарадорлигини ошириш бугунги педагогикамиз олдидаги муҳим масалалардан эканлиги аён бўлади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масаласи янги ҳодиса эмас. Ўзбекистон таълим тизимида бу борада назарий

[2] Мирзиёев Ш.М. Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. "Халқ сўзи online", 2019 йил 24 август.

ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чуқур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотида мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ камчиликлар кузатилди. Бу айрим ҳудудларда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг йиллар давомида қондирилмаслигига сабаб бўлди.

Тизимдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йилдан ошиқроқ вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.[1]

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини татбиқ этиш, соҳага инновациялар кири-тиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим-фан-ишлаб чиқариш учлиги ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Таълим тизимида кадрлар тақсимотининг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида баъзи соҳаларда юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи, бевосита, узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди. Умуман, бу муаммо кенг қамровли ва кўп қиррали ижтимоий масала бўлиб, унинг ечими бир ёки икки сабабнинг қондирилиши билан ўз ижросини топа олмайди. Бу масала ҳудудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўлинмаларнинг айни масала бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Ўз навбатида, педагогик таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3305-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2829-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 14 март; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 304-сон Қарори: Тошкент ш., 2017 йил 22 май.





айланмоқдаки, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг қондирилиши ҳам таъминланиши зарур. Иқтисодиёт ва таълимни ислоҳ қилиш мамлакатимиз олий таълим тизимининг инновацион компонентларини самарали ривожлантириш ва жаҳон бозорида таълим хизматларининг рақобатбардошлигини таъминлашга зарурат туғдирмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев президентлик лавозимига киришган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Дарҳақиқат, мактабни ўзгартирмасдан туриб, одамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. 2019 йилнинг 23 август санасида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида юртбошимиз: ***"Мактаб – бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак",***[2] дея таъкидлаб, педагогикага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг мактаблардаги ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини юксалтиришдаги ўрни сезилмаётганини афсус билан қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбарининг умумтаълим мактаблари фаолиятини такомиллаштиришда педагогик олий таълим муассаса-ларининг ўрни борасида билдирилган фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, соҳага инновацияларни жорий қилиш, хориж амалиётида синовдан ўтган усул ва воситаларни ижодий ёндашган ҳолда соҳага татбиқ қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг суръати ва самарадорлигини ошириш бугунги педагогикамиз олдидаги муҳим масалалардан эканлиги аён бўлади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масаласи янги ҳодиса эмас. Ўзбекистон таълим тизимида бу борада назарий

[2] Мирзиёев Ш.М. Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. "Халқ сўзи online", 2019 йил 24 август.

асослар етарли бўлиш билан бирга, талайгина амалий ишлар ҳам мавжуд. Инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш эса бугунги кунда тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун тизимнинг инновацион муҳити ва унинг шаклларини такомиллаштириш, инновацион марказлар фаолиятини яхшилаш, технологиялар ва объектив қонуниятларни тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш талаб қилинади. Ҳар қандай инновациялар билимлар интеграциялашувининг маҳсули бўлиб, пировардида, таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз инъикосини топади. Таълим инновацияси таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараёндир.

Чирчиқ давлат педагогика институти педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш бўғинлари ўртасидаги ўзаро якдилликнинг етишмаслиги билан боғлиқ камчиликларни бартараф этиш мақсадида узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказишни таклиф қилмоқда. Ушбу модел, айни пайтда, ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлган илмий-педагогик муаммо ҳисобланади. Унинг илмий-назарий асосларини яратиш, амалиётга татбиқ қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва ушбу муаммога илмий жамоатчилик диққатини тортиш институтнинг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида ўрганилмоқда. Педагогик таълим инновацион кластери муайян жуғрофий ҳududнинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида таълим субъектларининг, технологиялар ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм бўлиб, у инновация ва интеграция билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир.

Педагогик таълим инновацион кластери бир гуруҳ таълим субъектларининг инновацион маҳсулотни яратишга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган янги тизим бўлиб, у соҳанинг миллий ва минтақавий даражада ривожланиши учун кучли рағбат беради. Шунга кўра кластер ёндашуви фан ва





таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоблар ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади ва шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойиҳаларни амалда синаб кўриш муайян тажриба майдончалари бўлишини талаб этади. Бу борада биз “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларини таклиф этамиз. “Мактаб-лаборатория”лар педагогик таълим инновацион кластери борасидаги инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос *педагогик инкубатор* вазифасини бажаради.

Ушбу монографияда Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши бўлган педагогик таълим инновацион кластери ва уни амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида қаралаётган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари борасида олиб борилаётган тадқиқот ишларининг илмий-назарий хулосаларини беришни мақсад қилганмиз. Педагогик таълим ииновацион кластери янги илмий тадқиқот мавзуси бўлгани боис унинг илмий-назарий тавсифи ва хорижий тадқиқотчиларнинг бу борадаги илмий изланишларини атрофлича ёритишга ҳаракат қилдик. Умуман, монографияда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-педагогик муаммо сифатидаги тавсифи, унинг педагогик таълимга нисбатан инновацион ёндашув эканлиги, тузилиши ва фаолияти; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни кластер воситасида интеграциялаш муаммоси, кластер воситасида таълим тизими ва сифатини бошқариш, таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш асослари, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш омили эканлиги билан боғлиқ илмий-назарий хулосалар, шунингдек, “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мазмуни ва унга қўйиладиган талаблар, уларни ташкил қилиш бўйича тавсиялар келтириб ўтилган.

# I БОБ

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- **Кластернинг илмий-назарий асослари**
- **Таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибаси**
- **Таълим кластерини ташкил этиш тамойиллари**
- **Таълим кластерининг тузилиши ва унинг фаолият механизмлари**
- **Педагогик таълим инновацион кластери илмий-педагогик муаммо сифатида**

*Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди.*

*Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз.*

**Ш.М.МИРЗИЁЕВ**





## 1.1. Кластернинг илмий-назарий асослари

Фан ва техниканинг шиддат билан ривожланиши натижасида барча соҳаларга жорий қилинаётган инновацияларнинг мақсади мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга қаратилган. Соҳаларга инновацияларни жорий қилиш мавжуд иш услубларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб қилади. Жамиятнинг ривожланиш қонуниятларида эса умумий жиҳатлар ва табиий қонуниятлар мавжуд бўлиб, бу борада ўзига хос янги йўлларни қидиришдан кўра, баъзан ривожланган мамлакатлардаги тайёр андозаларни олиш, улардан ижодий фойдаланиш яхшироқ натижа беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларида халқаро тажрибада синалган ва мамлакат иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этувчи инновацион тажрибаларни қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда у мамлакатимизда кўпроқ аграр, тўқимачилик, енгил саноат ва фармацевтика соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Қисқа муддат ичида кластер модели иқтисодиётда истиқболли инновацион йўналиш сифатида эътироф этилиб, уни бошқа соҳаларда қўллаш тажрибалари амалга оширилмоқда.

Аслида “кластер” (cluster) сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, таржима қилинганда “тўплам”, “тўп”, “гуруҳ”, “концентрация”, “гуруҳларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда ҳам кенг қўлланила бошланди.

Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи, Гарвард бизнес мактаби профессори М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтиради[3].

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) сифатида тасаввур қилиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар

[3] Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми деб тушунади[4].

Яна бир рус олимаси Л.Беспалова кластерни ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма, деб ҳисоблайди[5].

Умуман, бу тушунчага тадқиқотчилар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган бўлиб, уни 1-жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

*1-жадвал*

*Хорижий тадқиқотчиларнинг "кластер" тушунчасига берган таърифлари*[6]

| Тадқиқотчилар исм-шарифи | "Кластер" тушунчасига берилган таърифлар |
|---|---|
| М.Портер | Кластер – ўзаро боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг жуғрофий белги бўйича бирлаштирилган гуруҳи |
| Г.А.Яшевой | Кластер – илмий-маърифий марказ атрофида бирлашган (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар) компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланувчи тармоқ ташкилотлар мажмуи. |
| А.Г.Гранберг | Кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи. |
| М.Галушкина | Кластер – битта жуғрофий ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи. |

[4] Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М.Давыденко, Т.И.Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24-29.

[5] Беспалова Л. Что такое кластер? URL: http://siok.rightside.ru/siok/ 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

[6] Обидов Р. Кластер тизимида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш харажатлари ҳисобининг хусусиятлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил, 3-бет (www.interfinansi.uz)





| | |
|---|---|
| Н.В.Городнова | Кластер – махсус соҳалар бўйича битта жуғрофий ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи. |
| Д.Л.Скипин | Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи. |
| Н.Е.Егоров | Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи. |
| Н.А.Мишура | Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. |
| Л.Л.Наумова | Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ҳамда хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа. |

"Кластер" тушунчасига юқорида берилган таърифлар мазмунни ифодалаш йўсини бўйича бир-биридан бирмунча фарқ қилса-да, аммо уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд. Булар кластернинг қуйидаги белгилари:

- ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайди;
- рақобатбардошликни кучайтиради;
- тенг ҳуқуқли бир нечта компонентлардан ташкил топади;
- субъектларни ягона умумий мақсад остида бирлаштиради;
- умумий мақсаддан хусусий манфаатдорликка қараб келинади;
- давлат учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади;
- субъектлар битта жуғрофий ҳудудда жойлаган бўлади;
- субъектлар бир-бирини тўлдиради;
- ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширади (2-жадвал).

бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми деб тушунади[4].

Яна бир рус олимаси Л.Беспалова кластерни ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма, деб ҳисоблайди[5].

Умуман, бу тушунчага тадқиқотчилар томонидан турлича таъриф ва тавсифлар берилган бўлиб, уни 1-жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

*1-жадвал*

*Хорижий тадқиқотчиларнинг "кластер" тушунчасига берган таърифлари*[6]

| **Тадқиқотчилар исм-шарифи** | **"Кластер" тушунчасига берилган таърифлар** |
|---|---|
| М.Портер | Кластер – ўзаро боғланган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг жуғрофий белги бўйича бирлаштирилган гуруҳи |
| Г.А.Яшевой | Кластер – илмий-маърифий марказ атрофида бирлашган (махсус хизматлар, шу жумладан, етказиб берувчи, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар) компаниялар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларига асосланувчи тармоқ ташкилотлар мажмуи. |
| А.Г.Гранберг | Кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи. |
| М.Галушкина | Кластер – битта жуғрофий ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи. |

[4] Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М.Давыденко, Т.И.Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24-29.

[5] Беспалова Л. Что такое кластер? URL: http://siok.rightside.ru/siok/ 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

[6] Обидов Р. Кластер тизимида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда сотиш харажатлари ҳисобининг хусусиятлари. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018 йил, 3-бет (www.interfinansi.uz)





| | |
|---|---|
| Н.В.Городнова | Кластер – махсус соҳалар бўйича битта жуғрофий ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи. |
| Д.Л.Скипин | Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи. |
| Н.Е.Егоров | Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи. |
| Н.А.Мишура | Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. |
| Л.Л.Наумова | Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ҳамда хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа. |

"Кластер" тушунчасига юқорида берилган таърифлар мазмунни ифодалаш йўсини бўйича бир-биридан бирмунча фарқ қилса-да, аммо уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд. Булар кластернинг қуйидаги белгилари:

- ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлайди;
- рақобатбардошликни кучайтиради;
- тенг ҳуқуқли бир нечта компонентлардан ташкил топади;
- субъектларни ягона умумий мақсад остида бирлаштиради;
- умумий мақсаддан хусусий манфаатдорликка қараб келинади;
- давлат учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади;
- субъектлар битта жуғрофий ҳудудда жойлаган бўлади;
- субъектлар бир-бирини тўлдиради;
- ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини оширади (2-жадвал).

Демак, кластер белгиларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: иқтисодиётдаги “кластер” тушунчаси жуғрофий жиҳатдан яқин бўлган корхоналар, ташкилотлар, хизмат кўрсатувчи соҳалар, илмий марказлар, тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва субъектлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида концентрациялашуви жараёни.

Кластер моделининг иқтисодиётга кириб келиши табиий жараён сифатида қаралиши лозим. Чунки кейинги ярим асрга яқин давр мобайнида дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнлари жаҳон иқтисодиёти саҳнасида рақобат муҳитининг кескин ошишига олиб келди. Бундай аёвсиз рақобат шароитида корхоналарнинг турғун фаолият олиб боришлари учун уларнинг ўзаро кўп томонлама манфаатли келишувлари жуда муҳим заруратга айланди.

*2-жадвал*

*Таълим кластерининг ўзига хос белгилари*[7]




Глобаллашув жараёнида дунё бозорида “вақт” ва “масофа” тушунчалари аҳамиятини йўқотди. Бунинг натижасида дунёнинг исталган нуқталарида жойлашган бир хил функцияни бажарувчи ишлаб чиқариш субъектлари ўзаро рақобатчига айланиб бормоқда. Оқибатда, рақобат кучидан унинг ўзига нисбатан фойдаланишнинг янги шакли бўлган кластер модели пайдо бўлди.

[7] Барча жадваллар муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.





Америкалик тадқиқотчи М.Портер кластерни ўзаро ҳамкорликнинг гибрид шаклларидан фарқлаш лозимлигини уқтиради. Кластер ўзаро ишонч ва натижа берувчи алоқаларга таянади ҳамда **умумий мақсаддан хусусий манфаатга келиш принципи** билан содир бўлади. Кластер – ҳамкорлик, аммо у ўзаро ҳамкорликнинг одатдаги шаклларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- бутун тизимга тегишли асосий стратегик йўналишларни белгиловчи салоҳиятли компонентларнинг мавжудлиги;
- алоҳида олинганда айрим субъектларнинг имконият доирасининг чегаралганлиги;
- кластер доирасида бирлашган алоҳида субъектлар ўртасида барқарор ахборот алмашинувининг йўлга қўйилиши;
- ўзаро ҳамкорликнинг махсус дастурлари ишлаб чиқилиши ва унинг узоқ муддатга мўлжалланганлиги;
- субъектларнинг ҳар бирида алоҳида мақсад бўлишидан ташқари глобал аспектда улар умумий мақсадларининг мавжудлиги.

Жаҳон амалиётида кластерларни сунъий равишда тузиш кутилган натижани бермаслиги исботланган. Кластер соҳалар, йўналиш ва тармоқлардаги ишлаб чиқариш, фаолият самарадорлигини ошириш, натижани кафолатлаш, рақобатбардошликни кучайтириш каби омиллар воситасида етилган табиий шарт-шароитларга боғлиқ равишда юзага келади. Демак, кластер шакллангунга қадар мавжуд соҳа, йўналиш ва тармоқлар ўртасида юқоридаги омилларга боғлиқ равишда табиий алоқаларнинг мавжудлиги кластер шаклланишининг табиий босқичи сифатида қаралиши лозим.

Тадқиқотчилар томонидан кластерларни белгилар гуруҳи бўйича қуйидагича таснифлаш таклиф қилинади:

**I. Кластерларни таснифлашга нисбатан бир ўлчамли ёндашувлар (3-жадвал):**

1. Ўзаро ҳамкорликларни тадқиқ этиш асосида:

- *алоқаларнинг шакли бўйича;*
- *ўзаро ҳамкорлар тузилиши бўйича;*
- *кластерни бошқариш тузилмаси бўйича;*
- *ташкилий тузилма бўйича;*

- *кластер ичидаги алоқалар хили бўйича;*
- *саноат билан қамраб олиш даражаси бўйича;*
- *кластер ичидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиш даражаси бўйича;*
- *рақобат курашига таъсир этиш даражаси бўйича.*

2. Кластер иштирокчиларини тадқиқ этиш асосида:

- *иштирокчилар функциялари бўйича;*
- *фаолиятнинг хусусияти бўйича;*
- *иштирокчиларнинг истеъмолчиларга йўналтирилганлиги бўйича;*
- *хизмат кўрсатувчи бозорнинг хусусияти бўйича;*
- *иштирокчиларнинг ташқи ресурсларга боғлиқлик даражаси бўйича;*
- *корхоналарнинг умумийлиги бўйича.*

3. Кластерларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тадқиқ этиш асосида:

- *ривожланиш динамикаси ва шаклланганлик даражаси бўйича;*
- *фаолият кўрсатиш усули бўйича;*
- *пайдо бўлиш табиати ва ривожланишнинг илк босқичлари орқали ўтиш жараёни бўйича;*
- *ривожланиш босқичи (ҳаётий цикли) бўйича.*

4. Жойлашган жойини тадқиқ этиш асосида:

- *жуғрофий қамраб олиш бўйича;*
- *локализация белгиси бўйича;*
- *ҳудудий иерархия белгиси бўйича;*
- *жуғрофий таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича.*

5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тадқиқ этиш асосида:

- *якуний маҳсулотнинг хусусияти бўйича;*
- *ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг номенклатураси бўйича;*
- *рақобат устунлигининг даражалари бўйича;*
- *тармоқ ихтисослашуви ёки диверсификация бўйича.*

6. Кластер ресурсларини тадқиқ этиш асосида:

- *асосий ресурснинг хусусияти бўйича;*
- *асосий ресурснинг тури бўйича.*





*3-жадвал*

*Кластернинг таснифига кўра бир ўлчамли ёндашувлар*




**II. Кластерларни таснифлашга нисбатан кўп ўлчамли ёндашувлар:**

- *белгилар (мезонлар) мажмуи бўйича;*
- *компаниялар ўлчами ва ўзаро ҳамкорлик хили бўйича;*
- *устунлик қилувчи ўзаро боғлиқликнинг хили ва жуғрофий бир жойга тўпланганлик даражаси бўйича;*
- *иштирокчилар сони ва улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик хусусияти, кластерга аъзоликнинг очиқлиги бўйича*[8].

Кластерларнинг таснифи билан уни шакллантириш усуллари ўртасида боғлиқлик мавжуд. Кластерни шакллантириш усуллари эса маҳаллий тадқиқотчи Г.Э.Захидов томонидан қуйидагича берилган (4-жадвал):

1. Норматив-ҳуқуқий соҳада:

- *норматив ва ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш;*

[8] Ягодина Н.В. К вопросам теории кластера // Социально-экономические системы: современное видение и подходы. Материалы четвертой международной научно-практической конференции. – Омск: «СИБИТ», 2009. –С.238.

- *давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;*
- *кластер ичида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.*

2. Иқтисодий соҳада:

- *ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;*
- *ресурс билан таъминлаш тартибини белгилаш.*

3. Ташкилий-коммуникатив соҳада:

- *уюшмалар фаолиятини ташкил этиш;*
- *коммуникатив муҳитини ривожлантириш;*
- *кадрлар тайёрлаш;*
- *потенциал иштирокчиларни аниқлаш;*
- *кластер тузилмасини ишлаб чиқиш*[9].

Кластернинг шаклланиш омиллари сифатида эса қуйидагиларни айтиш мумкин:

- *интеграция – соҳалараро боғланиш, табиий алоқадорлик, узвийлик ва изчиллик;*
- *ташаббус – соҳанинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳар қандай инновацион лойиҳа ва таклифларнинг қўллаб-қувватланиши;*
- *қизиқиш – кластерда ҳар бир субъект ўз манфаатдорлигига эга бўлиши;*
- *инновациялар – замон ва тараққиётга мос ҳолда қадам қўйиш, янги лойиҳа ва ғояларнинг мунтазамлилиги;*
- *ахборотлар – соҳанинг барқарор ривожланиши учун етарли ахборот базасининг мавжудлиги ва мунтазам янгиланиб туриши.*

[9] Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. –Т.: Фан, 2016. -Б.12.





*4-жадвал*

*Кластерни шакллантириш усуллари*

| | | |
|---|---|---|
| КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАН-ТИРИШ УСУЛЛАРИ | Норматив-ҳуқуқий соҳа | Қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш |
| | | Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш |
| | | Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш |
| | Иқтисодий соҳа | Мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш |
| | | Ресурс билан таъминлаш |
| | Ташкилий-коммуникатив соҳа | Уюшмалар фаолиятини ташкил этиш |
| | | Коммуникатив муҳитни ривожлантириш |
| | | Кадрлар тайёрлаш |
| | | Потенциал иштирокчиларни аниқлаш |
| | | Кластер тузилмасини ишлаб чиқиш |

Бу омиллар ҳар қандай кўринишдаги кластерларнинг самарали ишлаши ва бардавомлигини таъминлаш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Кластерларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда давлатнинг роли жуда муҳим. Бундай шароитда давлат мамлакатда соҳалар ривожига хизмат қилувчи инновацияларни жорий қилиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, чет эллик ҳамкорлар билан фаол манфаатли муносабатга киришиш билан боғлиқ ташқи ва ички сиёсат юритиши соҳаларни кластерлаштириш жараёнларини енгиллаштиради. Бунинг учун ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ равишда шунга мос норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилиши керак. Ушбу жараёнлар кластер сиёсатини белгилайди ва ўзида норматив-ҳуқуқий таъминот, давлатнинг шу соҳани қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ сиёсати, ахборот таъминоти кабиларни бирлаштиради. Кластер сиёсатининг мақсади

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

- *давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;*
- *кластер ичида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш.*

2. Иқтисодий соҳада:

- *ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;*
- *ресурс билан таъминлаш тартибини белгилаш.*

3. Ташкилий-коммуникатив соҳада:

- *уюшмалар фаолиятини ташкил этиш;*
- *коммуникатив муҳитини ривожлантириш;*
- *кадрлар тайёрлаш;*
- *потенциал иштирокчиларни аниқлаш;*
- *кластер тузилмасини ишлаб чиқиш*[9].

Кластернинг шаклланиш омиллари сифатида эса қуйидагиларни айтиш мумкин:

- *интеграция – соҳалараро боғланиш, табиий алоқадорлик, узвийлик ва изчиллик;*
- *ташаббус – соҳанинг самарадорлиги билан боғлиқ ҳар қандай инновацион лойиҳа ва таклифларнинг қўллаб-қувватланиши;*
- *қизиқиш – кластерда ҳар бир субъект ўз манфаатдорлигига эга бўлиши;*
- *инновациялар – замон ва тараққиётга мос ҳолда қадам қўйиш, янги лойиҳа ва ғояларнинг мунтазамлилиги;*
- *ахборотлар – соҳанинг барқарор ривожланиши учун етарли ахборот базасининг мавжудлиги ва мунтазам янгиланиб туриши.*

[9] Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. –Т.: Фан, 2016. -Б.12.





*4-жадвал*

*Кластерни шакллантириш усуллари*

| | | |
|---|---|---|
| КЛАСТЕРНИ ШАКЛЛАН-ТИРИШ УСУЛЛАРИ | Норматив-ҳуқуқий соҳа | Қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш |
| | | Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш |
| | | Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш |
| | Иқтисодий соҳа | Мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш |
| | | Ресурс билан таъминлаш |
| | Ташкилий-коммуникатив соҳа | Уюшмалар фаолиятини ташкил этиш |
| | | Коммуникатив муҳитни ривожлантириш |
| | | Кадрлар тайёрлаш |
| | | Потенциал иштирокчиларни аниқлаш |
| | | Кластер тузилмасини ишлаб чиқиш |

Бу омиллар ҳар қандай кўринишдаги кластерларнинг самарали ишлаши ва бардавомлигини таъминлаш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Кластерларни шакллантириш билан боғлиқ жараёнларда давлатнинг роли жуда муҳим. Бундай шароитда давлат мамлакатда соҳалар ривожига хизмат қилувчи инновацияларни жорий қилиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, чет эллик ҳамкорлар билан фаол манфаатли муносабатга киришиш билан боғлиқ ташқи ва ички сиёсат юритиши соҳаларни кластерлаштириш жараёнларини енгиллаштиради. Бунинг учун ўзаро муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ равишда шунга мос норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилиши керак. Ушбу жараёнлар кластер сиёсатини белгилайди ва ўзида норматив-ҳуқуқий таъминот, давлатнинг шу соҳани қўллаб-қувватлаши билан боғлиқ сиёсати, ахборот таъминоти кабиларни бирлаштиради. Кластер сиёсатининг мақсади

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI

эса самарадорликни ошириш ва рақобатбардошликни кучайтиришдан иборат.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда кластер сиёсати қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Кластерларни самарали ташкилий ривожлантириш учун шароит яратиш, шу жумладан, кластер иштирокчиларини аниқлаш, қўшилган қийматни яратиш занжири доирасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига зиён етказувчи “тор жойлар” ва чекловларга барҳам берилиши ҳамда кластер иштирокчиларининг рақобат жиҳатдан устунликлари ошишини таъминловчи кластерни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

2. Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишлар бўйича ижтимоий-иқтисодий сиёсат тадбирларини мувофиқлаштириш ҳисобидан кластер иштирокчиларининг рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган лойиҳаларнинг самарали қўллаб-қувватланишини таъминлаш:

- тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- инновацион ва технологик сиёсат;
- таълим сиёсати;
- инвестицияларни жалб қилиш сиёсати;
- экспортни ривожлантириш сиёсати;
- транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш;
- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш.

3. Кластер сиёсатини амалга оширишнинг самарали методик, ахборот-маслаҳат ва таълим билан қўллаб-қувватланишини таъминлаш. Ижроия ҳокимият марказий органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлар бирлашмаларининг кластер сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш[10].

Бунинг натижасида кластер субъектларининг иш самарадорлиги, иинновацион фаоллиги, корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги ошади, ҳамкорлар, хусусан, хорижий инвесторлар

[10] Смирнова Ю.В. Кластеры как фактор инновационного развития // Мат-лы науч. конф. «Актуальные вопросы экономики и управления». г.Москва, 2011 г. / Под общ. ред. Г.Д.Ахметовой. –М.: ПРИОР, 2011. -С.42-45.





билан муносабатлар яхшиланади, ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллашади.

М.Портернинг кластер назарияси бугунги кунга келиб ўзининг мазмун-мундарижасини бирмунча ўзгартирмоқда. Чунки дунё бозорида рақобат ва ишлаб чиқариш муносабатлари кун сайин кескинлашмоқда. М.Портер фақатгина жуғрофий омилларни кластерларни шакллантириш билан боғлиқ асосий шарт деб билган бўлса, эндиликда мутахассислар бу борадаги омилларнинг кўплигини қайд қилишмоқда. Кластерларни ҳудудий ёки бошқа омиллар билан чегаралаш глобал миқёсда фаолият олиб бориш ва рақобат муҳитида турғун қолишга тўсқинлик қила бошлади. С.Р.Древинг ўз тадқиқотларида кластерни технологик жиҳатдан ўзаро боғланган турли тармоқлар мустақил корхоналарининг вертикал ва горизонтал, минтақавий ва минтақалараро концентрациялашувига асосланган глобал тармоқ сифатида тавсифлашни тақдим қилмоқда. Демак, кластерни ҳудудий ёки бошқа сабаблар билан доирасини чегаралаш эмас, балки фаолиятни тўлақонли бўлиш даражасигача кенгаювчи, иқтисодий маънода, якуний маҳсулотнинг рақобатбардошлигига эришишигача ва унинг истеъмолчига етиб боришигача бўлган жараён сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кластернинг вертикал концентрациялашувида мақсадга йўналиш қуйидан юқорига қараб кечса, горизонтал концентрациялашувида ёндош йўналишлар билан биргаликда содир бўлади. Кластерлашиш жараёни вертикал ёки горизонтал, минтақавий ёки минтақалараро бўладими, ҳар қандай ҳолатда ҳам **субъектларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши** кластернинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Кластерни шакллантиришда ахборот оқимининг ўрни жуда муҳим. Кластер, моҳият эътибори билан, ахборотлар, билимлар тарқалишининг, умумий мақсад мавзусидаги мулоқотларни йўлга қўйишнинг майдони бўлиб, бу майдонда кечаётган жараёнлар, пировардида, энг оптимал қарорларга келиш учун замин яратади. Оқибатда, ахборот базасининг кучи кластерни ривожлантиришнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кластер моделининг моҳиятида минтақа, мамлакат, ҳудуд, соҳа, тармоқ миқёсидаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, савдо-

сотиқ каби масалаларнинг самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш ғояси ётар экан, бу борадаги унинг устувор жиҳатлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- субъектларнинг ҳамкорлар, хом ашё етказиб берувчилар, малакали ходимлар, зарур ахборотлар, илмий тадқиқот марказлари каби объектлар билан осон ва қулай боғлана олишлари, иш унумдорлигини ошириш имкониятлари ортади;
- таълим субъектлари ва илмий марказлар томонидан ишлаб чиқилган ғоялар, ишланмалар, лойиҳаларни тезлик билан синаб кўриш, синов тавсифларини таҳлил қилиш, энг оптимал синов натижаларини амалиётга татбиқ этишнинг шарт-шароитлари таъминланади;
- илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш, соҳага инновацияларни олиб киришнинг имкониятлари кўпаяди.

Ўзбекистон шароитида кластерлаштириш жараёни янги ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ҳисобланади. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг бир қатор чиқишларида (жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида, қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали тадбирдаги нутқларида) аграр ва енгил саноат соҳаларини кластерлаштириш ғоясини илгари сурди. Бу ғоя мутахассислар томонидан истиқболли инновацион ташаббус сифатида эътироф этилди. Дарҳақиқат, ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун аграр, енгил саноат, илм-фан, таълим каби соҳаларни кластерлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш лозим бўлади. Хом ашё етиштиришдан тортиб ундан тайёр маҳсулот олишгача бўлган жараёнларни кластер занжирида бирлаштириш аграр, енгил саноат, нефть-газ, фармацевтика, илм-фан каби кўпгина соҳаларнинг келажаги сифатида қаралиши лозим. Шунингдек, кластерлаштиришга нисбатан замонавий илм-фан ютуқларини татбиқ қилиш, жараёнларга илмий ёндашиш, тадқиқотлар олиб бориш ва натижаси кафолатланган ишланмалар ишлаб чиқиш, соҳанинг техник таъминотини яхшилаш бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширади.

Муайян соҳани ривожлантириш мақсадида кластер тизимини жорий этиш янги иш ўринлари яратиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, инвестицион жозибадорлигини кучайтириш, маҳаллий бюджет маблағларини ошириш, ваколатларни марказлаштиришдан узоқлаштириш, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши, ахборотлар алмашиш жараёнларининг кучайиши, инновацияларни тарғиб қилиш, хусусий секторнинг ривожланиши билан боғлиқ янги имкониятларни яратади.





Соҳа учун кластерлар инвестицион лойиҳаларда самарали қатнашиш, иқтисодий маънода, янги бозорларга чиқиш, инновацион лойиҳаларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш, соҳанинг инфратузилмасини такомиллаштириш, ходимларнинг билим, малака ва кўникмаларини ошириш, пировардида, соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш омили саналади. Кластерлар нафақат кластер субъекти бўлган корхонанинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади, шу билан бирга, ҳудуднинг тадбиркорлик билан боғлиқ инфратузилмаси ва муҳитини шакллантиришга ҳам кўмаклашади, бу эса фаолият олиб бораётган ёндош корхоналар иқтисодий салоҳиятининг ошишига ўз таъсирини кўрсатади. Юқори рақобатлашув салоҳиятига эга бўлган корхоналар ўз тажрибаси ва иш натижалари билан бошқа корхоналарга ижобий таъсирини ўтказади.

Тадқиқотчилар ҳудудий кластерлар фан ва таълим субъектлари учун ҳам жозибадор бўлиши мумкинлигини таъкидлашади. Бунда фан ва таълим субъектлари илмий тадқиқот ва лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтириш, сифат ва самарадорлигини яхшилаш, илмий тадқиқот ишларининг техник ва технологик таъминотини юксалтириш, илмий ва педагогик кадрлар малакасини ошириш кабилардан манфаатдор бўлади.

Кластер тизимларини ташхислашга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд.

Булар юқоридан қуйига ва қуйидан юқорига ўзаро боғланган алгоритмлар бўлиб, *биринчисида,* муайян тармоқнинг кластерни шакллантириш билан боғлиқ жозибадорлиги ва унда кластерни ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитлар аниқланади; *иккинчисида,* муайян ҳудудда кластерни идентификациялаш амалга оширилади.

М.Портернинг фикрига кўра, кластернинг фаолиятини йўлга қўйиш методикаси учта босқичдан иборат[11]:

1) кластер таркиби аниқланади:

а) унинг негизи – йирик фирма ёки ўхшаш фирмалар гурухи аниқланиб, ушбу фирмалардан вертикал бўйича улар билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйи ва юқори турувчи корхоналар технологик занжирлари тузилади;

б) умумий каналлар орқали ўтувчи ва қўшимча маҳсулот ҳамда хизматларни яратувчи ишлаб чиқаришлар аниқланади;

в) умумий ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш асосида қўшимча горизонтал занжирлар шаклланади. Тажриба шуни кўрсатмоқда-ки, кластер чегараларини аниқлаш энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланиб, ҳамма вақт тадқиқотнинг мақсади ва концептуал ёндашувини акс эттиради;

2) кластер ичида гуруҳлар, айникса, кластер учун махсус кўникмалар, технологиялар, ахборот, капитал ва инфратузилмани таъминловчи ташкилотлар ажратилади;

3) кластер иштирокчиларининг хатти-ҳаракатига таъсир этувчи (қоидалар, меъёрлар, рағбатлантирувчи омилларни шакллантирувчи) ҳукумат ва бошқа қонунчилик тузилмалари аниқланади.

Айрим тадқиқотчилар кластерни ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнлар изчиллигини қуйидагича белгилашади:

1. Тайёргарлик ишлари:

• тармоқларни инновацион ташкилий-лойиҳавий ривожлантириш тадбирларининг долзарблигини аниқлаш учун уларни таҳлил қилиш;

• буюртмачи томонидан (кўпинча бу маъмурият) тармоқ кластерини инновацион ташкилий-лойиҳавий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун техник топшириқнинг тузилиши;

• тармоқда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари билан танишиш.

2. Тармоқ кластерини таҳлил қилиш:

• ажратилган кластер ҳақиқатан ҳам тармоқ кластерининг барча талабларига жавоб бериши далилларини олиш;

[11] Портер М. Конкуренция. –СПб.–М.–Киев: «Вильямс», 2001. –С.208.





• кластерлаштиришни ўтказиш (кластерда кичик кластерларни ажратиш) ва унинг натижалари бўйича тармоқ кластерининг хариталарини тузиш.

3. Тармоқ кластерини таҳлил қилиш натижаларига ишлов бериш:

• кластер ва кичик кластерлар топ-менежменти мақсадлари, вазифа ва функцияларини аниқлаш;

• кластер ва кичик кластерларнинг муайян инновацион инфратузилмавий унсурларини ишлаб чиқиш ҳамда асослаш[12].

Кластерни лойиҳалаштириш ва ташкил қилишнинг тайёргарлик босқичида унинг таркибига кирувчи субъектлар фаолиятидаги кучли ва кучсиз томонлар аниқланади, улар ўртасида табиий алоқадорликнинг мавжудлиги тасдиқланади ва тармоқ, соҳа ёки минтақани ривожлантириш имконияти баҳоланади. Бу жуда муҳим босқич бўлиб, шу ўринда ташхис ишларининг тўғри амалга оширилиши кластернинг истиқболини белгилайди.

Таҳлил босқичларида кластер таркибига кирувчи корхоналар ўртасидаги алоқанинг қайси белгиларга мос келиши ва унинг даражаси билан боғлиқ хусусиятлар таҳлил қилинади, хулосага келинади, натижалар ҳақида дастлабки башоратлар шакллантирилади.

Кластер ёндашуви истиқболли ва самарадор модел эканлиги кейинги пайтларда илмий жамоатчилик томонидан тобора кўпроқ эътироф этилмокда. Бу борадаги ишларни сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтариш таркибий ўзгартиришларни талаб қилади. Шунингдек, давлат бошқаруви, олий таълим муассасалари, илмий марказлар, илмий тадқиқот институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни талаб қилади. Самарадорлик нуқтаи назаридан қаралганда, кластерлар зарурий воситалар ва таҳлилий методологияни тақдим этади.

Сўнгги вақтларда дунёнинг йирик корхоналари ўз инвестициясини кластер сиёсати тўғри ташкил қилинган

[12] Арутюнов Ю.А. Формирование региональной инновационной системы на основе кластерной модели экономики региона // Корпоративное управление и инновационное развитие экономики Севера. Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета //Режим доступа: http://koet.syktsu.ru/ vestnik/index.htm.

М.Портернинг фикрига кўра, кластернинг фаолиятини йўлга қўйиш методикаси учта босқичдан иборат[11]:

1) кластер таркиби аниқланади:

а) унинг негизи – йирик фирма ёки ўхшаш фирмалар гуруҳи аниқланиб, ушбу фирмалардан вертикал бўйича улар билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйи ва юқори турувчи корхоналар технологик занжирлари тузилади;

б) умумий каналлар орқали ўтувчи ва қўшимча маҳсулот ҳамда хизматларни яратувчи ишлаб чиқаришлар аниқланади;

в) умумий ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш асосида қўшимча горизонтал занжирлар шаклланади. Тажриба шуни кўрсатмоқда-ки, кластер чегараларини аниқлаш энг мураккаб вазифалардан бири ҳисобланиб, ҳамма вақт тадқиқотнинг мақсади ва концептуал ёндашувини акс эттиради;

2) кластер ичида гуруҳлар, айниқса, кластер учун махсус кўникмалар, технологиялар, ахборот, капитал ва инфратузилмани таъминловчи ташкилотлар ажратилади;

3) кластер иштирокчиларининг хатти-ҳаракатига таъсир этувчи (қоидалар, меъёрлар, рағбатлантирувчи омилларни шакллантирувчи) ҳукумат ва бошқа қонунчилик тузилмалари аниқланади.

Айрим тадқиқотчилар кластерни ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнлар изчиллигини қуйидагича белгилашади:

1. Тайёргарлик ишлари:

• тармоқларни инновацион ташкилий-лойиҳавий ривожлантириш тадбирларининг долзарблигини аниқлаш учун уларни таҳлил қилиш;

• буюртмачи томонидан (кўпинча бу маъмурият) тармоқ кластерини инновацион ташкилий-лойиҳавий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш учун техник топшириқнинг тузилиши;

• тармоқда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари билан танишиш.

2. Тармоқ кластерини таҳлил қилиш:

• ажратилган кластер ҳақиқатан ҳам тармоқ кластерининг барча талабларига жавоб бериши далилларини олиш;

[11] Портер М. Конкуренция. –СПб.–М.–Киев: «Вильямс», 2001. –С.208.





• кластерлаштиришни ўтказиш (кластерда кичик кластерларни ажратиш) ва унинг натижалари бўйича тармоқ кластерининг хариталарини тузиш.

3. Тармоқ кластерини таҳлил қилиш натижаларига ишлов бериш:

• кластер ва кичик кластерлар топ-менежменти мақсадлари, вазифа ва функцияларини аниқлаш;

• кластер ва кичик кластерларнинг муайян инновацион инфратузилмавий унсурларини ишлаб чиқиш ҳамда асослаш[12].

Кластерни лойиҳалаштириш ва ташкил қилишнинг тайёргарлик босқичида унинг таркибига кирувчи субъектлар фаолиятидаги кучли ва кучсиз томонлар аниқланади, улар ўртасида табиий алоқадорликнинг мавжудлиги тасдиқланади ва тармоқ, соҳа ёки минтақани ривожлантириш имконияти баҳоланади. Бу жуда муҳим босқич бўлиб, шу ўринда ташхис ишларининг тўғри амалга оширилиши кластернинг истиқболини белгилайди.

Таҳлил босқичларида кластер таркибига кирувчи корхоналар ўртасидаги алоқанинг қайси белгиларга мос келиши ва унинг даражаси билан боғлиқ хусусиятлар таҳлил қилинади, хулосага келинади, натижалар ҳақида дастлабки башоратлар шакллантирилади.

Кластер ёндашуви истиқболли ва самарадор модел эканлиги кейинги пайтларда илмий жамоатчилик томонидан тобора кўпроқ эътироф этилмоқда. Бу борадаги ишларни сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга кўтариш таркибий ўзгартиришларни талаб қилади. Шунингдек, давлат бошқаруви, олий таълим муассасалари, илмий марказлар, илмий тадқиқот институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни талаб қилади. Самарадорлик нуқтаи назаридан қаралганда, кластерлар зарурий воситалар ва таҳлилий методологияни тақдим этади.

Сўнгги вақтларда дунёнинг йирик корхоналари ўз инвестициясини кластер сиёсати тўғри ташкил қилинган

[12] Арутюнов Ю.А. Формирование региональной инновационной системы на основе кластерной модели экономики региона // Корпоративное управление и инновационное развитие экономики Севера. Вестник Научно-исследовательского центра корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского государственного университета //Режим доступа: http://koet.syktsu.ru/ vestnik/index.htm.

мамлакатларга йўналтиришга қизиқиш билдирмоқда. Бу кластернинг тажрибада тан олинган модел эканлигини кўрсатади. Умуман, кластер ёндашуви ҳозирги кундаги замонавий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, саноат ва таълим сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бирига айланиб бормоқда.

## 1.2. Таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хориж тажрибаси

Таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликнинг ошиши соҳага замонавий инновацион ёндашувларнинг жорий этилишини кучайтирди. Инновацияларни ривожлантириш, минтақавий ва миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ташкилий шакли бу кластерлардир. Халқаро амалиётда кластер ташаббусларининг тарқалиши ва кластер ривожланиши соҳасидаги миллий сиёсатларнинг шаклланиши 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб 2010 йилларнинг бошларида кенг тарқалди. Бу борада Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция каби мамлакатлар саноати кластерлар билан тўлиқ ёки қисман қопланган бўлса, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Беларуссия, Қозоғистон каби мамлакатларда саноатни кластерлаштириш жараёни фаол давом эттирилмоқда, ихтисослаштирилган ахборот-таҳлил инфратузилмалари яратилмоқда. Европа кластер ҳамкорлик платформасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда Европа Иттифоқида 460 та кластерлар мавжуд бўлган.

"Таълим кластери" ва "педагогик таълим кластери" тушунчаларининг (терминларининг) 2019 йил 20 январь ҳолатига кўра инглиз, рус ва ўзбек тилларида Internet тармоғи google қидирув тизимидаги ишлатилиш частотаси қуйидагича: "таълим кластери" – инглиз тилида 138 000 000, рус тилида 859 000, ўзбек тилида 26 100; "педагогик таълим кластери" – инглиз тилида 4 020 000, рус тилида 3 150 000, ўзбек тилида 11 700. Мавзуга мурожаат ўзбек тилидан кўра инглиз тилида ўртача 3757 марта, рус тилида ўртача 106 марта кўпроқни ташкил қилади. Ушбу маълумот қўйилган муаммонинг АҚШ ва Европада анча кенг ўрганилаётгани ҳақида муайян тасаввурни беради, деб ўйлаймиз.

Ўрганилган манбаларнинг кўрсатишича, таълим кластери муаммоси кейинги ўн йил давомида Ғарб, жумладан, Россия таълим тизимида тадқиқот предмети бўлиб келган. Инглиз тилидаги





манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, таълим кластерлари амалиётда кенг қўлланилмоқда, аммо муаммо бўйича назарий тадқиқотлар етарли даражада эмас. Рус тилидаги адабиётлар таҳлили эса шуни кўрсатадики, Россияда назарий тадқиқотчилар гуруҳи шаклланган ва илмий тадқиқотлар олиб борилган, аммо, уларни нашр қилиш суръати бир оз паст кўрсаткични ташкил қилади. Мавжуд ўқув кластерларининг моделлари Европа амалиётида етарли даражада мавжуд. Кластер сиёсати Россия амалиётида асосан уларни шакллантириш ва ривожлантириш тамойилига асосланади[13].

Рус тилида мавжуд манбаларда таълим кластерларининг қуйидаги таърифларини учратиш мумкин (5-жадвал).

1. **Инновацион таълим кластери** – ОТМ, илмий тадқиқот марказлари, саноат вакилларининг маълум имтиёзларга эга бўлиш мақсадида бошланғич ишлардан инновацион тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирида ўзаро ҳамкорликнинг таъминланиши[14].

*5-жадвал*

*Рус тилида мавжуд манбаларда таълим кластерларининг таърифи*




[13] Распоряжение Правительства Российской Федерации от 8 декабря 2011 г. № 2227-р «О Стратегии инновационного развития РФ на период до 2020 года».

[14] Терешин Е.М., Володин В.М. Современная дефиниция понятия «кластер» и подходы к формализации этого явления // Экономические науки. 2010. № 2 (63).

мамлакатларга йўналтиришга қизиқиш билдирмоқда. Бу кластернинг тажрибада тан олинган модел эканлигини кўрсатади. Умуман кластер ёндашуви ҳозирги кундаги замонавий иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ишлаб чиқариш, саноат ва таълим сиёсатини шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бирига айланиб бормоқда.

## 1.2. Таълим кластерларини ташкил қилиш бўйича хорижий тажрибаси

Таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликнинг ошиши соҳага замонавий инновацион ёндашувларнинг жорий этилишини кучайтирди. Инновацияларни ривожлантириш, минтақавий ва миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали ташкилий шакли бу кластерлардир. Халқаро амалиётда кластер ташаббусларининг тарқалиши ва кластер ривожланиши соҳасидаги миллий сиёсатларнинг шаклланиши 2000 йилларнинг ўрталаридан бошлаб 2010 йилларнинг бошларида кенг тарқалди. Бу борада Дания, Норвегия, Финляндия, Швеция каби мамлакатлар саноати кластерлар билан тўлиқ ёки қисман қопланган бўлса, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Беларуссия, Қозоғистон каби мамлакатларда саноатни кластерлаштириш жараёни фаол давом эттирилмоқда, ихтисослаштирилган ахборот-таҳлил инфратузилмалари яратилмоқда. Европа кластер ҳамкорлик платформасининг маълумотларига кўра, 2017 йилда Европа Иттифоқида 460 та кластерлар мавжуд бўлган.

"Таълим кластери" ва "педагогик таълим кластери" тушунчаларининг (терминларининг) 2019 йил 20 январь ҳолатига кўра инглиз, рус ва ўзбек тилларида Internet тармоғи google қидирув тизимидаги ишлатилиш частотаси қуйидагича: "таълим кластери" – инглиз тилида 138 000 000, рус тилида 859 000, ўзбек тилида 26 100; "педагогик таълим кластери" – инглиз тилида 4 020 000, рус тилида 3 150 000, ўзбек тилида 11 700. Мавзуга мурожаат ўзбек тилидан кўра инглиз тилида ўртача 3757 марта, рус тилида ўртача 106 марта кўпроқни ташкил қилади. Ушбу маълумот қўйилган муаммонинг АҚШ ва Европада анча кенг ўрганилаётгани ҳақида муайян тасаввурни беради, деб ўйлаймиз.

Ўрганилган манбаларнинг кўрсатишича, таълим кластери муаммоси кейинги ўн йил давомида Ғарб, жумладан, Россия таълим тизимида тадқиқот предмети бўлиб келган. Инглиз тилидаги





манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, таълим кластерлари амалиётда кенг қўлланилмоқда, аммо муаммо бўйича назарий тадқиқотлар етарли даражада эмас. Рус тилидаги адабиётлар таҳлили эса шуни кўрсатадики, Россияда назарий тадқиқотчилар гуруҳи шаклланган ва илмий тадқиқотлар олиб борилган, аммо, уларни нашр қилиш суръати бир оз паст кўрсаткични ташкил қилади. Мавжуд ўқув кластерларининг моделлари Европа амалиётида етарли даражада мавжуд. Кластер сиёсати Россия амалиётида асосан уларни шакллантириш ва ривожлантириш тамойилига асосланади[13].

Рус тилида мавжуд манбаларда таълим кластерларининг қуйидаги таърифларини учратиш мумкин (5-жадвал).

1. **Инновацион таълим кластери** – ОТМ, илмий тадқиқот марказлари, саноат вакилларининг маълум имтиёзларга эга бўлиш мақсадида бошланғич ишлардан инновацион тайёр маҳсулотгача бўлган ишлаб чиқариш занжирида ўзаро ҳамкорликнинг таъминланиши[14].

*5-жадвал*

*Рус тилида мавжуд манбаларда таълим кластерларининг таърифи*




[13] Распоряжение Правительства Российской Федерации от 8 декабря 2011 г. № 2227-р «О Стратегии инновационного развития РФ на период до 2020 года».

[14] Терешин Е.М., Володин В.М. Современная дефиниция понятия «кластер» и подходы к формализации этого явления // Экономические науки. 2010. № 2 (63).

2. **Таълим кластери** – занжир ичидаги горизонтал уланишларга асосланган таълим – технология – ишлаб чиқариш инновацион занжиридаги ўқитиш, ўзаро таълим ва мустақил ўқитиш воситалари тизими[15].

3. **Илмий-таълимий кластер** – узлуксиз таълимнинг мактабдан ишлаб чиқаришгача бўлган ягона тизими[16].

4. **Таълим кластери** – иш берувчилар ва ўқув юртларининг ўзаро ўтувчи дастурлар мажмуаси ёрдамидаги алоқаси[17].

Интеграция шаклларини кенгайтириш узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан биридир. Беларусь Республикасида узлуксиз педагогик таълимнинг замонавий тизими ривожланиш тамойилида ишлаши очиқлик, босқичлилик, кўп тармоқлилик ва кўп функциялилик каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Шу билан бирга, таълим амалиётини таҳлил қилиш натижасида аниқланган қуйидаги муаммолар Беларусь Республикаси таълим тизимида кластер ёндашувини амалиётга татбиқ этилишига асос бўлди:

- ✓ таълим муассасаларининг мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш стратегияси ҳамда тактикасини аниқлашда ажралиб туриши;
- ✓ узлуксиз педагогик таълим сифатини ошириш учун таълим муассасаларининг илмий-услубий интеграциясининг етишмаслиги;
- ✓ мактабгача, махсус, умумий ўрта таълим муассасаларида, болалар ва ёшларнинг қўшимча таълим муассасаларида мутахассисларни жадал шахсий-касбий ривожлантириш муҳитини яратиш учун кафедралар филиаллари, тажриба-инновацион майдончалар салоҳиятининг инобатга олинмаганлиги.

Ушбу камчиликларнинг республикамиз таълим тизимига ҳам хос эканлиги бугунги кунда Чирчиқ давлат педагогика институтининг педагогик таълимни кластерлаштириш борасида олиб бораётган илмий ва амалий фаолиятини оқлайди. Таълим

[15] Растворцева С.Н., Череповская Н.А. Идентификация и оценка региональных кластеров // Экономика региона. 2013. № 4. С.123-133.
[16] Нормативные документы по дуальной системе обучения от 24.04.2013. URL: www.ksturu/article
[17] Анисцына Н.Н. Инновационный научно-образовательный кластер как способ организации инновационной деятельности в вузе // Креативная экономика. 2010 № 4 (40). С. 91-97.





турлари ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш, педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш, ҳудуднинг замонавий педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш каби таълимий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда педагогик таълим инновацион кластери янги инновацион модел сифатида ўзининг ижобий самарасини беради.

Беларусь Республикасида педагогик таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ушбу жараёнда бевосита иштирок этаётган барча субъектларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлашда кластер модели самарали механизм сифатида эътироф этилди. 2015-2020 йилларда педагогик таълимни ривожлантириш концепциясида “Педагог кадрларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг тизимли таркибий элементлари сифатида кластерлардан фойдаланиш” назарда тутилган[18]. Педагогик таълим кластери битимлар асосида ўзаро ҳамкорлик қиладиган ва таълим соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг илмий, ўқув ва инновацион мақсадларини амалга оширишда иштирок этадиган жуғрофий жиҳатдан маҳаллийлаштирилган муассасалар ва ташкилотлар тўпламидир.

Педагогик таълимнинг кластер ривожланиши касбий таълим, қайта тайёрлаш ва таълим мутахассислари малакасини ошириш тизимини ривожлантиришнинг тизимли элементлари сифатида кластердан фойдаланишни назарда тутадиган концептуал ёндашувдир.

Муаммо бўйича хорижий тажрибани тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кластер ёндашуви асосида таълимни ривожлантириш 1990 йилларда М.Портер томонидан ишлаб чиқилган кластер назарияси ва ривожланишининг амалий натижаси сифатида Европада бошланган. Охирги 20-30 йилда Европада ҳам, АҚШда ҳам университетларнинг ташкилий бирлашуви кузатилмоқда. Бу бирлашув натижасида маъмурий харажатларни қисқартириш ва халқаро рейтингларда миллий таълим тизимининг кўрсаткичларини яхшилашни таъминлайдиган янги субъектлар шакллантирилмоқда. Бу йўналишда Финляндия олий таълим муассасалари изчил

[18] Концепция развития педагогического образования на 2015–2020 годы: утв. Приказом Министерства образования Респ. Беларусь, 25 фев. 2015 г., № 156. [Электронный ресурс].- Режим доступа: http://bspu.by/admin-panel/vendor/kcfinder/upload/files/klaster/The concept of teacher education.pdf. –с.10.

ривожланмоқда. Данияда эса 25 та олий ўқув юртлари негизида 8 та университет, 3 та тадқиқот марказлари очилди. Францияда 3 та олий ўқув юртининг бирлашиши натижасида мамлакатдаги энг йирик Страсбург университети ташкил топди. Шунингдек, Беларусь Республикасида давлат таълим муассасалари, илмий тадқиқот лабораториялари, бизнес компаниялари, экотуризмни такомиллаштиришга қаратилган таълим муассасаларини ўз ичига олган кластерлар фаол ривожланмоқда. Шунингдек, Францияда экотизимларни яхшилаш бўйича 71 та фаол гуруҳ мавжуд бўлиб, улар ўзига хос кластерни вужудга келтирган. Бундай кластерларга компаниялар, давлат таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот лабораториялари киради. Улар ўзларини халқаро миқёсда энг илғор ва асосий технология соҳаларида жойлаштирадилар ва уларнинг аъзолиги хорижий фирмалар учун очиқдир[19].

Германияда 2006 йилда иқтисодиётнинг реал сектори, ишлаб чиқариш ва бизнес билан ҳамкорликни янада яхшилаш мақсадида TU9 техник университетлар уюшмаси ташкил қилинди. 2012 йилда таълим хизматлари бозорида яхши обрўга эга бўлган 15 та университет U15 деб номланган иттифоқни ташкил қилди. Шунингдек, 1994 йилда бошланган интеграция жараёнлари Норвегияда ҳам давом этмоқда. Бу мамлакатларда интеграциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, бирлашишга қарор қилинган университетлар бир неча йил ичида аввалги ҳуқуқий форматига қайтишлари мумкин[20]. Буюк Британияда таълим кластерлари кўпроқ соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайди. АҚШ кластерлари ва минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришда университетлар муҳим ўрин эгаллайди. М.Портерга етакчи бўлган Массачусетс ва Гарвард университетлари мисолида Массачусетс таълим кластерини таҳлил қилиш бошқа штатлар (биринчи навбатда Калифорния) ва бошқа мамлакатлар билан таққослаш натижасида таълим соҳасида кластерларнинг ролини батафсилроқ ёритиш имконини берди[21].

[19] Innovation clusters in France: Innovation Comes First. URL: http://www.invest-infrance.org/us/why-choose-france/research-and-partnerships-innovation-clusters.htm)

[20] Галичин В.А. Международный рынок образовательных услуг: основные характеристики и тенденции развития / В. А. Галичин // Век глобализации. -2013. – № 2. -С.109.

[21] Соколова Е.И. Термин «Образовательный кластер» в понятийном поле современной педагогики / Е.И.Соколова // Непрерывное образование: XXI век. – 2014. – № 2 (6). – С.155.





Швед таълим кластери ҳисобланган Уппсала университети ва АҚШнинг Шимолий Королина штатидаги “Research Triangle” кластерлари инновацион таълим кластерларига намуна бўлиб хизмат қилади. Ушбу гуруҳлар бир хил ҳудудларнинг инновацион компанияларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, таълим фаолиятида устунлик барча мамлакатларда ҳам университетлар зиммасида қолмоқда[22]. Хитой Халқ Республикасида 1300 дан ортиқ саноат ва инновацион кластерлар ташкил этилган. Мазкур тизимда 560 мингдан ортиқ илмий ва муҳандислик ходимлари (жумладан, 52 мингдан ортиқ магистр, 9 мингдан ортиқ фалсафа докторлари), шунингдек, коллеж битирувчиларининг учдан бир қисми (1,33 млн.) фаолият олиб боришади[23].

Университетларнинг бирлаштириш орқали уларнинг кучини ошириш истиқболли йўналиш·ҳисобланади. Бугунги кунга қадар у ихтиёрий характерга эга бўлиб, асосан университетлар фаолиятининг турли соҳаларида ўқитувчилар ва олимлар ўртасида тажриба алмашиш, ўқитувчилар ва талабалар жамоасининг илмий форумларда иштирок этиши, биргаликда нашр этиш фаолияти каби кўринишларда бўлган. Умуман, меҳнат бозоридаги бугунги рақобат ҳолати олий таълим соҳасида қайта ташкил этиш фаолиятини талаб қилади. Бундай фаолиятнинг устувор йўналиши сифатида университетлар бирлашмаларини ташкил қилишни тушуниш мумкин.

Университетлар уюшмаси инсон ресурслари концентрацияси, молиявий ва бошқа ресурслар, тадқиқот ишларини зудлик билан амалиётга сафарбар қилиш имконияти, узлуксиз таълим тизимини оптималлаштириш, тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказлари яратишга нисбатан кластер ва инновацион ёндашувлар каби жиҳатлари билан афзалликларга эга.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, Россия Федерациясида таълимни ривожлантиришга кластер

[22] Пути кластеризации экономики с целью повышения конкурентоспособности Запорожской области / Соколенко С.И. [и др.]. // Международная Фундация содействия рынку; Союз экономистов Украины; Торгово-промышленная палата Украины; ОАО «Укримпэкс» [Электронный ресурс]. – Киев. – 2010. – Режим доступа: http://litcey.ru/ekonomika/9155/index.html?page=8.

[23] Сенюк Н.Ю. Возможности и механизмы инновационно-инвестиционного сотрудничества России и КНР в эпоху глобализации / Н.Ю.Сенюк // Качество. Инновации. Образование. – 2007. – № 4 (23). – С. 37-47.

ёндашуви индивидуал субъектлар, умуман, кластер иштирок ларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимо ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган кластер субъектларини ўзини ва ўзаро ривожлантиришга асосланган (Т.И.Шамо Е.И.Павлова, И.П.Маркина). Тадқиқотчилар Н.А.Шарай, Л.Н.Ни лаева, Т.В.Вдовиналарнинг фикрига кўра, таълим кластери таъли ресурсларини ташкил этишнинг интеграл тизими сифати қаралади. Таълим кластерлари моделининг ягона типоло хусусиятлари М.Ю.Барышников, И.И.Чиннова, А.В.Симонов томонидан таклиф қилинди.

Россия амалиётида кластер масаласи кейинги 10 йилд кўпроқ вақт мобайнида тадқиқ қилинади. Бугунги кунда Росс Федерациясида иқтисодиётнинг ўрмончилик соҳасида, Ахборот коммуникациялар, транспорт ва йўл хўжалиги вазирлиги, тибби ва фармацевтика соҳаси, биотехнология, педагогика, автомобилсо лик, аэрокосмик технологиялар каби соҳалар учун кадрла тайёрлашда таълим кластерларидан фойдаланилмоқда[24].

Инновацион таълим кластерининг ядроси тадқиқот, таълим в тижорат ҳамкорлари ўртасидаги ўзаро алоқани ташкил қилишда иборат. Айни пайтда, таълим кластери фаол инфратузилмалар кириш, таълимда мавжуд воқелик ва ўзгарувчи имкониятларни мавжудлиги каби инновацион хусусиятлари билан ажралиб туради.

Россияда бундан ўн йиллар олдин инновацион кластерларни яратиш муаммоси тикланиш босқичида бўлган. Босқичма-босқич б масала ривожланиб келмоқда. Шунинг учун бу йўналишдаги мавжуд тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

“Claster Initiative GreenBook” монографиясининг муаллифи томонидан ўтказилган дунёнинг турли мамлакатларидаги икки юздан ортиқ кластерларни ўрганиш шуни кўрсатдики, инновацион фаолият ва технологияларни тарқатиш кластерлар фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади[25]. Кластерларнинг

---

[24] Лесной образовательный кластер Республики Коми: краткая информационная справка [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://bda-expert.com/2012/09/lesnoj-obrazovatelnyj-klaster-respubliki-komi. Смирнов А.В. Образовательные кластеры и инновационное обучение в вузе : монография / А.В.Смирнов. – Казань : Школа, 2010. – 102 с.

[25] Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative GreenBook, 2003. Электронный ресурс: http://www.cluster-research.org.





ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Айрим мамлакатларда кластерларнинг замонавий моделлари С.В.Голованова бошчилигидаги “Иқтисодиёт олий мактаби” илмий тадқиқот университетининг рус муаллифлик жамоаси томонидан таҳлил қилинди[26]. Дунёнинг турли мамлакатларида кластерларни ташкил этишнинг институционал хусусиятлари бўйича бешта модел ажратилди: Италия, Япония, Финляндия, Шимолий Америка ва Ҳинд-Хитой. Ҳар бир модел кластернинг олтита асосий хусусиятининг аниқ комбинациясини ифодалайди: бозор муносабатлари ва рақобат даражаси; етакчи фирмаларнинг мавжудлиги; кичик бизнесни ривожлантириш; инновациялар; халқаролаштириш; тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мавжудлиги.

Кўпгина мамлакатларда кластерлар инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида ташкил этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кластерларни ривожлантиришни фаоллаштиришнинг асосий воситаси комплекс кластер дастурлари ҳисобланади. Бундай дастурлар инфраструктура (асосан саноат сиёсатини амалга оширишга хос бўлган) ва инновацион йўналтирилган лойиҳаларни ўз ичига олади. Россия, Украина, Беларусь Республикаси ва бошқа мамлакатларда аллақачон бундай дастурлар йўлга қўйилган[27]. Ҳукуматлар инновацион ривожланиш кластерлари деб номланадиган устувор йўналишларни (масалан, Москва вилоятидаги “Skolkovo” инновацион маркази) аниқлайдилар, тадқиқотлар ва ишланмалар учун молиявий маблағлар ажратадилар (Россия версияси) ёки уларга сармоя киритадилар ва тадқиқотчилар уларнинг ечимларини ҳал қилиб берадилар[28].

Беларусь Республикасида ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кластерларни шакллантиришга услубий ёндашувлар саноат мутахассислигига асосланади. Одатда, кластерлар собиқ

---

[26] Elektronnyj resurs: http://www.promcluster.ru/index.php/publications-cls.html.

[27] Batkilina U.M., Gudkova A.A., Koltsov A.V. Sovershenstvovanie mechanizmov i instrumentov innovatsionnoj dejatelnosti v regionach Rosijskoj Federatsii // Informatsionno-analiticheskij biuleten. – M. TSISN: 2011. - №6.

[28] Atseulova N.A., Dushina S.A., Lomovitskaja M.V. Set, kak forma organizatsii akademicheskogo soobschestva: rossijskij kontekst // Nauka i naukovedenie. – 2013, №1. – S. 74-83.

ёндашуви индивидуал субъектлар, умуман, кластер иштирокчиларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган кластер субъектларининг ўзини ва ўзаро ривожлантиришга асосланган (Т.И.Шамова, Е.И.Павлова, И.П.Маркина). Тадқиқотчилар Н.А.Шарай, Л.Н.Ниязлаева, Т.В.Вдовиналарнинг фикрига кўра, таълим кластери таълим ресурсларини ташкил этишнинг интеграл тизими сифатида қаралади. Таълим кластерлари моделининг ягона типологик хусусиятлари М.Ю.Барышников, И.И.Чиннова, А.В.Симоновлар томонидан таклиф қилинди.

Россия амалиётида кластер масаласи кейинги 10 йилдан кўпроқ вақт мобайнида тадқиқ қилинади. Бугунги кунда Россия Федерациясида иқтисодиётнинг ўрмончилик соҳасида, Ахборот ва коммуникациялар, транспорт ва йўл хўжалиги вазирлиги, тиббиёт ва фармацевтика соҳаси, биотехнология, педагогика, автомобилсозлик, аэрокосмик технологиялар каби соҳалар учун кадрлар тайёрлашда таълим кластерларидан фойдаланилмоқда[24].

Инновацион таълим кластерининг ядроси тадқиқот, таълим ва тижорат ҳамкорлари ўртасидаги ўзаро алоқани ташкил қилишдан иборат. Айни пайтда, таълим кластери фаол инфратузилмаларни кириш, таълимда мавжуд воқелик ва ўзгарувчи имкониятларнинг мавжудлиги каби инновацион хусусиятлари билан ажралиб туради.

Россияда бундан ўн йиллар олдин инновацион кластерларни яратиш муаммоси тикланиш босқичида бўлган. Босқичма-босқич бу масала ривожланиб келмоқда. Шунинг учун бу йўналишдаги мавжуд тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

“Claster Initiative GreenBook” монографиясининг муаллифлари томонидан ўтказилган дунёнинг турли мамлакатларидаги иккиюздан ортиқ кластерларни ўрганиш шуни кўрсатдики, инновацион фаолият ва технологияларни тарқатиш кластерлар фаолиятининг энг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади[25]. Кластерларнинг

[24] Лесной образовательный кластер Республики Коми: краткая информационная справка [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://bda-expert.com/2012/09/lesnoj-obrazovatelnyj-klaster-respubliki-komi. Смирнов А.В. Образовательные кластеры и инновационное обучение в вузе : монография / А.В.Смирнов. – Казань : Школа, 2010. – 102 с.

[25] Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative GreenBook, 2003. Электронный ресурс: http://www.cluster-research.org.





ривожланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Айрим мамлакатларда кластерларнинг замонавий моделлари С.В.Голованова бошчилигидаги “Иқтисодиёт олий мактаби” илмий тадқиқот университетининг рус муаллифлик жамоаси томонидан таҳлил қилинди[26]. Дунёнинг турли мамлакатларида кластерларни ташкил этишнинг институционал хусусиятлари бўйича бешта модел ажратилди: Италия, Япония, Финляндия, Шимолий Америка ва Ҳинд-Хитой. Ҳар бир модел кластернинг олтита асосий хусусиятининг аниқ комбинациясини ифодалайди: бозор муносабатлари ва рақобат даражаси; етакчи фирмаларнинг мавжудлиги; кичик бизнесни ривожлантириш; инновациялар; халқаролаштириш; тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мавжудлиги.

Кўпгина мамлакатларда кластерлар инновацион фаолиятни фаоллаштириш ва рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида ташкил этилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда кластерларни ривожлантиришни фаоллаштиришнинг асосий воситаси комплекс кластер дастурлари ҳисобланади. Бундай дастурлар инфраструктура (асосан саноат сиёсатини амалга оширишга хос бўлган) ва инновацион йўналтирилган лойиҳаларни ўз ичига олади. Россия, Украина, Беларусь Республикаси ва бошқа мамлакатларда аллақачон бундай дастурлар йўлга қўйилган[27]. Ҳукуматлар инновацион ривожланиш кластерлари деб номланадиган устувор йўналишларни (масалан, Москва вилоятидаги “Skolkovo” инновацион маркази) аниқлайдилар, тадқиқотлар ва ишланмалар учун молиявий маблағлар ажратадилар (Россия версияси) ёки уларга сармоя киритадилар ва тадқиқотчилар уларнинг ечимларини ҳал қилиб берадилар[28].

Беларусь Республикасида ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, кластерларни шакллантиришга услубий ёндашувлар саноат мутахассислигига асосланади. Одатда, кластерлар собиқ

[26] Elektronnyj resurs: http://www.promcluster.ru/index.php/publications-cls.html.

[27] Batkilina U.M., Gudkova A.A., Koltsov A.V. Sovershenstvovanie mechanizmov i instrumentov innovatsionnoj dejatelnosti v regionach Rosijskoj Federatsii // Informatsionno-analiticheskij biuleten. – M. TSISN: 2011. - №6.

[28] Atseulova N.A., Dushina S.A., Lomovitskaja M.V. Set, kak forma organizatsii akademicheskogo soobschestva: rossijskij kontekst // Nauka i naukovedenie. – 2013, №1. – S. 74-83.

иттифоқ даврида шаклланган саноат конгломератлари (масалан, Гомелдаги агромашинасозлик, Могилевдаги кимё ва тўқимачилик саноати кабилар) асосида яратилиши керак. Кичик ва ўрта бизнес сўнгги йилларда миллий иқтисодиётнинг ушбу секторига эътибор қаратганига қарамасдан, ўзини кластерларда заифлаштиради. Европа мамлакатлари иқтисодиётида эса инновациялар ва технологик ютуқларни ишлаб чиқаришнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тўғри келади.

Европа мамлакатларида оммавий равишда кластерлаштириш жараёни қуйидаги ҳодисалар билан алоқадор:

- 2000 йилда Лиссабон саммити бўлиб, у Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан кластер дастурларини мажбурий равишда шакллантиришни маъқуллади. Худди шу саммитда “Европа тадқиқот зонаси” (European Research Area, ERA) яратилди ва “Минтақавий инновацион тизимларни ривожлантириш дастури” (RIC) қабул қилинди;
- 2007 йилда Брюссель саммити бўлиб ўтди, унда “Европанинг кластер Манифести” тасдиқланди;
- 2008 йилда Стокгольм саммитида “Европа кластер меморандуми” деб эълон қилинган Европанинг рақобатбардошлигини ошириш учун ўзига хос ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Экспертлар ривожланган мамлакатларда кластер сиёсати амалга ошириладиган иккита – либерал ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган моделларни ажратишади. Биринчи модел либерал иқтисодий сиёсат олиб борувчи (Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Канада, Австралия), иккинчи модел ҳукуматлари давлат томонидан тартибга солиш усулларидан фаол фойдаланадиган (Франция, Швеция, Финляндия, Словения, Корея, Япония) мамлакатлар учун хос.

Кластер сиёсатини амалга оширишнинг ушбу моделлари ўртасидаги биринчи фарқ кластерларни ривожлантиришда устуворликларни танлашга ёндашишдир. Давлат томонидан тартибга солиш тарафдорлари тармоқ ва минтақавий устуворликларга мос келадиган кластерларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Масалан, Корея ҳукумати аниқ ихтисослашуви билан бешта ҳудудий кластерни ажратади. Табиий ресурсларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ соҳаларни истисно қилган Қозоғистон





ҳукумати томонидан ҳам аниқ гуруҳлар аниқланган. Кластер сиёсатининг либерал ёндашуви дастлаб бозор томонидан ташкил этилган кластерларни қўллаб-қувватлашга асосланган. Шу билан бирга, давлат устуворликларини белгилашни назарда тутмайдиган юмшоқ тартибга солиш функциясини бажаради.

Иккинчи фарқ кластер инфратузилмасини ривожлантириш бўйича турли нуқтаи назарларда акс эттирилган: кластер сиёсати давлат томонидан тартибга солинувчи мамлакатлар ҳукуматлари уни устувор гуруҳлар учун мақсадга мувофиқ тарзда яратадилар.

Учинчи фарқ кластер шакллантирилган минтақанинг роли билан боғлиқ. Давлат томонидан тартибга солинган модел кластерни шакллантириш учун минтақани танлашни, шунингдек, унинг молиялаштириш ҳажмини аниқлашни ўз ичига олади. Либерал модел яратилган кластер учун масъул бўлган минтақавий ҳокимият учун имтиёзлар яратишни ўз ичига олади.

Миллий таълим тизимимиз олий таълим муассасаларини Болония тизимига ўтказиш орқали дунё таълим маконига қўшилиш билан боғлиқ муҳим ўтиш даврини бошидан кечириши керак. Бундай таълимнинг янги шакли кластер ёндашуви асосида янада самарали бўлади.

“Таълим кластерлари” тушунчасининг моҳияти олий таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ихтисослаштирилган мактаблар, асосий корхоналар ва мутахассисларнинг асосий мижозлари ва истеъмолчилари етакчи филиали ҳомийлигида бирлашишидан иборат. Таълим кластери талабаларнинг келажакда касбий фаолияти соҳасига депсинишларсиз кириб бориш, яхши амалиётларни ўрганиш ва амалда қўллаш, реал шароитларда илмий тадқиқот натижаларини синаб кўриш ва реал вақт ҳамда аниқ шароитларда касбий тайёргарликни яхшилаш имконини беради. Бундай шароитда оммабоп ва истиқболли мутахассисликларни очиш, тегишли фанларни ўрганиш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш орқали меҳнат бозори талабларига тезкорлик билан жавоб бериш мумкин. Таълимда кластер ёндашувининг асосий афзалликлари сифат, замонавийлик, очиқлик, узлуксизлик, узвийлик ва пировардида, таълим хизматларининг рақобатбардошлигидир.

Л.В.Овсиенко, И.В.Зимина, Н.Н.Клинцоваларнинг тадқиқотларида таълим кластерлари ижтимоий шериклик доирасида университетлар, ўрта мактаблар, корхоналарнинг тармоқ алоқалари сифатида тушунилади. Маълум маънода, кластер концерн корпорация каби ташкилий шаклларга ўхшайди. Таълим соҳасидаги кластер муносабатларига мисол сифатида мактаб ва болалар боғчаларининг ўқув-тарбиявий ва бошқа кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш билан боғлиқ ўзаро алоқасини келтириш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида ҳам илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, ҳудудий-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ва ишлаб чиқариш-ҳудудий мажмуалар мавжуд бўлган. Ишлаб чиқариш кластерлари ўша мажмуалар асосига қурилган.

МДҲ мамлакатларида таълим кластерларини яратиш тажрибасини тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, кластер ёндашувидан фойдаланиш Россия Федерациясининг бир қатор ҳудудларида субъектларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларидан бири сифатида қаралади. Минтақавий инновацион таълим кластерларини яратиш орқали таълим, фан, бизнес ва ишлаб чиқаришни бирлаштира оладиган ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-педагогик механизмлар ишлаб чиқил-моқда. В.А.Болотовнинг фикрича, кластер доирасида юқори синф ва коллеж, болалар боғчаси ва қуйи синфлар, коллеж ўқитувчилари ва мактабларнинг ихтисослаштирилган синфлари ўқитувчилари-нинг ўзаро дарс бериш имкониятини яратиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим кластерлари тизими болага ёшлигидан ривожланиш ветори ни топиш ва келажакда юқори малакали мутахассис бўлишига ёрдам беради[29].

Москванинг Некрасовка, Капотня ва Марьино каби митти туманларида тажриба тариқасида ишлаётган университет-мактаб кластерининг 33 та ўқув мажмуаси, шу жумладан, 220 та мактаб ва болалар боғчаси мавжуд бўлиб, уларда ўқитувчилар таълим фаолиятининг янги шаклида фаолият юритишади[30].

---

[29] Решетникова М. В Москве появится образовательный кластер на 5,5 тысяч учеников / М.Решетникова // M24.ru [Электронный ресурс].– Режим доступа: http://www.m24.ru/articles/19816.

[30] Павлова Т.С. В образовательном кластере Москвы педагогов научат учить детей поновому / Т.С.Павлова // Учебно-методический кабинет [Электронный ресурс].- Режим доступа: http://ped-kopilka.ru/blogs/pavlova-tatjana/v-obrazovatelnom-klastere-moskvy-pedagogov-nauchat-uchitdetei-po-novomu.html.





Татаристонда 2007-2008 йиллардан буён кластер ёндашуви республика иқтисодиёти самарадорлигини оширишнинг асосий истиқболли воситаси сифатида эътироф этилади; таълим кластерларини шакллантириш концепцияси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди[31].

Омск давлат педагогика университети негизида касбий-педагогик таълим муассасаларининг тармоқ бирлашмаси сифатида минтақавий касбий-педагогик кластер ташкил этилган. Ушбу кластернинг фаолияти истеъмолчилар талабига мос ўқитиш тизимини жорий этиш имконини беради, Омск вилоятидаги меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларни тайёрлаш учун тақсимловчи тизимни шакллантиради[32].

Қозоғистонда инновацион таълим кластерини яратиш тажрибаси шундан далолат берадики, бу талабларни келажакдаги касбий фаолият соҳасига узлуксиз “ботириш” имкониятини беради, илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва тўплаш, илм-фан ютуқларини тезда синаб кўриш, касбий тайёргарликни ташкил этиш ва мазмунини янгилаш имконини беради.

Инновацион таълим кластери “Назарбоев университети” негизида икки йўналишда фаолият юритади: 1) ўз тадқиқот натижаларини бозорга тарқатиш орқали технологияларни узатиш ва тижоратлаштириш; 2) бизнесни, шу жумладан, хорижий илмий марказларни, тажрибали ишлаб чиқарувчиларни, юқори техно-логияга эга компанияларни университетнинг саноат майдончасига жалб этишни ташкил қилиш[33].

Украинада кластер сиёсати юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва интеллектуал таълим технологияларини яратишга қаратилган замонавий таълим марказларини шакллантиришни ўз ичига олади. Украина илмий-таълимий кластери таълим тизимига

---

[31] Соколова Е.И. Термин «Образовательный кластер» в понятийном поле современной педагогики / Е.И.Соколова // Непрерывное образование: XXI век. – 2014. – № 2 (6). – С.153-160.

[32] Волох О.В. Формирование стратегии развития педагогического университета в современных условиях: Омский государственный педагогический университет / О.В.Волох, И.П.Геращенко // Педагогическое образование и наука. – 2015. -№ 1. -С. 101-104.

[33] Еспаев С.С. Образовательный кластер – залог конкурентоспобности кадров в Казахстане / С.С.Еспаев // Глобальные вызовы и современные тренды развития высшего образования: Международная научно-практическая конференция, посвященная 50-летию Казахского экономического университета имени Т.Рыскулова: сб. тезисов 4-5 октября 2013 г. – Алматы, 2013. – С. 159-162.

инновация ва жаҳон амалиётидаги ижобий жиҳатларни ўзлаштиришни, илм-фан ва таълим соҳаларини янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорликни кучайтиришни, таълим соҳасида ижтимоий муҳим лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни мақсад қилиб қўйган.

Кластер ривожланиш тажрибасини таҳлил қилиш натижасида МДҲ мамлакатларида фаолият олиб бораётган кластерларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин (6-жадвал):

- ✓ фаолият йўналиши бўйича: компетенциявий-йўналтирилган, илмий-инновацион, инновацион, ижтимоий-маданий;
- ✓ ташкилотнинг даражаси бўйича: минтақавий, республика, шаҳар, институционал, халқаро;
- ✓ таълим соҳалари бўйича: таълимни бошқариш, таълим сифатини назорат қилиш, таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси, таълим воситалари ва ҳоказо.

Кластерларнинг турлари ва даражалари уларнинг ўзаро фарқланувчи муносабатда эмас, балки ўзаро тўлдирувчи муносабатда эканлиги билан характерланади.

Таълим кластерларининг юқоридаги таснифий бўлинишлари шартли бўлиб, уларнинг барчаси умумий мақсадга йўналтирилган бўлади, уларнинг тўлақонли нуқсонсиз ишлаши учун ўзаро таъсирлари муҳим. Ишлаб чиқариш ва таълим кластерларини шакллантиришдан мақсад бизнес ва олий ўқув юртларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф қилиш ва жараёнга инновацияларни жадал суръатда жалб қилишдан иборатдир. Аралаш кластерлар инновацион ривожланиш нуқтаи назаридан энг муҳими ҳисобланади, чунки ишлаб чиқарувчи ва таълим хизматларининг якуний истеъмолчиси, жумладан, амалиётчиларни жалб қилиш, шунингдек, иш берувчи ташкилотларнинг маблағлари ва ишлаб чиқариш базасидан фойдаланиш имконияти таъминланади. Бу инновацияларни амалиётга самарали татбиқ қилиш имкониятини беради.

2015 йилда Беларусь Республикасида узлуксиз педагогик таълим ўқув-илмий инновацион кластери (УПТ ЎИИК) (УНИК НПО – учебно-научно-инновационный кластер непрерывного педагогического образования) таълим даражалари, илмий, илмий-





услубий даражалари турлича бўлган таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг мажмуаси сифатида ташкил қилинди.

*6-жадвал*

*МДҲ мамлакатларида фаолият олиб бораётган кластер турлари*




УПТ ЎИИКнинг концептуал ва назарий-методологик ёндашуви таниқли беларусь олимлари А.И.Жук ва А.В.Торховалар томонидан ишлаб чиқилган[34]. Сифат, замонавийлик, очиқлик, узвийлик ва узлуксизлик УПТ ЎИИКнинг ўзига хос афзал жиҳатларини ташкил қилади. Бу эса қуйидаги бир қатор амалий ва иқтисодий имкониятларга йўл очади:

- ✓ асосий муаммолар атрофида интеллектуал ресурсларни интеграция қилиш, барча иштирокчиларнинг тармоқ ҳамкорлигини ташкил этиш;

[34] Жук А.И. Система педагогического образования Республики Беларусь: достижения, трудности, перспективы / А.И.Жук, А.В.Торхова // Адукацыя і выхаванне. -2014. № 10. -С. 19-25.; Торхова А.В. Перспективы кластерного развития системы педагогического образования Республики Беларусь / А.В.Торхова // XI международная научно-практическая конференция «Психология личностного и профессионального развития субъектов непрерывного образования» -М.: СПб. Нестор-История, 2015. -С.517-520.

- ✓ абитуриентларнинг педагогик мутахассисликларга бўл-ган тақчиллигини бартараф этиш, энг яхши ўқувчиларни педагогик олий таълимга жалб қилиш;
- ✓ педагогларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалий йўналишни кучайтириш;
- ✓ илғор ривожланиш муҳитини яратиш;
- ✓ касбий тайёргарлик вақтини қисқартириш.

Кадрлар буюртмачиларининг УПТ ЎИИКда иштирок этиш талаб юқори бўлган мутахассисликлар очиш босқичида, ўқув режа ва таълим дастурларини муҳокама қилишда, ёш мутахассисларни иш жойларга тайёрлаш ва тақсимлашда ўзаро ишонч ва алоқага асосланган ҳамкорлик муҳим ҳисобланади.

УПТ ЎИИКда ўқув-услубий ҳамкорлик, кластер таркибига кирувчи ташкилотларда ўқув-дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқиш; ўқув қўлланмаларини биргаликда ишлаб чиқиш, уларни экспертиза қилиш; ўқув, тарбиявий, илмий ва илмий-услубий ишларнинг инновацион тажрибасини умумлаштириш; бўлажак педагоглар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим муассасаларини барқарор ривожлантириш, ўқитувчилар ва талабаларнинг рақобатбардош-лиги ҳамда ишчанлигини ошириш имкони берадиган ўқув фанларини ўқитиш; таълим соҳасида психологик ва педагогик тадқиқотларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, илмий-иннова-цион лойиҳалар бўйича биргаликдаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича илмий ҳамкорликни ташкил қилиш; педагогик синф ўқувчилари, талабалар, тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш кабилар кластер субъектларининг интеллектуал ресурсларини долзарб илмий-педагогик муаммолар атрофида интеграциялашувига ёрдам беради. Шу тарзда ташкил этилган ўзаро ҳамкорлик барча кластер субъектларининг рақобатбардошлигини оширадиган амалий йўналтирилган таълим муҳитини яратишга, юқори малакали мутахассисларни энг мақбул муддатларда тайёрлашга ва касбий ўз-ўзини англашнинг индивидуал таълим йўналишини яратиш имкониятларини беради.

Умуман, таълим кластерлари, биринчи навбатда, инновацион таълим учун характерли эканлиги ва инновацион таълимни ташкил этиш шаклларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Ташкилот-нинг кластер шакли умумий инновацион маҳсулот яратиш ва зарур





касбий компетенцияларга эга бўлган юқори малакали мутахассис-ларни тайёрлашга олиб келади. МДҲ мамлакатларидаги инновацион таълим кластерлари касбий мулоқот, инновацияларни тарқатиш, таълим технологияларининг ягона ахборот майдонини яратиш каби хусусиятлари билан характерланади. Умумий ресурсларнинг мавжудлиги, самарали ва тезкор ахборот алмашинуви иштирокчиларга таълим хизматлари бозорида ҳар бир кластер субъектининг позициясини мустаҳкамлайдиган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, жамиятнинг талабларига етарлича жавоб беришга имкон беради[35].

### 1.3. Таълим кластерини ташкил этиш тамойиллари

М.Портернинг кластер назарияси кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида кўплаб соҳалар қаторида таълим соҳасига ҳам кириб келди. Бу борада рус олимларининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Уларнинг тадқиқотларида таълим кластерининг мазмун-моҳияти, қўлланиш соҳалари, характерли хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Таълимга нисбатан кластер ёндашув борасидаги тадқиқот-ларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бу борадаги бир қанча қарашларни жамлашга имкон беради. Демак, кластер ёндашуви бу:

- алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) бўлиб, рақобат-бардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми (Т.И.Шамова)[36];

- ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг ҳуқуқли бўлаклардан иборат бўлган тузилма (Л.Беспалова )[37];

[35] Торхова А.В., Курбыко З.С., Гуртовая Е.Ю. Кластерное развитие непрерывного педагогического образования как мировая тенденция, http://elib.bspu.by/bitstream/doc/21366/1/.

[36] Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.): в2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М.Давыденко, Т.И.Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24-29.

[37] Беспалова Л. Что такое кластер? URL: http://siok.rightside.ru/siok/ 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

- замонавийлик ва мунтазам ёндашувдан келиб чиққан ҳолда бир ташкилотнинг тузилишига бирлаштирилган бир-бирига боғлиқ бўлган турли соҳа хўжалик субъектларининг мажмуи (Г.С.Храба ва Л.Т.Снитколар)[38];

- ишлаб чиқариш ва таълим дастурларининг эҳтиёжларини бирлаштириш (С.В.Кривых)[39];

- таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси (Осечкина Л.И.)[40];

- ташкилотнинг келажак иқтисодиёти учун кадрлар салоҳиятини шакллантиришни ташкил қилишнинг инновацион самарали усули (Сидорин А.В.)[41];

- турли таълим муассасалари (болалар боғчаси–мактаб–коллеж–ОТМ) интеграциялашуви натижасида таълим тизимини изчиллик принципи асосида қайта ташкил этиш (Фроловская М.Н.)[42].

Илмий адабиётларда "кластер" тушунчаси борасида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, "педагогик таълим кластери" тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

**Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектлар, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм.**

Педагогик таълим кластери миметик (грек тилида *mimiomai* – тақлид қилмоқ) метод бўлиб, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасида самарадорликка олиб келган моделни педагогик таълим тизимига ижодий асосда жорий этишни назарда тутади. Педагогик

[38] Актуальные проблемы бизнес-образования : материалы XIV Междунар науч.-практич конф.. 16-17 апр. 2015г.. Минск / Бел. гос. ун-т, Ин-т бизнеса и менеджмента технологий – Минск Национальная библиотека Беларуси. 2015. - 298-301 С.

[39] Кривых С.В. Кластерный подход в прфессиональном образовании / С.В.Кривых// академия профессионального образования. -2014. -№3-4. –с.7-13.

[40] Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффиктивности деятельности вуза / Л.И.Осечкина// Высшее образование в России. -2012. -№8-9. –С.73-76.

[41] Сидорин А.В. Система формирования кадрового потенциала высокотехнологичных отраслей промышленности на основе кластерного подхода / А.В.Сидорин // Интернет- журнал «Науковедение». -2012. -№4. –С.1-7.

[42] Фроловская М.Н. Становление профессионального образа мира педагога на основе кластерного подхода / М.Н. Фроловская // Инновационные технологии в науке и образовании: сб. статей II ПНМК, Пенза, 23 янв. 2017 г. / МЦНС «Наука и Просвещение»; под общ.ред. Г.Ю.Гуляева (и др.). –Пенза. 2017. -С.210-212.





таълим кластери "таълим – илм-фан – таълим воситалари – технология – бошқарув – бизнес" инновацион занжирини ҳосил қилади, уни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бугунги педагогикамизнинг олдидаги муҳим вазифалардан бўлиб турибди. Таълим мажмуасини ташкил қилувчи бўғинлар ўртасида мавжуд табиий алоқани манфаатдорлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан, маълум ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таъминлаш тобора заруратга айланиб бормоқда.

Таълим мажмуасининг асосий маҳсулоти рақобатбардош кадрлар ва таълим хизматлари ҳисобланади. Таълим кластерининг пировард мақсади таълим ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Бу эса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга, мутахассислар тайёрлаш тизимида айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қилади. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида янги шакл ва усулларни излаш, таълимнинг барча турларини мақсаднинг умумийлиги ва манфаатларнинг хусусийлиги бўйича алоқадорлигини кучайтириш, улар ўртасидаги интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Илмий-педагогик адабиётларда инновацион жараёнларни таҳлил қилишда асосий ўзгаришлар билан бошланғич ўзгаришлар ўртасидаги чизиқни топиш осон эмаслиги қайд қилинган. Шунингдек, инновацияларнинг ижобий натижаларини таълим турлари ўртасида тақсимлашда тенглик принципи шарт бўлмайди. Бугунги кунда соҳалар ривожи ва самарадорлигини инновацияларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, таълим, хусусан, олий таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган инновациялар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

- олий таълим мақсадларининг шахсни касбий ривожлантиришга йўналтирилган таълим олиш, уни ижтимоий тартибга асосланган илмий, техник ва инновацион фаолиятга йўналтириш;

- ўқув жараёнини тартибга солувчи ва амалга оширувчи меъёрларни ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва иқтисодиётнинг муайян тармоғидаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўзи ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши билан боғлиқ янги тизимни ишлаб чиқиш;

- тегишли фанларни ўрганиш жараёнида олинган билимларнинг интеграциялашуви ва қатор фанларни муаммоли-модулли ўрганишнинг дастлабки шартларини яратиш; инновацион ва экспериментал ишларни фаол амалга ошириш;

- жамиятнинг замонавий ижтимоий-маданий ривожланиш даражасига мос равишда таълим жараёнини зарур моддий-техника воситалари билан таъминлаш;

- таълим турлари ўртасида манфаатли алоқадорликнинг янги кўринишларини ишлаб чиқиш;

- жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ўзгарувчанлигини инобатга олган ҳолда бир пайтнинг ўзида бир нечта турдош мутахассисликларга ўқитиш;

- таълим муассасаларига ўз-ўзини таъминлаш ва бошқариш ваколатини бериш жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш ва ҳоказо.

Таълим тизимига нисбатан бу каби инновацион ёндашув, агар у ҳақиқий ривожланиш жараёнининг мантиғига мос келадиган бўлса, албатта, самарадорликни оширади. Айниқса, таълим муассасаларининг бошқарув тузилмасида мавжуд муаммоларга нисбатан муносиб инновацион ёндашувлар жорий қилинса, мавжуд вазиятни олдиндан баҳолай олиш, ҳодисаларнинг ривожланишини тўғри тахмин қилиш, ўз вақтида чоралар кўриш ва ташкилий бошқарув тузилмасига тузатишлар киритиш имкониятлари пайдо бўлади.

Таълим тизими кластери бу каби муаммоларнинг ечимига нисбатан тўғри ёндашувни қарор топтиради. Зеро, кластерли интеграция жараёнлари моддий, молиявий, технологик, информацион, услубий ва кадрлар соҳасидаги барча ресурсларни жалб қилганлиги билан ҳам энг кучлиси, деб эътироф этилади. Кластер мослашувчан тарзда ўз тузилмалари учун бошқарув тизимини қуриш, ўзаро ишончни таъминлаш учун ҳақиқий ривожланишни олдиндан айтиш (прогнозлаш) имконини беради.[43] Таълим тизимининг таркибий қисмларида сифат ўзгаришлари бўлиши, мазмунли фаолият, умумий ва махсус бошқарув функциялари, дастурлари, технологиялари ва усуллари, иштирокчиларнинг

[43] Шарай Н. Кластерный подход в интеграции, «УГ Москва», №15 от 14 апреля 2015 года.





кадрлар салоҳиятини ривожлантириши билан боғлиқ жараёнлар кластер муҳитини яратиш имкониятини беради.

Рус олимлари томонидан таълим кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий асосларини ўрганиш касбий таълимга нисбатан кластер ёндашуви (Б.Пугачева, А.В.Леонтиев), фаолият ва педагогик лойиҳалаш назарияси (В.В.Давыдов, В.П.Беспалько, Г.И.Ибрагимов, Б.Ц.Леднев, М.И.Махмутов, А.А.Сластенин), узлуксиз таълим концепцияси (Б.С.Гершунский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков), касб-ҳунар мактабларида таълимнинг ижтимоий шериклик ва бошқарув муаммоларини очиб берувчи тадқиқотлар (П.Ф.Анисимов, Г.В.Мухаметзянова, Г.И.Ибрагимов, Е.А.Корчагин, В.П.Панасюк, А.С.Субетто) каби йўналишларда олиб борилган[44].

Айни тадқиқотчилар томонидан кластернинг еттита асосий стратегияси қайд қилиб ўтилган (7-жадвал):

*7-жадвал*

*Кластер стратегиялари*




- *жуғрофий стратегия,* кичик маҳаллий ҳудуддан тортиб глобал масштабгача бўлган ҳудудларда ёйилган кластер турлари;

[44] Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования. Педагогическое образование в России, 2014. № 10. С.75.

- *горизонтал стратегия,* бир нечта кластерларнинг бирлашувидан ташкил топган кластернинг мигаструктура шакли;
- *вертикал стратегия,* бирлаштирувчи, яъни бир хил даражадаги субъектларни бирлаштирувчи кластерлар;
- *латерал стратегия,* ҳар хил структурадаги субъектларни бирлаштирувчи, ўлчовни иқтисод билан таъминлай оладиган, янги комбинацияларга олиб келадиган кластерлар;
- *технологик стратегия,* бир хил технологиядан фойдаланадиган тузилмалар тўпламида кўзга ташланадиган кластерлар;
- *фокусли стратегия,* битта марказ атрофида жойлашган кластер субъектлари;
- *сифат стратегияси*[45].

Бизнингча, рус тадқиқотчилари томонидан қайд қилинган юқоридаги кластер стратегияларини кластер шакллари сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Чунки уларда кластерни амалга оширишнинг устувор мақсадлари – стратегиясидан кўра унинг қандай шакл ва турларда намоён бўлиши ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон шароитида педагогик таълим кластерининг стратегик йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мактаб ва мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагогик олий таълим муассасалари тасарруфидаги таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрлар ва соҳа мутахассисларининг илмий методик базаларини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш;
2. Педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;
3. Педагогик олий таълим муассасаларидаги таълим йўналишлари бўйича вилоятдаги педагогика соҳасидаги илмий-

[45] Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014. № 10. С.75-76.





услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

4. Педагогик олий таълим муассасаларидаги таълим йўналишлари бўйича вилоят умумтаълим мактабларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида педагогика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;
5. Педагогик олий таълим муассасалари тасарруфидаги таълим йўналишлари бўйича узлуксиз педагогик таълимнинг информацион таъминотини такомиллаштириш ва педагог касбининг нуфузини ошириш ҳамда педагог инноваторларни қўллаб-қувватлаш;
6. Педагогик таълимни тартибга солувчи мавжуд меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
7. Педагогик таълим инновацион кластерининг платформасини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, таълим кластерининг самарали ривожланиши қуйидаги шарт-шароит ва омилларга бевосита боғлиқ:

- •талабга жавоб берадиган технологик ва илмий инфраструктуранинг мавжудлиги (Д.А.Ялов);
- •қатнашчиларнинг ўзаро ҳамкорликка руҳий жиҳатдан тайёрлиги (Д.А.Ялов, В.П.Третьяк);
- •кластерни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳудудий стратегиясининг мавжуд бўлиши;
- •лойиҳани бошқариш усулини муваффақиятли қўллаш имконияти;
- • кластер субъектлари ўртасида ахборот алмашишни таъминловчи кучли ахборот технологиялари (А.А.Мигранян)[46].

Шундай экан, педагогик таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффақиятли амалга ошириш, уларда самара-дорликка эришиш учун мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш, субъектларда тарғибот-

[46] Шарай Н. Кластерный подход в интеграции, «УГ Москва», №15 от 14 апреля 2015 года.

ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараённи тўла англаб етишларига эришиш, ҳамкорлик кўп томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш, кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегиясини, лойиҳани муваффақиятли бошқаришнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқиш, қатнашчилар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имкониятини яратиш зарур бўлади. Бу жуда кенг кўламдаги ташкилий жараён бўлиб, вақт ва аниқ мақсадли йўналтирилган фаолиятни талаб қилади. Аммо ушбу ташкилий жараёнларнинг мазмуни олиб бораётган фаолиятимиздан ажралган ҳолат эмас. Дарҳақиқат, педагогик таълимни кластерлаштириш билан шуғулланган рус олимлари: Н.Н.Давыдова, Б.М.Игошев, А.А.Симонова, С.Л.Фоменколарнинг таъкидлашларича, кластерни ривожлантиришнинг аниқ самаралари 5-7 йилда кўзга ташлана бошлайди[47].

Педагогик таълим ривожланишининг кластер модели таълим бериш, ўқув адабиётлари яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Бу эса муаммонинг умумий методологик характерга эга эканлигини кўрсатади. Айни пайтда, бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари, узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш метод ва воситалари каби йўналишларда хусусийлашади.

Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий **мақсади** қуйидагилардан иборат:

- педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш;
- педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга таянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар тескари алоқасини оператив таъминлаган ҳолда олиб бориш;
- бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;
- ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш;

[47] Шарай Н. Кластерный подход в интеграции, «УГ Москва», №15 от 14 апреля 2015 года.





- педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик материаллар мажмуасини яратиш;
- педагогик таълим илмий, илмий-педагогик салоҳиятни ошириш;
- педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;
- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ҳамда турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш;
- таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш;
- педагог кадрлар тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш;
- педагогик таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини илмий асослаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим инновацион кластери қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

- ҳудуддаги таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрлар тайёрлаш;
- таълим сифатини оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш;
- педагогика соҳасида илмий фаолиятни изчил йўлга қўйиш;
- таълимнинг асосий (дарслик) ва ёрдамчи (луғатлар, қомуслар, электрон манбалар ва б.) воситалари мазмун-моҳиятининг таълим босқичлари кесимидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- ҳудуддаги таълим муассасалари ўқитувчиларининг билим савиясидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида муддатли ўқув курслари ташкил қилиш;
- умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш;
- институтдаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва таянч олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни кучайтириш;

- умумтаълим мактабларида илмий тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш;

- педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида етакчи хорижий ОТМга стажировкаларни амалга ошириш.

Педагогик таълим кластери тизимда мавжуд муаммоларни, ўз навбатида, унинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлашга имконият яратади. Кластерда ишларнинг ҳолати ҳақида маълумотларнинг жуда объектив бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Кластер ёрдамида ҳукумат, таълимни назорат қилувчи давлат идоралари кластер амал қиладиган минтақадаги таълимни ривожлантириш учун тажриба ва амалга оширилган тадқиқот натижаларини самарали қўллашлари мумкин бўлади. Таълимга нисбатан кластер ёндашуви бошқарув органларига тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун муайян воситалар билан таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, минтақада ривожланишнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради.

Буларнинг барчаси:

– *биринчидан,* таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди, бу тизим интеграциялашув орқали янги синергетик сифатга эришиш имконини беради;

– *иккинчидан,* тизимнинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳит ва шарт-шароитни яратади;

– *учинчидан,* бунинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эгалиги алоҳида роль ўйнайди.

Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуи илмий ва касбий кадрлар тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълимнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Аммо кластер доирасида бирлашган субъектларнинг барчаси дарҳол ҳақиқий натижа бера олмаслигини ҳам унутмаслик лозим.

Педагогик таълим кластерининг аҳамиятини соҳалар бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин (8-жадвал):

– *иқтисодий соҳада:* самарали таълим хизматлари бозорини шакллантиришда;





– *ижтимоий соҳада:* педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда;

– *маркетинг соҳасида:* инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни оммалаштиришда;

– *ҳуқуқий соҳада:* кластер доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш;

– *педагогика соҳасида:* узлуксиз таълим тизимида педагог кадрлар тайёрлашни ҳамкорликда лойиҳалаш соҳаларида кўзга ташланади.

*8-жадвал*

*Педагогик таълим инновацион кластерининг соҳалар бўйича таснифи*




Педагогик таълим инновацион кластерининг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш, фаолият уфқларини олдиндан кўра билиш учун унинг қандай тамойилларга асосланиши ҳақида аниқ тўхтамга келиб олиш лозим.

Мамлакатимизда таълим сиёсатининг тамойиллари ва мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим кластерининг қуйидаги тамойилларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқ (9-жадвал):

▶**табиий алоқадорлик,** кластер субъектлари ўртасидаги ҳамкорлик, алоқадорлик масаласининг табиийлиги, яъни боғлиқлик масаласининг ҳудудий, соҳавий ёки вазифавий жиҳатдан объективлиги. Тадқиқотчилар кластерларни сунъий равишда шакллантириш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Демак, кластер манфаатдорликдан келиб чиққан табиий алоқадорлик маҳсули бўлиб, рақобатбардошликни таъминлаш, сифат ва натижани кўтариш унинг асосий мақсади ҳисобланади. Мавжуд табиий алоқадорликни кучайтириш, тарқоқ салоҳиятни муайян мақсад сари йўналтириш, ҳуқуқий асослар яратиш ва мустаҳкамлаш, ахборот ҳамда инновациялар алмашинувини жадаллаштиришнинг энг қулай ва самарадор усули кластерлардир. Алоқадорликда табиийликни таъминлашнинг шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *жуғрофий жиҳатдан яқинлик;*
- *таълим сифати динамикаси (прогресс);*
- *ўқитувчилар салоҳиятини мустаҳкамлаш;*
- *ОТМ ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;*
- *таълим воситаларининг сифатини ошириш;*
- *умумий мақсадни белгилай олиш ва ҳоказо;*

▶ **узвийлик ва узлуксизлик,** кластер субъектларининг ўзаро боғлиқликда занжир ҳосил қилиши, занжирни ҳосил қилувчи ҳар бир бўғин ўзининг аниқ вазифаларига эга эканлиги, узлуксизлик занжирида бўшлиқларга йўл қўйилмаслигидир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, узвийлик мазмун, узлуксизлик шакл ҳодисаси ҳисобланади. Яъни, таълим мазмунининг табиий кетма-кетлигини таъминлаш, бунда билим олувчиларнинг ёш ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш узвийликни таъминлайди. Узвийлик муайян таълим тури доирасида ҳам, таълим турлариаро ҳам кузатилиши мумкин. Узлуксизлик эса таълим турларининг ўзаро кетма-кетлигида (ёки муайян фан мазмунининг ёритилишида) бўшлиқнинг бўлмаслиги билан содир бўлади. Демак, узвийлик ва узлуксизлик ўзаро боғлиқ, муштарак, айни пайтда, алоҳида ҳодисалар бўлиб, уларнинг таъминланиши таълим сифатига бевосита алоқадор ва таълим турлари ўртасидаги муносабатда бош масала сифатида қаралмоғи лозим. Педагогик таълим кластерининг айни





шу ҳодиса атрофида баҳс юритиши узвийлик ва узлуксизликнинг муҳим тамойили сифатида қаралишини асослайди.

Узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш шартлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-*таълим субъектлари ўқув режаларининг боғлиқлик принципи асосида ишлаб чиқилиши;*

-*барча таълим турларида такрорланувчи фанлар дастурлари мазмунининг қуйидан юқорига принципида ишлаб чиқилиши ва бунда бўшлиқларнинг бўлмаслигига эришиш;*

▶ **изчиллик,** кластер субъектларининг вертикал ягона чизиқда жойлашуви, бунда қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб босқичма-босқич ҳаракатланиш тенденциясига амал қилинишидир. Изчиллик ҳам шакл, ҳам мазмун ҳодисаси бўлиб, таълим шакли ва мазмунининг таълим турлари ўртасидаги тақсимотини англатади. Бу тақсимотда таълим турларининг спецификаси ва мақсади, давлат таълим стандартлари, битирувчиларга қўйиладиган талаблар инобатга олиниши лозим. Изчиллик таълим мазмунини ўзлаштиришнинг асосий шартларидан биридир. Изчиллик муайян таълим тури доирасида ҳам, таълим турлариаро ҳам бўлиши мумкин. Таълим турлариаро изчиллик педагогик таълим кластерига алоқадор ҳодиса бўлиб, унинг таъминланиши билан боғлиқ жараёнлар кластер доирасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга мос тушади. Бу эса изчилликни педагогик таълим кластерининг муҳим тамойили сифатида қўйилишини назарий жиҳатдан асослайди.

Изчилликни таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *таълим ва тарбия билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, воситалар, шакл ҳамда технологияларнинг қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга қараб ҳаракатланиш принципида ишлаб чиқилиши;*

-*таълим ва тарбия билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, воситалар, шакл ҳамда технологияларнинг ишлаб чиқилишида тарбияланувчи, ўқувчи ва талабалар ёш ва физиологик хусусиятларининг инобатга олиниши;*

▶**ворисийлик,** кластернинг авлодлар алмашинувидаги роли, тьюторлик фаолияти, педагогик таълимни кластерлаштириш натижасида субъектларнинг малакали педагог ходимларга бўлган

эҳтиёжининг мунтазам қондирилишига эришишдир. Ворисийлик жамиятда ўқитувчилик касби мавқеининг ошиши билан боғлик бўлган жараёндир. Педагогик таълим кластерининг ворисийлик тамойили асосидаги вазифаларидан бири ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасидаги муаммоларни тадқиқ этиш, жамиятда ўқитувчининг ҳурматини оширишга оид муаммоларни кун тартибига қўйиш билан боғлиқ.

Ворисийликни таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- *жамиятда педагоглик касби мақоми ва мавқеини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш;*
- *иқтидорли ўқувчиларни ўқитувчи-педагог касбига мақсадли тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш;*
- *оқилона селекция ишларини йўлга қўйиш;*

▶ **замонавийлик,** соҳага оид замонавий илм-фан ютуқларини тизимга жорий қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланишдир. Замонавийлик тамойилини икки йўналишда: биринчиси, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштириш (таълим, фан ва ишлаб чиқаришга замонавий илм-фан ютуқларини жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар), иккинчиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (битирувчиларнинг) замонавий талабларга жавоб бериши маъносида тушуниш мумкин. Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштирмасдан рақобатбардош, сифатли маҳсулот тайёрлаш мумкин эмас. Бу эса таълим мазмунига, таълим жараёни ва воситаларига, технологияларига инновацион ёндашишни талаб қилади. Инновацияларсиз кластернинг мавжуд бўлмаслиги эса замонавийликни педагогик таълим кластерининг тамойили сифатида илгари суришни назарий жиҳатдан асослайди.

Замонавийликни таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- *замонавий ахборот-коммуникация технологияларини педагогик таълим жараёнига татбиқини мунтазам янгилаб бориш;*
- *замонавий илм-фан ютуқларини педагогик таълим жараёнига сингдиришнинг мунтазам ишловчи механизмини яратиш;*
- *таълим мазмуни ва шаклини замонга мослаштириш;*





- *битирувчиларга қўйиладиган давлат талабларини ривожланган мамлакатлар таълим тизими битирувчиларига қўйиладиган талабларга мувофиқлаштириш;*

▶ **йўналтирилганлик,** кластер доирасида амалга оширилаётган ҳар бир фаолият турининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, кутилаётган натижаларни олдиндан чамалаш ва баҳолаш имкониятининг мавжудлигидир. Педагогик таълим кластери лойиҳа йўналишларини ва ҳар бир йўналишда аниқ мақсадга қаратилган ҳамда илмий асосланган бир нечта лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ қилинишини тақозо қилади. Илмий тадқиқот, ахборот-таҳлилий, илмий-услубий ва тажриба-инновацион каби таълим соҳасининг барча жиҳатлари лойиҳа йўналишлари сифатида олиниши ҳамда муайян лойиҳа шу йўналишларнинг алоҳида қиррасида сифат ва самарадорликка хизмат қилиши мақсадга мувофиқ. Бу таҳлитда ишлаш "педагогик таълим кластери" тушунчаси ва шу йўналишдаги фаолиятни янада аниқлаштиради, ихчамлаштиради ва аниқ мақсадга йўналтиради. Бу жиҳатлари билан йўналтирилганлик педагогик таълим кластерининг алоҳида тамойили сифатида илмий таклиф асосли эканлигини кўрсатади.

Йўналтирилганлик тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- *мақсаднинг аниқ белгиланиши;*
- *ҳар бир фаолиятнинг мақсад сари йўналтирилиши;*
- *рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асосий мезон сифатида белгиланиши;*
- *"рақобат" тушунчасига маҳаллий ёки миллий нуқтаи назардан эмас, балки глобал нуқтаи назардан ёндашиш;*
- *фаолият натижадорлигини олдиндан чамалаш ва баҳолаш ишларининг методологиясини ишлаб чиқиш;*
- *лойиҳа йўналишлари ва унга мувофиқ аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда натижаси олдиндан кафолатланган лойиҳаларнинг тақдим этилиши;*

▶ **мақсаднинг умумийлиги,** кластер субъектларининг хусусий мақсадларидан ташқари глобал аспектдаги ягона мақсад атрофида бирлашувидир. Кластерда барча субъектларнинг фаолиятига алоқадор умумий мақсадни топа билиш жараённинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Умумий мақсад стратегия

*[illegible] алоқадор бўлиб, узоқни кўзлашган режани [illegible] бевосита даҳлдор бўлмаслиги мумкин, [illegible] алоқадор бўлиб, кластернинг муваффақияти [illegible] фаолият самарадорлигини таъминлайди. [illegible] кластерни ташкил қилувчи бири субъектларнинг [illegible] хоссали кластер тўлиқлигини бўлиб, тизимнинг нуқсонли [illegible] умумий [illegible] бўлади. Айни шу [illegible]*

*билан мақсаднинг умумийлиги* педагогик таълим кластери [illegible] муҳим тамойили сифатида *илгари сурилган* ғоянинг [illegible] *эканлигини асослайди.*

Мақсаднинг умумийлиги тамойилини таъминлаш [illegible] сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

-*хусусий манфаат умумий мақсадга бевосита боғлиқ[illegible] англаш;*

-*стратегик йўналиш ва режаларни белгилашда ўз қобили[illegible] чиқа олиш;*

-*узоқни кўзлаб иш кўриш (узоқ йиллик истиқбол режалари[illegible] мавжудлиги);*

-[illegible]

*[illegible] белгилашда кластер[illegible]*

-*[illegible] "овози" инобатга олинганлиги;*

*бир субъектнинг*

► **манфаатларнинг хусусийлиги,** педагогик таълим [illegible] иқтисо[illegible] моделида ҳар бир субъектининг ҳуқуқий, ижтимоий, [illegible] хусус[illegible] жиҳатдан манфаатдор бўлишидир. Субъектларининг [illegible] манфаатлари пировардида, умумий манфаат учун хизмат қила[illegible] бў[illegible] Манфаатдорликсиз педагогик таълим кластери мавжуд [illegible] олмайди. Иқтисодий кластерлар ҳам аслида фойданинг ортиши [illegible] рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида пайдо бўлган. Улар[illegible] фойда моддий кўринишларда намоён бўлса, педагогик таълим кластерида ижтимоий, яъни кадрлар салоҳиятини кучайтириш ва таълим сифатини ошириш борасида кўзга ташланади. Ижтимоий манфаатдорлик ҳам соҳанинг моддий манфаатдорлигига хизмат қилади, албатта. Умуман, кадрлар салоҳиятини кўтариш ва моддий манфаатдорликни ошириш масалалари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган тушунчалар бўлиб, ҳар қандай кластер доирасида улар параллел равишда олиб бориладиган жараёнлар сифатида қаралади. Табиий алоқадорлик тамойили айни пайтдаги энг





оқилона хусусий манфаатдорлик таъминлангандагина юз беради. Демак, хусусий манфаатлар алоқанинг табиийлигини таъминлайди, шу ўринда мазкур икки тамойил ўзаро чамбарчас боғлиқликни юзага келтиради. Бу икки тамойилдан бирининг кучайиши ўз-ўзидан иккинчисининг кучайишига (ёки аксинча) хизмат қилади.

Манфаатлар хусусийлиги тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

-*[illegible] манфаатдорлик [illegible]лиги;*

-*хусусий манфаат умумий мақсаддан чекинишга сабаб бўлмаслиги;*

-*кадрлар салоҳиятининг ошиши ва моддий манфаатдорликнинг кучайиши ўртасидаги тенглик;*

-*кластер доирасида субъектларнинг ўз манфаатини ўзгалар манфаати билан тенг кўриш;*

► **ўзаро назорат,** кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ва бу тизимнинг нуқсонсиз ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган хато ёки камчилик бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилишидир. Шу ўринда педагогик таълим кластерининг муайян тизим сифатидаги ҳодиса эканлиги яққол намоён бўлади, у ўзаро назорат тамойилини тақозо қилади. Тизимнинг қанчалик мукаммал эканлиги ўзаро назоратнинг шу даражада кучли бўлишини таъминлайди. Бунда субъектлар фаолиятини баҳолашнинг умумий мақсад ва хусусий манфаатдорликдан келиб чиқувчи объектив мезонларининг ишлаб чиқилиши муҳим.

Ўзаро назорат тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

-*ягона тизим сифатида бирлашиш;*

-*тизим принципи асосида ишлаш;*

-*хусусий манфаатдорлик бошқа субъектлар фаолиятининг сифатига ҳам боғлиқ эканлигини тушуниш;*

-*ўзаро таъсир қилиш механизмларининг ишлаб чиқилганлиги.*

билан алоқадор бўлиб, узоқни кўзланган режани назарда тутади. Бу субъектга бевосита дахлдор бўлмаслиги мумкин, аммо билвосита алоқадор бўлиб, кластернинг муваффақияти ўша субъектнинг фаолият самарадорлигини таъминлайди. Умумий мақсадда кластерни ташкил қилувчи барча субъектларнинг манфаатлари акс этиши лозим. Акс ҳолда кластер тўлақонли бўлмайди. Бу эса кластер занжиридаги узилиш бўлиб, тизимнинг нуқсонли ишлаши ёки умуман ишламаслигига сабаб бўлади. Айни шу жиҳатлари билан мақсаднинг умумийлиги педагогик таълим кластерининг муҳим тамойили сифатида илгари сурилган ғоянинг тўғри эканлигини асослайди.

Мақсаднинг умумийлиги тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

*-хусусий манфаат умумий мақсадга бевосита боғлиқлигини англаш;*

*-стратегик йўналиш ва режаларни белгилашда ўз қобиғидан чиқа олиш;*

*-узоқни кўзлаб иш кўриш (узоқ йиллик истиқбол режаларининг мавжудлиги);*

*-умумий мақсадни белгилашда кластерни ташкил қилувчи ҳар бир субъектнинг "овози" инобатга олинганлиги;*

► **манфаатларнинг хусусийлиги,** педагогик таълим кластери моделида ҳар бир субъектининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлишидир. Субъектларининг хусусий манфаатлари пировардида, умумий манфаат учун хизмат қилади. Манфаатдорликсиз педагогик таълим кластери мавжуд бўла олмайди. Иқтисодий кластерлар ҳам аслида фойданинг ортиши ва рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида пайдо бўлган. Уларда фойда моддий кўринишларда намоён бўлса, педагогик таълим кластерида ижтимоий, яъни кадрлар салоҳиятини кучайтириш ва таълим сифатини ошириш борасида кўзга ташланади. Ижтимоий манфаатдорлик ҳам соҳанинг моддий манфаатдорлигига хизмат қилади, албатта. Умуман, кадрлар салоҳиятини кўтариш ва моддий манфаатдорликни ошириш масалалари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган тушунчалар бўлиб, ҳар қандай кластер доирасида улар параллел равишда олиб бориладиган жараёнлар сифатида қаралади. Табиий алоқадорлик тамойили айни пайтдаги энг





оқилона хусусий манфаатдорлик таъминлангандагина юз беради. Демак, хусусий манфаатлар алоқанинг табиийлигини таъминлайди, шу ўринда мазкур икки тамойил ўзаро чамбарчас боғлиқликни юзага келтиради. Бу икки тамойилдан бирининг кучайиши ўз-ўзидан иккинчисининг кучайишига (ёки аксинча) хизмат қилади.

Манфаатлар хусусийлиги тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

*-интеграциялашувда манфаатдорлик бўлишининг шартлилиги;*

*-хусусий манфаат умумий мақсаддан чекинишга сабаб бўлмаслиги;*

*-кадрлар салоҳиятининг ошиши ва моддий манфаатдорликнинг кучайиши ўртасидаги тенглик;*

*-кластер доирасида субъектларнинг ўз манфаатини ўзгалар манфаати билан тенг кўриш;*

► **ўзаро назорат,** кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг ўзаро ягона тизимни ҳосил қилиши ва бу тизимнинг нуқсонсиз ишлашидан ҳар бир субъектнинг манфаатдор эканлиги, маълум субъектда йўл қўйилган хато ёки камчилик бошқа субъектларнинг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатиши, субъектлар фаолиятини ўзаро баҳолаш тизимининг йўлга қўйилишидир. Шу ўринда педагогик таълим кластерининг муайян тизим сифатидаги ҳодиса эканлиги яққол намоён бўлади, у ўзаро назорат тамойилини тақозо қилади. Тизимнинг қанчалик мукаммал эканлиги ўзаро назоратнинг шу даражада кучли бўлишини таъминлайди. Бунда субъектлар фаолиятини баҳолашнинг умумий мақсад ва хусусий манфаатдорликдан келиб чиқувчи объектив мезонларининг ишлаб чиқилиши муҳим.

Ўзаро назорат тамойилини таъминлаш шарти сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

*-ягона тизим сифатида бирлашиш;*

*-тизим принципи асосида ишлаш;*

*-хусусий манфаатдорлик бошқа субъектлар фаолиятининг сифатига ҳам боғлиқ эканлигини тушуниш;*

*-ўзаро таъсир қилиш механизмларининг ишлаб чиқилганлиги.*

9-жадвал

*Педагогик таълим инновацион кластери тамойиллари*




Юқоридаги тамойиллардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим кластерини яратишда бир нечта муҳим йўналишларни белгилаб олиш мумкин.

Улар қуйидагилардан иборат:

**биринчиси**, кластер субъектлари ўртасида умумий мақсаднинг мавжудлиги;

**иккинчиси**, субъектлар биргаликдаги фаолиятининг ҳуқуқий асосга эга эканлиги;

**учинчиси**, кластер доирасида бирлашган субъектлар ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар тизими;

**тўртинчиси**, бошқарув механизмининг мувофиқлаштирилганлиги;

**бешинчиси**, субъектлар томонидан амалга оширилаётган ишларнинг умумий мақсаддан чекинилмаслиги;

**олтинчидан**, субъектлар ўртасида ўзаро назорат тамойилига амал қилиш.

Педагогик таълим кластерининг умумий тамойилларидан ташқари муайян йўналишнинг хусусий тамойиллари ҳам амал





қилади. Кластер доирасида педагогик олий таълим муассасаларининг илмий ва таълимий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- таълимий, илмий ва инновацион жараёнларни иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа билан биргаликда жамлаш;
- ўқув жараёнларининг узлуксизлиги, узвийлиги ва интеграциясини кучайтириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;
- таълимни бошқаришга нисбатан самарали инновацияларни қўллаш;
- ташкилий, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-тарбия воситаларини интеграциялаш.

Педагогик таълим кластерининг мазмуни унинг субъектларини аниқ белгилаб олишни тақозо қилади. Ушбу омил кластер мазмунининг ўзак масалаларидан бири бўлиб, кластер фаолиятини йўлга қўйишда муҳим бўғин вазифасини бажаради.

Субъект мавзунинг амалий, бошқарув ва когнитив фаолиятига йўналтирилган нарса, ҳодиса ёки жараённи ифодаловчи фалсафий категория бўлиб, объектив равишда мавжуд ташқи дунё, моддий ҳақиқатдир. Субъект ижтимоий гуруҳ ёки бутун жамият бўлиши ҳам мумкин.

Педагогик таълим кластери моделининг **субъектлари** сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин: педагогик таълим кластери субъектлари сифатида муассасаларнинг таълимий, илмий, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиладиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини тушуниш мумкин. Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради, айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Кластер стратегияларининг субъектларга муносабати унинг мазмуни ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Педагогик таълим кластери субъектлари, асосан, алоқадорлик нуқтаи назаридан вертикал, фаолият шакли нуқтаи

назаридан горизонтал стратегияга асосланади. Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим босқич нуқтаи назаридан қуйидан юқорига қараб вертикал жойлашади. Аммо бу уларнинг даражасини белгиламайди. Уларнинг ҳар бири тенг мақомга эга бўлиб, горизонтал стратегия бўйича фаолият олиб боради. Демак, педагогик таълим кластери субъектлари ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда ихтиёрий шаклда кластер субъекти сифатида қайд қилиниши ёки қайд қилинмаслиги ҳам мумкин. Субъектларнинг тенг ҳуқуқ ва мақомда эканлиги кластернинг табиийлиги ва самарадорлигини таъминлайди. Кластер субъектларини маъмурий йўллар билан расмийлаштириш мумкин эмас. Бу борада ихтиёрийлик ва манфаатдорлик асосий омил сифатида қаралиши лозим.

Шу билан бирга, педагогик таълим кластери субъектлари ҳудуд нуқтаи назаридан жуғрофий, ишлаб чиқариш ва академик илм-фан билан муносабатига кўра лотерал, таълим ва тарбия технологияларидаги яқинлик нуқтаи назаридан технологик, умумий мақсад атрофида бирлашиш нуқтаи назаридан фокусли, ҳамкорликни қандай ташкил қилиш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан сифат стратегиясига ҳам асосланади. Субъектларнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта стратегик фаолият олиб бориши ва унинг фокусини кластернинг ҳам умумий, ҳам хусусий мақсадларига тўғрилаш анчайин мураккаб жараён ҳисобланади. Аммо бу мураккабликни илмий ва амалий нуқтаи назардан ҳал қилиш кластерлаштириш жараёнининг асосий шартидир.

Адабиётларда кластер таркибига кирувчи субъектлар ўзлари ишлаб чиқарувчи маҳсулотларнинг, ахборот ва билимларнинг хусусиятларига кўра қуйидагича таснифланади:

- *алоқаларнинг шакли бўйича;*
- *ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши бўйича;*
- *иштирокчилар фаолиятининг хусусияти бўйича;*
- *пайдо бўлиш табиати бўйича;*
- *асосий ресурснинг хили бўйича;*
- *кафилланганлик даражаси бўйича;*
- *жуғрофий таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича*[48].

[48] Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. –Т.: Фан, 2016, Б.12.





Бундай тасниф кластер учун умумий характерга эга бўлиб, соҳалар бўйича кўриб чиқилганда, уларнинг айримлари кузатилмаслиги ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, педагогик таълим кластерини қуйидагича таснифлаш ва тавсифлаш мумкин:

**I. Алоқалар шакли бўйича:**

- таълим ва фан кластери – педагогик таълим ва академик илм-фан муносабати ҳамда интеграциясига асосланувчи;
- таълим кластери – мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим ўртасидаги интеграцияга асосланувчи;
- таълим воситалари кластери – таълим турлари ўртасидаги ўқитишнинг методик, техник, ахборот ва дидактик таъминоти бўйича алоқа ҳамда муносабатларига асосланувчи.

**II. Ўзаро ҳамкорликнинг тузилиши бўйича:**

- бевосита ҳамкор субъектлар кластери – ўзаро тўғридан-тўғри муносабатга киришган субъектлар ўртасидаги алоқага асосланувчи;
- билвосита ҳамкор субъектлар кластери – ўзаро тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита алоқадорликка асосланувчи.

**III. Иштирокчилар (субъектлар) фаолиятининг хусусияти бўйича:**

- таълим ва тарбия кластерлари – фаолиятида таълим бирламчи ўринни тутувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ янгиланган илмий тадқиқот ҳамда таълим-тарбия воситаларига асосланувчи;
- тарбия ва таълим кластерлари – фаолиятида тарбия бирламчи ўринни тутувчи мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти билан боғлиқ янгиланган илмий тадқиқот ҳамда тарбия-таълим воситаларига асосланувчи.

**IV. Пайдо бўлиш табиати бўйича:**

- ижтимоий аҳамиятга эга кластерлар – педагогика назарияси ва амалиётини ривожлантириш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлашга асосланувчи.

**V. Асосий ресурснинг хили бўйича:**

- инсон капиталига асосланган кластерлар – кадрлар тайёрлаш тизимининг хом ашёси ҳам, маҳсулоти ҳам инсон бўлиб, шунга асосланувчи.

**VI. Жуғрофий таркибий қисмнинг мавжудлиги бўйича;**

- ҳудудий кластерлар – муайян ҳудуддаги таълим, фан субъектлари ўртасидаги алоқага асосланувчи;
- ҳудудлараро кластерлар – бир нечта ҳудуддаги таълим, фан субъектлари ўртасидаги алоқага асосланувчи;
- халқаро кластерлар – маҳаллий ва хорижий таълим, фан субъектлари ўртасидаги алоқага асосланувчи турларга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Кластер субъектларининг спецификасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган ушбу тасниф бошқа таснифлар каби нисбий характерга эга бўлиб, унда муайян белгининг асосий ўринни эгаллаши инобатга олинган.

Субъектларнинг ўзаро алоқалари ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида таълим тизимини шакллантириш доирасида ҳамда олий таълим муассасаларининг тегишли факультет ва кафедралари билан яқин алоқада амалга оширилади. Педагогик таълим кластери субъектлари ўртасида олий таълим муассасалари асосий бўғинни эгаллайди. Бу вертикал стратегия бўйича қуйи ва юқори бўғинлар ўртасида ўзаро салоҳият, ахборот, технология ва инновацияларни узатиш, созлаш, мувофиқлаштириш жараёнида кўзга ташланади.

Педагогик таълим кластери мазмуни ва соҳанинг ўзига хос спецификасидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларда ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ:

**1) таълим йўналиши; 2) таълим воситалари йўналиши; 3) таълим ва фан йўналиши; 4) таълим ва ишлаб чиқариш йўналиши; 5) таълимни бошқариш йўналиши.**

Юқоридаги таснифда педагогик таълим соҳаси фаолияти тўлақонли қамраб олинган бўлиб, ҳар бир йўналиш ўз ичида ўзаро тармоқланади. Бу йўналиш ва тармоқлар мазмуни таълим турлари ўртасидаги таълимий, илмий, услубий, таълим воситалари ва бошқарув билан боғлиқ ҳамкорликнинг барча шакл, усул ва технологияларини ўзида жамлайди.

Педагогик таълим кластери йўналишларининг мазмуни қуйидагилардан иборат:





**1. Таълим йўналиши:**

- мавжуд муаммоларни аниқлаш, таснифлаш ва бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ўқув-услубий салоҳиятнинг вертикал ва горизонтал ҳаракатланиш механизмини ишлаб чиқиш;
- дарс машғулотлари сифатини бошқариш ва назорат қилиш;
- ўқув-услубий самарадорликни аниқлашнинг содда ва энг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;
- ўқув-услубий соҳада таълим турлариаро тюторлик фаолиятини йўлга қўйиш.

**2. Таълим воситалари йўналиши:**

- ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш;
- дарслик, ўқув қўлланмаларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш ва савиясини кўтариш;
- дарс машғулотининг ёрдамчи адабиётлари ва дидактик таъминотини такомиллаштириш;
- ахборот технологиялари ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эришиш.

**3. Таълим ва фан йўналиши:**

- таълим ва фан ўртасидаги интеграцияни кучайтириш;
- илмий соҳада таълим турлариаро тюторлик фаолиятини йўлга қўйиш;
- ОТМ ва умумтаълим мактаблари (мактабгача таълим муассасалари) ўқитувчиларининг ҳамкорлигида бинар илмий тадқиқотларни кўпайтириш (илмий ишланмалар ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан, унинг амалиётга татбиқ қилиниши умумтаълим мактаби ўқитувчилари томонидан амалга оширилади);
- илмий-педагогик салоҳиятнинг эхтиёжга қараб, оқимини таъминлайдиган механизм ишлаб чиқиш.

**4. Таълим ва ишлаб чиқариш йўналиши:**

- таълим ва ишлаб чиқариш йўналиши ўртасидаги интеграцияни кучайтириш;
- ОТМ ва ишлаб чиқариш ходимлари ҳамкорлигида бинар илмий тадқиқотларни кўпайтириш (илмий ишланмалар ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан, унинг амалиётга татбиқ қилиниши ишлаб чиқариш ходимлари томонидан амалга оширилади);

- назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш;
- тараққиёт шиддатини инобатга олган ҳолда илм-фан ютуқларининг тезлик билан амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш.

5. **Таълимни бошқариш йўналиши:**

- таълимни инновацион бошқариш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш;
- барча таълим турлари манфаатларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий бошқарув тизими яратиш;
- бошқарувга инновацион усул ва воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш.

Барча иштирокчиларнинг қўллаб-қувватланиши ва назорат қилинишини таъминлайдиган ўзаро таъсир ҳамда очиқлик кластернинг самарадорлигига хизмат қилади. Бир-бирига яқинлик, ички алоқалар, доимий шахсий алоқалар ва умумий очиқлик ўзаро алоқа ҳамда ахборот узатишни осонлаштиради. Кластерлаштириш билан боғлиқ масалалар таълим соҳасидаги янгиликлар, янги таркибий қисмлар ва ўқув қўлланмаларнинг мавжудлиги, таълим жараёнини синаб кўриш, таълим тизимининг ривожланишидаги янги тенденцияларни ўрганишни тақозо қилади.

Таълим кластери фаолияти миллий педагогикамизда янги йўналиш бўлиб, уни амалиётга киритиш педагогик шартлар белгилаш ва малакали мутахассисларни шакллантириш самарадорлигини экспериментал текширишни талаб қилади. Олий таълимнинг кластердаги ўрни инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришда намоён бўлади. Кластер субъектлари бўлган илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш муассасалари амалиётлар базасига айланиб, ўзларининг илмий ва ўқув фаолияти бўйича мутахассисларни шакллантиришда уларнинг эҳтиёжлари ҳамда ривожланиш истиқболларига мувофиқ равишда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Кластернинг барча субъектлари малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини ташкил қилади ва тартибга солади. Иш берувчи ҳам, умумтаълим мактаблари ҳам, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳам, олий таълим ҳам бу интеграциялашувдан ўз манфаатидан келиб чиқиб, жараён иштирокчисига айланади.





Узлуксиз таълим жараёни кўп босқичли тизим бўлиб, ижтимоий даражадаги ўзгариш ва субъектларнинг касбий салоҳиятлари унинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Шунинг учун, узлуксиз таълим ғоясининг асосий мақсади – инсоннинг шахс сифатидаги мақоми, истак ва қобилиятларини тез ўзгарувчан дунёда меҳнат ҳамда ижтимоий муносабатларга мослаштиришни назарда тутади.

Педагогик таълим кластерини Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, қуйидаги илмий-амалий аҳамиятга эга хулосаларга келиш мумкин: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3152 сонли Қарори билан ташкил топган бўлиб, унинг илмий ва таълимий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- таълимий, илмий ва инновацион жараёнларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа билан биргаликда жамлаш;
- ўқув жараёнларининг узлуксизлиги, узвийлиги ва интеграциясини кучайтириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;
- таълимни бошқаришга нисбатан самарали инновацияларни қўллаш;
- ташкилий, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-тарбия воситаларини интеграциялаш.

Субъектларнинг ўзаро алоқалари Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида таълим тизимини шакллантириш доирасида ва институтнинг тегишли факультетлари ҳамда кафедралари билан яқин алоқада амалга оширилади.

Барча ишлар кластер иштирокчиларининг бошланғич, профессионал, юқори профессионал ва касбий тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, илмий ва таълим-тарбия кластерини руёбга чиқаришга қаратилган бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, шунингдек, кластернинг таркибий қисми бўлган бошқа турдаги ташкилотлар умумий мақсад йўлида ишлашлари зарур. Ўқитишда қўшимча ва масофавий таълим ҳам назарда тутилиши лозим. Шунингдек, кластерда республиканинг қатор илмий тадқиқот институтлари, саноат корхоналари ва бошқа

- назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш;
- тараққиёт шиддатини инобатга олган ҳолда илм-фан ютуқларининг тезлик билан амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш.

5. **Таълимни бошқариш йўналиши:**

- таълимни инновацион бошқариш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш;
- барча таълим турлари манфаатларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий бошқарув тизими яратиш;
- бошқарувга инновацион усул ва воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш.

Барча иштирокчиларнинг қўллаб-қувватланиши ва назорат қилинишини таъминлайдиган ўзаро таъсир ҳамда очиқлик кластернинг самарадорлигига хизмат қилади. Бир-бирига яқинлик, ички алоқалар, доимий шахсий алоқалар ва умумий очиқлик ўзаро алоқа ҳамда ахборот узатишни осонлаштиради. Кластерлаштириш билан боғлиқ масалалар таълим соҳасидаги янгиликлар, янги таркибий қисмлар ва ўқув қўлланмаларнинг мавжудлиги, таълим жараёнини синаб кўриш, таълим тизимининг ривожланишидаги янги тенденцияларни ўрганишни тақозо қилади.

Таълим кластери фаолияти миллий педагогикамизда янги йўналиш бўлиб, уни амалиётга киритиш педагогик шартлар белгилаш ва малакали мутахассисларни шакллантириш самарадорлигини экспериментал текширишни талаб қилади. Олий таълимнинг кластердаги ўрни инновацион маҳсулот ишлаб чиқаришда намоён бўлади. Кластер субъектлари бўлган илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш муассасалари амалиётлар базасига айланиб, ўзларининг илмий ва ўқув фаолияти бўйича мутахассисларни шакллантиришда уларнинг эҳтиёжлари ҳамда ривожланиш истиқболларига мувофиқ равишда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Кластернинг барча субъектлари малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини ташкил қилади ва тартибга солади. Иш берувчи ҳам, умумтаълим мактаблари ҳам, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳам, олий таълим ҳам бу интеграциялашувдан ўз манфаатидан келиб чиқиб, жараён иштирокчисига айланади.





Узлуксиз таълим жараёни кўп босқичли тизим бўлиб, ижтимоий даражадаги ўзгариш ва субъектларнинг касбий салоҳиятлари унинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Шунинг учун, узлуксиз таълим ғоясининг асосий мақсади – инсоннинг шахс сифатидаги мақоми, истак ва қобилиятларини тез ўзгарувчан дунёда меҳнат ҳамда ижтимоий муносабатларга мослаштиришни назарда тутади.

Педагогик таълим кластерини Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, қуйидаги илмий-амалий аҳамиятга эга хулосаларга келиш мумкин: Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3152 сонли Қарори билан ташкил топган бўлиб, унинг илмий ва таълимий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- таълимий, илмий ва инновацион жараёнларни иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа билан биргаликда жамлаш;
- ўқув жараёнларининг узлуксизлиги, узвийлиги ва интеграциясини кучайтириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;
- таълимни бошқаришга нисбатан самарали инновацияларни қўллаш;
- ташкилий, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-тарбия воситаларини интеграциялаш.

Субъектларнинг ўзаро алоқалари Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида таълим тизимини шакллантириш доирасида ва институтнинг тегишли факультетлари ҳамда кафедралари билан яқин алоқада амалга оширилади.

Барча ишлар кластер иштирокчиларининг бошланғич, профессионал, юқори профессионал ва касбий тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, илмий ва таълим-тарбия кластерини руёбга чиқаришга қаратилган бўлмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳудуддаги мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, шунингдек, кластернинг таркибий қисми бўлган бошқа турдаги ташкилотлар умумий мақсад йўлида ишлашлари зарур. Ўқитишда қўшимча ва масофавий таълим ҳам назарда тутилиши лозим. Шунингдек, кластерда республиканинг қатор илмий тадқиқот институтлари, саноат корхоналари ва бошқа

муассасаларни ҳам фаол жалб этиш учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор бериш муҳим.

Бунинг натижасида ҳудудда:

› *биринчидан*, малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёж сифатли қондирилади ***(ижтимоий натижа)***;

› *иккинчидан*, самарали таълим хизматлари бозори шакллантирилади ***(иқтисодий натижа)***;

› *учинчидан*, инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни тезкор оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади ***(маркетинг соҳасидаги натижа)***;

› *тўртинчидан*, таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим тизимини бошқаришнинг янги ташкилий шаклига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилади ***(ҳуқуқий натижа)***;

› *бешинчидан*, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини кластер субъектлари билан ҳамкорликда лойиҳалаш йўлга қўйилади ***(педагогик натижа)***.

Шундай қилиб, таълимга кластер ёндашувни татбиқ қилиш таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлайди. Буни таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини чамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш илмий жамоатчиликнинг олдидаги муҳим муаммолардан саналади. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имкони беради. Натижада, кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилот ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

## 1.4. Таълим кластерининг тузилиши ва унинг фаолият механизмлари

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим турлари ўртасидаги интеграцияни, уларнинг таркиби, тамойиллари ва механизмлари фаолиятини самарали тарзда таъминлаш учун кластер ёндашуви





ишлатилмоқда. Таълим кластерида, биринчи навбатда, бир бутунга бирлаштирилган элементлар ўртасидаги ўзаро кенг қамровли муносабатларни ҳисобга олиш муҳим.

Гарвард университети профессори Майкл Портер “Конкуренция” асарида рақобатбардошлик стратегиясининг концепциясини тақдим қилади, унинг фикрига кўра, кластерлар манфаатдор томонларнинг саноат иқтисодиёти шароитида муайян афзалликларга эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашнинг ташкилий шакли[49]дир. Шу билан бирга, М.Э.Портер барқарор ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги кластерни муваффақиятли ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири эканини таъкидлайди. Кластерга қўшимча тузилмаларни қўшиш унинг фаолиятини янада ривожлантиради, аксинча, кластернинг мавжуд тузилмаларини олиб ташлаш унинг фаолиятини ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслиги билан қулай. Кластер тизимларининг глобал миқёсдаги асосий афзалликлари унда очиқлик, мослашувчанлик ва нисбатан осон бошқариш имкониятларининг мавжудлигидир.

Кластер кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, турли баъзан мақсадли бўлмаган тузилмаларни кластерга бирлаштириш уларнинг оддий бирикмаларига тўғри келмайди. Кластернинг барча қисмлар йиғиндиси сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Кластер қисмларини бир бутунга уйғунлаштиришнинг янги принциплари ҳам мавжуд бўлиб, у кластерга киритилган қисмларнинг умумий ривожланиш суратини белгилаб беради. “Ташкилотнинг умумий тамойиллари бўйича мураккаб ижтимоий, геосиёсий яхлитликни қуришда тўғри ёндашувларни ишлаб чиқиш учун эволюцион даражадаги бутунлик катта аҳамиятга эга”[50].

Кластер муносабатларида бутунликнинг тизимли белгиси билан бир қаторда синергия белгиси ҳам мавжуд бўлиб, бунда ташқи таъсирлардан келиб чиқадиган ва мавжуд бўлган оддий тизимлардан фарқли ўлароқ, кластерлар, асосан, ички ресурслар ҳисобига ишлайди.

[49] Портер М.Э. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2003. – С. 35.
[50] Кривых С.В., Макареня А.А. Педагогическая антропоэкология. Педагогика жизнедеятельности. – СПб: ГНУ ИОВ РАО, 2003. – С. 82.

муассасаларни ҳам фаол жалб этиш учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор бериш муҳим.

Бунинг натижасида ҳудудда:

› *биринчидан*, малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёж сифатли қондирилади ***(ижтимоий натижа)***;

› *иккинчидан*, самарали таълим хизматлари бозори шакллантирилади ***(иқтисодий натижа)***;

› *учинчидан*, инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни тезкор оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади ***(маркетинг соҳасидаги натижа)***;

› *тўртинчидан*, таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим тизимини бошқаришнинг янги ташкилий шаклига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилади ***(ҳуқуқий натижа)***;

› *бешинчидан*, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини кластер субъектлари билан ҳамкорликда лойиҳалаш йўлга қўйилади ***(педагогик натижа)***.

Шундай қилиб, таълимга кластер ёндашувни татбиқ қилиш таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлайди. Буни таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини чамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш илмий жамоатчиликнинг олдидаги муҳим муаммолардан саналади. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имкони беради. Натижада, кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилот ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

## 1.4. Таълим кластерининг тузилиши ва унинг фаолият механизмлари

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим турлари ўртасидаги интеграцияни, уларнинг таркиби, тамойиллари ва механизмлари фаолиятини самарали тарзда таъминлаш учун кластер ёндашуви





ишлатилмоқда. Таълим кластерида, биринчи навбатда, бир бутунга бирлаштирилган элементлар ўртасидаги ўзаро кенг қамровли муносабатларни ҳисобга олиш муҳим.

Гарвард университети профессори Майкл Портер "Конкуренция" асарида рақобатбардошлик стратегиясининг концепциясини тақдим қилади, унинг фикрига кўра, кластерлар манфаатдор томонларнинг саноат иқтисодиёти шароитида муайян афзалликларга эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашнинг ташкилий шакли[49]дир. Шу билан бирга, М.Э.Портер барқарор ривожланиш стратегиясининг мавжудлиги кластерни муваффақиятли ривожлантириш учун муҳим омиллардан бири эканини таъкидлайди. Кластерга қўшимча тузилмаларни қўшиш унинг фаолиятини янада ривожлантиради, аксинча, кластернинг мавжуд тузилмаларини олиб ташлаш унинг фаолиятини ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслиги билан қулай. Кластер тизимларининг глобал миқёсдаги асосий афзалликлари унда очиқлик, мослашувчанлик ва нисбатан осон бошқариш имкониятларининг мавжудлигидир.

Кластер кўп вазифаларни бажаришга мўлжалланган бўлиб, турли баъзан мақсадли бўлмаган тузилмаларни кластерга бирлаштириш уларнинг оддий бирикмаларига тўғри келмайди. Кластернинг барча қисмлар йиғиндиси сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Кластер қисмларини бир бутунга уйғунлаштиришнинг янги принциплари ҳам мавжуд бўлиб, у кластерга киритилган қисмларнинг умумий ривожланиш суратини белгилаб беради. "Ташкилотнинг умумий тамойиллари бўйича мураккаб ижтимоий, геосиёсий яхлитликни қуришда тўғри ёндашувларни ишлаб чиқиш учун эволюцион даражадаги бутунлик катта аҳамиятга эга"[50].

Кластер муносабатларида бутунликнинг тизимли белгиси билан бир қаторда синергия белгиси ҳам мавжуд бўлиб, бунда ташқи таъсирлардан келиб чиқадиган ва мавжуд бўлган оддий тизимлардан фарқли ўлароқ, кластерлар, асосан, ички ресурслар ҳисобига ишлайди.

[49] Портер М.Э. Конкуренция. – М.: Вильямс, 2003. – С. 35.
[50] Кривых С.В., Макареня А.А. Педагогическая антропоэкология. Педагогика жизнедеятельности. – СПб: ГНУ ИОВ РАО, 2003. – С. 82.

Юқорида таъкидланганидек, кластер (инглиз тилидан cluster – кластер) бирлашма деб аталиб, бир неча хил элементлар, мустақил деб ҳисоблаш мумкин бўлган маълум хусусиятларга эга бўлган бирлашмалар тушунилади.

Ахборот технологиялари соҳасида кенг қўлланиладиган “кластер” атамаси, охирги вақтларда иқтисодиётда фаол ишлатилиб келинмоқда, бугунга келиб, бу термин замонавий педагогикада ҳам истеъмолга киритилди.

Университет, туман, шаҳар, минтақанинг таълим тизимини кластерлаштириш, унинг ташқи ва ички алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш талабаларнинг умумий, касбий, ҳуқуқий савияси юқори бўлган мутахассис шахс бўлиб ривожланишига қаратилган, минтақанинг бошқарув сиёсатига, унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий соҳаларига фаол таъсир кўрсата оладиган ваколатларини шакллантириш учун мақбул шарт-шароитларни яратади[51].

**Кўп даражали мураккаб тизим сифатида таълим кластери қуйидаги асосларга мувофиқ ишлайди** (10-жадвал):

✓ **тизимлилик** – бунда таълим кластери яхлит, мураккаб, кўп босқичли тизим сифатида қаралиб, кластер тизимларининг асосий афзалликлари мослашувчанлик ва нисбатан осон бошқариш механизмига эга эканлигидир;

✓ **барқарорлик** – бунда таълим кластери ташқи таъсирларга бардош бера олиш хусусиятига эга бўлган ички ресурслар ҳисобига ишлайди ва универсал воситалар ёрдамида янада кенгайтирилиши ва замонавийлаштирилиши мумкин;

✓ **синергетик** таъсир – таълим кластери ички ва ташқи омилларининг биргаликдаги ўзаро таъсири. У таълим кластери ҳар бир тизими учун ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқаришга имкон берадиган синергетик таъсир орқали ривожланишига шароит яратади;

✓ **мослашувчанлик ва ўзгарувчанлик** – юқорида таъкидланганидек, таълим кластерига янги тизимларни қўшиш унинг фаолиятини янада такомиллаштиради, аксинча, унда мавжуд бўлган

[51] Игнатова В.А., Трушников Д.Ю. Региональная кластеризация образовательных систем как актуальная проблема социологии образования // Актуальные проблемы социологии молодежи, культуры и образования : материалы международ. конф., Екатеринбург, 25-26 февраля 2010 г. / под общ. ред. Ю. Р. Вишневского. –Т.3. –Екатеринбург: УГТУ–УГПИ, 2010. –С.135-138.





тизимларни олиб ташлаш унинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган ҳалокатли оқибатларга олиб келмайди.

Таълим кластерлари, одатда, бошқа ижтимоий тизимларга қараганда тезроқ ривожланади, лекин ўз фаолияти давомида у юқори даражадаги бутунликка эриша олмайди. Бунинг асосий сабаби ҳар қандай таълим кластерида субъектларнинг авлодлари (талабалар, ўқитувчилар, иш берувчилар ва б.) жуда тез ўзгариб туришидир, шу билан бирга, таълим кластерига киритиладиган ҳар бир ташаббус, лойиҳа унга ўз таъсирини ўтказиб, унинг фаолиятига янги омилларни киритиш уни белгиланган яхлитликка эришишдаги мақсадини ёки муддатини ўзгартиришга олиб келади. Шунинг учун таълим кластерининг ривожланиши нафақат объектив, балки субъектив омиллар билан ҳам белгиланади.

*10-жадвал*

*Таълим кластерининг ишлаш асослари*




Ҳар қандай таълим кластерида жуда кўп беқарор тизимлар мавжуд бўлиб, бу беқарорлик унинг салбий тавсифланишига олиб келмайди. Беқарорлик маркази кейинчалик кластерни янада ривожлантириш манбаи бўлиши мумкин бўлган ҳудудни аниқлайди. Шунинг учун таълим кластерини бошқаришда бундай

беқарорликнинг ўчоқларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ва уларни яратилган тизим моделига қўйиш мумкин[52].

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида турли таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг педагогик компетенцияларини шакллантиришнинг таълим кластери институтнинг асосий стратегик тадқиқот объекти бўлган педагогик таълим инновацион кластери асосида қурилган бўлиб, унинг фаолияти минтақавий таълим кластери субъектларининг ўзаро биргаликдаги лойиҳалаштирилган дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш билан амалга оширилади.

Кластер негизида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий институтлар ва турли даражада (туман, шаҳар, вилоят) маълум соҳаларда ташкил этилган кластерлар мавжуд. Кластернинг минтақавий тузилмалари таркибида маҳаллий ҳокимият органлари, ижро этувчи маъмурий орган (маҳаллий маъмурият), шаҳар ҳокимияти, шаҳар ҳокимиятининг назорат органи, ижтимоий институтлар, таълим тизими, маданият, ёшлар сиёсати, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, ташкилотлар ва ижтимоий жамоатчилик кабилардан иборат бўлади. Таълим кластери тузилмасида эса минтақавий таълим тизими бошқарув органлари, олий таълим муассасалари, ўрта махсус, умумий ўрта ва мактабгача таълим муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим, илмий текшириш институтлари, илмий тадқиқотчилар, маданий ташкилот ва объектлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, ўқувчилар, болалар, ижтимоий муҳит ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, шунингдек, ота-оналар жамоатчилиги ҳамкорлигидаги аниқ мақсадлар йўлида бирлашган субъектлар фаолият олиб боради. Таълим кластери минтақада барча таълим олувчилар салоҳиятига ташқи таъсир ўтказиш орқали таълим сифати самарадорлигини ошириш, ўз-ўзини ривожлантириш истагида бўлган, ўз ички салоҳиятига ишонадиган, турли соҳалардаги бўлажак мутахассис учун бир майдон яратади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий буюртма таълим кластерини яратиш ва ривожлантиришнинг асосий векторидир. Таълим

[52] Поздеева Т.М. Организация воспитательной работы в школе // Фестиваль педагогических идей «Открытый урок»: [сайт] / Издат. дом «Первое сентября». – URL: http://festival.1september.ru/articles/550559/





муассасасини тизимли ривожлантиришга қаратилган раҳбарлар доимий равишда ижтимоий тартибни ўрганиш ва таҳлил қилиш, таклиф этилаётган дастурлар ва лойиҳаларнинг сифатини мижозларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келишини таъминлаш учун унинг ўзгаришини тахмин қилишлари муҳимдир. Талабалар малакаларини шакллантириш шакллари, воситалари, технологиялари ва усуллари битирувчиларнинг инновацион касбий фаолиятга муваффақиятли мослашувини таъминлайдиган ижтимоий буюртма ва меҳнат соҳаси талабларини амалга оширишни таъминлаш учун мўлжалланган таълим кластерининг замонавий универсал воситаси бўлиши керак.

Таълим кластерини шакллантириш ва ташкил этиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари кластерининг тузилиши ижтимоий буюрма тайёрланишининг биринчи шартидир.

Маҳаллий ҳокимият ваколатларининг кластери остида ишлаш учун талаб қилинадиган ўзаро боғлиқ ўзини ўзи бошқариш органлари: коммуникатив ваколат, жамоада ишлаш, муаммоларни ҳал қилиш, ташаббус ва ташаббускорлик, ўзини ўзи бошқариш, режалаштириш ва ташкил етиш, ўз-ўзини тарбиялаш, ахборот малакаси каби универсал ваколатларни тушунамиз. Кластердаги ваколатлар тўплами чекланмаган бўлиб, улар вақт, жой ва бошқа омилларга нисбатан фарқ қилиши мумкин. Танланган ваколатлар декомпозиция қилиниб, маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари моделида аниқланади.

Кейинги ўринда олий таълим муассасасининг таълим тизими акс эттирилиб, у янги шаклланадиган мутахассисларни тайёрлашга қаратилган қуйидаги принципларни ҳисобга олиши ва мақсадга мувофиқ равишда ишлатиши керак бўлади:

- ҳар бир талабанинг ихтисослашувини ўзгартириш ёки ОТМда ўқиш даврида бир нечта ихтисослашувларни олиш имкониятини амалга оширишда ўз таълим йўналишини қуриш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш имконияти мавжуд бўлган индивидуал таълим;
- ўқитувчи ва талабалар ўртасида онгли истиқбол, кенг имкониятлар, ахборот ва касбий маҳоратни ривожлантириш муҳитини пайдо бўлиши;

- олий таълим тизимининг мослашувчанлиги, унга мувофиқ таълим мазмуни ва билимларни ривожлантириш, касбий малакаларни эгаллаш усуллари шахснинг эҳтиёжлари ёки даъволари даражасига мос келади. Билим автоматик равишда талаб қилинади ва ўқув режасининг қатъий қолиплари билан белгиланмайди, бу эса ўқитишнинг мотивацияси ва билимларни ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширади;

- касб-ҳунар, умуман, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга тезкор жавоб бериш қобилиятига эга мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ олий таълим тизимининг динамиклиги; уларнинг синергияси ўқувчиларнинг билим, меъёрий-ахлоқий, ахборот-коммуникатив, дизайн-фаолият, рефлексив-баҳолаш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган.

Шу билан бирга олий таълим тизимида талабаларнинг малакаси кластерини шакллантириш учун қуйидаги механизмларни ажратишимиз мумкин:

- фаол педагогик технологиялар орқали маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ваколатини шакллантиришга ёрдам берадиган ўқув дастурларига киритилган иш технологиялари, биз ҳақиқий амалиёт технологиясини симуляция қилувчи шакллар ва усулларда ваколатларни онгли равишда эгаллаш сифатида аниқлаймиз;

- белгиланган мақсадга эришиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатларини шакллантиришга ёрдам берадиган бир қатор технологиялар таҳлил қилиниб, уларга қуйидагилар киради: ижтимоий дизайн, ташкилий ва фаол ўйинлар ва амалиётчиларни жалб қилиш билан моделлаштириш ва ҳ.к.

Бироқ, лойиҳа фаолиятини ташкил этиш учун замонавий тадқиқот базаси ва меҳнат соҳаси билан яқин ҳамкорлик зарур. Бундан ташқари, ушбу турдаги таълим фаолияти ўқитувчилар учун жуда ноқулай, чунки у талабаларнинг индивидуал ва гуруҳ ишларини тайёрлаш, ташкил этиш учун кўп вақтни олади. ОТМ ўқитувчиларининг ярми ўқитувчининг ҳаддан ташқари юки ва талабалар билан индивидуал ва гуруҳ иши учун иш ҳақи даражасида инсон ресурслари етишмаслигини таъкидлайди. Иш берувчилар, шунингдек, лойиҳа иши тажрибасининг мавжудлиги битирувчининг қийматини сезиларли даражада оширади. Субъект позициясини шакллантириш жараёнига талабаларни жалб қилиш





бўйича кўп йиллик жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ўқув жараёнига субъект-субъект муносабатларини жорий этишнинг асосий усули ўқув жараёнини ташкил этишни ўзгартиришдир. Агар бу ўзгаришлар тизим ёндашуви асосида юзага келса, унинг самарадорлиги ошади, яъни бир неча соҳаларни ҳисобга олган ҳолда: мазмунли (ўзгарувчан таълим дастурлари орқали амалга ошириладиган), фаолият (модулли комплекс орқали амалга ошириладиган) ва процессуал (алоқа турлари ва ўқув фаолиятини ташкил этиш усулларини белгиловчи, уларнинг асосий қисми фаолият, ҳамкорлик). Субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш икки томонлама жараёндир. Ўқитувчи талабанинг ўзига хослигини намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратади, шу билан бирга, у ўзини яхшилайди. Бу ҳолда ўқитувчи ва талабанинг индивидуал услублари таълим жараёни иштирокчиларининг субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш воситаси, шарти ва натижаси бўлиб хизмат қилади. Биз олиб борган тадқиқот талабаларнинг шахсий фазилатларини ривожлантиришга етарлича эътибор бермаслигини кўрсатди. Ҳар бир инсон етакчилик, ташкилий кўникмалар, мулоқот қобилиятлари ва саводли нутқ, шахсий самарадорлик ва жозиба, эмпатия қобилияти ва бошқалар каби фазилатларни билади ва бу мутахассис учун жуда муҳимдир. Ушбу кўникмалар талабаларнинг ривожланиши, асосан, ижтимоий иш орқали амалга оширилади, бу тизимсиз ва бир маънода ўз-ўзидан пайдо бўлади ёки талабаларга берилади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ваколатларининг кластерининг акс этувчи компонентини шакллантириш талабанинг ўз фикрлаш механизмларини, когнитив фаолиятнинг оператив томонини, талабанинг эгоцентрик нуқтаи назарини енгиб ўтишни, дунёни кўриш усулини ягона тўғри деб билишини, плюралистик дунёқарашни ва натижада, бу муқобилликка асосланган ижодий қобилиятларни ривожлантиришни англаймиз.

Маҳаллий ҳокимият органлари учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш бугунги кунда ходимларни ўқитиш масалаларида қабул қилинган қарорлар учун сиёсий таъсир, мослашувчан ҳамкорлик, ўзаро манфаатдорлик ва иштирокчиларнинг масъулиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятига эга. Ушбу ишнинг якуний мақсади давлат ҳокимияти ва маҳаллий

ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифалари ва функцияларини самарали амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали девонни шакллантиришдир”[53].

Иш берувчининг давлат ва шаҳар ташкилотларидан ёш мутахассисларга бўлган асосий талаби уларнинг амалий фаолиятга тайёрлиги, ишни дарҳол бошлаш ва олий таълимда олинган билимларни муайян лавозимда қўллай олиш қобилиятидир. Бундай кўникмалар амалиёт давомида шакллантирилади, бу эса, бир томондан, профессионал билимларни бойитишга имкон берувчи таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, бошқа томондан, келажакда мутахассиснинг ишлашга яроқлилигини баҳолаш учун “синов муддати” ҳамдир[54].

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси учун кластер механизмининг афзаллиги, иш берувчиларга битирувчиларнинг малакасига бўлган талабларини янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради, иш берувчи томонидан ОТМ ишининг сифати билвосита баҳоланади. Кластер ёндашувига мурожаат қилиш зарурати кластернинг минтақавий касб-ҳунар таълими тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида афзалликлари билан изоҳланади

Тошкент вилоятида педагогик таълимни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири таълим салоҳияти, психологик ва педагогик фан ва кластер субъектларининг таълим амалиётини интеграциясини таъминлаш ва ривожлантиришга қаратилган кластер моделига ўтиш ҳисобланади. Педагогик таълим инновацион кластерига мувофиқ, кластер – доимий педагогик тафовутнинг миллий таълим тизимини инновацион ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ва шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик қиладиган муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашмасидир. 2019-2020 йилларда минтақавий педагогик

[53] Огородникова С.А., Масюто О.М. Подготовка кадров местного самоуправления: Эффект взаимодействия филиала с администрацией города // Юридическая Россия : федеральный правовой портал [Электронный ресурс]. – URL: http://law.edu.ru/doc/ document.asp?docid=114946.

[54] Черданцев С.М. О мерах по совершенствованию профессионально-практической подготовки специалистов в сфере государственного и муниципального управления: доклад на расширенном заседании Совета по вопросам кадровой политики при полномочном представителе Президента РФ в Сибир. федерал. округе 31 мая 2012г. 10 с. [Электронный ресурс]. – URL: sibfo.ru/institutes/files/120531_Cherdancev.doc





таълимни ривожлантириш классик гуруҳлар, яъни ташкилотлар (вилоят, туман, таълим муассасаси), турлар (илмий, таълим, илмий-услубий, ўқув-илмий-инновацион ва бошқалар) бўйича фаолият олиб боради ва улар бир-бирини тўлдирувчи сифатида намоён бўлмоқда.

Минтақавий таълим кластерини амалга ошираётган муносабатлар нуқтаи назаридан асосий иштирокчилари сифатида қуйидаги субъектларни кўришимиз мумкин. Вилоят педагогика институти минтақавий таълим тизимини кластер модели асосида ривожлантириш маркази вазифасини бажарувчи ташкилот ҳисобланади. Марказнинг таркибий бўлинмаси бир нечта мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари иборат бўлиб, кластер модели асосида улар фаолиятини янада такомиллаштириш натижасида битирувчиларнинг айнан шу вилоятдаги ёки бошқа ҳудуддаги олий таълим муассасаларида ўқишни муваффақиятли давом эттириш имкониятига эга бўлиши кутилади.

## 1.5. Педагогик таълим инновацион кластери илмий-педагогик муаммо сифатида

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, дунёда янгиликлар ва оригинал технологик ечимларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бугун билим иқтисодий ресурснинг асосий манбаига айланди. Иқтисодий ўсиш учун курашда билимлар (шунингдек, инновациялар) миллий иқтисодиётнинг энг асосий ички заҳираларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Инновацион ўсишга қаратилган имкониятларни ишга солиш учун “билимлар жамияти” ва билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш талаб этилади. Бундай иқтисодиётнинг концепциясига мувофиқ, иқтисодий ўсишнинг сифати “номоддий” иқтисодий активларга инвестициялар киритиш орқали таъминланади. Булар илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, иқтисодий фаол аҳолининг билим ва малакасини ошириш кабилардир. Бундай инвестицияларни амалга ошириш учун инновацион фаолиятни ва илмий тадқиқотларни рақобат ва иқтисодий динамиканинг асосий омиллари сифатида тавсифлайдиган миллий инновацион тизим-

ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифалари ва функцияларини самарали амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали девонни шакллантиришдир”[53].

Иш берувчининг давлат ва шаҳар ташкилотларидан ёш мутахассисларга бўлган асосий талаби уларнинг амалий фаолиятга тайёрлиги, ишни дарҳол бошлаш ва олий таълимда олинган билимларни муайян лавозимда қўллай олиш қобилиятидир. Бундай кўникмалар амалиёт давомида шакллантирилади, бу эса, бир томондан, профессионал билимларни бойитишга имкон берувчи таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, бошқа томондан, келажакда мутахассиснинг ишлашга яроқлилигини баҳолаш учун “синов муддати” ҳамдир[54].

Шундай қилиб, олий таълим муассасаси учун кластер механизмининг афзаллиги, иш берувчиларга битирувчиларнинг малакасига бўлган талабларини янада аниқроқ тушунишга ёрдам беради, иш берувчи томонидан ОТМ ишининг сифати билвосита баҳоланади. Кластер ёндашувига мурожаат қилиш зарурати кластернинг минтақавий касб-ҳунар таълими тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида афзалликлари билан изоҳланади

Тошкент вилоятида педагогик таълимни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири таълим салоҳияти, психологик ва педагогик фан ва кластер субъектларининг таълим амалиётини интеграциясини таъминлаш ва ривожлантиришга қаратилган кластер моделига ўтиш ҳисобланади. Педагогик таълим инновацион кластерига мувофиқ, кластер – доимий педагогик тафовутнинг миллий таълим тизимини инновацион ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ва шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик қиладиган муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашмасидир. 2019-2020 йилларда минтақавий педагогик

[53] Огородникова С.А., Масюто О.М. Подготовка кадров местного самоуправления: Эффект взаимодействия филиала с администрацией города // Юридическая Россия : федеральный правовой портал [Электронный ресурс]. – URL: http://law.edu.ru/doc/ document.asp?docid=114946.

[54] Черданцев С.М. О мерах по совершенствованию профессионально-практической подготовки специалистов в сфере государственного и муниципального управления: доклад на расширенном заседании Совета по вопросам кадровой политики при полномочном представителе Президента РФ в Сибир. федерал. округе 31 мая 2012г. 10 с. [Электронный ресурс]. – URL: sibfo.ru/institutes/files/120531_Cherdancev.doc





таълимни ривожлантириш классик гуруҳлар, яъни ташкилотлар (вилоят, туман, таълим муассасаси), турлар (илмий, таълим, илмий-услубий, ўқув-илмий-инновацион ва бошқалар) бўйича фаолият олиб боради ва улар бир-бирини тўлдирувчи сифатида намоён бўлмоқда.

Минтақавий таълим кластерини амалга ошираётган муносабатлар нуктаи назаридан асосий иштирокчилари сифатида қуйидаги субъектларни кўришимиз мумкин. Вилоят педагогика институти минтақавий таълим тизимини кластер модели асосида ривожлантириш маркази вазифасини бажарувчи ташкилот ҳисобланади. Марказнинг таркибий бўлинмаси бир нечта мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари иборат бўлиб, кластер модели асосида улар фаолиятини янада такомиллаштириш натижасида битирувчиларнинг айнан шу вилоятдаги ёки бошқа ҳудуддаги олий таълим муассасаларида ўқишни муваффақиятли давом эттириш имкониятига эга бўлиши кутилади.

## 1.5. Педагогик таълим инновацион кластери илмий-педагогик муаммо сифатида

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, дунёда янгиликлар ва оригинал технологик ечимларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бугун билим иқтисодий ресурснинг асосий манбаига айланди. Иқтисодий ўсиш учун курашда билимлар (шунингдек, инновациялар) миллий иқтисодиётнинг энг асосий ички захираларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Инновацион ўсишга қаратилган имкониятларни ишга солиш учун “билимлар жамияти” ва билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш талаб этилади. Бундай иқтисодиётнинг концепциясига мувофиқ, иқтисодий ўсишнинг сифати “номоддий” иқтисодий активларга инвестициялар киритиш орқали таъминланади. Булар илмий тадқиқотлар ва ишланмалар, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, иқтисодий фаол аҳолининг билим ва малакасини ошириш кабилардир. Бундай инвестицияларни амалга ошириш учун инновацион фаолиятни ва илмий тадқиқотларни рақобат ва иқтисодий динамиканинг асосий омиллари сифатида тавсифлайдиган миллий инновацион тизим-

ларни яратиш керак бўлади. Миллий инновацион тизим концепциясини биринчи бўлиб, 1987 йилда инглиз иқтисодчиси К.Фреееман тақдим этди[55]. Миллий инновацион тизимлар нафақат илмий тадқиқотлар олиб бориш учун масъул бўлган ташкилотлар, балки мавжуд даражадаги ресурсларни ташкил қилиш ва бошқаришни ҳам корпоротив миқёсда, ҳам миллий миқёсда амалга оширадиган ишларни ҳам ўз ичига олади. Ҳозирги Ўзбекистон шароитида миллий инновацион тизимларни шакллантириш устувор масалалардан бири бўлиб турибди. Ҳар қандай инновацион тизимнинг асосий элементи – инновацияларни яратиш, тарқатиш ва ривожлантириш учун зарур сифатга эга бўлган одамлардир. Буни фақат таълим соҳасидагина тўлиқ шакллантириш мумкин. Шунга кўра давлатнинг ривожланиши инновацион тизимларини шакллантиришни талаб қилади. Бундай тизимлар давлат миқиёсида, вилоят ва шаҳар даражасида ҳам амалга оширилиши мумкин. Таълим соҳасида миллий инновацион тизимнинг пайдо бўлиши ва муваффақиятли фаолият юритиши соҳага кластер ёндашувини жорий этиш билан юзага келади. Кластер махсус етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар билан боғлиқ технологик занжирдан иборат. Демак, кластерда бир гуруҳ ташкилотларнинг инновацион маҳсулотни яратишга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган иқтисодий ҳодиса миллий ва минтақавий ривожланиш учун кучли рағбат ҳисобланади. Шунга кўра, кластер ёндашуви фан ва амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ва амалга ошириш, кластерларни яратиш ва бошқариш орқали унинг фаровонлиги ҳамда рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган йўналиш сифатида белгиланиши мумкин. Бошқарув назарияси ва амалиётининг долзарб вазифаси бутун мамлакат ва унинг ҳудудларини, шунингдек, айрим соҳаларни ривожлантиришга нисбатан кластер ёндашувини амалга ошириш йўллари ва имкониятларини илмий тадқиқ қилишдир. Кластер ривожланиши ва кластер ёндашуви истиқболли кўринадиган соҳалардан бири таълимдир.

[55] Freeman C., Soete L. New Explorations in the Economics of Technological Change. L.: Pinter, 1990. 471 г





Интеграциялашув жараёнининг замонавий усулларидан бири, шубҳасиз, кластер ёндашуви экан, уни илмий-педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиш, унинг самарали усул эканлигини илмий асослаш, амалиётга жорий этиш механизмлари бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш миллий педагогикамизнинг бош масалаларидан бири бўлиб турибди. Бу борада хорижий мутахассислар томонидан олиб борилган тизимли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу тушунча хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектларнинг элементлари ўзаро алоқада ва боғлиқликда бўлган ва муайян мақсадларга эришиш учун биргаликда фаолият юритадиган ягона ташкилий тузилмага бирлашишни англатади. Замонавий кластерлар, одатда, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш субъектларини ўзида жамлайди, иқтисодий барқарор глобал тармоқни ҳосил қилади. Шунинг учун кластерларнинг ягона ташкилий тузилмаларини яратишда инновацион ёндашувларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий ҳодисадир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоб ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади, шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади. Кластерни бюрократик ва маъмурий йўллар билан амалга ошириб бўлмайди. У субъектларнинг ихтиёрий хайрихоҳлиги асосидагина ташкиллаштирилиши ва самарали фаолият олиб бориши мумкин.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, таълим кластери миллий педагогикамизда инновация бўлиб, ўзида нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам жамлайди.

Кузатишлар бугунги кунда дунё ҳамжамиятида иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда фан ва таълим соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи хусусий, тармоқ ва тармоқлараро ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилишнинг замонавий тенденцияларини ишлаб чиқувчи алоҳида муассасалар, компаниялар ва хўжалик юритувчи субъектлар мавжуд эмаслигини

кўрсатади. Бугунги кунда жамият ва иқтисодиётга нафақат тор профессионал соҳадаги билим, кўникма ва малакага эга бўлган, балки ярим профессионал компетентлик – табиат ва жамиятни баркамол ривожлантириш манфаатлари йўлида ижодий характер-даги интеграцион интерпрофессионал муаммоларни самарали ва масъулиятли тарзда ҳал этиш қобилияти ва салоҳиятига эга бўлган етук мутахассислар талаб этилади. Шу муносабат билан олий таълим назарияси ва амалиётида полипрофессионал квалификация-га эга мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ инновацион ёндашувларни излаш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада ҳам педагогик таълим кластерлари оқилона ечим сифатида майдонга чиқади.

Таълимда бундай ёндашувни қўллаш амалиёти ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида мавжуд. Бу борада Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Марокаш, Иордания, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакат-ларда катта тажриба мавжуд. Хусусан, бу борада Хитой тажрибаси аҳамиятга молик. Хитойдаги инновацион кластерлар, асосан, Пекиндаги Цинхуа ҳамда Шанхайдаги Фудонь университетларида, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари, бизнес-инкубатор шаклида ташкил қилинган илмий техник парклар, илмий марказлар атрофида шакллантирилган. Бундай инновацион кластерлар ҳукумат грантларини, Хитой венчур капиталини, хитойлик ва чет эллик энг яхши мутахассисларни ўзига жалб қилади[56]. Ҳиндистонда мавжуд 2000 дан ортиқ кластерлар фаолияти кузатилганда, улар-нинг ҳам ривожланган инфратузилмага ва бой меҳнат ресурсларига йирик шаҳарлар, катта саноат компаниялари атрофида тўпланишига гувоҳ бўлиш мумкин. Энг муҳими, самарали фаолият олиб бораётган барча кластерлар илмий марказлар ва университетлар билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган[57]. Умуман, замонавий кластерларни муваффақиятли шакллантиришнинг шартларидан бири унинг фан билан алоқадорлигидир. Чунки, соҳадаги янги тенденцияларни ўз вақтида тушуниш, унга мослашиш, инновация-

[56] Бараболина А.И. Формирование автомобильного кластера в Китае [Электронный ресурс]. // Проблемы современной экономики. 2008. № 4(24). Режим доступа: www.m-economiy.ru.

[57] Хасаев Г.Р. Кластеры – современные инструменты повышения конкурентоспособности региона (через партнерство к будущему) / Г.Р.Хасаев, Ю.Б.Михеев (Электронный ресурс). Режим доступа: www.cjmpass-r.ru.





ларни амалиётга татбиқ этиш, самарадорликни прогнозлаш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш билан боғлиқ кластернинг самарали ишлашини таъминловчи йўналишлар илмий фаолиятсиз бўлиши мумкин эмас.

Таълим кластерлари, шу жумладан, педагогик таълим кластери ҳам назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш кластерларининг аналоги ҳисобланади. Уларни ташкил қилиш билан боғлиқ амалий жараёнлар ҳам ўхшаш бўлади. Таълим тизимига бундай ёндашувни қўллаш билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш, адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, таълимга кластер ёндашуви қуйидагиларни тақозо қилади:

✓ *ишлаб чиқариш ва таълим дастурларини бирлаш-тиришни;*

✓ *тузилмада инновацияларни қўллаб-қувватлаш воситаси (фан–таълим–ишлаб чиқариш) сифатида намоён бўлишни;*

✓ *келажак иқтисодиёти учун кадрлар салоҳиятини шакллантиришнинг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг самарали усули бўлишни;*

✓ *турли таълим муассасалари (болалар боғчаси, мактаб, лицей, коллеж, университет) билан таълим тизимининг узлуксиз-лиги принципи асосида қайта ташкил этишни.*

Инновацион таълим кластерининг асосий маҳсулоти таълим хизматлари ҳисобланади. Кластер, биринчи навбатда, таълим хизматларини амалга оширишга эмас, балки ўзгарувчан бозор шароитида рақобатбардош таълим беришга қаратилган бўлиши керак. Рақобатбардош таълим бериш доимий равишда инновация-ларни, замонавийлик, талаб ҳамда таклиф мутаносиблигини талаб қилади. Шу жараёнда таълим хизматларига йўналтирилган фаолият ўсиш кўрсаткичларини намоён қилади.

Кластер шундай тизимки, уни ташкил қилувчи компонент-ларнинг интеграцияси ҳар бир субъектнинг янада самаралироқ ишлашини таъминлайди ва истисно бузилишларга олиб келмайди. Кластер бир қатор таълим, илмий ва ишлаб чиқариш субъектларининг муайян ассоциацияга механик бирлашиши эмас, балки уларнинг ўзаро яқиндан таъсири ва ўзаро боғлиқлиги натижасида юзага келади. Бундай ташкилот алоҳида компонентлар ва бутун кластернинг конвертация қилинишини таъминлайди.

Кластер иши янги сифатли маҳсулот яратиш имконини беради. Таълимга нисбатан ўзига хос янги ёндашув бўлган кластер нафақат ҳаёт давомида таълим олиш учун шарт-шароитларни таъминлабгина қолмай, балки таълимнинг узлуксизлигини таъминлайдиган таркибий қисмлар ўртасидаги мавжуд ва истиқболли алоқаларни қайта тиклашга имкон беради. Кластер мавжуд интеллектуал ресурсларни педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари атрофида интеграциялаш, педагогик соҳада оқилона ворисийлик тамойилини йўлга қўйиш, манфаатдор шахсларнинг қониқиш даражаси ҳақида тезкор фикр-мулоҳазалар билан бўлажак ўқитувчиларни амалий йўналтирилган тайёрлаш билан боғлик муҳим масалалар атрофида фаолият олиб боради.

Педагогик таълим кластерини шакллантириш учун бир қатор муҳим шартлар талаб этилади. Буларга:

- ✓ *ҳудуднинг рақобатбардош устунликларидан фойдаланган ҳолда ўқув юртлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;*
- ✓ *бутун тизимнинг узоқ муддатли инновациялари ва бошқа стратегиясини белгиловчи етакчиларни аниқлаш;*
- ✓ *ички ва ташқи рақобатбардошликни таъминлайдиган ўқув муассасаси ходимларининг малака даражасини ошириш имконини берадиган илмий ташкилотларни белгилаш;*
- ✓ *ишонч ва ижодкорлик муҳити;*
- ✓ *битта ҳудуддаги таълим муассасаларининг умумий мақсад учун манфаатдорликнинг мавжудлиги* кабиларни келтириш мумкин.

**Педагогик таълим кластери бир нечта даражада амалга оширилиши мумкин:** халқаро миқёсда; давлат миқёсида; минтақавий миқёсда; муайян таълим турида; алоҳида ўқув мазмунида.

Биз тадқиқотимизда минтақавий миқёсдаги барча даражадаги таълим муассасалари, иш берувчилар, шунингдек, фаолияти энг яқин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган мувофиқлаштирувчи ва ҳокимият органлари тўпламидан иборат кластерни тадқиқ этишни мақсад қилганмиз.

Америка, Европа илм-фанида таълим кластери бир нечта элементларнинг ўзаро алоқаси ва бир бутун мақсад атрофида





бирлашиши билан боғлиқ тушунчани англатган ҳолда анчадан бери ишлатилади. Бу борада хорижий олимлардан С.Я.Боброва, В.Т.Волов, Н.В.Жукова, В.В.Яровова, Г.Б.Клейнер, Р.М.Качалов, Н.Б.Нагрудная, А.А.Мигранян, Т.В.Цихан, Jonathan Sallet, P.Cooke, O.Solvell кабиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кластерни муайян тизим дейиш мумкин, аммо унинг оддий тизимдан фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу махсус, ўзига хос тизим бўлиб, элементларни қўшиш билан унинг иши яхшиланади, аммо олиб ташлаш билан ҳалокатли оқибатлар кузатилмайди. Кластер билан тизимнинг фарқи қуйидагиларда кўринади:

1. Тизим элементларининг ҳар бири алоҳида вазифани бажарса-да, аммо улар муҳимлик даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Кластер таркибидаги элементлар эса тенг ҳуқуқли копонентлардан ташкил топади.
2. Тизим таркибидаги элементлардан бирининг ишламаслиги бутун тизимни нуқсонли ишлаши ёки ишламаслигига сабаб бўлади. Кластер таркибидаги элементлардан бирининг ишламаслиги смарадорликни пасайтириши мумкин, аммо қолган элементларнинг фаолиятини тўхтатиб қўймайди.
3. Тизимни механик алоқадорлик асосида ҳам ташкил қилиш мумкин, аммо кластер таркибидаги элементлар онгли, табиий ва мақсадли алоқадорликка эга бўлиши керак.
4. Тизимни ташкил қилувчи элементларда ҳар доим ҳам хусусий манфаатдорлик талаб қилинмайди, аммо кластерда хусусий манфаатдорликсиз элементлар ишламайди.
5. Тизимда ягона мақсад мавжуд ва ҳар бир элемент ўша мақсадга бўйсундирилган бўлади. Кластерда эса ягона мақсаддан (умумий мақсаддан) ташқари ҳар бир элементнинг хусусий мақсади ҳам бўлади. Хусусий мақсадлар умумий мақсаддан кам аҳамиятга эга эмас.
6. Тизим алоҳида қисмлардан иборат бутунлик, кластер эса алоҳида бутунликлардан иборат бутунликдир.

Кластер тизимлари етарли даражада ишлаб чиқаришга мос бўлиб, таъсирларга чидамли ва айни пайтда турли воситалар ҳисобига уни модернизация қилиш ва кенгайтириш осон кечади. Кластернинг энг муҳим афзалликлари сифатида глобал миқёсда очиқлик, мослашувчанлик ва бошқаришнинг осонлигидир.

Кластерлар, одатда, кўп омилли фойдаланишга йўналтирилган тизимларда шаклланади. Мутахассислар фикрича, унда "...бутун қисмлар йиғиндисига тенг эмас, у қисмлар йиғиндисидан кўп ҳам, кам ҳам эмас, бу сифат жиҳатдан фарқ қилади. Шунингдек, қисмларни уйғунлаштиришнинг янги принципи ҳам мавжуд бўлиб, бу унга киритилган қисмларнинг умумий ривожланиш суръатини аниқлашдан иборат. Ташкилотнинг эволюциясида ижтимоий, геосиёсий яхлитлашувни яратиш учун тўғри ёндашувларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга"[58].

Яхлитликнинг тизимли белгиси билан бир қаторда кластер муносабатларининг синергия белгиси ҳам мавжуд. Синергетик ёндашув фаол ривожланаётган методология бўлиб, унда ўз-ўзини ривожлантирувчи, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини ташкил этиш ғоялари устунлик қилади. Синергетика ўз-ўзини ташкил қилиш механизмларини, яъни ўз-ўзидан пайдо бўлишни, барқарор мавжудликка нисбатан камроқ ва ҳар қандай табиатнинг макроскопик тартибли тузилмаларини ўз-ўзини йўқ қилишини тушунтиради. Ўз-ўзини ташкил этиш, оддийгина қилиб айтганда "...бу ички сабаблар туфайли юзага келадиган модданинг ўз-ўзини бошқариш жараёнининг табиий илмий ифодаси. Асосий ғоя бу ерда ички хусусиятларига мос келадиган объектга (тизимга) бу каби таъсирларни танлашдан иборат. Амалга оширилганда бу ҳолатнинг нисбатан кичик "резонанс" таъсири бошқариладиган объектга жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин"[59].

Ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятларидан фойдаланиш бошқарувда, педагогик тизимларда катта аҳамиятга эга бўлиб, юқори сифатли ўзгаришларга, таълим сифатининг кўтарилишига олиб келади. Биринчи бўлиб пайдо бўлган ва мавжуд бўлган ташқи таъсирлар туфайли ишловчи тизимлардан фарқли улароқ, кластерлар асосан ички ресурслар туфайли ишлайди. Кластер атамаси ахборот технологиялари соҳасида, иқтисодиётда фаол қўлланилиб, "концерн", "холдинг" каби номларни алмаштирди, энди эса педагогикага ҳам кириб келди.

[58] Кривых, СВ., Макареня, А.А. Педагогическая антропоэкология. Педагогика жизнедеятельности. - СПб.: ГНУ ИОВ РАО, 2003. - 360 с.
[59] Ўша манба. 360 с.





Турли фанлар нуқтаи назаридан қаралганда, бу атама турлича изоҳланади:

**1. Изоҳли луғат:** ихтиёрий объектларнинг гуруҳи бўлиб, шу гуруҳлар учун умумий бўлган у ёки бу хусусиятларнинг яхлит жамланиши[60].

**2. Социология:** ўзаро ўхшаш характерли ва параметрли элементларнинг бир гуруҳни ташкил қилиши. Бир-бирига яқинлигининг расмий мезонига кўра кластерни таҳлил қилиш усулларидан бири ёрдамида ажратилган объектлар гуруҳи[61].

**3. Иқтисодиёт:** иқтисодиётда кластер бир минтақадаги иқтисодиёт тармоқлари, бизнес тузилмалари, илмий ва таълимий ташкилотларнинг ҳамкорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан бирлашуви[62].

**4. Дастурлаш:** дастурлашда "кластер" тушунчаси мавҳум турдаги маълумотларни ёзувчи сифатида қаралади. Компьютернинг қаттиқ дискида кластер бир бутун сифатида белгиланган гуруҳлар блогини англатади. Компьютер тармоқларининг пайдо бўлиши билан икки ёки ундан ортиқ копьютерларнинг махсус дастурий таъминот ва аппарат билан бир тизимга боғланиши кластер термини билан атала бошланди[63].

Умуман, "кластер" тушунчаси дастурлаш соҳасида бир нечта маъноларда қўлланилади.

**5. Педагогика:** "фан-таълим кластери" тушунчаси лойиҳалар, тадқиқотлар, ишланмалар ва илмий мақолаларнинг жамоавий тарзда бирга бажаришни англатади. Таълим кластери эса иш берувчи билан таълим муассасаси ўртасидаги алоқадор дастурлар мажмуаси орқали бирлашишини англатади. Мактаб кластерлари: кластер таркибидаги таянч мактаблар ўзининг йўлдош мактаблар, мактабгача таълим муассасалари каби педагогик ҳамкорларига,

[60] Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. - М.: Эксмо, 2008. - 944 с.
[61] Тарасенко В.В. Социологическое определение территориальных кластеров // Вестник Адыгейского государственного университета. - 2011. - №3. - С.243-248.
[62] Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития / Т.В. Цихан // Теория и практика управления. - 2003. - № 5. - С. 48-56.
[63] Клейнер Г.Б., Качалов Р.М., Нагрудная Н.Б. Синтез стратегии кластера на основе системно-интеграционной теории // Наука - Образование – Инновации. - 2008. - №7.

шунингдек ОТМ, кутубхоналар ва музейлар каби ижтимоий ҳамкорларига эга[64].

"Педагогик таълим кластери" тушунчаси остида қуйидаги тавсифлар мавжуд:

- таълим самарадорлигини ошириш мақсадида томонлар манфаатли бирлашувининг ташкилий шакли;
- жамоани психологик ўрганиш усули;
- педагогик бошқарувни оптималлаштириш усули ва воситалари мажмуи;
- ўқув дастурларини лойиҳалаш усули;
- ўқитиш усули;
- таълим сифатини баҳолаш усули;
- фикрлаш шаклларини ривожлантирувчи педагогик усул, ўрганилаётган мавзунинг кенг қамровли алоқалари ва муносабатларини ўрнатиш қобилияти.

Таълимда кластер ёндашувига мурожаат қилишнинг зарурати кластернинг минтақавий таълимда самарадорликни ошириш мақсадида манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатидаги афзаллиги билан изоҳланади.

Таълимни ривожлантиришга нисбатан кластер ёндашуви дейилганда кластер субъектларининг муаммо устида ишлаш жараёнида ўзаро ривожланиши, шерикликни мустаҳкамлашнинг барқарор ривожланиш асосида амалга ошиши, алоҳида иштирокчиларнинг ва бутун кластернинг ўзига хос афзалликларининг мустаҳкамланиши тушунилади[65].

Шундай қилиб, кластер муайян шартнома муносабатлари билан бирлаштирилган субъектларнинг умумий мақсадига асосланиб, субъектларнинг ролини белгилайдиган ва уларни тартибга солувчи субъектларнинг умумий мақсадига асосланувчи фаолиятдир.

[64] Каменский А.М. Внутришкольный образовательный кластер / Режим доступа: http://www.likt590.ru/about/director/ cluster.pdf

[65] Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Матер. X Международ, образовательного форума: 2ч. (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.) -Белгород: Изд-во БелГУ, 2006.





Умумий мақсад таълим кластерида асосий ўринни эгаллайди. У ўқув жараёни доирасида битирувчиларнинг давлат таълим стандартлари асосидаги малакаларини таъминлайдиган қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир. Ушбу тизимни ўрнатиш орқали ўзаро ҳамкорлик доирасида кўнгиллилик ва ижтимоий этика асосида таълим муассасаларининг мақсадлари, манфаатлари, фаолияти ва имкониятларининг меҳнат бозорининг барча субъектлари билан интеграциялашишига эришиш мумкин.

Тадқиқотчилар манфаатдор томонларнинг саъйи-ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида кластерни таълим муассасасининг муайян мақсадларини амалга оширишга ёрдам берувчи ижтимоий шерикларнинг тўплами сифатида тушунишади. Кластерда таълим муассасаси, ўқитувчи ёки иш берувчи бошқа таълим муассасаси, ўқитувчи ёки иш берувчи билан биргаликда ишлаш масалалари бўйича ўзаро мулоқот қилишлари мумкин бўлган муҳит яратилиши, унда ўзаро фикр аламашиш, ресурсларни мустаҳкамлаш ва интеллектуал маҳсулотлар яратиш жараёнлари муҳокама қилиниши зарур. Ушбу турдаги таълим кластерларининг ишлаш тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай ўзаро таъсирлар нафақат ижтимоий ҳамкорларнинг ягона тизимга бирлашган шакли, балки ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун шахснинг истакларини қондиришга ҳам имкон беради.

Кластер таҳлилини педагогик ва ахборот технологияларини интеграциялашиш жараёнига нисбатан қўллаш таълим ва тарбия жараёнини тузатиш учун оптимал ечимларни прогнозлаш имконини беради[66].

Бугунги кунда таълим кластерини яратиш зарурати меҳнат соҳаси ва таълим ўртасида юзага келадиган интеграция жараёнлари билан боғлиқ. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ривожланаётган таълим кластерлари ижтимоий буюртма талабларига жавоб берадиган талабаларнинг билим, кўникма ва малакасини оширишни таъминлайдиган таълим муассасаларини ривожлантиришнинг инновацион шаклидир. Таълим кластери тизими таълимни модификация қилиш, таълим тизимини ўзида концептуал (мақсадлар,

[66] Кластерная политика как метод активизации инновационных процессов в регионах. Научно-инновационная политика в регионах Белоруссии: Н 34 Материалы республиканской научно-практической конференции (Гродно, 19-20 октября 2005 г.). - Мн.: ГУ «БелИСА», 2005. - 100 с.

усуллар, шакллар, воситалар), аксиологик (қадриятлар), психологик ва педагогик (ўқувчиларнинг қадриятларини ўзлаштириш механизмлари), ташкилий-бошқарув (таълим-тарбия тизими элементлари менежменти) каби таркибий қисмларни ўзида жамлаган ҳолда мажмуавий модел асосида қайта қуриш имконини беради.

Дунёнинг кўплаб давлатларида сўнгги ўн беш-йигирма йилда кластерларни шакллантириш минтақавий ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди. Мамлакатимизда кластерлаштириш сиёсати кейинги икки йилда бирмунча ривожланди. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тузилмасида кластерлаштириш дастлаб 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастури доирасида мамлакат ишлаб чиқариш сиёсатини такомиллаштириш йўлларини белгилаб бериш воситаси сифатида қайд қилинди[67]. Кластерга бундай ёндашув, ўз навбатида, миллий таълим тизимимизда кадрлар тайёрлашнинг кластер принципини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада Россияда 2011 йилда дастлабки қадамлар ташланган. 2006 йилда Майкл Портер Россия иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тадқиқ қилганидан сўнг бир неча йил ўтгач шундай қарорга келинган. Бу, албатта, олий таълим тизими билан иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий тармоқларини мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Кластернинг афзал томонлари қуйидагилардан иборат (11-жадвал).

- *кластер ривожланишининг барча босқичларида ташкилий назоратни таъминлаш;*
- *ижтимоий ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш муддатини жадаллаштириш, кластер иштирокчиларининг вақти ва бошланғич харажатларини иқтисод қилиш;*

[67] Усмонов Б., Баҳодиров Ж. Ўзбекистон Республикасида кластер тизимининг ривожланиши: хориж тажрибаси, “Biznes-ЭКСПЕРТ”, №4(124), 2018й.





*11-жадвал*

*Кластернинг афзал томонлари*




- *кластер иштирокчилари учун инвестицион таваккалчиликларни камайтириш;*
- *бюджетнинг комплекс лойиҳаларини рағбатлантириш харажатларининг самарадорлигини ошириш;*
- *юқори малакали ходимларни ротация қилиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва жалб қилиш масалаларини тизимли ҳал этиш имконияти;*
- *корхоналар фаолиятини илмий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш кўламини ошириш;*
- *мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва бюджетга солиқлар тушумининг кўпайиши.*

Ушбу фикрлардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, таълимга кластер ёндашуви ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва таълим дастурларининг комбинацияси ҳисобланади. Ушбу комбинациянинг оқилона ечимларини ишлаб чиқиш илмий муаммо сифатида

жиддий тадқиқ қилишни талаб қилади. Муаммони тадқиқ этиш жараёнида ҳудуд ва соҳаларнинг ўзига хослиги, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида ушбу масаланинг комплекс характерда акс этиши муҳим ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органларининг иқтисодиёт секторлари олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж бўйича буюртмаларни шакллантиришлари лозим.





# II БОБ

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

- ❖ **Кластер модели асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш**
- ❖ **Таълим тизими ва сифатини бошқаришда кластер моделининг ўрни ва аҳамияти**
- ❖ **Кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкор-лигини ташкил этиш асослари**
- ❖ **Таълим кластерлари – рақобатбардошликни ошириш омили**
- ❖ **Таълим сифатини бошқариш илмий-педагогик муаммо сифатида**

***Кластер стратегиясининг устуворлиги корхона (фирмалар, ташкилот)лар учун таъминотчиларга, малакавий ходимларга, ахборотларга, хизмат ва таълим марказларига тўғридан-тўғри боғланишлари сабабли меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга мисли кўрилмаган имкониятлар билан изоҳланади.***

**МАЙКЛ ПОРТЕР**

жиддий тадқиқ қилишни талаб қилади. Муаммони тадқиқ этиш жараёнида ҳудуд ва соҳаларнинг ўзига хослиги, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида ушбу масаланинг комплекс характерда акс этиши муҳим ҳисобланади. Маҳаллий ҳокимият органларининг иқтисодиёт секторлари олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига юқори малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж бўйича буюртмаларни шакллантиришлари лозим.





# II БОБ

# ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

- **Кластер модели асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш**
- **Таълим тизими ва сифатини бошқаришда кластер моделининг ўрни ва аҳамияти**
- **Кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкор-лигини ташкил этиш асослари**
- **Таълим кластерлари – рақобатбардошликни ошириш омили**
- **Таълим сифатини бошқариш илмий-педагогик муаммо сифатида**

***Кластер стратегиясининг устуворлиги корхона (фирма-лар, ташкилот)лар учун таъминотчиларга, малакавий ходим-ларга, ахборотларга, хизмат ва таълим марказларига тўғридан-тўғри боғланишлари сабабли меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга мисли кўрилмаган имкониятлар билан изоҳланади.***

**МАЙКЛ ПОРТЕР**

## 2.1. Кластер модели асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб, жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши, унинг ижобий жиҳатлари билан бирга, салбий оқибатларининг ҳам юзага чиқиши инсоният олдига янгидан янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Эндиликда ўзаро таъсирлардан тўла ҳимояланган бирор минтақа ёки давлатни топиш мумкин бўлмай қолди. Бу глобализация ва интеграция жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Глобализация жараёни мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маънавий, диний соҳалардаги салоҳиятига боғлиқ равишда турлича кечади. Бу жараённинг тараққий этган мамлакатларда нисбатан фаолрок ҳодиса сифатида кузатилиши унинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳодиса эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда шиддатли тарзда кечаётган глобализация жараёнининг жаҳон мамлакатларига салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини ошириш учун мазкур ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Глобализациянинг моҳияти ва хусусиятларини чуқур ўрганиш унга мослашиш, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш, унинг кучидан "ўзига қарши" фойдаланиш имкониятини яратади. Бундан кўриниб турибдики, глобализация жараёнидан ижодий фойдаланишнинг усул ва воситалари, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Глобаллашув жараёни соҳаларнинг интеграциялашув жараёнини ҳам тезлаштирди. Тараққиётнинг жуда тез суръатлар билан кечиши соҳа ва тармоқларнинг уйғун ҳолда фаолият олиб боришларини тақозо қилмоқда. Жамият тараққиёти ва кишиларнинг турмуш тарзидаги юксалишларни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг фаол интеграциялашувисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интеграция термини лотин тилидаги "integration" сўзидан олинган бўлиб, муайян бирликларни тиклаш, тўлдириш маъноларини билдиради. Амалиётда бу термин икки ва ундан ортиқ субъектларнинг бир мақсад атрофида бирлашиши билан боғлиқ жараёнларни англатади[68]. Интеграциялашув жараёни турли кенгайиш

[68] Ашихмина Я.Г. Интеграционные проекты в современной России: виды и характеристики // Научный ежегодник института философии и права УрОРАН. – 2010. – Вып. 10. – С.193-203.





даражаларига таъсир қилувчи композицион ва коммуникатив таркибий қисмларни ўз ичига олади. Композицион қисмлар таркиб ва тузилиш билан боғлиқ бўлиб, бирлашувчи субъектларнинг норасмий ва меъёрий чегараларини аниқлашни талаб қилади. Мулоқот қисми эса мундарижа ва субъектлар ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, янги шароитда уларнинг тамойил ва механизмлари ўзгаришларини назарда тутади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масаласи янги ҳодиса эмас. Ўзбекистон таълим тизимида бу борада назарий асослар етарли бўлиши билан бирга, талайгина амалий ишлар ҳам мавжуд. Аввало, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да "Таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш"[69] вазифалари белгилаб қўйилган. Дастур таркибидаги кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари қаторида "узлуксиз таълим", "фан ва ишлаб чиқариш" тушунчалари қайд қилинган, уларга атрофлича таъриф берилиб, ҳар бирининг кадрлар тайёрлаш тазимидаги ўрни белгилаб берилган. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида "Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир"[70], дейилади. Ушбу таърифда узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси ўз ифодасини топган. Шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжлари ишлаб чиқариш билан, илмий-техникавий эҳтиёжлари фан билан қондирилади.

Шунингдек, миллий моделда фан соҳасида:

"- табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланади, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланади;

[69] Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни.
[70] Ўша манба.

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;

- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;

- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинуви амалга оширилади"[71], деб қайд қилинган.

Берилган таъриф ва тавсифлардан фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўзаро алоқадорлик ва бир бутунликни ҳосил қилиши англашилади. Бу тушунчаларнинг табиий алоқадорлигини илмий нуқтаи назардан асослаш, шубҳасиз, улар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада тезлаштиради, ҳар учаласининг самарадорлиги учун хизмат қилади. Демак, ҳар бир соҳа ёки тармоқнинг ривожланиши, аввало, уч омил: таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлиги, яхлитлашуви ва интеграциясига боғлиқ. Бу учликнинг ўзаро интеграцияси нафақат соҳалар, балки шу тизим субъектларининг ҳам инновацион жараёнлар сари юз буришига сабаб бўлади. Инновацияларсиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувига, интеграциясиз эса иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин эмас. Бундан интеграция инновацион жараёнлар билан биргаликда содир бўладиган ҳодиса эканлиги англашилади.

Инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун тизимнинг инновацион муҳит ва унинг шаклларини такомиллаштириш, инновацион марказлар фаолиятини яхшилаш лозим бўлади. Бу борадаги технологиялар ва объектив қонуниятларни тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ҳар қандай инновациялар билимлар интеграциялашувининг маҳсули бўлиб, пировардида, таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз инъикосини топади. Бу эса жамиятни

[71] Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни.





янгиликка, фаровонлик ва иқтисодий ривожланган даражага олиб чиқишнинг омили ҳисобланади. Инновацион жараёнлар муайян фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш, жамоанинг умумий савияси ва қизиқишлари, миллатнинг менталитети, давлатнинг алоқадор соҳалар бўйича олиб бораётган сиёсати, илм-фан ютуқлари ва таълим тизими салоҳияти, инсон капитали каби бир қанча омилларга боғлиқ равишда кечади.

Инновация сўзи инглиз тилидаги "innovatsion" сўзидан олинган бўлиб, муайян соҳага янгилик киритишни англатади. Аммо ҳар қандай янгиликни ҳам инновация дейиш тўғри эмас. Умуман, фанда **"новация"** ва **"инновация"** тушунчаларини фарқлаш лозим. Новация қисқа муддатли, муайян тизимнинг алоҳида элементларигагина тааллуқли бўлган янгиланишни англатади. Инновация эса соҳага киритилган концептуал ўзгаришлар, ёндашувлар асосида киритилаётган, узоқ муддатли ва тизимли фаолият билан боғлиқ янгиланишларни англатади. Қуйидаги жадвалда буни кўриб чиқамиз (12-жадвал):

Таълимда инновациялар назария ва амалиёт уйғунлигида кечадиган ҳамда сон ва сифат ўзгаришларига олиб келувчи, муайян мақсадга йўналтирилган таълим билан боғлиқ субъектларнинг фаолият тизими кўринишида кечади. Ҳар қандай инновация ташаббус маҳсули бўлиб, у таълим сифати ва мазмунини ривожлантиришга қаратилади. Умуман, инновациялар ривожлантириш тамойилига асосланиши зарур.

*12-жадвал*

*Новация ва инновация терминлари таснифи*

| Новация | Инновация |
|---|---|
| Қўлланиш доираси ва муддати чегараланган | Қўлланиш доираси кенг ва узоқ муддатли |
| Тизимнинг алоҳида элементларига тааллуқли | Бутун тизимга тааллуқли |
| Натижаси мавжуд тизимни такомиллаштиради | Натижаси янги фаолият тизимини лойиҳалайди |
| Мавжуд методлар янгиланади | Фаолиятга ёндашув янгиланади |
| Амалиёт субъектлари позицияларини қисман янгилайди | Амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди |
| Қисм фаолиятининг сифат самарадорлигига эришилади | Тизим фаолиятининг сифат самарадорлигига эришилади |

- олий малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш амалга оширилади;
- кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктураси вужудга келтирилади, таълимнинг ахборот тармоқларидан фойдаланиш мақсадида билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базаси шакллантирилади;
- мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграцияси содир бўлади, замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинуви амалга оширилади"[71], деб қайд қилинган.

Берилган таъриф ва тавсифлардан фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўзаро алоқадорлик ва бир бутунликни ҳосил қилиши англашилади. Бу тушунчаларнинг табиий алоқадорлигини илмий нуқтаи назардан асослаш, шубҳасиз, улар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада тезлаштиради, ҳар учаласининг самарадорлиги учун хизмат қилади. Демак, ҳар бир соҳа ёки тармоқнинг ривожланиши, аввало, уч омил: таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлиги, яхлитлашуви ва интеграциясига боғлиқ. Бу учликнинг ўзаро интеграцияси нафақат соҳалар, балки шу тизим субъектларининг ҳам инновацион жараёнлар сари юз буришига сабаб бўлади. Инновацияларсиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувига, интеграциясиз эса иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин эмас. Бундан интеграция инновацион жараёнлар билан биргаликда содир бўладиган ҳодиса эканлиги англашилади.

Инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун тизимнинг инновацион муҳит ва унинг шаклларини такомиллаштириш, инновацион марказлар фаолиятини яхшилаш лозим бўлади. Бу борадаги технологиялар ва объектив қонуниятларни тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ҳар қандай инновациялар билимлар интеграциялашувининг маҳсули бўлиб, пировардида, таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз инъикосини топади. Бу эса жамиятни

[71] Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонуни.





янгиликка, фаровонлик ва иқтисодий ривожланган даражага олиб чиқишнинг омили ҳисобланади. Инновацион жараёнлар муайян фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш, жамоанинг умумий савияси ва қизиқишлари, миллатнинг менталитети, давлатнинг алоқадор соҳалар бўйича олиб бораётган сиёсати, илм-фан ютуқлари ва таълим тизими салоҳияти, инсон капитали каби бир қанча омилларга боғлиқ равишда кечади.

Инновация сўзи инглиз тилидаги "innovatsion" сўзидан олинган бўлиб, муайян соҳага янгилик киритишни англатади. Аммо ҳар қандай янгиликни ҳам инновация дейиш тўғри эмас. Умуман, фанда **"новация"** ва **"инновация"** тушунчаларини фарқлаш лозим. Новация қисқа муддатли, муайян тизимнинг алоҳида элементларигагина тааллуқли бўлган янгиланишни англатади. Инновация эса соҳага киритилган концептуал ўзгаришлар, ёндашувлар асосида киритилаётган, узоқ муддатли ва тизимли фаолият билан боғлиқ янгиланишларни англатади. Қуйидаги жадвалда буни кўриб чиқамиз (12-жадвал):

Таълимда инновациялар назария ва амалиёт уйғунлигида кечадиган ҳамда сон ва сифат ўзгаришларига олиб келувчи, муайян мақсадга йўналтирилган таълим билан боғлиқ субъектларнинг фаолият тизими кўринишида кечади. Ҳар қандай инновация ташаббус маҳсули бўлиб, у таълим сифати ва мазмунини ривожлантиришга қаратилади. Умуман, инновациялар ривожлантириш тамойилига асосланиши зарур.

*12-жадвал*

*Новация ва инновация терминлари таснифи*

| Новация | Инновация |
|---|---|
| Қўлланиш доираси ва муддати чегараланган | Қўлланиш доираси кенг ва узоқ муддатли |
| Тизимнинг алоҳида элементларига тааллуқли | Бутун тизимга тааллуқли |
| Натижаси мавжуд тизимни такомиллаштиради | Натижаси янги фаолият тизимини лойиҳалайди |
| Мавжуд методлар янгиланади | Фаолиятга ёндашув янгиланади |
| Амалиёт субъектлари позицияларини қисман янгилайди | Амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди |
| Қисм фаолиятининг сифат самарадорлигига эришилади | Тизим фаолиятининг сифат самарадорлигига эришилади |

Шу маънода “**таълим инновацияси**” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “**Таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараён**”. Ушбу таърифда таълим инновацияси билан боғлиқ қуйидаги белгилар кўзга ташланади:

“- инновация тизимли муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши;

- ривожлантириш тамойилига асосланиши;
- янгича метод, шакл, ёндашув ва технологик жараёнлар воситасида амалга ошиши;
- узоқ муддатли ва тизимли фаолият;
- натижаси соҳада сифат ўзгаришларини келтириб чиқариши.

Тадқиқотчилар Г.Алимова ва З.Ариповалар таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича тасниф қилишади:

- фаолият йўналишига қараб (педагогик жараёндаги, бошқарувдаги);
- киритилган ўзгаришларнинг тавсифига кўра (локал, модулли, тизимли);
- келиб чиқиш манбаига кўра (шу жамоа учун ички ёки ташқаридан олинган)”[72].

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин таълим тизимида амалга оширилган энг жиддий инновацион лойиҳалар сифатида педагогик технологиялар ва интерфаол методлар асосида дарс машғулотлари ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни кўрсатишимиз мумкин. Афсуски, таълим тизимида фаолият йўналиши, киритилган ўзгаришларнинг тавсифи ва келиб чиқиш манбаига кўра таснифланган бошқа йирик инновацион жараёнларни кўрсата олмаймиз.

Бизнинг назаримизда, таълим тизимига кластер моделининг татбиқ қилиниши юқорида қайд этилган инновация шаклларининг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтиради. Кластер таълим тизимидаги бошқарув тизими, таълим субъектлари ўртасидаги интеграция жараёнлари, илмий тадқиқот соҳалари ва

[72] Алимова Г., Арипова З. Мамлакатимиз таълим тизимида инновациялар, biznes-daily.uz





таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олади, уларга замонавий ёндашувларни татбиқ этишни тақозо қилади. Демак, бутун тизимга алоқадорлиги ва кенг қамровлилиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги, фаолиятга нисбатан ёндашувнинг янгиланганлиги каби хусусиятлари билан педагогик таълим кластери моделини соҳага тааллуқли инновация сифатида қараш мумкин.

Инновацион жараёнлар инновацияларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Инновацион жараёнлар соҳада ўзгаришлар қилишга тайёргарлик кўриш, ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан асослаш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлардир. Педагогик таълимда бу соҳа билан боғлиқ янгича ёндашувлар, педагогик метод ва шаклларнинг ўзгариши, киритилаётган янгиликларнинг илмий педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва уларнинг илмий асосланиши билан боғлиқ жараёнларда кўзга ташланади.

Инновациялар тизимида илмий марказлар, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари муҳим ўрин тутади. Бу субъектлар томонидан хориждан ўзлаштирилган илмий ишланмаларнинг (ноу-хау) маҳаллий шароитга мослаштирилиши, ўзлари томонидан илмий асосланган ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиниши натижасида янги технологиялар, янги машина ва ускуналар, янги маҳсулотлар ва янги хизматларнинг яратилишига замин яратади.

Инновация сифатида эътироф этилаётган янгиликлар билан мавжуд анъанавий шаклларнинг ўзаро тафовути, янги шаклланаётган меъёрлар билан амалиётнинг тўқнашуви натижасида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган фаолият шакли инновацион фаолиятни белгилайди. Таълимда инновацион фаолият тизимли равишда янгиликлар, ўзгаришлар билан ишлаш бўлиб, унинг шаклланиши бир неча циклни ўз ичига олади. Бу жараёнда инновацияга илмий жамоатчиликнинг муносабати пайдо бўлади, ўқитувчи-мураббийларнинг адаптацияси шаклланади, унинг амалиётга киритилиши билан боғлиқ лойиҳалардаги айрим камчиликлар кўзга ташланади ва бартараф қилинади. Ҳар қандай инновация ҳам амалиётга жорий этилган пайтда жамоатчилик томонидан бирдай кенг кўламда эътироф этилмайди. Бир неча цикл

алмашиши жараёнида жамоатчиликнинг фикри ҳам ўзгариб бориши кузатилади.

Бугунги кунда таълим тизимидаги инновацион фаолиятни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

*- таълимни бошқариш;*

*- таълим жараёнини ташкил қилиш;*

*- таълим воситаларини яратиш;*

*- машғулот жараёнларини ташкил қилиш;*

*- таълим турлари ўртасидаги муносабат;*

*- таълим, фан ва ишлаб чиқариш муносабати.*

Таълим тизимидаги инновацияларнинг асоси тизимга бўлган ижтимоий муносабатлар эканини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, олий таълим муассасаларига фақатгина кадрлар тайёрлаш муассасалари сифатида эмас, балки илмий ғоялар ва лойиҳаларни тўпловчи, улардан маҳсулот яратувчи ва технологиялар барпо этувчи муассаса сифатида қараш лозим. Бунда олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимларнинг меҳнат натижадорлигини ошириш, уларнинг фақатгина таълим беришдан иборат фаолиятларини иқтидорли ёшларни долзарб илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш томон буриш мақсадга мувофиқ келади. Бу эса олимлар томонидан яратилган интеллектуал мулкдан келадиган даромадлар ҳисобига уларни муносиб рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, олий таълим тизимининг инновацион фаолияти ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини оширишга хизмат қилади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси аҳамиятининг тобора ортиши ва заруратининг кучайиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- глобаллашув жараёнининг таълим, фан ва ишлаб чиқариш муносабатларига таъсирининг ортиши;
- илмий ишланма ва натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларининг кескин қисқариши;
- илмий тадқиқот соҳасида ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётганлиги;
- ишлаб чиқариш соҳасида ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётганлиги;





- фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорликнинг асоси кадрлар салоҳиятига боғлиқлигининг тобора кучайиб бораётганлиги;
- илмий ишланмалар, тадқиқот натижаларининг тез фурсатда аҳамиятининг йўқолиши;
- интеграциядан ҳар учала субъектнинг бирдай манфаатдор бўлиши.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида таълим тизимининг аҳамияти ишлаб чиқариш ходимларининг билими ва малакасига боғлиқ. Илм-фан ютуқлари бу борада амалиётчиларнинг билими ва малакасига янгидан-янги талаблар қўймоқда. Бу жараён, албатта, таълим тизимини ҳам доимо ўзгариши ва такомиллашиши зарурлигини кўрсатади. Ушбу ўзгаришларнинг пировард натижаси кадрлар малакаси ва билимида намоён бўлади.

Билим ва кўникмаларнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб, чуқурлашиб бормоқда. Эндиликда амалиётда орттирилган билим ва кўникмалар инсоннинг бу борадаги эҳтиёжларини тўла қондира олмай қолди. Янгидан-янги билим ва кўникмаларга, уларнинг амалиёт билан муносабатида ўз мустақил позициясига эга бўлиш ишлаб чиқаришнинг исталган шаклида фаолият олиб бораётган ходимлар учун фундаментал аҳамиятга айланиб бормоқда. Ҳар қандай соҳада самарадорликка эришишнинг шарти кадрлар салоҳиятига тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу эса таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги масофани тобора қисқартирмоқда, таълимни иқтисодий фаолиятнинг зарурий таркибий қисмига айлантирмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳар доим инновация ва илмий ёндашувга эҳтиёж сезади. Бу ишлаб чиқаришнинг турли даражаларига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг тўғрилиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Чунки ишлаб чиқариш эндиликда ўзининг тор соҳасидагина ваколатларга эга эмас. Илмий методлар ва юқори малакали кадрлар ишлаб чиқаришнинг имкониятларини, шубҳасиз, кенгайтиради. Ҳозирги кунда илм-фан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. "Соф" илмий тажрибалар даври ўтди, "фан-фан учун" ўлик формула бўлиб, эндиликда илм-фан ва ишлаб чиқариш йўлидан бораётгангина ютади.

алмашиши жараёнида жамоатчиликнинг фикри ҳам ўзгариб бориши кузатилади.

Бугунги кунда таълим тизимидаги инновацион фаолиятни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- *таълимни бошқариш;*
- *таълим жараёнини ташкил қилиш;*
- *таълим воситаларини яратиш;*
- *машғулот жараёнларини ташкил қилиш;*
- *таълим турлари ўртасидаги муносабат;*
- *таълим, фан ва ишлаб чиқариш муносабати.*

Таълим тизимидаги инновацияларнинг асоси тизимга бўлган ижтимоий муносабатлар эканини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, олий таълим муассасаларига фақатгина кадрлар тайёрлаш муассасалари сифатида эмас, балки илмий ғоялар ва лойиҳаларни тўпловчи, улардан маҳсулот яратувчи ва технологиялар барпо этувчи муассаса сифатида қараш лозим. Бунда олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог ходимларнинг меҳнат натижадорлигини ошириш, уларнинг фақатгина таълим беришдан иборат фаолиятларини иқтидорли ёшларни долзарб илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш томон буриш мақсадга мувофиқ келади. Бу эса олимлар томонидан яратилган интеллектуал мулкдан келадиган даромадлар ҳисобига уларни муносиб рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, олий таълим тизимининг инновацион фаолияти ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини оширишга хизмат қилади.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси аҳамиятининг тобора ортиши ва заруратининг кучайиши қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- глобаллашув жараёнининг таълим, фан ва ишлаб чиқариш муносабатларига таъсирининг ортиши;
- илмий ишланма ва натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларининг кескин қисқариши;
- илмий тадқиқот соҳасида ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётганлиги;
- ишлаб чиқариш соҳасида ўзаро рақобатнинг кучайиб бораётганлиги;





- фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорликнинг асоси кадрлар салоҳиятига боғлиқлигининг тобора кучайиб бораётганлиги;
- илмий ишланмалар, тадқиқот натижаларининг тез фурсатда аҳамиятининг йўқолиши;
- интеграциядан ҳар учала субъектнинг бирдай манфаатдор бўлиши.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида таълим тизимининг аҳамияти ишлаб чиқариш ходимларининг билими ва малакасига боғлиқ. Илм-фан ютуқлари бу борада амалиётчиларнинг билими ва малакасига янгидан-янги талаблар қўймоқда. Бу жараён, албатта, таълим тизимини ҳам доимо ўзгариши ва такомиллашиши зарурлигини кўрсатади. Ушбу ўзгаришларнинг пировард натижаси кадрлар малакаси ва билимида намоён бўлади.

Билим ва кўникмаларнинг жамият ҳаётидаги роли тобора ошиб, чуқурлашиб бормоқда. Эндиликда амалиётда орттирилган билим ва кўникмалар инсоннинг бу борадаги эҳтиёжларини тўла қондира олмай қолди. Янгидан-янги билим ва кўникмаларга, уларнинг амалиёт билан муносабатида ўз мустақил позициясига эга бўлиш ишлаб чиқаришнинг исталган шаклида фаолият олиб бораётган ходимлар учун фундаментал аҳамиятга айланиб бормоқда. Ҳар қандай соҳада самарадорликка эришишнинг шарти кадрлар салоҳиятига тобора боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу эса таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги масофани тобора қисқартирмоқда, таълимни иқтисодий фаолиятнинг зарурий таркибий қисмига айлантирмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳар доим инновация ва илмий ёндашувга эҳтиёж сезади. Бу ишлаб чиқаришнинг турли даражаларига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг тўғрилиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Чунки ишлаб чиқариш эндиликда ўзининг тор соҳасидагина ваколатларга эга эмас. Илмий методлар ва юқори малакали кадрлар ишлаб чиқаришнинг имкониятларини, шубҳасиз, кенгайтиради. Ҳозирги кунда илм-фан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. “Соф” илмий тажрибалар даври ўтди, “фан-фан учун” ўлик формула бўлиб, эндиликда илм-фан ва ишлаб чиқариш йўлидан бораётгангина ютади.

Илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим альянсининг замонавий устувор йўналишларидан бири, шубҳасиз, кластер ёндашувидир. Бундай ёндашув, нафақат ишлаб чиқариш харажатлари, балки логистика ва бозор харажатларини ҳам камайтириш, инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради. Кластер назарияси муайян фаолият турларининг аниқ жуғрофий чегараларда жамланиши бўлиб, ўша соҳанинг самарали ишлаши учун қулай шароитлар яратади. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг шундай кластерлари ташкил қилинган тақдирда, ушбу усул кўп йиллар давомида ривожланишнинг устувор йўналишини беради. Кластернинг муваффақиятли ривожланиши учун ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари, ҳокимият органлари ва бошқа кластер субъектларининг (молия муассасалари, таълим муассасалари, маданият муассасалари ва ҳ.к.) қатъий тараққиёт стратегияси, иш берувчининг манфаатларини мустаҳкамлаш имконини берадиган дастури бўлиши лозим.

Кластер ёндашуви аниқ ҳудуд кесимидаги муайян соҳанинг ўзига хослигини кўриб чиқиш ва тавсифлаш имконини беради. Шуни таъкидлаш кераккки, кластер иштирокчилари бир-бири билан ўзаро боғлиқликда бўлгани учун айрим кластер элементларининг ноаниқ ишлаши бошқа кластер элементлари динамикасининг салбий ишлашига туртки бўлиши мумкин. Мисол учун, талабаларнинг – бўлажак ходимларнинг самарасиз ва сифатсиз таълим олишлари натижасида мазкур кластер доирасидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ривожланиши хавф остида қолади.

Педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга татбиқ қилиниши жўн ҳодиса эмас. Бу узоқ муддатли ва ташкилий жиҳатлари кўп тармоқли ҳодиса. Субъектларнинг бирлашиш жараёни ҳудуд нуқтаи назаридан, кластер иштирокчиларининг қизиқишлари ва бошқа кўп томонлама манфаатли сабаблар воситасида юз беради. Кластер таълим, фан ва ишлаб чиқариш таркибига кирувчи ҳар бир элементнинг самарадорлигини оширувчи, ўзаро таъсирни инновацион бошқарувчи механизм ҳисобланади. Бу билан ижтимоий шерикликнинг ривожланиши, бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилиниши ва кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун ресурсларнинг пайдо бўлиши натижасида кластерни ривожлантиришнинг сифатли





натижалари таъминланади. Кластер ташкил этишнинг ижобий жиҳатлари сифатида мулоқотнинг ягона ахборот маконини яратиш, билимлар тарқатиш, янги технологиялар, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш кабиларни тушуниш мумкин. Кластер тармоғи ичида ахборот нисбатан тезроқ тарқалади, шунинг учун унинг иштирокчилари ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга тез, тўғри жавоб беришларига ҳамда тўғри, самарали ечимларни қабул қилишларига имкон яратилади. Умумий ресурсларнинг мавжудлиги, анъана ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳамкорлик ва рақобатнинг комбинацияси кластер иштирокчиларига ҳар бир бўлинманинг позициясини мустаҳкамлайдиган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Илм-фан ва таълим кластер доирасида ишлаб чиқариш манфаатларига йўналтирилади, тармоқ корхоналари йўналишига қараб, уларнинг ривожланиш истиқболлари, таълим муассасалари учун соҳага мутахассислар тайёрлаш устувор аҳамиятга эга бўлади[73].

Кластерлар ўз таркибидаги субъектларнинг барқарор муносабатларига, кичик инновацион корхоналар ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга, мамлакатимиз илмий муҳитида талаб қилинадиган тадқиқотларни ўтказишга, рейтинг нашрларини тайёрлашга, барқарор патент фаолиятига, фаол грант лойиҳаларига йўналтирилган бўлиб, бу илмни тижоратлаштириш билан боғлиқ устувор вазифаларни ечиш имконини беради. Кластер яратиш инновацион ривожланиш ассоциациясини ташкил этиш, тадқиқотнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек, кластер тизими доирасида инновацион ғоя ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш имконини беради.

Илмий фаолият инновацион тадбиркорлик фаолиятининг кучли манбаи бўлиб хизмат қилади, аммо бунинг учун илмий мактабларнинг юқори даражаси, ривожланган инновацион инфратузилмаси бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълимнинг интеграциялашуви доирасида бу жиҳатга жиддий эътибор қаратиш лозим.

[73] Мычка С.Ю. Совершенствование управлением конкурентоспособностью вуза // Территория науки: мультидисциплинарный научно-практический журнал. – Воронеж: АНОО ВПО «ВЭПИ», 2014. №6. – С.33-35.

Шундай қилиб, кластер илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциялашувининг устувор шаклидир. Ушбу интеграция механизмлари мавжуд ресурслардан фойдаланишни максимал даражада кучайтириш, кластернинг инновацион фаолиятини фаол амалга ошириш имконини беради.

Ривожланган инновацион инфратузилмани шакллантириш нафақат самарадорликни оширишга хизмат қилади, балки ишлаб чиқаришда янги техник тизимлардан, билим, малака ва кўникмалардан, инсонлар хатти-ҳаракатининг моделларидан фойдаланиш заруратини ҳам тақозо қилади. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграциясининг кучайиши натижасида билимлар ҳамда ахборотнинг аҳамияти орта боради, пировардида, улар инсон капиталига айланади. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимининг нафақат фан соҳаси билан, балки амалиёт билан ҳам интеграциялашувининг катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бу борада taniқли америкалик иқтисодчи Т.Стоуньер "Иқтисодиётнинг саноат ривожланишидан кейинги даврида билим ер, меҳнат ва капитал ўрнини босиб, замонавий ишлаб чиқариш тизимларининг энг муҳим асосига айланди",[74] дейди.

Интеграциянинг асосида синергия (юнонча "synergos" – "мувофиқлашган", "ўзаро ҳамкор") қонуни ётади. Синергия қонунига асосан ҳар қандай субъект ўзида фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи барча жиҳатларни бирлаштира олмайди. Ҳар қандай субъект ҳар доим бошқа субъектлар билан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади. Турли субъектлардаги мазкур жиҳатларнинг бирлаштирилиши самарадорликнинг ошишига хизмат қилади.

Интеграциялашиш турлари адабиётларда қуйидагича тасниф қилинган[75]:

1. Ривожланиш йўналишлари бўйича: *горизонтал, вертикал, диагонал интеграция.*

2. Интеграциялашиш даражасига кўра: *ўзаро ҳамкорлик, кооперацион ва тўлиқ интеграция.*

[74] Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. Новая технологическая волна на Западе / Под ред. Гуревича П.С. –М.: Прогресс, 1986. -С.24.

[75] Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014, 23-бет.





3. Фаолият йўналишлари бўйича: *ишлаб чиқариш, илмий, таълим, маркетинг, инвестициявий ва инновацион интеграция.*

4. Ҳуқуқий асосига кўра: *улушли ва қўшма интеграция.*

**Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига** ривожланиш йўналиши бўйича *вертикал*, интеграциялашиш даражасига кўра *ўзаро ҳамкорлик*, фаолият йўналиши бўйича *ишлаб чиқариш, илмий ва таълимий* интеграция сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман, юқоридаги тасниф кўпроқ иқтисодиёт тармоқлари ва бизнес субъектларининг ўзаро интеграциясини назарда тутади. Интеграциянинг умумий мақсад ва қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда уни таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига ҳам тааллуқли, дейиш мумкин.

Ҳозирги давр назариясида фан, таълим интеграциясига оид турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Бундай нуқтаи назарлардан бирида мазкур жараёнга ички тармоқ ва тармоқлараро интеграция сифатида қаралади. Ички тармоқ интеграцияси дейилганда, фан ва таълимни давлат бошқарувининг бир соҳаси доирасида бирлаштириш назарда тутилади. Тармоқлараро интеграция маъноси эса анча кенгроқ, яъни давлат бошқарувининг бир нечта соҳасини қамраб олади ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирларига яқинлаштириш сифатида талқин қилинади[76].

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали амалга ошириш учун педагогик салоҳият, инновацион муҳит, инновацион таълим, технопарклар ҳамда мактаб-лабораториялар муҳим ҳисобланади. Ушбу компонентларда кадрлар тайёрлашда илмий-педагогик салоҳиятнинг ўрни, ривожланиш тамойилига асосланганлик, замонавийлик, янгиланиш, моделлаштириш, назария ва амалиёт уйғунлиги каби интеграция жараёни учун муҳим бўлган жиҳатлар ўз аксини топган.

Интеграциялашув жараёнида мазкур соҳалар таълим, фан ва ишлаб чиқариш кетма-кетлигида бўлиши ва бунга нисбатан табиий ҳол сифатида қаралиши лозим. Фаннинг таълимдан, ишлаб чиқаришнинг фан ёки таълимдан илгарилаб кетиши бу соҳалар ўртасида табиий муносабат ва интеграция жараёни мавжуд

[76] Гордеева А.Н., Пучкова М.В. Правовое обеспечение интеграции науки и образования//Закон. 2006, №4.

Шундай қилиб, кластер илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграциялашувининг устувор шаклидир. Ушбу интеграция механизмлари мавжуд ресурслардан фойдаланишни максимал даражада кучайтириш, кластернинг инновацион фаолиятини фаол амалга ошириш имконини беради.

Ривожланган инновацион инфратузилмани шакллантириш нафақат самарадорликни оширишга хизмат қилади, балки ишлаб чиқаришда янги техник тизимлардан, билим, малака ва кўникмалардан, инсонлар хатти-ҳаракатининг моделларидан фойдаланиш заруратини ҳам тақозо қилади. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграциясининг кучайиши натижасида билимлар ҳамда ахборотнинг аҳамияти орта боради, пировардида, улар инсон капиталига айланади. Бу эса кадрлар тайёрлаш тизимининг нафақат фан соҳаси билан, балки амалиёт билан ҳам интеграциялашувининг катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бу борада таниқли америкалик иқтисодчи Т.Стоуньер "Иқтисодиётнинг саноат ривожланишидан кейинги даврида билим ер, меҳнат ва капитал ўрнини босиб, замонавий ишлаб чиқариш тизимларининг энг муҳим асосига айланди",[74] дейди.

Интеграциянинг асосида синергия (юнонча "synergos" – "мувофиқлашган", "ўзаро ҳамкор") қонуни ётади. Синергия қонунига асосан ҳар қандай субъект ўзида фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи барча жиҳатларни бирлаштира олмайди. Ҳар қандай субъект ҳар доим бошқа субъектлар билан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади. Турли субъектлардаги мазкур жиҳатларнинг бирлаштирилиши самарадорликнинг оширишга хизмат қилади.

Интеграциялашиш турлари адабиётларда қуйидагича тасниф қилинган[75]:

1. Ривожланиш йўналишлари бўйича: *горизонтал, вертикал, диагонал интеграция.*

2. Интеграциялашиш даражасига кўра: *ўзаро ҳамкорлик, кооперацион ва тўлиқ интеграция.*

[74] Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. Новая технологическая волна на Западе / Под ред. Гуревича П.С. –М.: Прогресс, 1986. -С.24.

[75] Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014, 23-бет.





3. Фаолият йўналишлари бўйича: *ишлаб чиқариш, илмий, таълим, маркетинг, инвестициявий ва инновацион интеграция.*

4. Ҳуқуқий асосига кўра: *улушли ва қўшма интеграция.*

**Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига** ривожланиш йўналиши бўйича *вертикал,* интеграциялашиш даражасига кўра *ўзаро ҳамкорлик,* фаолият йўналиши бўйича *ишлаб чиқариш, илмий ва таълимий* интеграция сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Умуман, юқоридаги тасниф кўпроқ иқтисодиёт тармоқлари ва бизнес субъектларининг ўзаро интеграциясини назарда тутади. Интеграциянинг умумий мақсад ва қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда уни таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига ҳам тааллуқли, дейиш мумкин.

Ҳозирги давр назариясида фан, таълим интеграциясига оид турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Бундай нуқтаи назарлардан бирида мазкур жараёнга ички тармоқ ва тармоқлараро интеграция сифатида қаралади. Ички тармоқ интеграцияси дейилганда, фан ва таълимни давлат бошқарувининг бир соҳаси доирасида бирлаштириш назарда тутилади. Тармоқлараро интеграция маъноси эса анча кенгроқ, яъни давлат бошқарувининг бир нечта соҳасини қамраб олади ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирларига яқинлаштириш сифатида талқин қилинади[76].

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали амалга ошириш учун педагогик салоҳият, инновацион муҳит, инновацион таълим, технопарклар ҳамда мактаб-лабораториялар муҳим ҳисобланади. Ушбу компонентларда кадрлар тайёрлашда илмий-педагогик салоҳиятнинг ўрни, ривожланиш тамойилига асосланганлик, замонавийлик, янгиланиш, моделлаштириш, назария ва амалиёт уйғунлиги каби интеграция жараёни учун муҳим бўлган жиҳатлар ўз аксини топган.

Интеграциялашув жараёнида мазкур соҳалар таълим, фан ва ишлаб чиқариш кетма-кетлигида бўлиши ва бунга нисбатан табиий ҳол сифатида қаралиши лозим. Фаннинг таълимдан, ишлаб чиқаришнинг фан ёки таълимдан илгарилаб кетиши бу соҳалар ўртасида табиий муносабат ва интеграция жараёни мавжуд

[76] Гордеева А.Н., Пучкова М.В. Правовое обеспечение интеграции науки и образования//Закон. 2006, №4.

эмаслигини кўрсатади. Бундай муносабат фаннинг тараққиёт ва ҳаётдан айри "Фан – фан учун" тамойилига асосланишини, таълимда эса назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланмаганлигини, ишлаб чиқаришнинг эса илмий ютуқлардан кўра ҳаётий тажрибаларга асосланганлигини кўрсатади. Соҳаларнинг бу муносабатида ҳам маълум даражада тараққиёт кузатилади, аммо буни замон талабларига мос, рақобатбардош ишлаб чиқариш муносабатлари, дея олмаймиз. Интеграция таъминланиши учун ишлаб чиқариш таълим ва фанга, таълим эса, ўз навбатида, фанга истеъмолчи муносабатида бўлиши илмий мантиққа мос келади. Бу эса интеграциялашган муносабатда илмий-педагогик салоҳият компонентининг даражаси – фан ва таълим соҳасида ишлаб чиқариш соҳа вакилларига нисбатан илмий салоҳиятнинг устунлигини белгилайди.

Инновацион муҳит таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзида инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ шарт-шароитлар, меъёрий-ҳуқуқий асослар, бу борадаги давлат сиёсати ва инновацияларга нисбатан қараш ҳамда муносабатларни бирлаштиради. Инновацион таълим эса мавжуд анъанавий ўқитиш усулларига нисбатан янгича ёндашув ва усулларни жорий қилиш билан юзага келади ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ошириш ва талабалар интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилади. Инновацион муҳит ва инновацион таълим, пировардида, инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантиради.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси тизимга мунтазам инновацияларни жорий қилиш, ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштириш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқот ва лойиҳаларни молиялаштиришдаги имкониятлар, эришилган илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий қилиш каби афзалликларга эга. Ушбу интеграция жараёни ҳар бир субъектнинг қуйидаги мақсадларга эришишига имкон беради:

- инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шериклар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятини янада ошириш;
- ўз мақсадларига эришиш учун шерикларидаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;





- интеграциялашган тузилманинг инвестициявий жозибадорлигидан фойдаланган ҳолда учинчи томоннинг молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлишини осонлаштириш[77].

Бу билан субъектларнинг ҳар бири алоҳида ва умумий мақсад атрофида бирлашиб, фақат ўз самарадорлигини оширишдангина эмас, шунингдек, бошқа субъектларнинг ҳам юқори самарага эришишидан манфаатдор бўлади.

## 2.2. Таълим тизими ва сифатини бошқаришда кластер моделининг ўрни ва аҳамияти

Таълим тизими ривожланишининг бугунги кундаги босқичида жаҳон мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Европанинг иқтисодиёти ривожланган бошқа давлатларида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмалари, уларнинг ривожланишларига муҳим аҳамият қаратилиб келинмоқда. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида мамлакат умумий бойлигининг 16 фоизи моддий капиталга, 20 фоизи табиий бойликлар, 64 фоизи эса инсон капиталига тўғри келади, бу эса ўз навбатида, таълим тизимини ривожлантириш ва таълим тизимини бошқаришдаги жараёнларда замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади. Ҳатто, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 80 фоизини инсон капитали ташкил этади[78]. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари бошқариш назарияси ривожланишининг ҳар бир босқичида инсон капитали, шахснинг камол топиши, ёш авлодни тарбиялашга доимо олимлар, изланувчилар, тадқиқотчилар, амалиётчилар ва кенг жамоатчилик томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ижтимоий ривожланишнинг бугунги босқичида таълим ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг энг кенг ва муҳим соҳаларидан биридир. Таълим тизимининг индивидуал ва жамиятнинг сифатли таълим хизматлари эҳтиёжларини қондириш қобилияти мамлакатнинг

[77] Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014, 42-бет.

[78] Таълим бўйича Бутунжаҳон форуми. Якуний ҳисобот. –Дакар, Сенегал, 2000 йил 26-28 апрель.

иқтисодий ва маънавий ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

2030 йилгача белгиланган янги таълим концепцияларида "таълим тизимини бошқаришни, таълим сифати уни баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш" долзарб вазифалардан этиб белгиланган бўлиб, бу, ўз навбатида, жаҳон мамлакатлари учун таълим тизими ташкилий ва бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш, самарали таълим сиёсати ҳамда бошқарув механизмларини таълим тизимига жорий этиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда XX аср 80-йиллари иккинчи ярмида ҳал этила бошланган таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви ташкилий жиҳатдан мактабларнинг олий таълимга билимли ўқувчилар етказиб бериши, олий таълимда эса ишлаб чиқариш жараёнида талабаларга профессионал таълим беришда кўмак берадиган илмий тадқиқот институтларининг, шу билан бирга, улар ўртасидаги узоқ муддатли ўзаро алоқадорликдаги амалий машғулотлар шаклини ташкил этиш орқали самара бериши келтириб ўтилади. Айнан фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви кадрлар тайёрлаш даражасини маълум даражада кўтариш, уларнинг ишлаб чиқаришга мослашув муддатларини қисқартириш, энг муҳими, ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда замонавий илмий-техник асосда профессионал тайёргарликни олиб бориш имконини беради[79].

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги (1997 й.) қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"и (1997 й.)дан кутилган натижаларни олишда таълим мазмунини янгилаш, моддий базани мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов бу ислоҳотларнинг ташаббускори сифатида "Таълимда ижобий маънодаги – портлаш эффектига эришишда таълим муассасаларини замонавий самарали инновацион

[79] Ҳакимова М.Ф. Кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги//Иқтисодий таълим ривожланишининг муаммолари ва истиқболлари. Тошкент, 2015 38-бет.





бошқарувини ташкил этиш энг долзарб масала" эканлигини таъкидлаб ўтган эди[80].

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да ҳам мамлакатда янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан модернизациялаш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш каби вазифалар кўрсатилди. Унинг таркибида эса янги мазмун-моҳиятдаги инновацион таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бунда бошқарув муаммолари, таълим жараёни субъектлари фаолиятини инновацион ташкил этиш технологияларини такомиллаштириш каби устувор вазифаларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Халқ таълими тизимида давлат бошқарувини такомиллаштириш, вазирлик фаолиятини умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтириш, таълимнинг бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ҳамда масъулиятини ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва АКТларни самарали жорий этиш орқали таълим сифатини таъминлаш соҳаларига оид бир қатор Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди[81]. Бу қарорлар Ўзбекистон Республикасида таълим турлари орасидаги муҳим бўлган умумий ўрта таълим тизимида бошқарувни тубдан такомиллаштириш, ваколатли давлат ташкилотларининг масъулияти ҳамда фаолияти самарадорлиги ва

[80] Каримов И.А. "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари. "Тафаккур" журнали, 1998 йил, 2-сон.

[81] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаш-
тириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5538-сон фармони, 2018 йил 5 сентябрь;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш
бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 7 февраль;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5198-сонли фармони, 2017 йил 30 сентябрь;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
фаолиятини такомиллаштириш Тўғрисида"ги ПҚ-3304-сонли қарори, 2017 йил 30 сентябрь;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар
таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6
апрель.

натижадорлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълими муассасаларидаги ўқув жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини жорий этишни кучайтириш, таълим жараёнини халқаро стандартлар даражасига мос тарзда ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Замонавий жамиятда таълимнинг ривожланиши бу соҳада инновацияларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим тизимидаги инновацион бошқарув амалиётларини жорий этиш, уларнинг муваффақиятли, сифатли намуналарини татбиқ этишга ёрдам беради. Инновацион жараёнларни бошқариш эса давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни айни пайтда олимлар, сиёсатшунослар ва жамоатчилик орасида муҳокамадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

"Инновация" тушунчаси тадқиқотларда – "янгилик киритиш" тушунчаси сифатида, "инновацион жараён" тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Мавзу бўйича манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим тизими бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб асарлар мавжуд бўлиб, уларда бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий қарашлар келтирилиб ўтилган. Жумладан, таълим сифатини бошқариш, таълим тизими бошқарув фаолиятини ташкил этиш ҳамда турли бўғин раҳбарларининг касбий ривожланиши, раҳбар ходимлар малакасини ошириш йўналишлари бўйича хорижлик олимлардан С.Хедекар, И.Ансофф, T.Bush, B.R.Clark, F.A. van Vught, P.Hallinger, E.L.Horng, J.W.Valentine, R.Bolam, L.Cuban, J.Lauglo, K.Leithwood, P.Sammons, R.Webb[82] ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширдилар.

[82] Sandhya Khedekar. Educational Managment, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007; Ансофф И. Стратегическое управление. –М.: Экономика, 1989. –221 с.; Bush, T. (2003) Theories of Educational Leadership and Management. 3rd edn. London: Sage.; Clark, B.R. (1983a). The Higher Education System. Berkeley: University of California Press; F. A. van Vught, Policy Models and Policy Instruments in Higher Education. The Effects of governemental policy-making on the innovative behaviour of higher education institutions / F.A. van Vught // Political science series. -1995.; P.Hallinger, (2003b) _School leadership preparation and development in global perspective: future challenges and opportunities', in P.Hallinger (ed.), Reshaping the Landscape of School Leadership Development: A Global Perspective.





Таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳамда таълим тизимларида стратегик менежментни жорий этиш бўйича МДҲ тадқиқотчилар О.Хомерики, В.С.Лазарев, В.И.Зверева, П.И.Третьяков, А.С.Красиков, Ю.А.Конаржевский, Г.А.Балыхин, В.А.Гуртов, Е.А.Питухин, Л.М.Серова, Т.И.Шамова, Э.Д.Днепров, Г.И.Мальцева, Т.М.Давыденко ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Маҳаллий тадқиқотчи олимларимиздан С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Д.Н.Раҳимова, М.И.Икромов, А.С.Кучаров, Д.С.Қосимова, Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, М.М.Мирқосимов, Р.Ҳ.Джураев, С.Турғунов, Н.Ахмедова, С.Ражабов, Ж.Йўлдошев, К.А.Каракулов, М.Очиловларнинг ишларида мамлакатимизда таълим тизимини бошқариш, унда раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муаммолар тадқиқ этилган.

Таълим тизими ва муассасалари бошқарувининг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини, таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар сирасига У.И.Иноятов, Р.Ш.Аҳлиддинов, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаларини келтиришимиз мумкин[83].

Lisse: Swets and Zeitlinger; Horng. E.L., Klasik. D., & Loeb, S. (2010). Principal's time use and school effectiveness. American Journal of Education, 116(4), 491-523.; Valentine, J.W., & Prater, M. (2011). Instructional, transformational, and managerial leadership and student achievement: High school principals make a difference. NASSP Bulletin, 0192636511404062.; Bolam, R. (1999) _Educational administration, leadership and management: towards a research agenda', in T.Bush, L.Bell, R.Bolam, R.Glatter and P.Ribbins (eds), Cuban, L. (1988) The Managerial Imperative and the Practice of Leadership in Schools. Albany, NY: State University of New York Press.; Lauglo, J. (1997) _Assessing the present importance of different forms of decentralisation in education', in K. Watson, C. Modgil and S. Modgil (eds), Power and Responsibility in Education. London: Cassell.; Webb, R., Vulliamy, G. A deluge of directives: confict between collegiality and managerialism in the post-ERA primary school // British Educational Research Journal. – 1996. – №22(4). – pp. 441-458.

[83] Кучаров А.С. Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари. -Т: Фан: 2005. 132 б.; Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2002. -1.84 б.; Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. –Тошкент, 2006, 553-бет; Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –159 б.; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. –264 б.; Ахмедова Н.К. |Умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишl.: Автореф. Фалсафа докторлик дис.–Тошкент, 2017 й.. –35б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... д-ра пед. наук. –Ташкент, 2003. –315 с.; Аҳлидинов Р.Ш.

натижадорлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, халқ таълими муассасаларидаги ўқув жараёнларига илғор хорижий тажрибаларни, янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини жорий этишни кучайтириш, таълим жараёнини халқаро стандартлар даражасига мос тарзда ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Замонавий жамиятда таълимнинг ривожланиши бу соҳада инновацияларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим тизимидаги инновацион бошқарув амалиётларини жорий этиш, уларнинг муваффақиятли, сифатли намуналарини татбиқ этишга ёрдам беради. Инновацион жараёнларни бошқариш эса давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни айни пайтда олимлар, сиёсатшунослар ва жамоатчилик орасида муҳокамадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

"Инновация" тушунчаси тадқиқотларда – "янгилик киритиш" тушунчаси сифатида, "инновацион жараён" тушунчаси эса янгилик яратиш ва уларни ўзлаштириш ҳамда таълим муассасаси амалиётида самарали қўллаш жараёни сифатида ифодаланади.

Мавзу бўйича манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим тизими бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб асарлар мавжуд бўлиб, уларда бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий қарашлар келтирилиб ўтилган. Жумладан, таълим сифатини бошқариш, таълим тизими бошқарув фаолиятини ташкил этиш ҳамда турли бўғин раҳбарларининг касбий ривожланиши, раҳбар ходимлар малакасини ошириш йўналишлари бўйича хорижлик олимлардан С.Хедекар, И.Ансофф, T.Bush, B.R.Clark, F.A. van Vught, P.Hallinger, E.L.Horng, J.W.Valentine, R.Bolam, L.Cuban, J.Lauglo, K.Leithwood, P.Sammons, R.Webb[82] ва бошқалар бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширдилар.

[82] Sandhya Khedekar. Educational Managment, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007; Ансофф И. Стратегическое управление. –М.: Экономика, 1989. –221 с.; Bush, T. (2003) Theories of Educational Leadership and Management. 3rd edn. London: Sage.; Clark, B.R. (1983a). The Higher Education System. Berkeley: University of California Press; F. A. van Vught, Policy Models and Policy Instruments in Higher Education. The Effects of governemental policy-making on the innovative behaviour of higher education institutions / F.A. van Vught // Political science series. -1995.; P.Hallinger, (2003b) ‗School leadership preparation and development in global perspective: future challenges and opportunities', in P.Hallinger (ed.), Reshaping the Landscape of School Leadership Development: A Global Perspective.





Таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳамда таълим тизимларида стратегик менежментни жорий этиш бўйича МДҲ тадқиқотчилар О.Хомерики, В.С.Лазарев, В.И.Зверева, П.И.Третьяков, А.С.Красиков, Ю.А.Конаржевский, Г.А.Балыхин, В.А.Гуртов, Е.А.Питухин, Л.М.Серова, Т.И.Шамова, Э.Д.Днепров, Г.И.Мальцева, Т.М.Давыденко ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Маҳаллий тадқиқотчи олимларимиздан С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, Қ.Х.Абдураҳмонов, Д.Н.Раҳимова, М.И.Икромов, А.С.Кучаров, Д.С.Қосимова, Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, М.М.Мирқосимов, Р.Ҳ.Джураев, С.Турғунов, Н.Ахмедова, С.Ражабов, Ж.Йўлдошев, К.А.Каракулов, М.Очиловларнинг ишларида мамлакатимизда таълим тизимини бошқариш, унда раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби муаммолар тадқиқ этилган.

Таълим тизими ва муассасалари бошқарувининг назарий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини, таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш йўналишида олиб борилган тадқиқотлар сирасига У.И.Иноятов, Р.Ш.Аҳлиддинов, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.А.Усмонов ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаларини келтиришимиз мумкин[83].

Lisse: Swets and Zeitlinger; Horng. E.L., Klasik. D., & Loeb, S. (2010). Principal's time use and school effectiveness. American Journal of Education, 116(4), 491-523.; Valentine, J.W., & Prater, M. (2011). Instructional, transformational, and managerial leadership and student achievement: High school principals make a difference. NASSP Bulletin, 0192636511404062.; Bolam, R. (1999) ‗Educational administration, leadership and management: towards a research agenda', in T.Bush, L.Bell, R.Bolam, R.Glatter and P.Ribbins (eds), Cuban, L. (1988) The Managerial Imperative and the Practice of Leadership in Schools. Albany, NY: State University of New York Press.; Lauglo, J. (1997) ‗Assessing the present importance of different forms of decentralisation in education', in K. Watson, C. Modgil and S. Modgil (eds), Power and Responsibility in Education. London: Cassell.; Webb, R., Vulliamy, G. A deluge of directives: conflict between collegiality and managerialism in the post-ERA primary school // British Educational Research Journal. – 1996. – №22(4). – pp. 441-458.

[83] Кучаров А.С. Тадбиркор кадрлар тайёрлаш асослари. -Т: Фан: 2005. 132 б.; Перегудов Л.В., Саидов М.Х. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2002. -1.84 б.; Қурбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. –Тошкент, 2006, 553-бет; Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –159 б.; Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. –264 б.; Ахмедова Н.К. ǀУмумий ўрта таълим мактаблари раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишǀ.: Автореф. Фалсафа докторлик дис.–Тошкент, 2017 й.. –35б.; Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже: Дисс. ... д-ра пед. наук. –Ташкент, 2003. –315 с.; Аҳлидинов Р.Ш.

Юқорида келтирилган тадқиқотларнинг аксариятида халқ таълимини бошқариш муаммолари ва унинг ижобий жиҳатларини тадқиқ этиш, уни қайта қуриш йўллари кўрсатиб берилган. Уларда таълим бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, таълим муассасаларининг қабул қилиш жараёнлари, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнларида бошқарувни янада такомиллаштириш, таълимни бошқаришда АКТдан фойдаланишнинг афзалликлари ва бошқа бир қатор масалалар ўрин олган.

Таълим муассасалари бошқарув жараёнлари тадқиқотчилар асарларида турлича изоҳланган бўлиб, жумладан, Мумбай университети профессори Sandhya Khedekar таълим муассасасида бошқарув жараёни таълим мақсадларига эришиш учун инсон ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнидир, деб таъкидлаган[84]. О.Хомерики таълим муассасаларининг бошқарув жараёнини бошқарувга таъсир этувчи объектлар, бошқарув фаолиятининг мазмуни ҳамда бошқарув цикли билан боғлиқлигини эътироф этади, ўзининг таълимда бошқарув жараёнини тўлиқ акс эттирувчи кўп ўлчовли концептуал моделини тавсия этади. Ушбу моделда бошқарув фаолияти мазмуни тўртта йўналиш, жумладан, биринчиси, маъмурий хўжалик ва молиявий фаолият, бунда таълим муассасасининг маъмурий-хўжалик ва молиявий фаолиятининг таъминланиши кўзда тутилган; иккинчиси, ўқув-услубий ва тажриба синов ишлари, бунда педагоглар малакасини ошириш эътиборга олинган; учинчиси, кадрлар билан ишлаш, бунда ўқитувчиларнинг умумий ва педагогик ходимларни саралаш ва баҳолаш тизими назарда тутилган; тўртинчиси, жамоанинг психологик муҳитини мустаҳкамлаш, бунда жамоада оптимал ижтимоий-психологик шароит яратиш[85] каби йўналишлар келтирилган.

Р.Ш.Аҳлиддинов ўз тадқиқотида умумий ўрта таълим тизими бошқарув жиҳатларини ташкил қилишнинг ижтимоий-педагогик

Таълимни бошқариш. –Тошкент: Шарқ, 2003; Йўлдошев Ж.F., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.

[84] Sandhya Khedekar. Educational Managment, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007. P. 11.

[85] Красиков А.С. Оценка качества труда руководителя сферк образования. Ученое пособие. Российская академия образования. Вологодский Институт развития образования. –Санкт-Петербург, 2006. –С. 43.





асосларини, хусусиятларини, мактаб бошқарувида ички назоратнинг аҳамиятини келтириб ўтади[86].

Таълимни бошқаришнинг мақсад ва вазифалари, бошқариш турлари, бошқариш принциплари ва усуллари М.Мирқосимовнинг илмий изланишларида ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотчи ички бошқарув тизими, ундаги раҳбарлик услуби ва маданияти, раҳбар табиати, таълимни бошқаришнинг ташкилий-педагогик йўналишлари, таълимни илмий асосда режалаштириш каби муаммолар бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдирган ва назарий қарашларини келтириб ўтган[87].

С.Т.Турғунов томонидан олиб борилган тадқиқотларда умумтаълим мактабларини бошқаришнинг илмий-педагогик асослари кенг ёритилган бўлиб, айнан унинг тадқиқоти доирасида таҳлил қилинган таълимни бошқаришнинг муаммолари ҳозирги кунда минтақамиздаги мавжуд таълим кластерлари субъектида ҳам учраб турибди. Муаллифнинг фикрича, халқ таълими тизимини илмий бошқариш жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари ва қонунларига суяниб, мамлакат иқтисодий тараққиётидаги мавжуд даража, имконият ва истакларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак[88].

Умуман олиб қараганда, юқорида зикр этилган хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг асарларида халқ таълимини бошқариш муаммолари ва унинг ижобий жиҳатларини тадқиқ этиш, уни қайта қуриш йўллари кўрсатиб берилган. Уларда таълим бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, таълим муассасаларининг қабул қилиш жараёнлари, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнларида бошқарувни янада такомиллаштириш, таълимни бошқаришда АКТдан фойдаланишнинг афзалликлари ва бошқа қатор масалалар ўрин олган.

Бошқарув бу ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган кенг қамровли тушунча ҳисобланади. “Бошқарув алоҳида фаолият тури бўлиб, ташкил этилмаган бетартиб оммани, бир мақсадга йўналтирилган самарали ва унумли гуруҳга, жамиятга

[86] Аҳлидинов Р.Ш. Таълимни бошқариш. –Тошкент: Шарқ, 2003.

[87] Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –159 б.

[88] Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. –264 б.

Юқорида келтирилган тадқиқотларнинг аксариятида халқ таълимини бошқариш муаммолари ва унинг ижобий жиҳатларини тадқиқ этиш, уни қайта қуриш йўллари кўрсатиб берилган. Уларда таълим бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, таълим муассасаларининг қабул қилиш жараёнлари, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнларида бошқарувни янада такомиллаштириш, таълимни бошқаришда АКТдан фойдаланишнинг афзалликлари ва бошқа бир қатор масалалар ўрин олган.

Таълим муассасалари бошқарув жараёнлари тадқиқотчилар асарларида турлича изоҳланган бўлиб, жумладан, Мумбай университети профессори Sandhya Khedekar таълим муассасасида бошқарув жараёни таълим мақсадларига эришиш учун инсон ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнидир, деб таъкидлаган[84]. О.Хомерики таълим муассасаларининг бошқарув жараёнини бошқарувга таъсир этувчи объектлар, бошқарув фаолиятининг мазмуни ҳамда бошқарув цикли билан боғлиқлигини эътироф этади, ўзининг таълимда бошқарув жараёнини тўлиқ акс эттирувчи кўп ўлчовли концептуал моделини тавсия этади. Ушбу моделда бошқарув фаолияти мазмуни тўртта йўналиш, жумладан, биринчиси, маъмурий хўжалик ва молиявий фаолият, бунда таълим муассасасининг маъмурий-хўжалик ва молиявий фаолиятининг таъминланиши кўзда тутилган; иккинчиси, ўқув-услубий ва тажриба синов ишлари, бунда педагоглар малакасини ошириш эътиборга олинган; учинчиси, кадрлар билан ишлаш, бунда ўқитувчиларнинг умумий ва педагогик ходимларни саралаш ва баҳолаш тизими назарда тутилган; тўртинчиси, жамоанинг психологик муҳитини мустаҳкамлаш, бунда жамоада оптимал ижтимоий-психологик шароит яратиш[85] каби йўналишлар келтирилган.

Р.Ш.Аҳлиддинов ўз тадқиқотида умумий ўрта таълим тизими бошқарув жиҳатларини ташкил қилишнинг ижтимоий-педагогик

Таълимни бошқариш. –Тошкент: Шарқ, 2003; Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.

[84] Sandhya Khedekar. Educational Managment, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007. P. 11.

[85] Красиков А.С. Оценка качества труда руководителя сферқ образования. Ученое пособие. Российская академия образования. Вологодский Институт развития образования. –Санкт-Петербург, 2006. –С. 43.





асосларини, хусусиятларини, мактаб бошқарувида ички назоратнинг аҳамиятини келтириб ўтади[86].

Таълимни бошқаришнинг мақсад ва вазифалари, бошқариш турлари, бошқариш принциплари ва усуллари М.Мирқосимовнинг илмий изланишларида ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, тадқиқотчи ички бошқарув тизими, ундаги раҳбарлик услуби ва маданияти, раҳбар табиати, таълимни бошқаришнинг ташкилий-педагогик йўналишлари, таълимни илмий асосда режалаштириш каби муаммолар бўйича ўз фикр мулоҳазаларини билдирган ва назарий қарашларини келтириб ўтган[87].

С.Т.Турғунов томонидан олиб борилган тадқиқотларда умумтаълим мактабларини бошқаришнинг илмий-педагогик асослари кенг ёритилган бўлиб, айнан унинг тадқиқоти доирасида таҳлил қилинган таълимни бошқаришнинг муаммолари ҳозирги кунда минтақамиздаги мавжуд таълим кластерлари субъектида ҳам учраб турибди. Муаллифнинг фикрича, халқ таълими тизимини илмий бошқариш жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари ва қонунларига суяниб, мамлакат иқтисодий тараққиётидаги мавжуд даража, имконият ва истакларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак[88].

Умуман олиб қараганда, юқорида зикр этилган хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг асарларида халқ таълимини бошқариш муаммолари ва унинг ижобий жиҳатларини тадқиқ этиш, уни қайта қуриш йўллари кўрсатиб берилган. Уларда таълим бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, таълим муассасаларининг қабул қилиш жараёнлари, педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнларида бошқарувни янада такомиллаштириш, таълимни бошқаришда АКТдан фойдаланишнинг афзалликлари ва бошқа қатор масалалар ўрин олган.

Бошқарув бу ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келган кенг қамровли тушунча ҳисобланади. “Бошқарув алоҳида фаолият тури бўлиб, ташкил этилмаган бетартиб оммани, бир мақсадга йўналтирилган самарали ва унумли гуруҳга, жамиятга

[86] Аҳлидинов Р.Ш. Таълимни бошқариш. –Тошкент: Шарқ, 2003.

[87] Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –159 б.

[88] Тургунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. –Тошкент: Ворис, 2006. –264 б.

айлантирадиган, социал ўзгаришларни рағбатлантирувчи элемент ҳисобланади”[89].

Бошқарувга бўлган эҳтиёж жамиятнинг, ижтимоий меҳнатнинг табиати, одамларнинг моддий ва маънавий фаолиятлар маҳсулотларини алмашиш жараёнида мулоқот қилиш зарурати билан белгиланади.

Бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланишида икки муҳим давр ажралиб туради. Бу даврда бошқарув тубдан инқилобий даражада ўзгаришга учраган бўлиб, бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтган. Биринчи бошқарув инқилоби 4-5 минг йил олдин Шарқда қулдорлик давлатларининг шаклланиши пайтида юз берган[90]. Бошқарувнинг биринчи инқилобида руҳонийларнинг диний амалдорларга (бошқарувчиларга) айланиш жараёни кузатилади.

Бу соҳадаги иккинчи инқилоб минг йилдан кейин содир бўлган ва Бобил давлати ҳукмдори Ҳаммурапининг номи билан боғлиқ. У жамиятнинг турли соҳаларини бошқарувчи машҳур қонунлар тўпламини яратган. Айнан шу даврдан бошлаб бошқарувнинг дунёвий усули пайдо бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг расмий тизими вужудга келди. Шу тариқа бошқарувчилик услубининг дастлабки асослари ва хулқ-атворни тартибга солиш усуллари пайдо бўлди.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бошқарувни замонавий тушуниш ходимларни ғоялар орқали бошқариш, ҳокимият ва ваколатлар тизими ҳамда вазифаларининг ихтисослашуви билан боғлиқ[91].

Шу ўринда замонавий педагогика фанида кенг тарқалган “бошқарув” тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз, чунки тадқиқотчилар унинг асосий хусусиятлари тўғрисида ўз

[89] Друкер П.Ф. Практика менеджмента: Пер. с англ. Учебное пособие. М. 2000. –С.254

[90] Кравченко А.И. История менеджмента: Учебное пособие для вузов. 5-е изд. –М.: Академический Проект: Трикста, 2005. 560 с. –С.17.

[91] Клячко Т.В. Усложнение управленческих функций в условиях модернизации образования // Народное образование. 2003. № 10.-С. 77-86.; Конаржевский Ю.А. Менеджмент и внутришкольное управление. –М.: Центр «Педагогический поиск», 2000. 224 с.; Маслов Д.В. Функциональная модел оценки менеджмента. / Д.В.Маслов, П.Ватсон, Н.Чилиши // Методы менеджмента качества. 2005. №3; Основы менеджмента: Учеб. Для вузов / Д.Д.Вачугов, Т.Е.Березкина, Н.А.Кислякова и др.; Под общ. ред. Д.Д.Вачугова. –М.: Высш. школа, 2002. - 367 с.; Управление школой: теоретические основы и методы: Учебное пособие / Под ред. В.С.Лазарева. –М.: Центр социальных и экономических исследований, 1997. –336 с.





қарашларини баён қилишган. Қуйида тадқиқотчиларнинг “бошқарув” тушунчаси билан боғлиқ қарашларига тўхталиб ўтамиз:

1. Бошқарув – тизимга хос объектив қонунлардан фойдаланиш асосида уни янги ҳолатга ўтказиш мақсадида тизимга қилинадиган таъсир (П.И.Пидкасистый).

2. Бошқарув – ўз ҳаракатларини бошқариш ва керакли натижаларни олиш мақсадида амалга ошириладиган субъектлар, ҳокимият органлари томонидан одамларга, ўқув, иқтисодий ва бошқа объектларга онгли равишда амалга оширилувчи мақсадли таъсир (В.В.Мижериков).

3. Бошқарув – оқилона натижага эришиш учун объектив қонуниятларни билишга асосланган яхлит педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсири. Педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсири кетма-кет, ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ёки вазифалар занжири шаклида шаклланади: педагогик таҳлил, мақсадни белгилаш ва режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш (В.А.Сластенин).

4. Бошқарув – бошқариладиган тизимнинг (субъектнинг) мақбул ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган, керакли мақбул педагогик шароитлар, усуллар, восита ва таъсирлар ёрдамида мақсадга ҳақиқий эришиш учун уни янги, сифат жиҳатдан юқори даражага ўтказган ҳолда бошқаришнинг турли даражаларидаги субъектларнинг фаолияти (П.И.Третьяков).

5. Бошқарув – самарадорлик ва сифатли ишлашни таъминлаш учун маъмуриятнинг мақсадли фаолияти, педагогик жараён ва умуман бошқариладиган тизимни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш (Ю.А.Конаржевский).

Дастлабки икки таърифда “бошқарув” тушунчасини шарҳлаш жараён сифатида унинг динамикасини ҳисобга олади, фаолиятнинг ўзи маъмурий бўғин сифатида тан олинади, объектлар (тизим ёки одамлар) белгиланган мақсадга қатъий риоя қилган ҳолда ижрочилар ролини ўйнайди.

Кейинги таърифларда “бошқарув” тушунчасининг хусусий тавсифи берилган бўлиб, бошқарувнинг таълим билан боғлиқ тушунчаси келтирилган. Уларда бошқарув мавжуд жараённинг янги, сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шу тариқа бизни қизиқтирадиган режалаштирилган натижаларга эришишга

қаратилган амалий, йўналтирилган, онгли фаолият сифатида қайд этилган.

"Бошқарув" тушунчасининг таърифларида муайян даражада фарқлар кузатилса-да, уларни бирлаштириб турадиган муштарак жиҳатлар бор. Бу қуйидагиларда кўзга ташланади: биринчидан, бошқарув мақсадга (режалаштирилган натижага) йўналтирилган жараён эканлиги; иккинчидан, бошқарув бир нечта фаолиятни ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири мақсадга эришиш учун ўз ҳиссасини қўшади; учинчидан, фаолият тури сифатида бошқарув бошқа фаолиятлардан ўзининг икки жиҳати: бошқарувчи ва бошқарилувчи муносабатлари билан фарқ қилади; тўртинчидан, бошқарув ҳар доим тизимни бир сифат ҳолатидан иккинчи – юқорироқ даражага ўтиш заруратини англатади. "Бошқарув" тушунчасининг юқоридаги талқинларини таҳлил қилиш, бир томондан, мазкур тушунчанинг кўп қиррали ҳодиса эканлигини, иккинчи томондан, бошқарув жараёнининг ўзига хос хусусиятларига турлича ёндашувлар мавжудлиги билан изоҳланади.

Таълимни бошқариш муайян таълим субъектининг самарали истиқболини кўзлаб амалга оширилувчи илмий, таълимий, услубий, психологик ва молиявий фаолиятни режалаштириш, ташкил қилиш ва назорат қилиш билан боғлиқ стратегик жараёндир.

Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлашда таълимни бошқариш муҳим йўналиш бўлиб, унда инновацион жараёнларни жадаллаштириш асосида ўзаро ҳамкорликдаги зиддиятларни бартараф этиш муҳим шартлардан биридир. Таълимда бошқарувнинг мақсади – таълим соҳасида ўқувчиларнининг билим даражасини ошириш, уларда мазкур билимлардан амалда фойдаланиш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир. Таълимни бошқариш – таълим тизимининг ишлаши ва ривожланишини ташкил этишга йўналтирилган барча даражадаги бошқарув субъектларининг мақсадли фаолияти бўлиб, "бошқарув" тушунчаси, одатда, тизимнинг бир ҳолатдан янада сифатли ҳолатга ўтиши сифатида тавсифланади ва бунда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим: биринчи – тизимни сақлаш, унинг барқарорлигини қувватлаш мақсадида бошқариш, яъни маъмурий





бошқарув, иккинчи жиҳат – тизим янги сифат ҳолатига ўтишини, яъни муттасил ривожланишини таъминловчи бошқарув[92].

Шўролар даврида таълимни бошқариш марказлаштирилган тизим шаклида олиб борилди. Давлат мустақилликка эришганидан сўнг таълим тизимини бошқаришни демократлаштириш, бошқаришнинг янги концепциясини яратиш зарурати туғилди. Бу ўз навбатида халқ таълими бошқарув органларининг барча бўғинларида мустақиллик ва ташаббусга кенг йўл очиб берди[93]. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан сабоқ олган ҳолда, марказлашган бошқарувни ягона давлат таълим сиёсатини таъминловчи энг муҳим йўналишларда таъминлаш зарурати вужудга келди. Францияда таълимни бошқаришда марказлаштирилган тизим қўлланилса, АҚШ, Англия, Германияда марказлаштирилмаган тизим анъаналари шаклланган. Ўзбекистонда давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсати Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида келтирилган моделга асосланилган. Бу модел таълим устуворлигини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини ДТС талабларига мувофиқ бўлишини таъминланган ҳолда қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник ва ўқув-услубий базаларини мустаҳкамлашни такомиллаштиришга қаратилган[94].

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ таълим тизимини бошқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ваколатли давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари ва ҳуқуқ доиралари белгилаб қўйилган. Умуман, таълим муассасаларининг давлат бошқаруви қуйидагича амалга оширилади (12-жадвал):

Таълим бошқарувида бошқа турдаги фаолиятлар қатори энг муҳим жиҳати **бошқарувнинг мақсадини** белгилашдир. Бошқарув мақсади муаммоларни кўриб чиқиш жараёнида мақсад умумий тарзда юқори ташкилотлар томонидан белгиланиб, қуйи даражада ташкилот иш фаолиятига таъсир қилади ва тартибга солади. Таълим

[92] Василькова С. Технология работы социальноги педагога. –М.: Академия. 2009. 39 с.
[93] "Таълим тараққиёти" 2000 йил, 3-сон, 12-бет.
[94] Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 август. 463-I-сон 29.08.1997.

тизими бошқарувини такомиллаштиришда илмий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда ўзига хос хусусиятларига алоҳида этибор қаратиш муҳим, булар:

*12-жадвал*

*Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг давлат бошқаруви*




- бошқарув мазмунида ўз аксини топган давлат ва ижтимоий таълим манфаатларининг диалектик бирлиги, умумий таълим тизими олдида турган мураккаб вазифалар билан боғлиқ бўлган бошқарув қирраларининг кенгайиши;
- таълим тизимини бошқарув қонуниятларининг объектив ва субъектив жиҳатларини идрок этиб фойдаланиш ва ўрганиш орқали тизим ривожланишини янги, сифат жиҳатидан янада мукаммал ҳолатга етказиш;
- таълим бошқаруви шакл ва усулларини миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда доимий такомиллаштириб бориш;
- бошқарувнинг математик, статистик ҳамда иқтисодий усулларини жорий этиш;
- бошқарув техникасини ривожлантириш ва ҳоказо.

**Таълимни бошқариш** – таълим тизимининг ишлаши ва ривожланишини ташкил этишга йўналтирилган барча даражадаги бошқарув субъектларининг мақсадли фаолияти бўлиб, "бошқарув" тушунчаси одатда тизимнинг бир ҳолатдан янада сифатли ҳолатга ўтиши сифатида тавсифланади, бунда қуйидаги жиҳатларга алоҳида





эътибор қаратиш муҳим: биринчи – тизимни сақлаш, унинг барқарорлигини қувватлаш мақсадида бошқариш, яъни маъмурий бошқарув, иккинчи жиҳат – тизим янги сифат ҳолатига ўтишини, яъни муттасил ривожланишни таъминловчи бошқариш[95].

Қўйилган мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- **ижтимоий бошқарув** назариясининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи билан танишиш;
- **стратегик бошқарувнинг** энг янги методлари ва принциплари ҳақидаги ахборот билан танишиш;
- **таълим хизматлари бошқаруви** маркетинги ва инновациялари соҳасида махсус билимларни ўзлаштириш[96].

Таълим бошқарувида **стратегик бошқарув** муҳим аҳамият касб этиб, у қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- таълим муассасалари фаолиятини олдиндан айтиш (прогноз) ва режалаштириш,
- мақсадларни тўғри қўйиш;
- кадрларни оқилона жойлаштириш, вазифаларини тўғри тақсимлаш,
- кичик тизимлар ўртасида интеграцияни ўрнатиш;
- таълимга оид ахборот тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш;
- ҳар томонлама назорат, таҳлил, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;
- таълим муассасаси ходимларини малакаси ва маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш ва ҳоказо.

Жамиятимизда маҳаллий таълимнинг ривожланишида уни бошқаришнинг инновациялар асосидаги янги тизимини жорий этиш ва тарғиб қилиш, инновацион жараёнларни бошқариш масалалари давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, айни вақтда, қатор олимлар, сиёсатшунослар, изланувчиларнинг асосий муҳокамадаги мавзуларидан бирига айланиб бормоқда. Бу каби назарий ва амалий тадқиқотларнинг

[95] Василькова С. Технология работы социальноги педагога. –М.: Академия. 2009. 39 с.
[96] Файзуллаева Н.С. Таълим тизимида стратегик бошқарувнинг амалий аҳамиятлари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. 5 сон, июль, 2012.

маҳаллий таълим тизимида кўпроқ олиб борилиши, бир томондан, таълимнинг ривожланишида инновацион жараёнларнинг аҳамияти ва долзарблигини, бошқа томондан эса, билвосита, таълим соҳасида инновацияларнинг кўпгина таълим тизимидаги бошқарув, назарий ва методологик муаммоларини ҳал қилинишида катта самара беради.

Таълим тизимининг бошқарувини такомиллаштиришда, илмий жиҳатдан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос хусусиятларига алоҳида этибор қаратиш муҳим. Булар бошқарув мазмунида ўз аксини топган давлат ва ижтимоий таълим манфаатларининг диалектик бирлиги, умумий таълим тизими олдида турган мураккаб вазифалар билан боғлиқ бўлган бошқарув қирраларининг кенгайиши, таълим тизимини бошқарув қонуниятларининг объектив ва субъектив жиҳатларини идрок этиб фойдаланиш ва ўрганиш орқали тизим ривожланишини янги, сифат жиҳатидан янада мукаммал ҳолатга етказиш, таълим бошқаруви шакл ва усулларини миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда доимий такомиллаштириб бориш, бошқарувнинг математик, статистик ҳамда иқтисодий усулларини жорий этиш ва бошқарув техникасини ривожлантириш кабилар.

Жамият тараққиётининг узлуксиз ўзгариши, технологияларни жадал суръатларда кириб келиши ва ривожланиши, ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг ортиб бориши, илм-фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юқори суръатлари туфайли Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши ички таълим тизимини тубдан модернизация қилишни талаб қилмоқда.

Таълим соҳасини бошқаришда инновацион жараёнларни такомиллаштириш, биринчи навбатда, таълим соҳасидаги бошқарувнинг ўзгаришларини назарий тушуниш, таълимни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати нуқтаи назаридан бошқарув жараёнининг яхлит концепциявий ғояларини ишлаб чиқиш ва унинг асосий хусусиятларини ривожлантиришни талаб этади.

Умумий ўрта таълим тизими муассасаларини **инновацион ёндашув асосида самарали бошқариш мезонлари** қуйидагиларда ўз аксини топади:

- педагогик жараённинг янги шакллари, усуллари, восита ва технологиялари жорий этилиши;





-бошқарувда янги йўналишлардан фойдаланиш;

-иқтисодиёт соҳасидаги бошқарув фанларидан амалий кўникмаларни ривожлантириш;

-ўрта таълим муассасасида инновацион ёндашув асосида ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш;

-ўқув юртидаги бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ўзаро муносабатларда таълим жараёнида иштирокчиларнинг позициялари;

-иштирокчиларнинг педагогик жараёнда бошқарув самарадорлигига ўзаро таъсири[97].

Юқорида келтириб ўтилган тадқиқотларнинг илмий-методик амалий қийматини таъкидлаган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда таълимни бошқаришнинг минтақаларга хос бўлган жиҳатлари ҳали тўлалигича тадқиқ этилмаганлигини, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожи, маданияти, таълим ва бошқа эҳтиёжларга тўла жавоб бермаслигини айтиб ўтиш лозим. Ҳозирда Тошкент вилоятида ҳам таълим тизимини ривожлантириш, унда таълим бошқарувини янада такомиллаштириш ва уни амалда татбиқ этишга доир назарий ва амалий қадамлар ташланган. Жумладан, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида таълимни ривожлантиришнинг **кластер модели** жорий этилиб, бугунги кунда минтақанинг таълим сифати самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Таълимни бошқаришда маҳаллий ҳудудларда инновацион жараёнларнинг татбиқ этилмаганлиги, шунингдек, минтақада таълим кластери субъектлар ва объектлар ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйилмаганлиги ва буни тартибга солиш, таълим кластеридаги барча ижтимоий гуруҳлар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда мақсадли дастурлар яратиш зарурати минтақада таълим кластерининг барча йўналишларида инновацияларни жорий этишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда таълим кластери ғоясига нафақат илмий, балки назарий жиҳатдан ҳам қизиқиш ортиб бормоқда, шу билан бирга, уни амалиётга татбиқ этиш ҳам бошланган. Чирчиқ давлат

[97] Наумов С.В. Управление инновационными процессами в региональной системе образования. автореферат дисс. на соис. уч.степ. к.п.н. Нижний Новгород. 2009. С. 6.

педагогика институтида ҳам саъй-ҳаракатлар бошланган бўлиб, бу олийгоҳнинг асосий стратегик тадқиқот объекти бўлган **“Педагогик таълим инновацион кластери”** ҳисобланади.

Институт томонидан тақдим этилаётган “Педагогик таълим инновацион кластери” модели таълим тизимидаги юқорида қайд қилинган камчиликларни бартараф қилиш имкониятини яратувчи янги инновацион лойиҳа сифатида баҳоланмоқда. Таълим тизимини бошқариш субъектларининг ўзаро алоқаси минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида тизимни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш, тажрибалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълимни ривожлантиришни мақсад қилган **муассасалар олдида турган вазифалар** қуйидагилардан иборат:

✓бўлажак мутахассисларни ўқитиш, турли соҳа талабалари ўртасида эркин алоқа маконини шакллантириш;

✓тажриба-синов “ўқув майдончаси” яратиш;

✓ишбилармон доираларни жалб қилиш;

✓кўп тармоқли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва бошқалар.

Таълим муассасаларининг консерватив модели доирасида кластер ғоясини татбиқ қилиш қийин кечади, буни амалга ошириш учун, албатта, янги ёндашув асосидаги “тажриба майдонча”ларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Таълим кластери йўналишларини расмий бирлаштиришнинг умумий принципи лойиҳага интеграцион ёндашув асосидаги методологияни тақдим қилишдир. Интеграция, биринчи навбатда, кластер моделига киритилган иштирокчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, бу амалиётнинг натижаси ўларок, билим ва тажриба синергияси таъминланади ҳамда юқори сифатли тегишли соҳа мутахассисининг пайдо бўлишига олиб келади[98]. Минтақавий кластерларни шакллантиришнинг биринчи шарти бу – субъектлар ўртасидаги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Ўзаро келишув асосида умумий лойиҳа устида ишлаш,

[98] Деменчук П.Ю. Образовательный кластер как институциональная системаинтеграции образования. Integration of education. № 4, 2013. –С. 27.





шу жумладан, расмий тизимлаштириш мезонларига қараб турли хил таълим гуруҳларини ажратиш мумкин.

Маълумки, педагогик таълим инновацион кластерининг асосий мақсади:

- йўналишларга тегишли фанлар асосида педагогик таълимнинг ривожлантириш мақсадида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;
- фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг турли шакл ҳамда турларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш;
- таълим билан бир қаторда тарбияга ҳам катта эътибор қаратган ҳолда, унинг интеграциясини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш;
- педагог кадрлар тайёрлашда узлуксиз таълим тизими субъектлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини асослаш ва ҳоказолардан иборат.

Таълим тизимини бошқариш фаолияти давомида педагогик инновацион кластер субъекти раҳбарлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда бевосита қуйидаги кластер объектларга таъсир кўрсатадилар: таълим жараёни иштирокчилари (раҳбар ўринбосарлари, педагог-ходимлар, ўқувчи-ёшлар, техник ходимлар, ота-оналар, ҳомийлар), таълим жараёнлари (таълимий, тарбиявий, илмий, услубий), моддий-техник воситалар (АКТ, кўргазмалар, электрон дарсликлар, аудиовизуал воситалар, моделлар, жиҳозлар ва ҳоказо)[99].

Бугунги кунда таълимга жамият тараққиётининг умумий қонунияти асосида ривожланаётган ижтимоий-педагогик тизим сифатида эътибор бериб, таълим бу тизимли объект эканлигини, қонуний жиҳатдан ўзига, барча компонентларни бошқарувига нисбатан тизимли ёндашишни талаб этади. Бу талаб ўқув-тарбия жараёнига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг барча хилдаги таълим-тарбиявий муассасаларида амалга оширилади. Таълим тизимида кластер ёндашувини татбиқ қилиш таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлайди. Бу бевосита таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида қараб, уни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш таълим тизимидаги илмий жамоатчиликнинг олдида

[99] Хомерики О.Н. Развитие школы как инновационный процесс. –М. 1994.

турган энг муҳим вазифаларидан биридир. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради. Натижада, кластер минтақадаги фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи кучли механизм сифатида юзага келади.

Мазкур вазифани амалга оширишда таълим муассасалари раҳбарларидан юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиши талаб этилади. Шундай экан, инновацион фаолият жараёнида раҳбар ўзининг кенг дунёқараши, чуқур фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан ажралиб туриши бугунги куннинг муҳим шартларидан биридир.

**Таълим сифатини бошқаришда кластер ёндашувнинг зарурати ҳам бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир.** Таълим сифати ва уни бошқариш муаммоси барча даврларда педагогиканинг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлиб қолаверади. Бу муаммони ўрганиш “сифат”, “бошқарув”, “таълим сифатини яхшилаш”, “таълим сифатини бошқариш”, “таълимни модернизация қилиш”, “таълим инновацияси” каби қатор муҳим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил ва тавсиф қилишни талаб қилади.

**Сифат** – объектнинг белгиланган ва кутилган эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан боғлиқ хусусиятлар тўплами.[100]

**Сифатни таъминлаш** – доимий мониторинг учун мавжуд бўлган ва сифат талабларини бажаришга ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўладиган режалаштирилган ва амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

**Таълим сифатини яхшилаш** – таълим фаолиятининг мавжуд параметрларини таълим сифати соҳасидаги сиёсатда белгиланган мақсад ва ва вазифаларга яқинлаштириш жараёни ҳамда натижаси.

**Таълим сифатини бошқариш** – таълим сифатини таъминлаш, такомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга йўналтирилган стратегик ва тезкор ҳаракатлар мунтазам амалга ошириладиган тизим[101].

[100] Международные стандарты: Сборник новых версий стандартов ИСО серии 9000. -М., 1995.

[101] Варченко Е.И. Управление качеством образования в образовательном учреждении // Молодой ученый. 2013. №3. С. 471-474. — URL https://moluch.ru/archive/50/6384/ (дата обращения: 26.10.2019).





**Таълимни модернизация қилиш** – миллий таълимнинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш билан бирга, таълим тизимининг барча йўналишларини ҳамда таълим фаолияти соҳаларини замонавий ҳаёт талабларига мувофиқ равишда ҳар томонлама янгилаш.[102]

**Таълим инновацияси** – таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараёндир[103].

Таълим муассасаларида сифат бошқаруви инсон билан, биринчи навбатда, ўқитувчи билан ишлашдан бошланади ва кадрлар билан ишлаш, уларнинг касбий даражасини ошириш билан тугайди (Ю.А.Конаржевский)[104].

Муайян ўқув юртидаги таълим тизимининг ҳолати ва ривожланишини таҳлил қилиш учун сифат объектининг узлуксиз ривожланиши давомида ижобий ўзгаришларни тавсифловчи, якуний натижага эришишни англатувчи шарт бўлмаган “ҳаракатчан сифатни яхшилаш” тушунчаси муҳим.

Тақдим этилган тушунчаларга асосланиб, таълим сифатини очиқ таълим тизимининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш жараёни билан боғлиқ ижтимоий категория сифатида, биринчидан, таълимнинг меъёрий мақсадларига, иккинчидан, шахслар ва турли ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлай-диган юқори таълим натижадорлиги деб, тушуниш мумкин.

Сифат соҳасидаги ишлар ўқув жараёнининг бевосита субъектлари ва ўқув юртининг ташқи ҳамкорларига (ота-оналар, иш берувчилар, ижтимоий соҳалар) нисбатан максимал даражада очиқликка интилади.

Сифат соҳасидаги асосий таркибий қисмларни шакллан-тириш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш таълим муассасаси маъмуриятининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Сифат

[102] Ред.: Днепров Э.Д. Модернизация российского образования: документы и материалы, Москва: ГУ ВШЭ, 2002, серия "Библиотека развития образования", 332 с.

[103] Ғ.Мухамедов, У.Ходжамкулов. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Т.: Университет, 2019, 83-бет.

[104] Варченко Е.И. Управление качеством образования в образовательном учреждении // Молодой ученый. 2013. №3. С. 471-474. — URL https://moluch.ru/archive/50/6384/ (дата обращения: 26.10.2019).

турган энг муҳим вазифаларидан биридир. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради. Натижада, кластер минтақадаги фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминловчи кучли механизм сифатида юзага келади.

Мазкур вазифани амалга оширишда таълим муассасалари раҳбарларидан юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиши талаб этилади. Шундай экан, инновацион фаолият жараёнида раҳбар ўзининг кенг дунёқараши, чуқур фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан ажралиб туриши бугунги куннинг муҳим шартларидан биридир.

**Таълим сифатини бошқаришда кластер ёндашувнинг зарурати ҳам бугунги кунда долзарб вазифалардан биридир.** Таълим сифати ва уни бошқариш муаммоси барча даврларда педагогиканинг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлиб қолаверади. Бу муаммони ўрганиш “сифат”, “бошқарув”, “таълим сифатини яхшилаш”, “таълим сифатини бошқариш”, “таълимни модернизация қилиш”, “таълим инновацияси” каби қатор муҳим тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил ва тавсиф қилишни талаб қилади.

**Сифат** – объектнинг белгиланган ва кутилган эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан боғлиқ хусусиятлар тўплами.[100]

**Сифатни таъминлаш** – доимий мониторинг учун мавжуд бўлган ва сифат талабларини бажаришга ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўладиган режалаштирилган ва амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

**Таълим сифатини яхшилаш** – таълим фаолиятининг мавжуд параметрларини таълим сифати соҳасидаги сиёсатда белгиланган мақсад ва ва вазифаларга яқинлаштириш жараёни ҳамда натижаси.

**Таълим сифатини бошқариш** – таълим сифатини таъминлаш, такомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга йўналтирилган стратегик ва тезкор ҳаракатлар мунтазам амалга ошириладиган тизим[101].

[100] Международные стандарты: Сборник новых версий стандартов ИСО серии 9000. -М., 1995.

[101] Варченко Е.И. Управление качеством образования в образовательном учреждении // Молодой ученый. 2013. №3. С. 471-474. — URL https://moluch.ru/archive/50/6384/ (дата обращения: 26.10.2019).





**Таълимни модернизация қилиш** – миллий таълимнинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш билан бирга, таълим тизимининг барча йўналишларини ҳамда таълим фаолияти соҳаларини замонавий ҳаёт талабларига мувофиқ равишда ҳар томонлама янгилаш.[102]

**Таълим инновацияси** – таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараёндир[103].

Таълим муассасаларида сифат бошқаруви инсон билан, биринчи навбатда, ўқитувчи билан ишлашдан бошланади ва кадрлар билан ишлаш, уларнинг касбий даражасини ошириш билан тугайди (Ю.А.Конаржевский)[104].

Муайян ўқув юртидаги таълим тизимининг ҳолати ва ривожланишини таҳлил қилиш учун сифат объектининг узлуксиз ривожланиши давомида ижобий ўзгаришларни тавсифловчи, якуний натижага эришишни англатувчи шарт бўлмаган “ҳаракатчан сифатни яхшилаш” тушунчаси муҳим.

Тақдим этилган тушунчаларга асосланиб, таълим сифатини очиқ таълим тизимининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш жараёни билан боғлиқ ижтимоий категория сифатида, биринчидан, таълимнинг меъёрий мақсадларига, иккинчидан, шахслар ва турли ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдиган юқори таълим натижадорлиги деб, тушуниш мумкин.

Сифат соҳасидаги ишлар ўқув жараёнининг бевосита субъектлари ва ўқув юртининг ташқи ҳамкорларига (ота-оналар, иш берувчилар, ижтимоий соҳалар) нисбатан максимал даражада очиқликка интилади.

Сифат соҳасидаги асосий таркибий қисмларни шакллантириш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш таълим муассасаси маъмуриятининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Сифат

[102] Ред.: Днепров Э.Д. Модернизация российского образования: документы и материалы, Москва: ГУ ВШЭ, 2002, серия "Библиотека развития образования", 332 с.

[103] F.Муҳамедов, У.Ходжамқулов. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. – Т.: Университет, 2019, 83-бет.

[104] Варченко Е.И. Управление качеством образования в образовательном учреждении // Молодой ученый. 2013. №3. С. 471-474. — URL https://moluch.ru/archive/50/6384/ (дата обращения: 26.10.2019).

тизимини сифат соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш воситаси сифатида тушуниш мумкин.

Муайян натижаларга эришиш, мақсадларни аниқ белгилаш, сифат соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун аниқ ҳаракат дастурини таклиф қилиш таълим муассасаси ходимларининг касбий фазилатларини қўллаб-қувватлайди ва уларнинг педагогик ҳамда методик маҳоратини оширишларига рағбат уйғотади.

Сифат соҳасидаги ишларнинг шаклланиши узоқ муддатли устуворликларни шакллантиришга имкон беради ҳамда ташкилот ва ундаги ходимларнинг фаолиятида рационал ўзгаришларга ҳисса қўшадиган сифатни стратегик режалаштириш жараёни билан бевосита боғлиқ. Стратегик режалаштиришнинг етакчи мақсадлари нафақат маълум бир давр учун таълим муассасаларини ривожлантиришнинг бош режасини ишлаб чиқиш, балки ушбу таълим муассасаси томонидан тақдим этилаётган таълим хизматларининг асосий йўналишларини тушуниш ва қайта кўриб чиқиш, шунингдек уларнинг истеъмолчилар талабларига мувофиқлигини аниқлаш билан белгиланади.

.Стратегик режалаштиришдан олдин таълим муассасасининг ривожланиш ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш керак, у ўқув жараёни ва ходимлар фаолиятининг кучли ҳамда заиф томонларини ўрганиш ва тушунишни ўз ичига олади. Стратегик режалаштириш жараёнида сифат концепциясида белгиланган мақсадларни амалга оширишга мос келадиган ўқув муассасасининг мақсади, фалсафаси, асосий қадриятлари аниқланади. Режалаштиришнинг асосий мақсади муваффақиятлар йўлига стратегик қараш, юқори сифатли таълим муҳити ва натижаларга эришиш, муваффақият қозонишга тўсқинлик қилувчи ташқи, ички омилларни аниқлаш ҳамда бартараф қилишдир.

Стратегик режалаштириш таълим сифатини оширишнинг потенциал манбаи бўлган турли камчиликларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва тезда бартараф этиш орқали самарадорликка эришишни таъминлайди.

Режалаштиришда ички ва ташқи, кўринадиган ва яширин нуқсонлар мавжудлиги сабабли таълим сифати пасайишини ёдда тутиш керак.





Ички нуқсонларни таълим жараёнининг номукаммаллиги, ноқулай ижтимоий-психологик иқлим, мактабни бошқариш услубларининг етишмаслиги туфайли юзага келган камчиликлар, деб ҳисоблаш мумкин. Ичик нуксонларнинг энг типик намунасига ўқувчиларнинг индивидуал фанлар бўйича билим даражасининг пастлиги, мустақил ишлаш кўникмаларининг етишмаслиги, дарсдан ташқари машғулотларда қатнашишга бўлган мотивациянинг пастлиги кабиларни киритиш мумкин.

Таълимнинг ташқи камчиликлари атроф-муҳитнинг болага таъсири, мактаб ва жамият ўртасидаги муносабатнинг заифлиги, оила ва мактаб ўртасидаги ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги ёки нотўғри ташкил қилинганлиги билан боғлиқ. Ташқи нуқсонларга ўсмирлардаги умумий ижтимоий-педагогик камчиликлар, мактаб ўқувчиларининг оғма хатти-ҳаракатлари, ўқув фаолиятига нисбатан мотивациянинг пастлиги ва ижтимоий компетенция ривожланишининг паст даражада эканлиги билан боғлиқ ҳолатлар киради.

Кўзга кўринадиган нуқсонлар осонгина аниқланиши ва объектив ташхис қўйилиши, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мониторинг қилишдаги камчиликлар, улардаги оғма хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ва ҳоказоларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Кўзга кўринган камчиликлар таълим даражасини ташхислаш жараёнида яққол юзага қалқиб чиқади.

Яширин нуқсонлар – таълимдаги бу нуқсонларни объектив усуллардан фойдаланиб, аниқлаш жуда қийин. Бундай нуқсонларни узоқ муддатли кузатувлар, ретроспектив таҳлил ва битирувчиларнинг ўзларининг фаолияти ва қобилиятлари бўйича ўзларини баҳолашлари, шунингдек, иш берувчилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикрлари асосида аниқлаш мумкин. Яширин нуқсонларга ижтимоий муносабатларнинг паст даражаси, атроф муҳитга мослашиш, ҳаёт давомида ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятининг етишмаслиги киради.

Турли хил нуқсонларнинг олдини олиш, эрта аниқлаш ва тезда бартараф этиш орқали таълим самарадорлигига интилиш сифатни оширишнинг мумкин бўлган манбаи ҳисобланади.

Таълим субъектларини бошқариш орқали биз унинг субъектларининг (таълимни бошқариш органлари) мақсадли фаолиятини

тушунамиз, таълим хизматларини тақдим этиш ва бошқарув вазифаларини ҳал қилиш орқали таълим хизматлари истеъмолчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва бошқалар) биргаликдаги фаолиятини ташкил этишни таъминлаш, уларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қондиришни ва унинг сифатига эътибор беришни тушунамиз.

Таълим сифатини бошқаришда янги ёндашувлар таълимни бошқаришнинг янги парадигмасига мувофиқ шакллантирилмоқда. Бу марказдан қочишни, шунингдек ҳокимиятнинг қуйи бўғинларга ваколатлар беришни ва маҳаллий ҳокимликларнинг ролини оширишни, яъни автономия ва полицентрик тизимни ўз ичига олади.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар таълимнинг сифатини бошқаришнинг демократик хусусиятини белгилайди, бу эса иштирок этиш, кўмаклашиш, рефлексивлик ва икки томонламалик тамойиллари билан намоён бўлади.

Иштирок этиш таълим фаолияти барча субъектларининг сифат соҳасидаги бошқарув қарорлари тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва амалга оширишда кенг қатнашишларини ўз ичига олади. Ушбу тамойил бошқарувнинг ижтимоий табиатида (Экспертлар кенгаши, ўқув муассасаси кенгаши, васийлик кенгаши, мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқалар) намоён бўлади.

Кўмаклашиш қарорларни қабул қилиш ва уларни энг паст маъмурий даражада амалга ошириш учун жавобгарликни англатади. Мустақил қарор қабул қилишга халал берадиган муайян объектив шароитлар мавжуд бўлса, у учун жавобгарлик бошқарувнинг юқори даражасига ўтказилади.

Рефлексивлик доимий равишда ўз-ўзини баҳолашга, таҳлил қилиш ва касбий фаолиятни мустақил кузатишга асосланган бўлиб, бу таълим сифатини кузатиш имконини беради.

Икки томонламалик принципи, биринчидан, бошқарув фаолиятининг икки гуруҳ мақсадларини амалга оширишга йўналтирилганлигини акс эттиради: меъёрий (давлат таълим стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланади) ва маркетинг (таълим тизимининг хусусиятлари ва турли таълим хизматларининг талаблари билан белгиланади); иккинчидан, амалдаги сифат менежменти ва ривожланиш сифат менежментини





бирлаштириш заруратини назарда тутади. Таълимни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида сифат менежментининг умумий тамойиллари долзарблигича қолмоқда.

Мураккаблик жараённинг сифатини ҳам, эришилган натижалар сифатини ҳам таъминлайдиган таълим фаолияти шартларининг умумийлигини ҳар томонлама таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Объективлик асосида таълим сифати объектларини аниқ ва оқилона ўлчаш учун имконият ва эҳтиёжлар ётади.

Узлуксизлик таълимнинг турли босқичларида амалга ошириладиган ўқув дастурлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш зарурлигини акс эттиради. Ушбу тамойил, шунингдек, ўқувчиларнинг билим даражасида ижобий ўзгаришларни кузатиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Оқилоналик бажарилган барча ҳаракатлар, сарфланган воситалар ва вақтларнинг эришилган ўқув натижалари сифатига мувофиқлигини белгилайди. Олдинга силжиш таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини, таълим фаолиятини амалга ошириш учун ташқи ва ички шароитларни ҳисобга олишни, юзага келадиган муаммоларни башорат қилиш, уларнинг олдини олиш учун ўз вақтида бошқарув қарорлари қабул қилишни таъминлайди.

Истиқболда таълимни ривожлантиришнинг долзарб ва узоқ муддатли муаммоларини ҳал қилишга эътибор қаратилган. Таълим сифатини бошқаришга янгича ёндашувлар қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади: бошқарув субъектларининг иқтисодий манфаатларига таянган ҳолда аниқ рағбатлантирувчи хусусият; буйруқ ва маъмурий бошқарув усулларидан воз кечиш ёки сезиларли даражада воз кечиш; ўқув жараёнининг натижалари устидан устувор назоратани амалга ошириш ва унинг давомийлигини назорат қилиш; ўқув жараёнини таҳлил қилиш ва баҳолашда ўзини ўзи бошқаришнинг устуворлиги.

Жараён сифатида таълим сифатини бошқариш режалаштириш, ташкил қилиш, йўналтириш, бошқариш, асосий ва ёрдамчи жараёнларни назорат қилишни ўз ичига олади. Бу каби назарий тамойилларни таълим сифатини бошқаришнинг турли концепциялари тадқиқ қилган қатор хорижлик мутахассислар ҳам таъкидлашади. Масалан, Д.Тиммерман ўқув жараёнини бошқаришнинг уч босқичли: кириш, оралиқ ва чиқиш босқичларидан иборат

моделини таклиф қилади[105]. Биринчи босқич мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш шартларидан иборат. Бундай шароитлар ўқитувчилар таркибининг касбий даражаси, бино ва ўқув иншоотларининг ҳолати, жиҳозлар ва дизайн, ўқув дастурлари ва дидактик материалларнинг мавжудлигини ўз ичига олади. Ўқув жараёни муваффақиятининг муҳим шартлари сифатида ўқувчиларнинг ўзлари, уларнинг қобилиятлари, мойилликлари, қизиқишлари, ўрганишга бўлган мотивацион тайёрлиги кабиларни қайд этиш мумкин.

Оралиқ босқич мактаб ҳаётидаги ички жараёнлар сифатида таъсир қилади. Буларга эса қуйидагилани киритиш мумкин: ўқув жараёнини ташкил этиш мазмуни, ўқитувчиларнинг касбий фаолияти, ижтимоий-психологик иқлим, ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш, шахслараро муносабатлар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари.

Чиқиш босқичи таълим натижаларини ўзида акс эттиради. Д.Тиммерман таълим сифатини бошқаришнинг қуйидаги схемасини таклиф қилади: германиялик олимлар томонидан ишлаб чиқилган сифат менежменти назариясига кўра, мактаб истеъмолчига, сифатни таъминлаш жараёнининг ўзига эътибор қаратади, ички ва ташқи нуқсонларни олдини олиш учун профилактик тадбирларни режалаштиради, шунингдек, оғма характердаги сифатни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди. Шунингдек, Д.Тиммерман концепциясига кўра, қуйидаги цикл таклиф қилинади: такомиллаштиришни режалаштириш, амалга ошириш, самарадорликни синаш, ўзгарувчан вазиятга мослашиш. Таълим сифатини бошқаришнинг таълим фаолияти хавфларини бошқариш каби жиҳати диққатга сазовор. И.А.Коложвари фикрига кўра, таълим фаолияти хавфи ташқи ва ички омиллар таъсири остида таълим муҳити шароитида содир бўлган ўзгаришлар натижасида салбий натижа олиш эҳтимоли ҳисобланади[106]. Таълим фаолияти хавфи бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради: ўқув жараёни иштирокчиларига жисмоний ва ақлий юкламанинг ҳаддан ташқари оширилиши (соғлиқ муаммолари хавфи); таълим муассасаларининг ишлаш тартиби ва ривожланишини таъминлаш учун

[105] Krohner S., Timmermann D.: Qualitätssicherung durch Qualitätsmanagement, Bielefeld 1997.
[106] Krohner S., Timmermann D.: Qualitätssicherung durch Qualitätsmanagement, Bielefeld 1997.





меъёрий молиялаштиришнинг етарли эмаслиги (маблағ билан таъминланмаслик хавфи); таълим тизими ресурсларининг маънавий қариши (ходимлар малакасининг пасайиши хавфи, мактабнинг моддий-техник жиҳозларидан кейинчалик фойдаланиш имкониятининг пасайиши ва бошқалар); бошқарув ёки педагогик хато эҳтимоли (салбий ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган натижани олиш хавфи) ва ҳоказо. Таълим фаолияти хавфи қайтариладиган ва қайтарилмайдиган бўлиши мумкин. Хавфни бошқаришнинг мақсади қабул қилинадиган хавфнинг чегараларини (мезонларини) белгилаш ва вазияни ушбу чегаралар ичида ушлаб туриш механизмларини аниқлашдир.

Таълимни модернизация қилиш ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим сиёсатининг энг етакчи ғояси ва асосий вазифаси ҳисобланади. Модернизация ўтган даврдан мерос қолган таълим тизимининг ишлаш принципларини, шунингдек, ушбу тизимни бошқариш принципларини олдиндан қайта кўриб чиқишдир. Бу эса технология ва ўқув фаолиятини ташкил этишдаги кенг миқёсли ўзгаришлар бўлиб, у шу пайтгача мавжуд жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади, асосан, кечаги вазифаларга бўйсунади. Шунингдек, модернизация ҳали ҳам мавжуд бўлган авторитар ва тоталитар таълим сиёсати, ундаги шахс, жамият ва мамлакат эҳтиёжларидан ажралиб қолган таълимдаги дунёқарашнинг ўзгариши билан боғлиқ жараён.

Таълимни модернизация қилишнинг иккита асосий йўналиши бўлиб, булар таълим мазмуни ва таълим иқтисодиётини тубдан янгилашдир. Унинг асосий вазифалари таълим олиш имкониятлари, сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, таълим ўзининг устувор вазифасини бажара олмайди. Таълим мамлакатни ривожлантиришнинг локомотивига, инсон капитали ўсишининг генераторига айланиши учун ҳам модернизация қилиниши зарур.

Ўқув жараёнини бошқаришда кластер ёндашувидан янги самарали ресурс сифатида фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда кластерлар қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- икки ёки ундан ортиқ таълим муассасалари бирлашади;
- улар кластер таркибига кирган барча таълим муассасаларининг тарбиявий ва бошқарув вазифаларини ҳал қилишади;

моделини таклиф қилади[105]. Биринчи босқич мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш шартларидан иборат. Бундай шароитлар ўқитувчилар таркибининг касбий даражаси, бино ва ўқув иншоотларининг ҳолати, жиҳозлар ва дизайн, ўқув дастурлари ва дидактик материалларнинг мавжудлигини ўз ичига олади. Ўқув жараёни муваффақиятининг муҳим шартлари сифатида ўқувчиларнинг ўзлари, уларнинг қобилиятлари, мойилликлари, қизиқишлари, ўрганишга бўлган мотивацион тайёрлиги кабиларни қайд этиш мумкин.

Оралиқ босқич мактаб ҳаётидаги ички жараёнлар сифатида таъсир қилади. Буларга эса қуйидагилани киритиш мумкин: ўқув жараёнини ташкил этиш мазмуни, ўқитувчиларнинг касбий фаолияти, ижтимоий-психологик иқлим, ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиш, шахслараро муносабатлар ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари.

Чиқиш босқичи таълим натижаларини ўзида акс эттиради. Д.Тиммерман таълим сифатини бошқаришнинг қуйидаги схемасини таклиф қилади: германиялик олимлар томонидан ишлаб чиқилган сифат менежменти назариясига кўра, мактаб истеъмолчига, сифатни таъминлаш жараёнининг ўзига эътибор каратади, ички ва ташқи нуқсонларни олдини олиш учун профилактик тадбирларни режалаштиради, шунингдек, оғма характердаги сифатни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди. Шунингдек, Д.Тиммерман концепциясига кўра, қуйидаги цикл таклиф қилинади: такомиллаштиришни режалаштириш, амалга ошириш, самарадорликни синаш, ўзгарувчан вазиятга мослашиш. Таълим сифатини бошқаришнинг таълим фаолияти хавфларини бошқариш каби жиҳати диққатга сазовор. И.А.Коложвари фикрига кўра, таълим фаолияти хавфи ташқи ва ички омиллар таъсири остида таълим муҳити шароитида содир бўлган ўзгаришлар натижасида салбий натижа олиш эҳтимоли ҳисобланади[106]. Таълим фаолияти хавфи бўлган ҳолатларга қуйидагилар киради: ўқув жараёни иштирокчиларига жисмоний ва ақлий юкламанинг ҳаддан ташқари оширилиши (соғлиқ муаммолари хавфи); таълим муассасаларининг ишлаш тартиби ва ривожланишни таъминлаш учун

[105] Krohner S., Timmermann D.: Qualitätssicherung durch Qualitätsmanagement, Bielefeld 1997.
[106] Krohner S., Timmermann D.: Qualitätssicherung durch Qualitätsmanagement, Bielefeld 1997.





меъёрий молиялаштиришнинг етарли эмаслиги (маблағ билан таъминланмаслик хавфи); таълим тизими ресурсларининг маънавий қариши (ходимлар малакасининг пасайиши хавфи, мактабнинг моддий-техник жиҳозларидан кейинчалик фойдаланиш имкониятининг пасайиши ва бошқалар); бошқарув ёки педагогик хато эҳтимоли (салбий ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган натижани олиш хавфи) ва ҳоказо. Таълим фаолияти хавфи қайтариладиган ва қайтарилмайдиган бўлиши мумкин. Хавфни бошқаришнинг мақсади қабул қилинадиган хавфнинг чегараларини (мезонларини) белгилаш ва вазияни ушбу чегаралар ичида ушлаб туриш механизмларини аниқлашдир.

Таълимни модернизация қилиш ҳозирги вақтда мамлакатимиз таълим сиёсатининг энг етакчи ғояси ва асосий вазифаси ҳисобланади. Модернизация ўтган даврдан мерос қолган таълим тизимининг ишлаш принципларини, шунингдек, ушбу тизимни бошқариш принципларини олдиндан қайта кўриб чиқишдир. Бу эса технология ва ўқув фаолиятини ташкил этишдаги кенг миқёсли ўзгаришлар бўлиб, у шу пайтгача мавжуд жуда кўп жиҳатларни ўз ичига олади, асосан, кечаги вазифаларга бўйсунади. Шунингдек, модернизация ҳали ҳам мавжуд бўлган авторитар ва тоталитар таълим сиёсати, ундаги шахс, жамият ва мамлакат эҳтиёжларидан ажралиб қолган таълимдаги дунёқарашнинг ўзгариши билан боғлиқ жараён.

Таълимни модернизация қилишнинг иккита асосий йўналиши бўлиб, булар таълим мазмуни ва таълим иқтисодиётини тубдан янгилашдир. Унинг асосий вазифалари таълим олиш имкониятлари, сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, таълим ўзининг устувор вазифасини бажара олмайди. Таълим мамлакатни ривожлантиришнинг локомотивига, инсон капитали ўсишининг генераторига айланиши учун ҳам модернизация қилиниши зарур.

Ўқув жараёнини бошқаришда кластер ёндашувидан янги самарали ресурс сифатида фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда кластерлар қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- икки ёки ундан ортиқ таълим муассасалари бирлашади;
- улар кластер таркибига кирган барча таълим муассасаларининг тарбиявий ва бошқарув вазифаларини ҳал қилишади;

- улар ушбу масалаларни алоҳида таълим муассасаларидан кўра самарали ечишади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кластер умумий стратегик мақсадни ҳал қилиш учун бир-бирига мувофиқлаштирилган субъектлар мажмуидир. Кластер иштирокчиларининг вазифалари ўқув жараёнининг барча субъектлари манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ва асосий фаолиятга мувофиқ шакллантирилган. Мақсадларни эса қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: **стратегик, тактик, амалий.**

Стратегик мақсад деганда, мувофиқ болалар ижодий бирлашмаларининг таълим дастурларини амалга ошириш орқали муваффақиятга қаратилган ўқув жараёнининг янги босқичига босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароит яратишнинг самарали механизми тушунилади.

Тактик мақсад эса:

- таълим муассасаси ўқув муҳитини ташкил этишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиши;
- ўқув жараёнининг турли даражаларини таъминлашга қодир бўлган ўқув муассасаси методологик хизматининг янги таркибини яратиш ва амалга ошириш;
- замонавий педагогика тамойиллари асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг умумий педагогик вазифасини ҳал этишга йўналтирилган юқори синф ўқитувчилар жамоасини ташкил этиш;
- ўқув юртининг моддий-техник базасини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Амалий мақсадлар тактикани белгилайди ва қуйидагиларни таклиф қилади:

- услубий хизмат таркибий қисмларининг фаолиятини тартибга солувчи маҳаллий қонун ҳужжатларини янгилаш;
- болалар таълимининг мазмунини, унинг шакллари ва усулларини дастурий таъминот ҳамда услубий жиҳатдан янгилаш;
- таълим муассасасида амалга ошириладиган бошқарув ва назорат тизимини ривожлантириш;
- ўрта ва юқори мактаб ёшидаги ўқувчиларни жалб этиш учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шаклларини излаш ва жорий этишни амалга ошириш;





- болалар ва уларнинг ота-оналарининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

Хуллас, амалий мақсадлар тўплами тактик вазифаларнинг доираси ва таркиби ҳисобланади. Тактик мақсадлар жами – стратегик мақсадлар мазмунининг тўлдирилиши. Шунинг учун ҳам у мақсадлар иерархиясининг бошида туради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар билан шуғулланган олим Майкл Фуллан таълимда қандай ўзгаришлар ва унинг муваффақиятини ошириш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида фикр билдирар экан, қуйидаги мазмундаги фикрни баён қилади. Агар ўқитувчилар ўзларини фақат ўз синфлари билан таништирсалар ва бошқа ўқитувчилар ва бутун мактабнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар мактаб директорлари ўзларини фақат ўз мактаблари билан таништирсалар ва ўз туманларидаги бошқа директорлар ва мактабларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар мактаб туманлари ўзларини фақат ўз туманлари билан аниқласа ва бошқа туманларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса, кенг миқёсли таълим ислоҳотига эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, агар биз бутун тизимни яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилмасак, кичик миқёсдаги ислоҳотлар узоқ муддатли умумий мақсадга эришиш нуқтаи назаридан ҳаракат қилишлари лозим. Бундай кўринишдаги модел мавжуд бўлиб, у тизимни кластер ёндашуви асосида бошқаришни тақозо қилади. Ушбу моделнинг пировард мақсади субъектларни бутун тизимнинг муваффақиятига жалб қилиш, ўзгариш жараёнларида бевосита иштирок этишни таъминлашдан иборат.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида “минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш** – бутун минтақанинг умумий таълим сифати жараёни ва унинг асосий элементларига, хусусиятларига (субъективлиги, мазмуни, тузилиши, динамикаси, шахс, жамият ва давлат талабларига мувофиқлиги) инсонпарварлик, узлуксизлик, демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимни янгилаш ва ривожлантириш мақсадида комплекс, йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган таъсир.

- улар ушбу масалаларни алоҳида таълим муассасаларидан кўра самарали ечишади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кластер умумий стратегик мақсадни ҳал қилиш учун бир-бирига мувофиқлаштирилган субъектлар мажмуидир. Кластер иштирокчиларининг вазифалари ўқув жараёнининг барча субъектлари манфаатлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ва асосий фаолиятга мувофиқ шакллантирилган. Мақсадларни эса қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: **стратегик, тактик, амалий.**

Стратегик мақсад деганда, мувофиқ болалар ижодий бирлашмаларининг таълим дастурларини амалга ошириш орқали муваффақиятга қаратилган ўқув жараёнининг янги босқичига босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароит яратишнинг самарали механизми тушунилади.

Тактик мақсад эса:

- таълим муассасаси ўқув муҳитини ташкил этишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиши;
- ўқув жараёнининг турли даражаларини таъминлашга қодир бўлган ўқув муассасаси методологик хизматининг янги таркибини яратиш ва амалга ошириш;
- замонавий педагогика тамойиллари асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг умумий педагогик вазифасини ҳал этишга йўналтирилган юқори синф ўқитувчилар жамоасини ташкил этиш;
- ўқув юртининг моддий-техник базасини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Амалий мақсадлар тактикани белгилайди ва қуйидагиларни таклиф қилади:

- услубий хизмат таркибий қисмларининг фаолиятини тартибга солувчи маҳаллий қонун ҳужжатларини янгилаш;
- болалар таълимининг мазмунини, унинг шакллари ва усулларини дастурий таъминот ҳамда услубий жиҳатдан янгилаш;
- таълим муассасасида амалга ошириладиган бошқарув ва назорат тизимини ривожлантириш;
- ўрта ва юқори мактаб ёшидаги ўқувчиларни жалб этиш учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шаклларини излаш ва жорий этишни амалга ошириш;





- болалар ва уларнинг ота-оналарининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

Хуллас, амалий мақсадлар тўплами тактик вазифаларнинг доираси ва таркиби ҳисобланади. Тактик мақсадлар жами – стратегик мақсадлар мазмунининг тўлдирилиши. Шунинг учун ҳам у мақсадлар иерархиясининг бошида туради.

Таълим соҳасидаги ислоҳотлар билан шуғулланган олим Майкл Фуллан таълимда қандай ўзгаришлар ва унинг муваффақиятини ошириш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида фикр билдирар экан, қуйидаги мазмундаги фикрни баён қилади. Агар ўқитувчилар ўзларини фақат ўз синфлари билан таништирсалар ва бошқа ўқитувчилар ва бутун мактабнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар мактаб директорлари ўзларини фақат ўз мактаблари билан таништирсалар ва ўз туманларидаги бошқа директорлар ва мактабларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса; агар мактаб туманлари ўзларини фақат ўз туманлари билан аниқласа ва бошқа туманларнинг муваффақиятларидан мутлақо манфаатдор бўлмаса, кенг миқёсли таълим ислоҳотига эришиб бўлмайди. Бундан ташқари, агар биз бутун тизимни яхшилаш ҳақида қарорлар қабул қилмасак, кичик миқёсдаги ислоҳотлар узоқ муддатли умумий мақсадга эришиш нуқтаи назаридан ҳаракат қилишлари лозим. Бундай кўринишдаги модел мавжуд бўлиб, у тизимни кластер ёндашуви асосида бошқаришни тақозо қилади. Ушбу моделнинг пировард мақсади субъектларни бутун тизимнинг муваффақиятига жалб қилиш, ўзгариш жараёнларида бевосита иштирок этишни таъминлашдан иборат.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида “минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Минтақанинг умумий таълим сифатини бошқариш** – бутун минтақанинг умумий таълим сифати жараёни ва унинг асосий элементларига, хусусиятларига (субъективлиги, мазмуни, тузилиши, динамикаси, шахс, жамият ва давлат талабларига мувофиқлиги) инсонпарварлик, узлуксизлик, демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимни янгилаш ва ривожлантириш мақсадида комплекс, йўналтирилган ва мувофиқлаштирилган таъсир.

Умумий таълим сифатини бошқариш учун сифатга йўналтирилган бошқарув моделини ишлаб чиқиш, сифатни бошқариш учун ўзига хос бошқарув функцияларини амалга ошириш ва умумий таълим жараёнини бошқариш тизимига органик равишда мос келиши керак.

“Модел” – асл тизимнинг баъзи муҳим хусусиятларини акс эттирувчи объектлар ёки белгиларнинг педагогик тизими; бу тажрибанинг бевосита натижаси эмас, ҳодисанинг умумлаштирилган акси, амалий тажрибанинг умумлаштирилган мавҳум натижаси.

Модел ўз мазмуни ва тузилишига эга. Тузилиш моделнинг тартиб ўлчови бўлиб, у элементларнинг маълум бир тартибда жойлашишини ифодалайди.

Бир қатор хорижий мамлакатларда жараёнларни ва тизимларни бошқаришнинг самарали моделларини яратиш тажрибаси кластер тизимининг назарий ва услубий қонунларини ўз ичига олади. Кластерларни ўрганиш XX асрнинг 80-йилларида бошланиб, ижтимоий-иқтисодий шароитлардан қатъи назар, глобал меҳнат бозорида энг рақобатбардош корхоналар гуруҳлари тушунилган.

Минтақавий даражадаги таълим сифатини бошқаришда кластер ёндашувидан фойдаланиш минтақавий тизимлар ва таълим муассасаларининг ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, заҳира кучларидан фойдаланишни оптималлаштириш ҳисобига харажатларни камайтириш имконини беради, илғор тажрибаларни ривожлантиришни кучайтиришга йўналтиради. Кластер алоқалари ва рақобат муҳити инновацион ривожланиш, лойиҳа фаолияти йўналишлари ва суръатларига, шунингдек, кластернинг ички таркибий қисмларини истиқболли ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, кластер ёндашуви минтақавий ривожланиш, инновацион иқтисодиётга айланишнинг кучли воситасидир[107].

Кластерни таълим сифатини бошқаришда мутаносиб ваколатларга эга бўлган таълим муассасалари (таълим тизимлари) тўплами, уларнинг фаолияти ва ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш шароитида рақобатбардош битирувчини

[107] Мануйлова Е.А. Инновационное развитие региона: формирование региональных образовательных кластеров // Инновации. 2007. №7. –С.75-79; Монастырный Е.А. Инновационный кластер // Инновации. 2006. № 7; Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: ИПП ПО РАО, 2007. 144 с.





(мутахассисни) шакллантиришнинг салоҳияти сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълимга кластер ёндашуви А.В.Байгильдеева, Л.В.Воронцова, Д.Ю.Лапыгина, А.В.Тимирясова, Г.Р.Хамидуллина, Р.И.Хикматова, Т.И.Шамова, О.Е.Яворский каби хорижий тадқиқотчиларнинг асарларида ёритилган.

Умумий таълим сифатини минтақавий бошқаришда кластер ёндашувидан фойдаланиш минтақавий тизимлар ва таълим муассасаларининг рақобат муҳитини шакллантиришга, ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш орқали харажатларни камайтириш ва илғор тажрибаларни оммалаштиришга имкон беради.

Таълим сифатини кластер асосида бошқариш назарияси хорижий олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий тизимларда бошқарув назарияси ва амалиёти Р.М.Нижегородцева, С.Д.Резникалар[108]; кластер тизимининг илмий-назарий асослари В.В.Митенев, И.М.Гулыйлар тадқиқотида[109]; хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва глобаллашув шароитида кластерларнинг ривожланиши М.Намазбеков[110]; иқтисодий глобаллашув ва миллий хавфсизлик муаммолари М.В.Николаевнинг тадқиқотларида[111] ўрганилган.

Педагогик таълим кластери унинг субъектларига нисбатан ҳам компетенциявий ёндашувни талаб қилади. Бу борада ҳар бир субъект ўз мавжуд компетенцияларини кластер ёндашувидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқ. Ҳар бир субъектнинг компетентлик даражаси кластернинг муваффақиятли ишлашига, пировардида эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади. Кластер субъектларининг бошқарув органлари таълим сифатини бошқаришда бевосита иштирок этувчи ва ундан манфаатдор бўлиб, кластер доирасида қуйидаги касбий компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади:

[108] Человеческий капитал: теория и практика управления в социально-экономических системах: монография / Под общ. Ред. Р.М.Нижегородцева и С.Д.Резника. –М.; Пенза; 2008. –394 с.

[109] Митенев В.В., Гулый И.М. Теоретико-методологические основы кластерных систем. -URL: http://journal.vscc.ac.ru/php/jou/36/art36_03.php

[110] Намазбеков М. Кластерное развитие в условиях глобализации: опыт зарубежных стран. - URL: http://www.kisi.kz/img/docs/1065.pdf

[111] Николаев М.В. Экономическая глобализация и проблемы национальной безопасности // Проблемы современной экономики. №1(13), 2005. — URL: http://www.m-economy.ru/art.php3?artid=20665

1. **Когнитив йўналишда:**

- бошқарув тизимларини таҳлил қилиш ва моделлаштириш учун дастурий таъминот воситаларига эга бўлиш;
- ахборотни ҳимоя қилиш технологияларига эга бўлиш;
- хорижий давлатлар ва ҳудудий бошқарувнинг ижобий тажрибаларини ўз касбий фаолиятига мослаштириш ва билиш қобилияти;
- асосий қонуниятларни тушуниш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш учун асосий технологияларга эга бўлиш;
- давлат ва маҳаллий органлар хизматлари имижини шакллантириш ва уни тарғиб қилишнинг асосий технологияларига эга бўлиш.

2. **Ахлоқий-меъёрий йўналишда:**

- ҳуқуқий тизимда эркин ҳаракат қили ва қонун меъёрларини тўғри қўллаш қобилияти;
- ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқий техник қоидаларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга хулосалар тайёрлаш қобилияти;
- расмий хатти-ҳаракатлар учун ахлоқий талабларга мувофик расмий фаолият давомида ўзаро ҳамкорлик қилиш қобилияти.

3. **Ахборот-коммуникация йўналишида:**

- ҳужжат айланиш талабларига мувофиқ расмий ҳужжатлар тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, топшириш кўникмаларининг мавжудлиги;
- маълумотлар базасини яратиш, эгалик қилиш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ҳокимият органлари фаолияти масалалари бўйича ахборот-услубий материалларни тайёрлаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш қобилияти;
- шахслар фаолияти масалалари бўйича услубий ва маълумотнома материалларини ишлаб чиқиш қобилияти;
- бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, ахборот эҳтиёжларини аниқлаш, кўплаб манбалардан ахборот олиш, ахборотни тезкор ва тўғри талқин қилиш қобилияти;
- ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатларда низоли вазиятларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш қобилияти;





- давлат органлари фаолиятини режалаштиришда манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш учун ахборот манбаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қобилияти.

4. **Жамоавий фаолият йўналишида:**

- касбий фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаш, бошқарув қарорларини самарали бажариш;
- муаммоларни аниқлаш, мақсадларни белгилаш, муқобил вариантларни баҳолаш ва энг мақбул ечимни танлай олиш қобилияти;
- таваккалчилик ва ноодатий вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти, шунингдек, бошқарув қарорини амалга оширишда тегишли воситалар ва тартибга солиш таъсирларини қўллаш қобилияти;
- ташкилий фаолиятни лойиҳалашда иштирок этиш, вазифаларни самарали бажариш, режалаштирилган натижалар ва сарф қилинган ресурсларнинг нисбатларини баҳолаш қобилияти;
- мавжуд технологиялар ва кадрлар билан ишлаш усулларини қўллаш қобилияти;
- гуруҳ билан бирга ишлаш жараёнида гуруҳ фаолияти динамикаси ва жамоани шакллантириш тамойилларини билиш асосида самарали иштирок этиш қобилияти;
- ташкилий ўзгаришларни амалга оширишда иштирок этишга тайёрлик ва ҳоказо.

Таълимнинг натижаси сифатида кўриб чиқилаётган компетенциялар муайян касбий фаолиятга нисбатан белгиланадиган ва унда сифатли ҳамда самарали фаолият учун зарур бўлган бир-бирига боғлиқ шахсий фазилатларни ифодалайди. Компетент ёндашув доирасида таълимнинг асосий мақсади талабаларга маълум бир касбий соҳада билим, кўникма ва малакалар тўпламини етказиш эмас, балки умумий ривожланиш, дунёқарашни кенгайтириш, амалий тажриба, ўз-ўзини такомиллаштириш ва тарбиялаш қобилияти ҳамдир. Ушбу муаммони ўрганиш компетентлик ёндашувини тўлдирадиган ва ривожлантирадиган педагогик таълим кластерларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Биз кўриб чиқаётган кластер ёндашуви меҳнат соҳаси билан ижтимоий мулоқотни амалга ошириш воситаси сифатида ҳозирги давр муаммоларига жавоб бериш учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, таълим-тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсади таълим субъектларининг ягона мақсадга эришиш, муайян даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган шахсни таркиб топтиришга қаратилгандир.

## 2.3. Кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этиш асослари

Ҳозирги кунда таълим тизимида давлат ва жамият талаблари ҳамда тақдим этилаётган таълим хизматлари ўртасида номувофиқлик, таълим субъектларини модернизация қилиш учун инвестицияларнинг етишмаслиги, меҳнат ва таълим бозорларидаги қарама-қаршиликлар билан боғлиқ қатор камчиликлар борки, бу таълим, фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш пайти келганлигини кўрсатади.

Таълим кластерларини яратишда қуйидаги тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқ:

- таълим салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ҳудудлаштириш тамойили;
- тегишли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарувчи-лик ролига асосланувчи етакчилик тамойили;
- иштирокчиларни бир-бирлари билан бирлаштирувчи умумий манфаатга асосланувчи ўзаро боғлиқлик тамойили;
- кластернинг турли жиҳатлари билан боғлиқ ваколатлар бериш ва жавобгарликни тақсимлашга асосланувчи ихтисослаштириш тамойили;
- мақсад ва вазифаларни аниқ қўйишга асосланувчи фокуслаштириш тамойили.

Кластерни яратиш билан боғлиқ тамойиллардан келиб чиққан ҳолда унинг самарадорлигини ошириш борасида яна қуйидаги жиҳатларга амал қилиш лозим:

- ҳар бир иштирокчининг ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлигини шакллантириш;





- кучли алоқани ва доимий равишда манбалар ва маълумотлар алмашинувини таъминлаш учун узоқ муддатли ҳамкорликни кўзлаш;
- белгиланган йўналишлар бўйича узлуксиз ривожланишни таъминлаш мақсадида динамикани мониторинг қилиш;
- кластернинг интеграцион табиати, яъни барча иштирокчилар манфаатларига мувофиқ келадиган бир нечта йўналишлар бўйича комплекс равишда ишлаш.

Кластерни яратиш ва ундан келиб чиқадиган йўналишлар шуни англатадики, педагогик таълим инновацион кластерида ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос жиҳатларини илмий нуқтаи назардан асослаш уни тўғри йўлга қўйишнинг, айни пайтда, тадқиқ этишнинг энг муҳим нуқталаридан бири ҳисобланади. Педагогик таълим инновацион кластерининг самарали фаолияти ҳудудий таълим тизими ходимлари, таълим муассасалари раҳбарларининг мақсадни тўғри англашлари ва ўзи мансуб субъектнинг ривожланиш тамойилларини кластерлаштириш жараёни билан боғлашларига боғлиқ, албатта. Аммо бу жараёнда ўқитувчиларнинг ижодкорлиги, инноваторлиги ва креативлиги энг муҳим ҳисобланади.

Ўқитувчи таълимнинг асосий фигураси бўлиб, ўзининг фаоллиги, ўзига хослиги, ностандарт ва танқидий фикрлаши билан ажралиб туриши, шунингдек, ўз фаолиятига таълим технология-ларини татбиқ қилиш орқали педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши лозим. Юқори сифатли касбий малакага эга бўлиш учун ўқитувчидан касбий аҳамиятга эга шахсий сифатлар, асосий педагогик қобилият, ўз-ўзини доимий такомил-лаштириш, педагогик ижодкорлик ва новаторлик каби жиҳатлар талаб қилинади. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳал қилина-диган профессионал топшириқларнинг бажарилишида педагогнинг тайёргарлик даражаси асосий омил бўлиб хизмат қилади. Педагогларнинг касбий маҳорати ҳақида гап кетганда, унинг педагогик фаолиятга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш керак. Касбий маҳорат ўқитувчининг фаолиятидаги асосий жиҳатлар билан боғлиқ билим ва кўникмаларга боғлиқ, шунингдек, уни касбий-педагогик фаолият самарадорлигининг муҳим шарти сифатида ҳам қабул қилиш керак. Ўз навбатида, ўқитувчининг профессионаллиги нафақат турли хил

Шундай қилиб, таълим-тарбияни ташкил қилиш ва бошқаришга доир республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсади таълим субъектларининг ягона мақсадга эришиш, муайян даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган ҳар томонлама ривожланган шахсни таркиб топтиришга қаратилгандир.

## 2.3. Кластер воситасида таълим муассасалари ҳамкорлигини ташкил этиш асослари

Ҳозирги кунда таълим тизимида давлат ва жамият талаблари ҳамда тақдим этилаётган таълим хизматлари ўртасида номувофиқлик, таълим субъектларини модернизация қилиш учун инвестицияларнинг етишмаслиги, меҳнат ва таълим бозорларидаги қарама-қаршиликлар билан боғлиқ қатор камчиликлар борки, бу таълим, фан ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш пайти келганлигини кўрсатади.

Таълим кластерларини яратишда қуйидаги тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқ:

- таълим салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ҳудудлаштириш тамойили;

- тегишли даражадаги давлат ҳокимияти органларининг бошқарувчи-лик ролига асосланувчи етакчилик тамойили;

- иштирокчиларни бир-бирлари билан бирлаштирувчи умумий манфаатга асосланувчи ўзаро боғлиқлик тамойили;

-кластернинг турли жиҳатлари билан боғлиқ ваколатлар бериш ва жавобгарликни тақсимлашга асосланувчи ихтисослаш-тириш тамойили;

-мақсад ва вазифаларни аниқ қўйишга асосланувчи фокуслаштириш тамойили.

Кластерни яратиш билан боғлиқ тамойиллардан келиб чиққан ҳолда унинг самарадорлигини ошириш борасида яна қуйидаги жиҳатларга амал қилиш лозим:

-ҳар бир иштирокчининг ўз фаолияти натижалари учун жавобгарлигини шакллантириш;

билимларни, кўникмаларни ўзлаштиришларига боғлиқ, балки у муҳим шахсий фазилатларни, шунингдек, тажрибани ҳам ўз ичига олиши керак. Ўқитувчининг касбий стандартига мувофиқ, у фаолиятни амалга ошириш учун касбга оид зарур бўлган шахсий фазилатлар ва касбий маҳоратга эга бўлиши керак.

Замонавий ўқитувчининг профессионаллигини шакллантиришда олий таълимдаги тайёргарлик ишлари муҳим рол ўйнайди. Ушбу тайёргарлик ишлари самарали бўлиши ва таълим меҳнат бозори талабларига мос бўлиши учун олий таълим муассасалари ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилган бўлиши зарур. Назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик принципи доирасида бу ҳамкорлик муайян даражада амалга оширилмоқда. Аммо, шу билан биргаликда, бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Олий таълим муассасалари ва мактабларнинг ўртасидаги ҳамкорлик муаммоси, биринчи навбатда, ўз олдига мақсадни қўйишдан бошланади. Бу борада олий таълим муассасаларининг мақсади иқтидорли абитуриентларни қабул қилишдан иборат бўлса, мактабларнинг мақсади битирувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичини оширишдан иборат. Мактаб ўқувчиларининг шахсий ва касбий ўзини ўзи белгилашлари ҳар доим ўқувчиларнинг ўзлари ва уларнинг ота-оналарининг муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу эса мактаб таълимида анчайин кескин даражада намоён бўлаётган олий таълим ва мактаб ўқув дастурлари ўртасидаги интеграциянинг ожизлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган мотивациясининг қуйи даражада эканлигида кўзга ташланади. Учинчи муаммо шундан иборатки, мактабдан ташқари таълим жараёнини илмий йўналтиришга эҳтиёжнинг сезилмайди. Тўртинчи қарама-қаршилик, педагогик олий таълим муассасаларининг битирувчиларининг кўпчилиги шу соҳада фаолият олиб боришни хоҳламайди.

Ҳозирги вақтда олий таълим ва мактаб ўртасидаги муносабатларни ўзида акс эттирувчи бир нечта моделлар мавжуд: ихтисослаштирилган мактабларни (синфларни) ташкил қилиш, юқори синф ўқувчиларини олий таълимга тайёрлаш ва хоказо. Бироқ бу каби моделларнинг камчилиги уларнинг бир ёқлама иш





олиб боришларида бўлиб, унга кўра, мактаблар буюртмачи, олий таълим эса ижрочи сифатида ишлайди.

Умуман, ҳамкорлик (ўзаро муносабат)нинг асоси қўйилган вазифани барча иштирокчиларнинг биргаликда ҳал қилишлари, бу борада уларнинг мавқеидаги тенглик, шунингдек, барча субъектлар саъй-ҳаракатларининг бошқа субъектларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан уйғун келишидир.

Ҳозирги вақтда интеграцияга асосланган касбий ривожлантирувчи таълим концепцияси жуда долзарб бўлиб турибди. Педагогика олий ўқув юртлари талабалари педагогика ва психология бўйича замонавий билимларга эга бўлишлари, замонавий мактаб, болалар боғчалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан яқиндан танишишлари, айни пайтда, раҳбар ва тадқиқотчи бўлишлари талаб қилинади. Бошқача айтганда, талаба ўқув жараёнида ўрганилган билим ва кўникмаларни мактабларнинг ўлчови билан бажаришлари керак бўлади. Бундан ташқари, бўлажак ўқитувчи ўқиш даврида нафақат ўз касби билан боғлиқ бажариладиган амалий функцияларни, балки ижтимоий ва амалий тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Бу кейинчалик унга таълим муассасасининг амалиёти ва корпоратив муҳитга муваффақиятли қўшилишига ва ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш мослашувини осонлик билан ўтказишига ёрдам беради.

Ўқитувчиларни тайёрлашдаги асосий ғоя педагогик таълимни амалиёт билан уйғунлаштириш ғояси бўлиши керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, олий педагогик таълим ва мактаб амалиётининг интеграцияси талабанинг касбий ва педагогик фаолиятга тайёрлигини ривожлантиришга қаратилган назария ва амалиётни уйғунлаштириш жараёни сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Таълим анчайин мураккаб тизим бўлиб, у бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб қисмлардан иборат. Ҳар қандай тизим фақат қарама-қарши алоқадорлик бўлгандагина самарали ишлайди. Шунинг учун ҳам олий таълим ва мактаб ўзаро ҳамкорликнинг оқилона шаклларини излаб топиш ва уларни ривожлантиришни ўрганишлари, тадқиқ қилишлари зарур. Бундай ҳамкорликни амалга ошириш учун ўқув жараёнини ташкил қилишнинг кластер моделидан фойдаланиш тавсия этилади.

билимларни, кўникмаларни ўзлаштиришларига боғлиқ, балки у муҳим шахсий фазилатларни, шунингдек, тажрибани ҳам ўз ичига олиши керак. Ўқитувчининг касбий стандартига мувофиқ, у фаолиятни амалга ошириш учун касбга оид зарур бўлган шахсий фазилатлар ва касбий маҳоратга эга бўлиши керак.

Замонавий ўқитувчининг профессионаллигини шакллантиришда олий таълимдаги тайёргарлик ишлари муҳим рол ўйнайди. Ушбу тайёргарлик ишлари самарали бўлиши ва таълим меҳнат бозори талабларига мос бўлиши учун олий таълим муассасалари ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилган бўлиши зарур. Назария ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлик принципи доирасида бу ҳамкорлик муайян даражада амалга оширилмоқда. Аммо, шу билан биргаликда, бу борада ҳали қилиниши зарур бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Олий таълим муассасалари ва мактабларнинг ўртасидаги ҳамкорлик муаммоси, биринчи навбатда, ўз олдига мақсадни қўйишдан бошланади. Бу борада олий таълим муассасаларининг мақсади иқтидорли абитуриентларни қабул қилишдан иборат бўлса, мактабларнинг мақсади битирувчиларнинг олий таълимга кириш кўрсаткичини оширишдан иборат. Мактаб ўқувчиларининг шахсий ва касбий ўзини ўзи белгилашлари ҳар доим ўқувчиларнинг ўзлари ва уларнинг ота-оналарининг муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу эса мактаб таълимида анчайин кескин даражада намоён бўлаётган олий таълим ва мактаб ўқув дастурлари ўртасидаги интеграциянинг ожизлиги билан изоҳланади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг ўқишга бўлган мотивациясининг қуйи даражада эканлигида кўзга ташланади. Учинчи муаммо шундан иборатки, мактабдан ташқари таълим жараёнини илмий йўналтиришга эҳтиёжнинг сезилмайди. Тўртинчи қарама-қаршилик, педагогик олий таълим муассасаларининг битирувчиларининг кўпчилиги шу соҳада фаолият олиб боришни хоҳламайди.

Ҳозирги вақтда олий таълим ва мактаб ўртасидаги муносабатларни ўзида акс эттирувчи бир нечта моделлар мавжуд: ихтисослаштирилган мактабларни (синфларни) ташкил қилиш, юқори синф ўқувчиларини олий таълимга тайёрлаш ва ҳоказо. Бироқ бу каби моделларнинг камчилиги уларнинг бир ёқлама иш





олиб боришларида бўлиб, унга кўра, мактаблар буюртмачи, олий таълим эса ижрочи сифатида ишлайди.

Умуман, ҳамкорлик (ўзаро муносабат)нинг асоси қўйилган вазифани барча иштирокчиларнинг биргаликда ҳал қилишлари, бу борада уларнинг мавқеидаги тенглик, шунингдек, барча субъектлар саъй-ҳаракатларининг бошқа субъектларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан уйғун келишидир.

Ҳозирги вақтда интеграцияга асосланган касбий ривожлантирувчи таълим концепцияси жуда долзарб бўлиб турибди. Педагогика олий ўқув юртлари талабалари педагогика ва психология бўйича замонавий билимларга эга бўлишлари, замонавий мактаб, болалар боғчалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан яқиндан танишишлари, айни пайтда, раҳбар ва тадқиқотчи бўлишлари талаб қилинади. Бошқача айтганда, талаба ўқув жараёнида ўрганилган билим ва кўникмаларни мактабларнинг ўлчови билан бажаришлари керак бўлади. Бундан ташқари, бўлажак ўқитувчи ўқиш даврида нафақат ўз касби билан боғлиқ бажариладиган амалий функцияларни, балки ижтимоий ва амалий тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Бу кейинчалик унга таълим муассасасининг амалиёти ва корпоратив муҳитга муваффақиятли қўшилишига ва ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш мослашувини осонлик билан ўтказишига ёрдам беради.

Ўқитувчиларни тайёрлашдаги асосий ғоя педагогик таълимни амалиёт билан уйғунлаштириш ғояси бўлиши керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, олий педагогик таълим ва мактаб амалиётининг интеграцияси талабанинг касбий ва педагогик фаолиятга тайёрлигини ривожлантиришга қаратилган назария ва амалиётни уйғунлаштириш жараёни сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Таълим анчайин мураккаб тизим бўлиб, у бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган кўплаб қисмлардан иборат. Ҳар қандай тизим фақат қарама-қарши алоқадорлик бўлгандагина самарали ишлайди. Шунинг учун ҳам олий таълим ва мактаб ўзаро ҳамкорликнинг оқилона шаклларини излаб топиш ва уларни ривожлантиришни ўрганишлари, тадқиқ қилишлари зарур. Бундай ҳамкорликни амалга ошириш учун ўқув жараёнини ташкил қилишнинг кластер моделидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўрганилаётган муаммо бўйича хорижий тажрибаларни мунтазам равишда ўрганиш шуни кўрсатадики, кластер ёндашувига асосланган таълим Европада 1990 йилларда М.Портер томонидан ишлаб чиқилган кластерлар назарияси ва кластерларнинг ривожланиши натижасида бошланган (The Competitive Advantage of Nations, 1990; On Competition, 1998). У Массачусетс штатининг таълим кластерини таҳлил қилиб, бошқа штатлар ва давлатлар билан таққослаган ҳолда кластернинг роли ва аҳамиятини кўрсатиб берди. Педагогик таълимдаги кластерлар битимлар асосида ўзаро ҳамкорлик қиладиган ва таълим соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг илмий, ўқув ва инновацион мақсадларни амалга оширишда қатнашадиган жуғрофий жиҳатдан маҳаллийлаштирилган ташкилотлар йиғиндисидир.

Таълимни ривожлантиришга қаратилган кластер ёндашувлар кластер субъектларининг ижтимоий шериклик принципи асосида ўзаро ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Бу эса кластернинг афзаллиги сифатида қаралади. Кластерга шу пайтгача берилган таърифлардан қуйидаги икки хусусиятни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, кластерда корхоналар қандайдир тарзда уланиши, боғланиши, бу боғланиш вертикал ва горизонтал шаклларда бўлиб, кластерга тортилган корхоналар учун фойда келтирадиган ижтимоий муносабатларни ўз ичига олиши лозим. Иккинчидан, кластерлар жуғрофий жиҳатдан ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг гуруҳлари бўлиб, бу ҳамкорлик имтиёзларнинг шаклланиши ва ошишига ёрдам беради.

·Кластерда олий таълимнинг ролини эътиборга олсак, бунда бир-бири билан узвий боғланган таълим муассасаларининг тармоқлар ва шериклик асосида бирлаштирилган таълим кластери турини ажратиш мумкин бўлади.

Таълим кластерининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: соҳага бўлган талабларни ўз вақтида қондирадиган хизматлар бозорини яратиш; олий ўқув юртлари битирувчилари учун кафолатлар яратиш; замонавий таълим технологияларини такомиллаштириш, касбга йўналтириш ишларини ташкил қилиш; ҳамкорлик муносабатлари учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш; бакалавр ва магистрлар тайёрлаш соҳасида ўқув фаолиятини биргаликда лойиҳалаштириш.





Таълим кластерининг алоҳида соҳаларидан бири педагогик таълим кластери бўлиб, алоҳида ажралиб турувчи белгилари қуйидагилардан иборат: педагогик кадрларни шакллантириш учун шароитлар яратиш; таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш; ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш.

Педагогик таълим кластери модели олий педагогик таълим битирувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида ҳамкорликни ривожлантиришнинг мақсадли жараёнини аниқ намойиш этиш имконини берадиган ташкилий, бошқарув, технологик ва мазмун даражаларини ўз ичига олган яхлит таълимдир.

Рус олимлари О.Г.Мосунова таълим кластери доирасида субъектларнинг ҳамкорлигини қуйидагича тасниф қилади:

1. **Иқтисодий фаолият доирасидаги муносабатларнинг табиатига кўра:**

- вертикал йўналтирилувчи;
- горизонтал йўналтирилувчи;
- аралаш.

2. **Субъектларнинг концентрациялашув даражасига кўра:**

- тармоқ ичида;
- тармоқлараро каби турларга бўлади.

Таълим кластеридаги **вертикал йўналтирилган** алоқалар иқтисодий фаолият йўналиши билан белгиланади. Бундай кластерлар кўп тармоқли тузилмалар бўлиб, ўзида бирлашманинг асоси бўлган ўқув муассасалари (ОТМ), ташкилотлар, фундаментал фан ва бизнесни ўзида намоён қилувчи ўзаро шерик корхоналарни бирлаштиради.

**Горизонтал йўналтирилган** алоқаларга асосланган кластерлар бир хил таълим йўналиши бўйича бир хил даражадаги тузилмани англатади ва ўхшаш касбий йўналишга эга бўлган турли ўқув муассасаларини ўз ичига олади.

**Аралаш** алоқаларга асосланган таълим кластери касбий йўналишнинг икки ўлчамли ва кўп босқичли тузилмаси бўлиб, унинг таркибига турли ўқув муассасалари ҳамда кластерни молиялаштириш ва уни фундаментал тараққий эттиришга кўмаклашувчи ҳамкор корхоналар ҳам киради.

Ўрганилаётган муаммо бўйича хорижий тажрибаларни мунтазам равишда ўрганиш шуни кўрсатадики, кластер ёндашувига асосланган таълим Европада 1990 йилларда М.Портер томонидан ишлаб чиқилган кластерлар назарияси ва кластерларнинг ривожланиши натижасида бошланган (The Competitive Advantage of Nations, 1990; On Competition, 1998). У Массачусетс штатининг таълим кластерини таҳлил қилиб, бошқа штатлар ва давлатлар билан таққослаган ҳолда кластернинг роли ва аҳамиятини кўрсатиб берди. Педагогик таълимдаги кластерлар битимлар асосида ўзаро ҳамкорлик қиладиган ва таълим соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг илмий, ўқув ва инновацион мақсадларни амалга оширишда қатнашадиган жуғрофий жиҳатдан маҳаллийлаштирилган ташкилотлар йиғиндисидир.

Таълимни ривожлантиришга қаратилган кластер ёндашувлар кластер субъектларининг ижтимоий шериклик принципи асосида ўзаро ва ўз-ўзини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Бу эса кластернинг афзаллиги сифатида қаралади. Кластерга шу пайтгача берилган таърифлардан қуйидаги икки хусусиятни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, кластерда корхоналар қандайдир тарзда уланиши, боғланиши, бу боғланиш вертикал ва горизонтал шаклларда бўлиб, кластерга тортилган корхоналар учун фойда келтирадиган ижтимоий муносабатларни ўз ичига олиши лозим. Иккинчидан, кластерлар жуғрофий жиҳатдан ўзаро боғлиқ корхона ва ташкилотларнинг гуруҳлари бўлиб, бу ҳамкорлик имтиёзларнинг шаклланиши ва ошишига ёрдам беради.

Кластерда олий таълимнинг ролини эътиборга олсак, бунда бир-бири билан узвий боғланган таълим муассасаларининг тармоқлар ва шериклик асосида бирлаштирилган таълим кластери турини ажратиш мумкин бўлади.

Таълим кластерининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: соҳага бўлган талабларни ўз вақтида қондирадиган хизматлар бозорини яратиш; олий ўқув юртлари битирувчилари учун кафолатлар яратиш; замонавий таълим технологияларини такомиллаштириш, касбга йўналтириш ишларини ташкил қилиш; ҳамкорлик муносабатлари учун зарур бўлган меъёрий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш; бакалавр ва магистрлар тайёрлаш соҳасида ўқув фаолиятини биргаликда лойиҳалаштириш.





Таълим кластерининг алоҳида соҳаларидан бири педагогик таълим кластери бўлиб, алоҳида ажралиб турувчи белгилари қуйидагилардан иборат: педагогик кадрларни шакллантириш учун шароитлар яратиш; таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш; ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш.

Педагогик таълим кластери модели олий педагогик таълим битирувчиларини тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида ҳамкорликни ривожлантиришнинг мақсадли жараёнини аниқ намойиш этиш имконини берадиган ташкилий, бошқарув, технологик ва мазмун даражаларини ўз ичига олган яхлит таълимдир.

Рус олимлари О.Г.Мосунова таълим кластери доирасида субъектларнинг ҳамкорлигини қуйидагича тасниф қилади:

1. **Иқтисодий фаолият доирасидаги муносабатларнинг табиатига кўра:**
- вертикал йўналтирилувчи;
- горизонтал йўналтирилувчи;
- аралаш.

2. **Субъектларнинг концентрациялашув даражасига кўра:**
- тармоқ ичида;
- тармоқлараро каби турларга бўлади.

Таълим кластеридаги **вертикал йўналтирилган** алоқалар иқтисодий фаолият йўналиши билан белгиланади. Бундай кластерлар кўп тармоқли тузилмалар бўлиб, ўзида бирлашманинг асоси бўлган ўқув муассасалари (ОТМ), ташкилотлар, фундаментал фан ва бизнесни ўзида намоён қилувчи ўзаро шерик корхоналарни бирлаштиради.

**Горизонтал йўналтирилган** алоқаларга асосланган кластерлар бир хил таълим йўналиши бўйича бир хил даражадаги тузилмани англатади ва ўхшаш касбий йўналишга эга бўлган турли ўқув муассасаларини ўз ичига олади.

**Аралаш** алоқаларга асосланган таълим кластери касбий йўналишнинг икки ўлчамли ва кўп босқичли тузилмаси бўлиб, унинг таркибига турли ўқув муассасалари ҳамда кластерни молиялаштириш ва уни фундаментал тараққий эттиришга кўмаклашувчи ҳамкор корхоналар ҳам киради.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида янги педагогик таълим маконини – ўзаро ҳамкорликнинг тармоқ принципига асосланган педагогик таълим кластерини яратиш ўзининг объектив сабабларига эга. Чирчиқ давлат педагогика институтининг ўқув комплексини вилоятдаги мактабларда мавжуд муаммоларнинг илмий ва амалий ечимига қаратилган "Мактаб-лаборатория"лар миллий педагогикамизда педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга жорий этиш шакли сифатида майдонга келди. Институтда кадрлар тайёрлаш тизими ва механизмлари кластер ёндашувига йўналтирилган.

Аслида педагогик таълим кластернинг табиати педагогик олий таълим муассасасининг мавжудлиги билан белгиланади. Унинг атрофида илмий, услубий, ўқув ва ахборот-таҳлилий йўналишларда ҳамкор субъектлар бирлашади. Чирчиқ давлат педагогика институтида ҳам касбий педагогик таълим муассасаларининг тармоқ бирлашмаси сифатида минтақавий педагогик таълим инновацион кластери маркази ташкил этилди. Ушбу марказнинг фаолияти ўқитувчиларни минтақавий тайёрлаш тизимини белгилайди ва Тошкент вилоятидаги меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим мутахассисларини тайёрлашнинг кластерлаштирилган тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Бугунги кунда Тошкент вилояти педагогик таълим инновацион кластери ўзида қуйидаги субъектларни бирлаштиради:

- Чирчиқ давлат педагогика институти;
- Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси;
- Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлими;
- 21 та умумий ўрта таълим мактаби;
- 5 та мактабгача таълим муассасаси;
- 1 та академик лицей.

Ҳудудий педагогик таълим кластерининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- ўқитувчилар тайёрлаш сифатини ошириш;
- минтақадаги олий ўқув юрти ва мактаблар фаолиятининг ҳар хил турдаги ривожланишининг инновацион хусусиятларини аниқлаш.





Чирчиқ давлат педагогика институти негизида ташкил қилинган педагогик таълим инновацион кластери субъектлар ўртасидаги ҳамкорликнинг қуйидаги моделларини амалга оширади:

1. Ахборот ва когнитив ижтимоий фаолият. Ушбу модел доирасида ташкилий хизматлар ишлаб чиқилади: танловлар, давра суҳбатлари, маърузалар, илмий конференциялар, маслаҳатлар экскурсиялар ва ҳоказо.

2. Маҳорат дарслари, муаммоли семинарлар, давра суҳбатлари, илмий тадқиқот ва лойиҳавий тадбирларни тайёрлаш ҳамда ўтказишни ўз ичига олган муаммоли-таҳлилий ёки мунозарали фаолият.

3. Ижтимоий-ролли модел ўзида ўрта мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятларни (танловлар, конференциялар, лойиҳавий тадбирлар, ёш психологлар мактаби каби) бирлаштиради.

4. Ўйинли фаолият дарсдан ташқари машғулотларнинг турли шаклларини ўтказишга қаратилган.

Кластер доирасида ўзаро ҳамкорлик йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув-методик ҳамкорлик;
- илмий-услубий ҳамкорлик;
- ходимлар ҳамкорлиги. Ўқитувчилар малакасини ошириш курсларини ташкил қилиш орқали кадрларни қайта тайёрлашдан иборат фаолиятни ўз ичига олади;
- касбга йўналтириш бўйича ўзаро ҳамкорлик.

Ташкилотлар ҳамкорлигининг бу тарздаги кластер шакли инновацион маҳсулотни яратишга ва зарур профессионал малакага эга кадрлар тайёрлашга олиб келади.

Педагогик таълим кластери педагогик таълимга бевосита ва билвосита алоқадор субъектларнинг ягона мақсад ва хусусий манфаатдорлик асосида бирлашуви экан, бу жараёнда уларнинг ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масаласи устуворлашади. Ҳамкорлик самарадорлиги хусусий манфаатдорлик асосида бўлиши табиий, аммо кластер доирасидаги ҳамкорликда бунинг ўзи камлик қилади. Бунга умумий мақсаднинг ҳам қўшилиши кластерни тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Кластерни муайян ҳамкорликка асосланган тизим дейиш мумкин, аммо унинг оддий тизимдан фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу махсус, ўзига хос тизим бўлиб, элементларни қўшиш билан унинг иши яхшиланади, аммо олиб ташлаш билан ҳалокатли оқибатлар кузатилмайди. Кластер билан тизимнинг фарқи қуйидагиларда кўринади:

1. Тизим элементларининг ҳар бири алоҳида вазифани бажарса-да, аммо улар муҳимлик даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Кластер таркибидаги элементлар эса тенг ҳуқуқли компонентлардан ташкил топади.

2. Тизим таркибидаги элементлардан бирининг ишламаслиги бутун тизимни нуқсонли ишлашига ёки ишламаслигига сабаб бўлади. Кластер таркибидаги элементлардан бирининг ишламаслиги самарадорликни пасайтириши мумкин, аммо қолган элементларнинг фаолиятини тўхтатиб қўймайди.

3. Тизимни механик алоқадорлик асосида ҳам ташкил қилиш мумкин, аммо кластер таркибидаги элементлар онгли, табиий ва мақсадли алоқадорликка эга бўлиши керак.

4. Тизимни ташкил қилувчи элементларда ҳар доим ҳам хусусий манфаатдорлик талаб қилинмайди, аммо кластерда хусусий манфаатдорликсиз элементлар ишламайди.

5. Тизимда ягона мақсад мавжуд ва ҳар бир элемент ўша мақсадга бўйсундирилган бўлади. Кластерда эса ягона мақсаддан (умумий мақсаддан) ташқари ҳар бир элементнинг хусусий мақсади ҳам бўлади. Хусусий мақсадлар умумий мақсаддан кам аҳамиятга эга эмас.

6. Тизим алоҳида қисмлардан иборат бутунлик, кластер эса алоҳида бутунликлардан иборат бутунликдир.

Кластер тизимлари етарли даражада ишлаб чиқаришга мос бўлиб, таъсирларга чидамли, айни пайтда, турли воситалар ҳисобига уни модернизация қилиш ва кенгайтириш осон кечади. Кластернинг энг муҳим афзалликлари сифатида глобал миқёсда очиқлик, мослашувчанлик ва бошқаришнинг осонлигидир.

Чирчиқ давлат педагогика институти педагогик таълим кластери минтақанинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида ҳамда институтдаги кўп тармоқли таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган. Бундан ташқари, Чирчиқ





давлат педагогика институти уч даражали ўқитувчилар: бакалавр, магистр ва докторантлар тайёрлашга қодир бўлган ҳудуддаги ягона институт ҳисобланади.

Бундан ташқари, умумтаълим давлат стандартларининг ўзгарувчанлиги энди фаолият бошлаган ўқитувчиларнинг касбий мослашувчанлигида қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Кластер таркибида ташкил қилинган "Ёш ўқитувчилар мактаби" ёш ўқитувчиларнинг касбий мослашувига психологик ва педагогик жиҳатдан кўмак беради. Кластер фаолиятининг ушбу йўналиши ёш ўқитувчиларнинг малакасини давлат стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг касбий фаолиятини моделлаштириш имконияти даражасига кўтаришга ёрдам берадиган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу лойиҳа маҳаллий ўқитувчилар таълимини модернизациялашда ўқитувчиларнинг узлуксиз ўқитиш тизимидаги муҳим нуқталардан бири бўлиб, Чирчиқ давлат педагогика институти педагогик таълим кластери учун устувор йўналиш ҳисобланади. "Ёш ўқитувчилар мактаби" педагогик таълим инновацион кластери ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланади.

"Ёш ўқитувчилар мактаби" доирасида анъанавий равишда қуйидаги йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун тадбирлар цикли. Улар учун маҳорат дарслари таклиф этилади, дарс мавзулари ёш ўқитувчилар томонидан энг кўп бериладиган саволларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади. Масалан, "Мактабгача тайёргарлик психологик ва педагогик муаммо сифатида", "Мактабгача таълимнинг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ болалар томонидан таълим соҳаларини ривожлантириш бўйича психологик-педагогик ишларнинг мазмуни", "Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси фаолиятида қўлланиладиган интерфаол ўйинлар" ва бошқалар маҳорат дарслари мавзуси сифатида белгиланади.

2. Ўқитувчилар учун тадбирлар цикли. "Ёш ўқитувчилар мактаби"да ўқитувчилар учун мастер-класслар ташкил қилиниб, уларда қуйидаги мавзуларда машғулотлар олиб борилади: "Қандай қилиб стрессни енгиш мумкин?", "Болалар агрессияси ва аутоагрессияси билан ишлаш", "Ўқитувчи ишидаги зиддиятлар",

“Ўқитувчининг касбий стандартлари талабларидан келиб чиқувчи мактабнинг муаммоли соҳалари” ва ҳоказо.

3. Ҳудуддаги етакчи ўқитувчилар ва Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчилари ҳамда методистларининг очиқ дарслари.

4. Таълимдаги долзарб масалаларни ҳал қилиш. Бу борада мактаб ўқувчилари орасидаги турли хил салбий иллатларнинг олдини олиш ва болалар хавфсизлигини таъминлаш муаммолари долзарб ҳисобланади. Шунинг учун бу йўналишда “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Мактаб муҳитида экстремизм кўринишларининг олдини олиш”, “Вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш”, “Интернетнинг фаол фойдаланувчиси сифатида ўқувчиларнинг кибер хавфсизлиги” каби мавзулардаги тадбирлар самарали ҳисобланади.

Ўқитувчининг касбий шаклланиш даври қанчалик тез ва муваффақиятли бўлса, унинг касбий фаолияти ҳам шунга мос равишда муваффақиятли кечади.

Бизнинг фикримизча, институт ва мактаблар ўртасидаги ҳамкорлик воситаси сифатида педагогик кластерни амалга ошириш учун қуйидагилар муҳимдир:

- “Мактаб – олий таълим – мактаб” модели бўйича ишларни кучайтириш, Тошкент вилоятидаги инновацион таълим муассасалари ҳисобига қатнашувчилар сонини кенгайтириш, кластер доирасида хилма-хил ўзаро алоқа шаклларидан кўпроқ фойдаланиш;
- ёш ўқитувчиларга методик жиҳатдан ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш;
- Чирчиқ давлат педагогика институтида талабаларни касбий фаолиятга муваффақиятли тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- Чирчиқ давлат педагогика институтида талабаларнинг ижодий салоҳиятларини ривожлантириш орқали уларнинг касбий лаёқатларини ошириш;
- профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамкорлик тамойилига асосланувчи муносабатларни ўрнатиш;





- институт миқёсида талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш ишларини ривожлантириш;
- талабаларни муҳим ижтимоий лойиҳаларнинг жорий қилинишига жалб қилиш;
- талабаларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш.

Педагогик таълим инновацион кластери мактаб ва институт ўртасидаги интеграциянинг мазмун-моҳияти ва муҳимлигининг юқори даражада эканлигини кўрсатади. Кластер олий ва ўрта мактабларнинг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ умумий таълим майдонини кенгайтиради, таълим сифатини яхшилайди. Бундан алоқада бўлган барча таълим йўналишлари, ўқув фанлари ютади. Институт мактаб ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси ҳақида аниқ тасаввурга ва бу жараёнда иштирок этиш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, таълимга кластер ёндашувнинг моҳияти ва амалий татбиқ этилиши таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун янги манба ва имкониятларни излаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади. Ўрнатилган ҳамкорлик барча кластер субъектларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ўқув муҳитини яратишга имкон беради; мақбул шароитларда юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди; касбий ўзини ўзи англашнинг индивидуал таълим йўналишларини яратишга имкон беради.

## 2.4. Таълим кластерлари – рақобатбардошликни ошириш омили

Бугунги кунда глобаллашув ва минтақавийлаштириш бутун дунё таълимида кузатилаётган асосий тенденциялар сифатида қаралмоқда. Мазкур икки тенденция бир-бирига қарама-қарши, айни пайтда, бир-бирини тўлдирувчи ҳодисалар. Глобаллашувнинг асосий омилларидан бири таълим соҳасида рақобатбардошликни таъминлаш ҳисобланади. Таълим хизматлари бозорида таълим тизими рақобатбардош бўлиши учун, аввало, у глобаллашуви, истеъмолчилар ва мамлакат иқтисодиёти талабидан келиб чиққан ҳолда барча турдаги таълим хизматларини тақдим эта олиши зарур.

Иккинчи муҳим тенденция таълим тизимини минтақавийлаштиришдан иборат. Шуни таъкидлаш керакки, бу тенденция кейинги пайтларда жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан бирга, глобаллашув тенденциясининг соясида қолиб кетмоқда. Аслида таълимни минтақавийлаштириш тенденцияси глобаллашув жараёнининг таълим тизимидаги инъикоси эканлигини англаш қийин кечмоқда.

Педагогик таълим кластери минтақавий таълим тизими структурасига таъсир этади, унинг таркибидаги бўйсунувидан қатъи назар, барча турдаги таълим муассасаларини ягона мақсад атрофида бирлаштиришни назарда тутади. Бунинг учун минтақада педагогик таълимни ривожлантириш бўйича кўп йиллик меъёрий ҳужжатлар (дастур, йўл харитаси, концепция ва б.) қабул қилиниши лозим. Бу борада Тошкент вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент вилоятида Педагогик таълимни ривожлантириш ҳудудий концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳудудда педагогик таълимга кластер ёндашувини жорий қилиш, "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаларини ташкил қилиш ишлари амалга оширилди. Педагогик таълим инновацион кластерини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгиланди, бу борада қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳудуддаги йигирма иккита мактабда "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари ташкил қилинди. Институт кафедралари ўзининг лойиҳа йўналишлари ва гуруҳларини ташкил этди. Ҳозирги кунда педагогик таълимга инновацион ёндашувчи ўттиздан ортиқ лойиҳалар мазкур тажриба майдончаларида синовдан ўтказилмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитда педагогик таълим тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш имкониятларини белгилайди.

Кластер ёндашуви миллий педагогикамиз салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, рақобатбардош устунликка эга бўлиш имконини беради. Кластер доирасида таълим муассасалари нафақат ички, балки ташқи таълим бозори билан ҳам муносабатга





киришади. Бу жараёнда хорижий педагогик салоҳият ва тажрибанинг миллий педагогикамиз томонга "оқиши" кузатилади. Кластер доирасида бирлашган субъектлар мавжуд муаммо ва камчиликларга қарши биргаликда курашади. Муайян субъектда мавжуд камчиликни бартараф этиш учун нафақат ўзининг, балки бошқа субъектларнинг ҳам куч ва салоҳияти сафарбар қилинади, натижада, муаммонинг бартараф этилиши кафолатланади ва муддати одатдагидан бир неча баробарга қисқаради. Бунинг натижасида кластер ҳудудида педагогик таълим соҳасининг нуқсонсиз ишлаш имконияти пайдо бўлади. Бу, албатта, соҳанинг рақобатбардошлигини оширишга, таълим муассасаларининг фаол интеграциялашувига, инновацияларнинг қисқа муддатларда жорий қилинишига олиб келади. Энг муҳими, тайёрланаётган мутахассисларнинг сифати ошади, тизимда оқилона ворисийликни таъминлаш ва кадрларга бўлган эҳтиёжнинг сифатли қондирилиши таъминланади.

Педагогик таълим кластери ўзаро боғлиқ объектларни (таълим муассасалари, жамоатчилик ва сиёсий ташкилотлар, илмий мактаблар, университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бизнес тузилмалари каби) бирлаштирувчи мослашувчан тармоқ тузилмаси бўлиб, муайян муаммоларни ҳал қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадини кўзлайди. Педагогик таълим кластери ўзининг таркибий элементларига, ўзаро алоқадорлик инфратузилмаси ва йўналишларига эга. Унинг асосий элементи сифатида қўйилган вазифани бажаришда иштирок этувчи ташкилотлар (таълим муассасалари – университетлар, мактаблар, коллеж ва лицейлар, бизнес тузилмалари) ва муайян тузилма ҳамда бўлинмаларнинг қисми бўлиши мумкин. Кластер таркиби шароитга боғлиқ равишда ўзгариши ва тўлдирилиши мумкин. Кластер инфратузилмаси таълим хизматлари ҳажми, таълим ахборотларининг қуввати ва интенсивлиги билан тавсифланувчи таълим шарт-шароитларининг ўлчамлари ва бошқа топологик хусусиятларини белгилайди. Педагогик таълим кластери ичидаги ҳамкорлик муайян лойиҳа доирасида ва маълум вақт оралиғида индивидуал кластер аъзолари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш имконини беради.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида кластер ёндашувига ўтиш масаласи Ғарб мамлакатларидан ўн йилча кейин,

дастлаб Беларусь Республикаси ва Россия Федерациясида кузатилди. Масалан, Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 16 январдаги "Инновацион-саноат кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 27-сонли қарори ҳамда "Россия Федерациясининг 2015 йилгача бўлган даврда фан ва инновацияларни ривожлантириш стратегияси" каби таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлар шулар жумласидан[112].

Кластер ёндашуви, биринчи навбатда, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари учун одатий эканлиги билан характерланади. Муайян ҳудуд ёки соҳани ривожлантириш шакли сифатида кластерга қизиқиш анъанаси аста-секинлик билан ортиб бормоқда.

Умуман, кластерларни яратиш ва бошқариш учун қуйидаги ресурслар
талаб қилинади:

- *кадрлар ва меҳнат ресурслари (таълим муассасаларининг юқори малакали раҳбарлари, малакали техник ходимлар);*
- *ахборот ресурслари (таълим кластери иштирокчиларининг маълумотлар банки, ташқи ахборот манбалари билан фаол ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, умумий ахборот муҳитида таълим кластерига киритилган барча субъект ва ташкилотларнинг ахборот оқимларини жамлаш);*
- *инфратузилма (ташкилий шароит) ҳукумат тузилмалари, ишбилармон доиралар, ташкилот ва ҳоказоларнинг тармоқ тузилмасини яратиш; меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш тадбирларини тартибга солиш ва таълим кластери таркибидаги барча элементларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш; таълим кластерларини ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;*
- *моддий-техник ресурслар (таълим кластери доирасида муайян лойиҳани амалга ошириш учун барча ҳамкорларнинг мавжуд моддий-техник базадан фойдаланиш имконияти)*[113].

[112] Концепция формирования и развития инновационно-промышленных кластеров в Республике Беларусь [Электронный ресурс] // ЭТАЛОН / Национальный центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2014.

[113] Корчагина Е.А. Социальное партнерство как механизм управления образовательным кластером / Е.А. Корчагина // Инновации в образовании. -2007. -№ 6. -С . 43-51.





Таълим кластерларининг тузилиши, одатда, ўзининг табиатидан келиб чиққан ҳолда турли элементлардан ташкил топади. Кластернинг ядроси сифатида асосий бошқарув ресурсини англатувчи ва унинг элементлари ўртасидаги муносабатлар тизимини ўрнатувчи ташкилотни тушуниш мумкин. Кластер элементлари ташкилий-ҳудудий тузилма (кластерли сиқиқлик, ҳудудий яқинлик), ресурсли тузилма (ходимлар, молиявий, моддий, ахборот ва таълим ресурсларининг бирлашуви), функционал тузилма (олдинги тузилмалар кесишувида ҳосил бўлади, қўйилган мақсад ва вазифаларнинг инновацион ечимларини амалга ошиpади)ларнинг бирлашувини ҳосил қилади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг таълимий-илмий-инновацион кластери – олий таълим муассасаларининг бирлиги, илмий тадқиқотлар базаси, доимий педагогик амалиёт ҳамда илмий-методик муассасалараро инновацияларни айирбошлаш, таълим салоҳиятини интеграция қилишга йўл берувчи фаолиятни биргаликда тақсимлаш, янги сифат даражасидаги педагогик кадрлар касбий тайёргарлигининг психологик-педагогик илми ва самарали педагогик амалиётини ташкил этишдан иборат.

Кластерларни ташкил этишнинг асосий мақсади мамлакатимизда педагогик кадрларга бўлган талабни қондиришда таълим ва илмий-методик муассасаларнинг таълимий-илмий-инновацион салоҳиятларини бирлаштириш, шунингдек, соҳанинг рақобатбардошлиги ва инновациялар қабул қилишга тайёрлигини таъминлаш, янги ўқув дастурлари ва технологияларини жорий этишдан иборат.

Минтақавий педагогик таълим кластерини тузишда кластер занжирининг марказида мазкур ҳудуддаги педагогик олий таълим муассасаси туради. Аслида бу субъектлар норасмий тарзда ҳам фаол ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Аммо уларнинг ҳеч бири салоҳиятларидан тўлақонли фойдалана олгани йўқ.

Таълим хизматлари бозорида педагогик таълимнинг улуши салмоқли бўлиб, кейинги вақтларда ҳудудларни юқори малакали педагог кадрлар ва педагогик таълим хизматлари билан таъминлашга нисбатан минтақаларнинг қизиқишини уйғотмоқда. Минтақалаштириш ғояси долзарблиги инсониятнинг ижтимоий-маданий ривожланишидаги глобал тенденцияларнинг миллий ва

дастлаб Беларусь Республикаси ва Россия Федерациясида кузатилди. Масалан, Беларусь Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 16 январдаги "Инновацион-саноат кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 27-сонли қарори ҳамда "Россия Федерациясининг 2015 йилгача бўлган даврда фан ва инновацияларни ривожлантириш стратегияси" каби таълим, фан ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳужжатлар шулар жумласидан[112].

Кластер ёндашуви, биринчи навбатда, саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳалари учун одатий эканлиги билан характерланади. Муайян ҳудуд ёки соҳани ривожлантириш шакли сифатида кластерга қизиқиш анъанаси аста-секинлик билан ортиб бормоқда.

Умуман, кластерларни яратиш ва бошқариш учун қуйидаги ресурслар
талаб қилинади:

- *кадрлар ва меҳнат ресурслари (таълим муассасаларининг юқори малакали раҳбарлари, малакали техник ходимлар);*
- *ахборот ресурслари (таълим кластери иштирокчиларининг маълумотлар банки, ташқи ахборот манбалари билан фаол ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, умумий ахборот муҳитида таълим кластерига киритилган барча субъект ва ташкилотларнинг ахборот оқимларини жамлаш);*
- *инфратузилма (ташкилий шароит) ҳукумат тузилмалари, ишбилармон доиралар, ташкилот ва ҳоказоларнинг тармоқ тузилмасини яратиш; меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш тадбирларини тартибга солиш ва таълим кластери таркибидаги барча элементларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш; таълим кластерларини ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;*
- *моддий-техник ресурслар (таълим кластери доирасида муайян лойиҳани амалга ошириш учун барча ҳамкорларнинг мавжуд моддий-техник базадан фойдаланиш имконияти)*[113].

[112] Концепция формирования и развития инновационно-промышленных кластеров в Республике Беларусь [Электронный ресурс] // ЭТАЛОН / Национальный центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2014.

[113] Корчагина Е.А. Социальное партнерство как механизм управления образовательным кластером / Е.А. Корчагина // Инновации в образовании. -2007. -№ 6. -С . 43-51.





Таълим кластерларининг тузилиши, одатда, ўзининг табиатидан келиб чиққан ҳолда турли элементлардан ташкил топади. Кластернинг ядроси сифатида асосий бошқарув ресурсини англатувчи ва унинг элементлари ўртасидаги муносабатлар тизимини ўрнатувчи ташкилотни тушуниш мумкин. Кластер элементлари ташкилий-ҳудудий тузилма (кластерли сиқиқлик, ҳудудий яқинлик), ресурсли тузилма (ходимлар, молиявий, моддий, ахборот ва таълим ресурсларининг бирлашуви), функционал тузилма (олдинги тузилмалар кесишувида ҳосил бўлади, қўйилган мақсад ва вазифаларнинг инновацион ечимларини амалга оширади)ларнинг бирлашувини ҳосил қилади.

Узлуксиз педагогик таълимнинг таълимий-илмий-инновацион кластери – олий таълим муассасаларининг бирлиги, илмий тадқиқотлар базаси, доимий педагогик амалиёт ҳамда илмий-методик муассасалараро инновацияларни айирбошлаш, таълим салоҳиятини интеграция қилишга йўл берувчи фаолиятни биргаликда тақсимлаш, янги сифат даражасидаги педагогик кадрлар касбий тайёргарлигининг психологик-педагогик илми ва самарали педагогик амалиётини ташкил этишдан иборат.

Кластерларни ташкил этишнинг асосий мақсади мамлакатимизда педагогик кадрларга бўлган талабни қондиришда таълим ва илмий-методик муассасаларнинг таълимий-илмий-инновацион салоҳиятларини бирлаштириш, шунингдек, соҳанинг рақобатбардошлиги ва инновациялар қабул қилишга тайёрлигини таъминлаш, янги ўқув дастурлари ва технологияларини жорий этишдан иборат.

Минтақавий педагогик таълим кластерини тузишда кластер занжирининг марказида мазкур ҳудуддаги педагогик олий таълим муассасаси туради. Аслида бу субъектлар норасмий тарзда ҳам фаол ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Аммо уларнинг ҳеч бири салоҳиятларидан тўлақонли фойдалана олгани йўқ.

Таълим хизматлари бозорида педагогик таълимнинг улуши салмоқли бўлиб, кейинги вақтларда ҳудудларни юқори малакали педагог кадрлар ва педагогик таълим хизматлари билан таъминлашга нисбатан минтақаларнинг қизиқишини уйғотмоқда. Минтақалаштириш ғояси долзарблиги инсониятнинг ижтимоий-маданий ривожланишидаги глобал тенденцияларнинг миллий ва

минтақавий аҳамияти, уларнинг бирлиги, яхлитлигида кўринади. Таҳсил олувчиларнинг ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига мос келадиган ҳудудий педагогик таълим тизимини ривожлантириш педагогик таълим кластерини тақозо этади. Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълимни ривожлантириш уни демократлаштириш ва модернизациялашга қаратилган. Энг истиқболли ва самарали таълим тизими, аввало, муайян ҳудуд аҳолисининг таълим эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлиги билан характерланади. Бу таълим тизимида, хусусан, педагогика соҳасига тегишли минтақавий даражада қатор муаммоларни ўз вақтида ҳал этишни тақозо этади. Бундан ташқари, бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш сифатини ошириш зарурати ўзгарувчан замон ва талабаларга мос ҳолда ҳар доим ҳам муаммо сифатида ўзининг жиддийлигини сақлаб туради. Шунинг учун замонавий педагогика фани бўлажак мутахассисларни тайёрлашга нисбатан доимий равишда янги ёндашувларни талаб қилади.

Педагогик таълим кластери таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун қатор талабларни сифатли қондиришни ўз зиммасига олади. Булар қуйидагилар:

- *малакали ва замон талабларига мос педагог кадрларга бўлган талаблар;*
- *таълим турлари ва муассасалари ўртасидаги ўзаро рақобат, айни пайтда, бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик талаблари;*
- *ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослигидан келиб чиқувчи замонавий педагог таълим тадқиқига қўйиладиган талаблар;*
- *оқилона педагогик ворисийликни таъминлашга қаратилган режали ва мақсадли сиёсат олиб боришга қўйиладиган талаблар;*
- *ҳудуднинг малакали педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондиришга қаратилган талаблар;*
- *замонавий педагогик таълим воситаларига қўйиладиган талаблар;*
- *педагогик таълимни бошқаришга қўйиладиган талаблар.*





Педагогик таълим инновацион кластерида тизимнинг объекти ва субъекти ҳисобланган рақобатбардош ўқитувчи шахсини тарбиялаш асосий мақсад экан, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда ўқитувчининг анъанавий фаолиятини таълим жараёни ва унинг таркибий жиҳатларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш, ижтимоий-маданий муҳитни ривожлантириш, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқарув фаолияти билан боғлансагина кутилган самарани бериши мумкин. Ўқитувчининг гностик функциясини кенгайтириш, ўқитишда тадқиқот фаолиятининг улушини ошириш, иш жараёнида мотивациянинг ролини ошириш таълим тизимининг сифат даражасини янада кўтаради. Бугунги кунда узлуксиз педагогик таълим тизимининг мақсади – педагог шахсини доимий равишда умумий ва касбий ривожлантириш учун самарали шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнининг аниқ ҳудуд ва субъектлари мисолида жамият эҳтиёжларини қондириш. Мутахассисларнинг фикрича, педагог мутахассисларни тайёрлаш тизими ўқув жараёни моделини ишлаб чиқиш, мавзуларни ўзлаштириш учун сарфланадиган вақтни аниқлаш, ўқув жараёнининг интенсивлиги ва назорати асосида ўқитишнинг мақсад ҳамда вазифалари аниқ белгиланса, янада самарали бўлади.

Муайян ҳудуднинг алоҳида ўзида кластерни ривожлантириш бирмунча самарасиз, шунинг учун бугунги таълим сиёсатида бошқарув жараёнлари фаолиятини доимий равишда ривожлантиришнинг воситаси сифатида бенчмаркингдан фойдаланилмоқда. Таълим сиёсатида бенчмаркингни қўллаш рақобат муҳитида самарадорликка эришиш ва бошқа ҳудудлар амалиётида яхши натижалар кўрсатаётган субъектлар билан доимий солиштириш имкониятини беради.

Таълим сиёсатида бенчмаркинг қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳал қилиниши талаб қилинаётган асосий муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли соҳалар учун бир ёки бир неча бенчмаркинг ишланмалардан фойдаланиш;
- ўз фаолиятини дунё амалиётидаги энг яхши намуналар билан таққослаш ва таҳлил қилиш;
- фаолиятни яхшилаш учун аниқ ҳаракатларни қўллаш;

минтақавий аҳамияти, уларнинг бирлиги, яхлитлигида кўринади. Таҳсил олувчиларнинг ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақанинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига мос келадиган ҳудудий педагогик таълим тизимини ривожлантириш педагогик таълим кластерини тақозо этади. Бугунги кунда мамлакатимизда педагогик таълимни ривожлантириш уни демократлаштириш ва модернизациялашга қаратилган. Энг истиқболли ва самарали таълим тизими, аввало, муайян ҳудуд аҳолисининг таълим эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлиги билан характерланади. Бу таълим тизимида, хусусан, педагогика соҳасига тегишли минтақавий даражада қатор муаммоларни ўз вақтида ҳал этишни тақозо этади. Бундан ташқари, бўлажак ўқитувчиларни ўқитиш сифатини ошириш зарурати ўзгарувчан замон ва талабларга мос ҳолда ҳар доим ҳам муаммо сифатида ўзининг жиддийлигини сақлаб туради. Шунинг учун замонавий педагогика фани бўлажак мутахассисларни тайёрлашга нисбатан доимий равишда янги ёндашувларни талаб қилади.

Педагогик таълим кластери таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш учун қатор талабларни сифатли қондиришни ўз зиммасига олади. Булар қуйидагилар:

- *малакали ва замон талабларига мос педагог кадрларга бўлган талаблар;*
- *таълим турлари ва муассасалари ўртасидаги ўзаро рақобат, айни пайтда, бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик талаблари;*
- *ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослигидан келиб чиқувчи замонавий педагог таълим тадқиқига қўйиладиган талаблар;*
- *оқилона педагогик ворисийликни таъминлашга қаратилган режали ва мақсадли сиёсат олиб боришга қўйиладиган талаблар;*
- *ҳудуднинг малакали педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондиришга қаратилган талаблар;*
- *замонавий педагогик таълим воситаларига қўйиладиган талаблар;*
- *педагогик таълимни бошқаришга қўйиладиган талаблар.*





Педагогик таълим инновацион кластерида тизимнинг объекти ва субъекти ҳисобланган рақобатбардош ўқитувчи шахсини тарбиялаш асосий мақсад экан, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда ўқитувчининг анъанавий фаолиятини таълим жараёни ва унинг таркибий жиҳатларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш, ижтимоий-маданий муҳитни ривожлантириш, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, маърифий ва бошқарув фаолияти билан боғлансагина кутилган самарани бериши мумкин. Ўқитувчининг гностик функциясини кенгайтириш, ўқитишда тадқиқот фаолиятининг улушини ошириш, иш жараёнида мотивациянинг ролини ошириш таълим тизимининг сифат даражасини янада кўтаради. Бугунги кунда узлуксиз педагогик таълим тизимининг мақсади – педагог шахсини доимий равишда умумий ва касбий ривожлантириш учун самарали шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнининг аниқ ҳудуд ва субъектлари мисолида жамият эҳтиёжларини қондириш. Мутахассисларнинг фикрича, педагог мутахассисларни тайёрлаш тизими ўқув жараёни моделини ишлаб чиқиш, ўқув мавзуларни ўзлаштириш учун сарфланадиган вақтни аниқлаш, ўқув жараёнининг интенсивлиги ва назорати асосида ўқитишнинг мақсад ҳамда вазифалари аниқ белгиланса, янада самарали бўлади.

Муайян ҳудуднинг алоҳида ўзида кластерни ривожлантириш бирмунча самарасиз, шунинг учун бугунги таълим сиёсатида бошқарув жараёнлари фаолиятини доимий равишда ривожлантиришнинг воситаси сифатида бенчмаркингдан фойдаланилмоқда. Таълим сиёсатида бенчмаркингни қўллаш рақобат муҳитида самарадорликка эришиш ва бошқа ҳудудлар амалиётида яхши натижалар кўрсатаётган субъектлар билан доимий солиштириш имкониятини беради.

Таълим сиёсатида бенчмаркинг қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳал қилиниши талаб қилинаётган асосий муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли соҳалар учун бир ёки бир неча бенчмаркинг ишланмалардан фойдаланиш;
- ўз фаолиятини дунё амалиётидаги энг яхши намуналар билан таққослаш ва таҳлил қилиш;
- фаолиятни яхшилаш учун аниқ ҳаракатларни қўллаш;

• доимий мониторинг[114].

Бугунги кунда бенчмаркинг бошқарувнинг кўпчилик томонидан тан олинган ва кенг тарқалган тури сифатида қаралади. Муҳим илмий-педагогик йўналиш ҳисобланган таълим кластери ўзида қуйидагиларни акс эттиради:

- таълим сифатини бошқариш;

- шахс ва жамиятнинг муваффақиятини таъминлаш бўйича мақсадли йўналтирилган бошқарилувчи ва бошқарувчи қуйи тизимларнинг ресурслар билан таъминлаш жараёни;

- педагогик таълим ва ўқитувчиларни профессионал тайёрлаш изчиллигининг мазмуни;

- педагогик фаолият субъектининг ривожланиши "Педагогика коллежи – педагогика университети" тизимида педагогик таълим таркибининг узлуксизлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида;

- босқичли педагогик таълимнинг тизимлаштирилган ташкилоти[115].

Педагогик таълим кластери ҳудуднинг педагогик таълим соҳасидаги рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- *педагогик кадрлар тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали эҳтиёжни тўла қоплаш;*

- *ваколатларни тақсимлаш;*

- *таълим хизматлари бозорида тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиш;*

- *маҳаллий бюджет даромадларини ошириш;*

- *ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва инновацияларни тарғиб қилиш;*

- *таълимга инновацияларни жалб қилиш орқали ҳудуднинг инновацион жозибадорлигини ошириш;*

- *таълим субъектлари ва инвесторлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;*

- *инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш;*

[114] Давыдова Н.Н., Игошев Б.М., Семонова А.А., Фоменко С.Л., Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014, №10, стр.75

[115] Ўша манба. стр.75-76





- *инновацион фаолият учун инфратузилмавий шароитлар яратиш.*

- *илмий ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини ошириш;*

- *илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг сифатини яхшилаш;*

- *илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтириш;*

- *педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ янги имкониятлар яратиш.*

Инновацион ўсишга олиб келувчи имкониятларга эришиш учун "билимлар жамияти" ва билимга асосланган иқтисодиётга ўтиш талаб этилмоқда. Бундай иқтисодиётнинг концепциясига мувофиқ, иқтисодий ўсишнинг сифати "номоддий" иқтисодий активларга инвестициялар киритиш орқали таъминланади, у қуйидаги жараёнларда кўзга ташланади: илмий тадқиқотлар ва ривожланиш; инновацион фаолиятни рағбатлантириш; иқтисодий фаол аҳолининг таълим олишини таъминлаш ҳамда малакасини ошириш.

"Кластер" тушунчаси иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг, рақобатбардошликни таъминлашнинг самарали шаклларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Унинг самарали эканлиги маҳсулот сифатининг ва фойданинг ошишида, харажатларнинг эса камайишида кўзга ташланади. Педагогик таълим инновацион кластери эса билимга асосланган "иқтисодиёт" тушунчаси билан боғлиқ. Педагогик таълимнинг самарадорлигини бевосита моддий активлар билан баҳолашнинг имконияти чекланган. Аммо билвосита иқтисодий самарадорликка дахлдор ҳодиса эканлиги ҳам объектив ҳақиқатдир. Замонавий иқтисодиётда илмий салоҳият, инновацион ишланмалар ва креатив фикрловчи кадрлар самарадорликнинг муҳим шарти сифатида қаралади. Шундай экан, кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган инвестицияларни амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида иқтисодий ривожланишдаги билимларнинг алоҳида ролини эътироф этиш, инновацион фаолиятни маъқуллаш ва илмий тадқиқотларни рақобат ҳамда иқтисодий динамиканинг асосий омиллари билан тавсифлайдиган миллий инновацион тизимлар яратишни тушуниш мумкин. "Миллий инновацион тизимлар" тушунчаси остида бир-бирига ўзаро таъсир қилувчи тармоқлар

учун инновациялар яратиш ва уларнинг тарқалишига ҳисса қўшадиган институционал тузилмалар тармоғи ётади. Ушбу тузилмалар нафақат тадқиқотларни амалга ошириш учун масъул бўлган институтларни, балки мавжуд ресурсларни ташкил этиш ва бошқаришни ҳам ўз ичига олади.

Педагогик таълим инновацион кластери ҳам инновацион тизим сифатида юқорида келтирилган сифатларга эга. Инновацион тизим сифатидаги педагогик таълим кластерининг элементи инновацияларни яратиш, тарқатиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган сифатларга эга одамлардир. Бу фазилатлар фақат таълим соҳасида тўлиқ шаклланиши мумкин. Шунга кўра, давлатнинг ривожланиши таълимда инновацион тизимларнинг шаклланишини талаб қилади. Бундай инновацион тизимлар таълим фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ёки минтақавий даражада бўлиши мумкин. Педагогик таълим инновацион кластери минтақавий даражадаги инновацион тизим бўлиб, унинг очиқлик характерига эга эканлиги қамровининг кенгайишини чекламайди. Шунингдек, бу тизим жамиятни ривожлантириш учун илм-фан ва амалиётда янги имкониятлар излаш ва амалга ошириш, кластерлар яратиш ҳамда бошқариш фаолияти орқали унинг фаровонлиги ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ йўналишларни англатади.

Тошкент вилоятида бугунги кунда энг катта илмий-педагогик ва назарий салоҳият, юқори малакали педагог кадрлар Чирчиқ давлат педагогика институтида жамланган. Вилоятда ташкил қилинган педагогик таълим инновацион кластери ҳудуддаги таълим эҳтиёжларини ташхислаш ишларини амалга ошириш, турли даражадаги таълим муассасаларининг ўзаро кўп тармоқли алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини беради. Бу жараёнда Чирчиқ давлат педагогика институти таълим муассасалари ва ташкилотларни бирлаштириб, кластернинг асосий бўғинини ташкил қилади. Бу илм-фан ва амалиётни ўзаро синтезлаш, барча турдаги таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг назария ва амалиёт бўйича мавжуд тадқиқотларни биргаликда ривожлантириш, илмий фаолият натижаларини ўқув жараёнига жорий этиш имконини беради. Шунингдек, ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга мослашувчанлик даврини камайтириш,





инновацион тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва жамлаш, педагогика фани ютуқларини тезда синаб кўриш, умумтаълим мактабларида тажрибали ўқитувчиларнинг жамланишига имкон яратади.

Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли дастурларда (стратегияларда) ҳар доим соҳаларнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион омиллардан фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўзлаштириш масаласи устуворлик касб этади. Бу масалаларнинг ҳал этилиши фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларининг фаол интеграциялашуви, давлат томонидан мазкур соҳаларнинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар, меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг етарли эканлигига боғлиқ. Муайян соҳада рақобатбардошликни ошириш учун ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳам талаб этилади. Ана шундай ҳамкорлик воситасида рақобатбардошликни таъминлаш воситаларидан бири сифатида кластер ёндашувини келтиришимиз мумкин. Кластерлар бир-бирига яқин (ҳудудий, фаолият, функция, ишлаб чиқариш ва ҳоказолар нуқтаи назаридан) ташкилотлар ҳамкорлиги ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали шакли сифатида жаҳон тажрибасида кенг оммалашган. "Жаҳон амалиёти охирги йигирма йил ичида кластерларни шакллантириш жараёни анча фаол тарзда кечганлигидан далолат бериб турибди. Умуман олганда, экспертларнинг баҳоларига кўра, ҳозирги вақтга келиб кластерлаштириш жараёни билан жаҳонда етакчи мамлакатлар иқтисодиётларининг 50 фоизига яқини қамраб олинган. Кластер ташаббуслари воситасида рақобатбардошликни ошириш аксарият мамлакатлар ривожланиш стратегияларининг базавий унсурига айланмоқда. Охирги 10 йил мобайнида 20 та мамлакатда амалга оширилган 500 дан ортиқ кластер ташаббусларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ушбу мамлакатлар рақобатбардошлигининг юқорилиги рақобатбардошлик локомотивлари ҳисобланган айрим кластерларнинг кучли позицияларига асосланган"[116].

Таълим турлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик соҳа учун янгилик эмас. Аммо кластер воситасида ягона мақсад атрофида бирлашган

[116] Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. –Т.: Фан, 2016, 106-б.

учун инновациялар яратиш ва уларнинг тарқалишига ҳисса қўшадиган институционал тузилмалар тармоғи ётади. Ушбу тузилмалар нафақат тадқиқотларни амалга ошириш учун масъул бўлган институтларни, балки мавжуд ресурсларни ташкил этиш ва бошқаришни ҳам ўз ичига олади.

Педагогик таълим инновацион кластери ҳам инновацион тизим сифатида юқорида келтирилган сифатларга эга. Инновацион тизим сифатидаги педагогик таълим кластерининг элементи инновацияларни яратиш, тарқатиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган сифатларга эга одамлардир. Бу фазилатлар фақат таълим соҳасида тўлиқ шаклланиши мумкин. Шунга кўра, давлатнинг ривожланиши таълимда инновацион тизимларнинг шаклланишини талаб қилади. Бундай инновацион тизимлар таълим фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ёки минтақавий даражада бўлиши мумкин. Педагогик таълим инновацион кластери минтақавий даражадаги инновацион тизим бўлиб, унинг очиқлик характерига эга эканлиги қамровининг кенгайишини чекламайди. Шунингдек, бу тизим жамиятни ривожлантириш учун илм-фан ва амалиётда янги имкониятлар излаш ва амалга ошириш, кластерлар яратиш ҳамда бошқариш фаолияти орқали унинг фаровонлиги ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ йўналишларни англатади.

Тошкент вилоятида бугунги кунда энг катта илмий-педагогик ва назарий салоҳият, юқори малакали педагог кадрлар Чирчиқ давлат педагогика институтида жамланган. Вилоятда ташкил қилинган педагогик таълим инновацион кластери ҳудуддаги таълим эҳтиёжларини ташхислаш ишларини амалга ошириш, турли даражадаги таълим муассасаларининг ўзаро кўп тармоқли алоқаларини йўлга қўйиш имкониятини беради. Бу жараёнда Чирчиқ давлат педагогика институти таълим муассасалари ва ташкилотларни бирлаштириб, кластернинг асосий бўғинини ташкил қилади. Бу илм-фан ва амалиётни ўзаро синтезлаш, барча турдаги таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг назария ва амалиёт бўйича мавжуд тадқиқотларни биргаликда ривожлантириш, илмий фаолият натижаларини ўқув жараёнига жорий этиш имконини беради. Шунингдек, ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятга мослашувчанлик даврини камайтириш,





инновацион тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва жамлаш, педагогика фани ютуқларини тезда синаб кўриш, умумтаълим мактабларида тажрибали ўқитувчиларнинг жамланишига имкон яратади.

Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли дастурларда (стратегияларда) ҳар доим соҳаларнинг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион омиллардан фойдаланиш ва илғор хорижий тажрибаларни ижодий ўзлаштириш масаласи устуворлик касб этади. Бу масалаларнинг ҳал этилиши фан, таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларининг фаол интеграциялашуви, давлат томонидан мазкур соҳаларнинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар, меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг етарли эканлигига боғлиқ. Муайян соҳада рақобатбардошликни ошириш учун ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳам талаб этилади. Ана шундай ҳамкорлик воситасида рақобатбардошликни таъминлаш воситаларидан бири сифатида кластер ёндашувини келтиришимиз мумкин. Кластерлар бир-бирига яқин (ҳудудий, фаолият, функция, ишлаб чиқариш ва ҳоказолар нуқтаи назаридан) ташкилотлар ҳамкорлиги ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали шакли сифатида жаҳон тажрибасида кенг оммалашган. "Жаҳон амалиёти охирги йигирма йил ичида кластерларни шакллантириш жараёни анча фаол тарзда кечганлигидан далолат бериб турибди. Умуман олганда, экспертларнинг баҳоларига кўра, ҳозирги вақтга келиб кластерлаштириш жараёни билан жаҳонда етакчи мамлакатлар иқтисодиётларининг 50 фоизига яқини қамраб олинган. Кластер ташаббуслари воситасида рақобатбардошликни ошириш аксарият мамлакатлар ривожланиш стратегияларининг базавий унсурига айланмоқда. Охирги 10 йил мобайнида 20 та мамлакатда амалга оширилган 500 дан ортиқ кластер ташаббусларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ушбу мамлакатлар рақобатбардошлигининг юқорилиги рақобатбардошлик локомотивлари ҳисобланган айрим кластерларнинг кучли позицияларига асосланган"[116].

Таълим турлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик соҳа учун янгилик эмас. Аммо кластер воситасида ягона мақсад атрофида бирлашган

[116] Захидов Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. –Т.: Фан, 2016, 106-б.

субъектларда илмий-педагогик салоҳиятнинг нисбатан заиф бўғинлар томонга оқиши табиий жараёнга айланади. Кластер воситасида ўзаро ҳамкорлик, рақобатбардошлик ва инновацион фаолиятнинг кучайиши мазкур соҳанинг миллий ва глобал рақобат сиқувига муносиб қарши туришига имконият яратади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиши натижасида барча соҳалар каби таълим хизматлари бозорида ҳам ўзаро рақобат пайдо бўлди. Эндиликда ҳар бир таълим муассасаси сифатни ошириш масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Танлов имкониятларининг кўплиги рақобат муҳитининг соғломлигини таъминламоқда.

Умуман, "рақобат" тушунчасининг мазмуни, унинг моҳияти борасида қатор таърифлар мавжуд. Жумладан, австриялик олим Фридрих А.Фон Хайек "Билиш, рақобат ва эркинлик" номли китобида қуйидаги фикрларни билдиради: **"Рақобат – жараён, у орқали одамлар билимга эга бўладилар. Рақобат билим ва қобилиятдан унумли фойдаланишга олиб келади. Инсонийлик неъматларининг аксарияти беллашув, рақобат орқали ҳосил қилинган. Рақобат – инсоннинг ақлий қобилиятини ўстириш, буюк кашфиётчи ва тадбиркорларни тарбиялаб етиштиришнинг алоҳида воситаси"**[117].

Россиялик иқтисодчи олим Г.Л.Азоев эса рақобатга қуйидагича таъриф беради: "Рақобат алоҳида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муайян майдонда битта кўзланган мақсадга эришиш йўлидаги беллашувидир"[118].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим А.Қодиров фикрича, **"Рақобат – умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги кўпроқ фойдага эришиши учун бўладиган курашни англатади. Рақобат кураши ҳар қандай жамиятда амал қилади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти бошқа фаолиятларнинг асосини ташкил қилгани учун кишилик жамияти ҳаётида рақобат кураши муҳим роль ўйнайди"**[119].

[117] Хайек Ф.А. Познание, конкуренция и свобода. –Санкт-Петербург: Пневма, 1999. –С.118.
[118] Азоев Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. Монография. –Москва: Центр экономика и маркетинга, 1996. –С.5.
[119] Қодиров А. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Тошкент давлат техника университети, 2002. –Б.77.





Ушбу таъриф ва тавсифлардан шу нарса англашиладики, рақобат кишилик жамияти учун хос объектив жараён ҳисобланади. У муайян корхона ёки ташкилотнинг ҳар томонлама ўсишига, замон ва талабларга мослашишига олиб келади. Рақобат, шунингдек инновацияларни тезлик билан ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнларига татбиқ этишни ҳам назарда тутади. Демак, "рақобат" тушунчасига берилган таърифлар ва унинг онтологик табиатидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин:

- *биринчидан, рақобат нафақат иқтисодий категория, балки табиат ва жамиятнинг барча соҳаларига алоқадор бўлган объектив ҳолда мавжуд бўлган ижтимоий-биологик жараён;*
- *иккинчидан, мавжудлиги ва мазмуни жиҳатидан объектив, шакл жиҳатидан эса субъектив бўлган ҳодиса;*
- *учинчидан, ўз субъектларини ҳаракатга келтирувчи ва ривожланишини таъминловчи омил.*

Демак, рақобат объектив ҳолда мавжуд бўлиб, субъектларнинг унга қарши курашувчанлигини ошириш изланишларни, тадқиқот ва инновацияларни талаб қилади. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: **"Рақобат бор жойда, албатта, ривожланиш, янгилик бўлади. Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур"**[120]. Шунингдек, мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг: **"Ҳақиқий бозор муносабатларига ўтилганда эса турли корхоналар, турли биржалар, суғурта идоралари, банклар ва бошқа идоралар орасида ҳақиқий рақобат вужудга келади. Мулкчиликнинг турли шакллари – ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ҳамда бошқа шаклларнинг ривож топиши ҳам айни рақобатни кучайтириш ва халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради"**[121], деган фикри рақобат муҳитининг таълим хизматлари бозори учун ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатади.

[120] Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттириш-нинг мустаҳкам пойдеворидир// "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил, 8 декабрь.
[121] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -24 б.

Шундан келиб чиққан ҳолда "таълим хизматлари рақобати" тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Таълим хизматлари бозорида устунликни қўлга киритиш учун тортишиш, беллашиш, мусобақалашиш, мунозаралашиш каби курашувчанлик фаолиятларидан иборат бўлган хатти-ҳаракатлар мажмуи.**

Ушбу рақобатнинг субъектлари сифатида таълим босқичлари, таълим турлари, таълим муассасалари ва унинг муайян бўлинмалари, педагог ва таълим олувчилар бўлиши мумкин.

## 2.5. Таълим сифати ва уни бошқариш илмий-педагогик муаммо сифатида

Бугунги кунда мамлакатимизда таълим сифатини шаклан ва мазмунан ислоҳ қилиш, унинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва усуллари самарадорлигини ошириш борасида муайян вазифалар амалга оширилмоқда. Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик ва алоқадорлик мустаҳкам йўлга қўйилса, бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади. Айниқса, узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришда янги механизмларнинг яратилиши бугунги глобаллашув жараёнларининг ҳаётий заруратига айланди, бу, ўз навбатида, таълим сифати самарадорлигини ошириш, уни модернизация қилишни тақозо этади.

Таълим сифатини ошириш муаммоси ислоҳ қилинаётган умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ортиб бораётганлиги, таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги билан боғлиқ ўзгаришлар, таълим хизматлари бозорида жиддий рақобат энг муҳим масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири** таълимни модернизация қилиш шароитида унинг сифатини такомиллаштиришни илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, унинг устувор





йўналишларини аниқлаш, педагогик имкониятларни белгилаш, бу борадаги амалий тажрибаларни ёритиш ҳамда мавзу юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг асосий вазифалари эса:**

✓ мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими сифатини такомиллаштиришнинг долзарблигини асослаш;

✓ глобаллашув жараёнида таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнини модернизация қилишнинг устувор жиҳатларини аниқлаш;

✓ таълимда татбиқ этиладиган янгича инновацион ёндашувлар таълим сифатини такомиллаштиришда муҳим восита эканлигини асослаш.

Тадқиқот мавзуси кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, мамлакатимизда У.Ш.Бегимқулов, О.Мусурмонова, М.С.Мустафаева, Б.Р.Адизов, Р.Ш.Ахлиддинов, Ю.Н.Абдуллаев, М.Х.Маҳмудов, Р.Ишмуҳаммедов, Л.В.Голиш кабилар ўзларининг илмий изланишларида таълимни ижодий ташкил этиш, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, таълимни демократлаштириш ва бошқа хусусиятлари бўйича изланишлар олиб боришган. Россия олимларидан Н.В.Горшунова, А.М.Новиков, В.А.Болотов, М.В.Горемыко, О.С.Газман ва бошқалар, хорижий тадқиқотчилардан M.Porter, Daniel Lerner, M.Richardлар ўз тадқиқотларида таълим сифатини такомиллаштиришдаги муаммолар, усул ва воситаларни илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беришган.

Глобаллашув шароитида таълимни модернизация қилиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда қатор тадқиқотчилар, жумладан, Р.Ф.Абдеев, Э.В.Бондаревская, И.Б.Котова, А.М.Новиков, С.А.Смирнов ва бошқалар ушбу фаолиятнинг асосий тамойиллари, ғоялари, услубий ёндашувлари ва кўрсатмаларини тақдим этишди[122].

Мавзуни назарий жиҳатдан кўриб чиқишда, таълим сифати муаммосига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир ва бу, биринчи навбатда, "таълим", "сифат", "таълим сифати" каби асосий тушунчалар моҳиятини таҳлил қилишни талаб қилади.

[122] Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода: дисс.канд. пед.наук. – М, 2010, - С. 21.

“Таълим”, кенг маънода, авлодлар томонидан ташкил этилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тажрибаларни доимий равишда кейинги авлодларга етказишга йўналтирилган умумий жараён, тор маънода эса, ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий қуйи тузилмаларидан биридир.

“Сифат” фалсафий термин сифатида объект ёки предметнинг барча муҳим хусусиятлари йиғиндисидир (В.А.Сластенин).

Сифат терминига оид турли нуқтаи назарларни умумлаштириш натижасида мазкур терминни ҳар томонлама ифодалашга хизмат қиладиган таърифларнинг бир қатор маъқул вариантларини айтиш мумкин:

- сифат – хусусиятлар йиғиндиси ( хусусиятлар томони);
- сифат – таркибий объект ёки жараённинг марказлашган бошқарув тизими сифат ва хусусиятларини ифодалайди;
- сифат динамик, яъни хусусиятларнинг кучли тизими;
- сифат – объект ёки жараённинг муҳим аниқлиги, ички қисми, таркибий қисмлар, элементларнинг ишончли мантиқий алоқалари;
- сифат объект ёки жараённинг бирлигини, унинг ўзига хослигини, яхлитлиги, тартиблилиги, беқарорлилигини белгилайди.

Таълим сифати – хусусиятлари яхлитлиги, таълим олувчи ўқиши ва шахсий ривожланиши учун хизмат қиладиган энг қулай усуллар бирикуви.

Бугунги кунда замонавий таълим инновацион ривожланиш натижаларидан бири эмас, балки уни амалга ошириш учун зарур бўлган шартлардан биридир[123].

“Таълим сифати” сўз бирикмаси мамлакатимизда илк бор 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларининг таълим сифати устидан давлат назоратига бағишланган модда ва бўлимларида расмий равишда қайд этилган. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини таъминлашга доир қатор назарий ва амалий ишланмаларнинг яратилишига туртки бўлган.

Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг тадқиқотларида таълим сифати деганда, “таълим жараёнининг турли иштирокчи-

[123] Фурсенко А.А. Комплексная модернизация образования как механизм обеспечения инновационного развития социально-экономической сферы // Юридический журнал. 2008. № 7 (39). С.4.





лари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси” ёки “таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражаси” тушунилади. Н.Шмырева, М.Губанова ва З.Крецанлар таълим сифати – ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга доир эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи таълим хизматлари истеъмоллилик хусусиятларининг мажмуаси, деб ҳисоблайдилар.

А.Воронин томонидан таълим сифати – жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини, шахснинг фуқаролик, ҳаётий ва касбий компетенцияларининг ривожланиши ҳамда шаклланиш эҳтиёжлари ва умидларига мувофиқлигини аниқловчи категория тарзида талқин қилинган.

Е.Домбровская таълим сифатини таълимнинг Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим дастурининг ўқув-дастурий ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, деб эътироф этади.

Адабиётлар таҳлили умумлашган маънода, таълим сифатига инсон эҳтиёжи ҳамда жамият ва давлат манфаатларини қондирувчи хусусиятлар йиғиндиси сифатида қаралганлигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, таълим сифати – нафақат таълим олувчилар билимининг давлат стандартларига мослиги, балки таълим муассасасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижасидир[124].

Таълимдаги ўзгаришларни яхширок тушуниш учун, аввалам-бор, унинг анъанавий тизимда мавжуд асосий кўринишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу эса замонавий таълим парадигмасини амалга оширишдаги тўсиқларни аниқлашга имкон берди.

**Инсонга бепарволик, қадриятларга қарши муносабатда намоён бўладиган таълимдаги объективлик,** ўқув жараёни иштирокчилари томонидан таълимнинг маъноси тўғрисида хабардорлик даражасининг пасайишига олиб келади, уларни танлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, бу эса ҳар бир ўқувчининг шахс сифатидаги даражасини пасайтириб, унда бефарқлик, қарамлик шаклланишига туртки беради.

[124] Юлдашев М.А. Халк таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Док.дисс. пед.фан. Тошкент 2016, 14-бет

“Таълим”, кенг маънода, авлодлар томонидан ташкил этилган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тажрибаларни доимий равишда кейинги авлодларга етказишга йўналтирилган умумий жараён, тор маънода эса, ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий қуйи тузилмаларидан бирийдир.

“Сифат” фалсафий термин сифатида объект ёки предметнинг барча муҳим хусусиятлари йиғиндисидир (В.А.Сластенин).

Сифат терминига оид турли нуқтаи назарларни умумлаштириш натижасида мазкур терминни ҳар томонлама ифодалашга хизмат қиладиган таърифларнинг бир қатор маъқул вариантларини айтиш мумкин:

- сифат – хусусиятлар йиғиндиси ( хусусиятлар томони);
- сифат – таркибий объект ёки жараённинг марказлашган бошқарув тизими сифат ва хусусиятларини ифодалайди;
- сифат динамик, яъни хусусиятларнинг кучли тизими;
- сифат – объект ёки жараённинг муҳим аниқлиги, ички қисми, таркибий қисмлар, элементларнинг ишончли мантиқий алоқалари;
- сифат объект ёки жараённинг бирлигини, унинг ўзига хослигини, яхлитлиги, тартиблилиги, беқарорлилигини белгилайди.

Таълим сифати – хусусиятлари яхлитлиги, таълим олувчи ўқиши ва шахсий ривожланиши учун хизмат қиладиган энг қулай усуллар бирикуви.

Бугунги кунда замонавий таълим инновацион ривожланиш натижаларидан бири эмас, балки уни амалга ошириш учун зарур бўлган шартлардан биридир[123].

“Таълим сифати” сўз бирикмаси мамлакатимизда илк бор 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларининг таълим сифати устидан давлат назоратига бағишланган модда ва бўлимларида расмий равишда қайд этилган. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини таъминлашга доир қатор назарий ва амалий ишланмаларнинг яратилишига туртки бўлган.

Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг тадқиқотларида таълим сифати деганда, “таълим жараёнининг турли иштирокчи-

[123] Фурсенко А.А. Комплексная модернизация образования как механизм обеспечения инновационного развития социально-экономической сферы // Юридический журнал. 2008. № 7 (39). С.4.





лари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси” ёки “таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражаси” тушунилади. Н.Шмырева, М.Губанова ва З.Крецанлар таълим сифати – ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга доир эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи таълим хизматлари истеъмоллилик хусусиятларининг мажмуаси, деб ҳисоблайдилар.

А.Воронин томонидан таълим сифати – жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини, шахснинг фуқаролик, ҳаётий ва касбий компетенцияларининг ривожланиши ҳамда шаклланиш эҳтиёжлари ва умидларига мувофиқлигини аниқловчи категория тарзида талқин қилинган.

Е.Домбровская таълим сифатини таълимнинг Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим дастурининг ўқув-дастурий ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, деб эътироф этади.

Адабиётлар таҳлили умумлашган маънода, таълим сифатига инсон эҳтиёжи ҳамда жамият ва давлат манфаатларини қондирувчи хусусиятлар йиғиндиси сифатида қаралганлигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, таълим сифати – нафақат таълим олувчилар билимининг давлат стандартларига мослиги, балки таълим муассасасининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижасидир[124].

Таълимдаги ўзгаришларни яхшироқ тушуниш учун, аввалам-бор, унинг анъанавий тизимда мавжуд асосий кўринишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу эса замонавий таълим парадигмасини амалга оширишдаги тўсиқларни аниқлашга имкон берди.

**Инсонга бепарволик, қадриятларга қарши муносабатда намоён бўладиган таълимдаги объективлик,** ўқув жараёни иштирокчилари томонидан таълимнинг маъноси тўғрисида хабардорлик даражасининг пасайишига олиб келади, уларни танлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади, бу эса ҳар бир ўқувчининг шахс сифатидаги даражасини пасайтириб, унда бефарқлик, қарамлик шаклланишига туртки беради.

[124] Юлдашев М.А. Халк таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш. Док.дисс. пед.фан. Тошкент 2016, 14-бет

Кейинги ўриндаги тўсиқ сифатида **авторитаризм**, яъни объект ва субъект муносабатларини мутлақлаштириш таълимнинг "қилиш", "ўрганиш", "такрорлаш" каби терминлар устунлик қиладиган монологик усули билан мактабларда кескинлик, ташвиш ва қўрқув муҳитини келтириб чиқаради.

**Ахборотлаштириш**, бунда таълим мазмуни фақат ёд олишга мўлжалланган бўлиб, унинг асосида фақат ахборот ётадиган, таълим билимлари, кўникмалари диққат марказида бўлган ахборот мазмуни ўқув жараёнининг ривожланиш йўналишига салбий таъсир кўрсатиши билан тавсифланади.

**Таълим жараёнида ўқитиш ва тарбиялашнинг сунъий бўлиниши**, бунда асосий ва қўшимча таълимни ажратиш ўқувчиларнинг билимлари ва дунёқарашининг парчаланишига, ўқувчининг ортиқча юкланишига, руҳан ва жисмонан оғирлашишига олиб келиши билан тавсифланади.

**Инсон табиатининг яхлитлигини, таълимнинг ҳаддан ташқари интеллектуаллигини бузиш** билан намоён бўладиган илм-фан, мусиқа, санъат, меҳнат, жисмоний маданият каби фанларни ўқитиш, ўқувчиларни ривожлантиришда жўшқинлик ва маънавиятининг йўқолишига олиб келади.

**Таълимни соддалаштириш**, яъни ўқитиш ва тарбиялашга юзаки ёндашиш, мавзуни ижтимоий-маданий ҳодисадан қоида ва фактлар тўпламига айлантиради, таълим-тарбия жараённи интизомий ҳаракатларга айлантиради, бу эса таълим олишнинг рақобатбардошлигини камайтиради.

Юқорида айтиб ўтилган тўсиқларни бартараф этиш учун бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимининг асосий вазифасини белгилаб олиш муҳим. Бу шахс, жамият ва давлатнинг долзарб ва истиқболли эҳтиёжларини таъминлаш орқали таълимнинг замонавий сифатини ошириш ҳамда таълим жараёнини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Таълим сифати, бу бутун таълим тизими таркибий қисмларининг сифат вазифалари, мураккаб ривожланиш кучи(динамика)га эга бўлган жараён бўлиб, бу таълим муассасалари фаолиятидаги





ўзгаришлар, яъни уларнинг ижтимоий, иқтисодий, технологик ва сиёсий муҳитининг ўзгариши билан изоҳланади[125].

Айни вақтда замонавий таълим сифати инновацион ривожланиш натижаларидан бири эмас, балки уни амалга ошириш учун зарур бўлган шартлардан биридир[126].

Бугунги кунда таълимни қайтадан ислоҳ қилиш идоравий лойиҳа сифатида амалга оширилмаслиги, у жамиятнинг сиёсий ва умуммиллий вазифасига айланиши муҳим. Таълим сифатининг таъминланишида таълим тизимининг фаол субъектлари, мамлакатнинг барча фуқаролари, оила ва ота-оналар жамоатчилиги, давлат ҳокимиятининг минтақавий институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, касбий ва педагогик жамоа, илмий, маданий, тижорат ва жамоат институтлари биргаликда ҳаракатланиши самарали деб ҳисоблаймиз.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда "замонавийлаштириш" тушунчаси (фр. замонавий – энг янги) қўлланилиб, унда таълимни такомиллаштириш, яъни объектни янги талаб ва меъёрлар, техник шароитлар, сифат кўрсаткичлари билан янгилаш тушунилади. Шу сабабли, мамлакатимизда жамиятни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида таълим соҳаси умуман бошқача сифат кўринишига эга бўлиши зарур шартлардан биридир. Шу билан бирга, бугунги кунда таълим соҳасини замонавийлаштиришда ахборот тизими ва унинг беқиёс имкониятлари ҳам муносиб ўрин эгаллай бошлади. Таълим тизимида узоқ олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ахборот тизимидан жамиятда ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда у фойда эмас, балки зарар етказиши муқаррар[127].

Таълимни ислоҳ қилишда бугунги кунда нафақат таълим, унинг мазмуни, технологиялари ва ташкилий шакллари соҳасида, мураккаб иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий бошқарувларини такомиллаштириш, таълим амалиётини ривожлантириш бўйича кадрлар

[125] Шадриков В.Д. Философия образования и образовательные политики. –М.: Издательская фирма «Логос», 1993. –181 с.
[126] Фурсенко А.А. Комплексная модернизация образования как механизм обеспечения инновацион- ного развития социально-экономической сферы // Юридический журнал. 2008. № 7 (39). С.4.
[127] Зиядуллаев Д.Ш. Якубов М.С. Интеллектуал билимни шакллантиришда модулли-блокли ўқитиш усули // "XXI аср – интеллектуал авлод асри" мавзусидаги илмий-конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2013 йил. 12-13 июнь. 54-56-б.

Кейинги ўриндаги тўсиқ сифатида **авторитаризм**, яъни объект ва субъект муносабатларини мутлақлаштириш таълимнинг “қилиш”, “ўрганиш”, “такрорлаш” каби терминлар устунлик қиладиган монологик усули билан мактабларда кескинлик, ташвиш ва қўрқув муҳитини келтириб чиқаради.

**Ахборотлаштириш**, бунда таълим мазмуни фақат ёд олишга мўлжалланган бўлиб, унинг асосида фақат ахборот ётадиган, таълим билимлари, кўникмалари диққат марказида бўлган ахборот мазмуни ўқув жараёнининг ривожланиш йўналишига салбий таъсир кўрсатиши билан тавсифланади.

**Таълим жараёнида ўқитиш ва тарбиялашнинг сунъий бўлиниши**, бунда асосий ва қўшимча таълимни ажратиш ўқувчиларнинг билимлари ва дунёқарашининг парчаланишига, ўқувчининг ортиқча юкланишига, руҳан ва жисмонан оғирлашишига олиб келиши билан тавсифланади.

**Инсон табиатининг яхлитлигини, таълимнинг ҳаддан ташқари интеллектуаллигини бузиш** билан намоён бўладиган илм-фан, мусиқа, санъат, меҳнат, жисмоний маданият каби фанларни ўқитиш, ўқувчиларни ривожлантиришда жўшқинлик ва маънавиятининг йўқолишига олиб келади.

**Таълимни соддалаштириш**, яъни ўқитиш ва тарбиялашга юзаки ёндашиш, мавзуни ижтимоий-маданий ҳодисадан қоида ва фактлар тўпламига айлантиради, таълим-тарбия жараённи интизомий ҳаракатларга айлантиради, бу эса таълим олишнинг рақобатбардошлигини камайтиради.

Юқорида айтиб ўтилган тўсиқларни бартараф этиш учун бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимининг асосий вазифасини белгилаб олиш муҳим. Бу шахс, жамият ва давлатнинг долзарб ва истиқболли эҳтиёжларини таъминлаш орқали таълимнинг замонавий сифатини ошириш ҳамда таълим жараёнини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Таълим сифати, бу бутун таълим тизими таркибий қисмларининг сифат вазифалари, мураккаб ривожланиш кучи(динамика)га эга бўлган жараён бўлиб, бу таълим муассасалари фаолиятидаги





ўзгаришлар, яъни уларнинг ижтимоий, иқтисодий, технологик ва сиёсий муҳитининг ўзгариши билан изоҳланади[125].

Айни вақтда замонавий таълим сифати инновацион ривожланиш натижаларидан бири эмас, балки уни амалга ошириш учун зарур бўлган шартлардан биридир[126].

Бугунги кунда таълимни қайтадан ислоҳ қилиш идоравий лойиҳа сифатида амалга оширилмаслиги, у жамиятнинг сиёсий ва умуммиллий вазифасига айланиши муҳим. Таълим сифатининг таъминланишида таълим тизимининг фаол субъектлари, мамлакатнинг барча фуқаролари, оила ва ота-оналар жамоатчилиги, давлат ҳокимиятининг минтақавий институтлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, касбий ва педагогик жамоа, илмий, маданий, тижорат ва жамоат институтлари биргаликда ҳаракатланиши самарали деб ҳисоблаймиз.

Таълим тизимини ислоҳ қилишда “замонавийлаштириш” тушунчаси (фр. замонавий – энг янги) қўлланилиб, унда таълимни такомиллаштириш, яъни объектни янги талаб ва меъёрлар, техник шароитлар, сифат кўрсаткичлари билан янгилаш тушунилади. Шу сабабли, мамлакатимизда жамиятни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида таълим соҳаси умуман бошқача сифат кўринишига эга бўлиши зарур шартлардан биридир. Шу билан бирга, бугунги кунда таълим соҳасини замонавийлаштиришда ахборот тизими ва унинг беқиёс имкониятлари ҳам муносиб ўрин эгаллай бошлади. Таълим тизимида узоқ олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ахборот тизимидан жамиятда ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда у фойда эмас, балки зарар етказиши муқаррар[127].

Таълимни ислоҳ қилишда бугунги кунда нафақат таълим, унинг мазмуни, технологиялари ва ташкилий шакллари соҳасида, мураккаб иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий бошқарувларини такомиллаштириш, таълим амалиётини ривожлантириш бўйича кадрлар

[125] Шадриков В.Д. Философия образования и образовательные политики. –М.: Издательская фирма «Логос», 1993. –181 с.

[126] Фурсенко А.А. Комплексная модернизация образования как механизм обеспечения инновационного развития социально-экономической сферы // Юридический журнал. 2008. № 7 (39). С.4.

[127] Зиядуллаев Д.Ш. Якубов М.С. Интеллектуал билимни шакллантиришда модулли-блокли ўқитиш усули // “XXI аср – интеллектуал авлод асри” мавзусидаги илмий-конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2013 йил. 12-13 июнь. 54-56-б.

масаласини кўриб чиқиш, ҳал этиш ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Таълим тизимини янгилашда, биринчи навбатда, ривожланиш тезлигини тезлаштириш, жамият сиёсий ва ижтимоий танлаш имкониятларини кенгайтириш, ахборот жамиятига ўтиш, маданиятлараро ҳамкорлик кўламини сезиларли даражада ошириш, глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши ва ўсишини таъминлайдиган малакасиз ва кам малакали меҳнат соҳасини қисқартириш, ходимларнинг касбий харакатчанлигини оширишга бўлган доимий эхтиёжни белгиловчи касбий малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, жамиятдаги ёшлар ва катталар жадал ривожланишига олиб келадиган бандлик соҳасига чуқур таркибий ўзгаришлар киритиш, ривожланган мамлакатларда миллий бойликнинг асосий қисмини ташкил этадиган инсон капиталининг ролини оширишга эътибор қаратиш керак.

XX асрнинг охиридан бошлаб таълимни ислоҳ қилишда нафақат таълим тизими, балки унинг мазмуни, технологиялари ва ташкилий шакллари соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар киритиш ва амалиётга татбиқ этиш жамиятнинг пировард мақсадларидан бири бўлиб келмоқда. Таълим амалиётини ривожлантириш мураккаб иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий бошқарувни ташкил этиш билан бошланади ва айнан бу жараён Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгиланган **педагогик таълим инновацион кластери** доирасидаги назарий ва амалий тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Шу ўринда кластер моҳиятига тўхталиб ўтсак, кластер ўзаро боғланган ташкилотлар, ихтисослашган етказиб берувчилар, тегишли тармоқлардаги фирмалар ҳамда уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ташкилотларнинг жўғрофий белги бўйича бирлаштирилган гуруҳидир[128]. Таълимга нисбатан эса кластер модели таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси[129], рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳа (таълим, иқтисодиёт

[128] Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, -P.79

[129] Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффиктивности деятельности вуза / Л.И.Осечкина// Высшее образование в России. 2012. №8-9. –С.75





ва б.)лар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми[130]дир.

Педагогик таълим инновацион кластери тадқиқоти доирасида таълим тизимига кластер моделининг татбиқ қилиниши таълим инновацияси билан боғлиқ шаклларнинг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтиради. Кластер таълим тизимидаги бошқарув тизими, таълим субъектлари ўртасидаги интеграция жараёнлари, илмий тадқиқот соҳалари ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олади ва уларга замонавий ёндашувларни татбиқ этишни тақозо этади[131].

Биз кластерга берилган изоҳлардан келиб чиқиб, педагогик таълим бериш, янгича таълим ривожланишининг **кластер модели** ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб бориш, айни вақтда, бу умумий йўналишлар орқали таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари, узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситалари каби йўналишларда хусусийлашиш жараёнларини олиб бориш муҳим эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Педагогик таълим инновацион кластери доирасида ташкил қилинган **"Мактаб-лаборатория"** майдончаларида минтақанинг умумий ўрта таълим фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қатор тажриб-синов амалиётлари амалга оширилмоқда.

Кластер моделини таълим тизимига татбиқ этиш жараёнларида, биринчи навбатда, хорижий тадқиқотларнинг натижалари ҳам чуқур таҳлил қилиниб, минтақавий менталитетимизга мослаштирилган ҳолда самарали усул ва воситалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

[130] Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24-26 окт. 2006 г.): в 2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М.Давыденко, Т.И.Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч.1. С.25

[131] Ходжамкулов У.Н. Таълим кластери инновацияя сифатида// Баркарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том II / Чирчиқ, 2019 й. –Б.349.

Рус тадқиқотчиси В.А.Болотов томонидан олиб борилган тадқиқотларда[132] бугунги кунда, биринчи навбатда, умумий ўрта таълим тизимини модернизация қилишнинг асосий йўналишларига боғлиқ бўлган масалалар ёритилган бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

- мактаб стандартларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан, ихтисослаштирилган таълимга ўтишни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ўқув фанида таълим мазмунини оптималлаштириш;
- ўқитишда назорат қилиш функциясини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун бўш вақтларни кўпайтириш ва амалиётга асосланган ёндашувни кучайтириш;
- ягона давлат имтиҳони топшириқларига тайёрлаш билан битирувчиларнинг умумий таълим ва асосий малакаларини шакллантириш даражасини аниқлаш имконига эга бўлиш;
- мактаб дарсликларини такомиллаштириш, уларга топшириқларни киритиш, ўқувчининг замонавий ахборот воситалари ва усуллари ёрдамида мустақил равишда излашни ўрганиши керак бўлган қўшимча маълумотни қидиришни таъминлаш;
- педагогик таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитиш ва педагог ва бошқарув кадрларни қайта тайёрлаш;
- таълим сифатини баҳолаш бўйича ягона тизимни яратиш билан талабалар ва мактаб ўқувчиларини таълимнинг барча даража ҳамда босқичларида таҳлилини олиб борган ҳолда тайёрлаш.

Таълим тизимини такомиллаштириш бўйича яна бир рус тадқиқотчиси А.М.Новиков томонидан олиб борилган изланишда мамлакатда таълимни ривожлантиришнинг тўрт асосий ғояси шахс, жамият, таълим ва ишлаб чиқариш яхлит тизим сифатида келтириб ўтилади[133]. Айнан шу ғояларга асосланган ҳолда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қатор қуйидаги тамойиллари рус тадқиқотчиси томонидан таклиф қилинди:

- ✓ таълимни инсонпарварлаштириш ғояси;
- ✓ таълимни демократлаштириш ғояси;
- ✓ узлуксиз таълим ғояси;

[132] Болотов В.А. Единый государственный экзамен как элемент становления системы независимой оценки качества образования в Российской Федерации / Вестник образования. 2004. №23. С.15-25.

[133] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. – М.: "Эгвес", 2000. 42 с.





- ✓ илғор таълим ғояси.

Таълим сифатини ривожлантиришнинг муҳим ғояларидан бири замонавий таълимнинг ривожланиши янги ижтимоий-маданий вазиятни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлиб, бунда кўплаб тадқиқотчилар мактабни **демократлаштириш** муҳимлигини ва бу таълим олдида турган муаммоларни ҳал қилишнинг калити эканлигини исботлашга ҳаракат қилишган.

Таълим сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган педагогик тизимни бошқаришни демократлаштириш, бу кадрларни танлаш, шартнома асосида ишга қабул қилиш, қабул қилинаётган қарорларни очиқ муҳокама этиш, ахборотларни барча учун очиқ, тушунарли бўлишига эришиш, таълим муассасаси ҳаётига оид ўз фикрларни билдиришларига имкон бериш, таълим муассасасида демократик ғояларнинг устувор ўрин тутишини англатади.

Таълимда демократик жараёнларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда, биринчи навбатда, таълим субъектлари ўртасида инсон омилини самарали бошқариш асосида амалга ошириш вазифаси қўйилади, бу эса рус тадқиқотчиси М.В Горемыко томонидан бир қатор янги тамойилларни таклиф этиш имконини берди:

- ✓ таълим муассасаси ва таълим олувчининг мавжудлиги;
- ✓ таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзини ўзи ташкил этиши;
- ✓ таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги ҳамкорлик;
- ✓ таълим муассасасининг очиқлиги;
- ✓ ҳудудийлаштириш;
- ✓ таълим тизимининг хилма-хиллиги;
- ✓ жамият контекстида таълим тизимидаги тенг имкониятлар;
- ✓ давлат томонидан марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш[134] ва ҳоказо.

Шу нуқтаи назардан, унинг асосий тамойилларидан бири **таълимнинг мавжудлиги** асосий қонуний демократик жамиятда таълимдан фойдаланиш имконияти принцип деб ҳисобланган. Бу эса оиланинг моддий бойлиги, яшаш жойи, миллати ва соғлигидан қатъи назар, ёшларнинг қизиқишлари ҳақида таъкидлаш муҳим.

[134] Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода: дисс...канд. пед.наук. –М: 2010. -С.26.

ва мойилликларига мувофиқ ҳар томонлама сифатли таълим олиши учун ҳамма жойда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш шарт эканлигини кўрсатади.

Ушбу ғоянинг кейинги тамойили бу таълим жараёнида **ўзини ўзи ташкил этиш** бўлиб, биринчи навбатда, "таълим берувчи таълим олувчини ўзини орқасидан эргаштиради" позициясидан "таълим олувчи олдинга қараб" позициясига ўтиш билан характерланади. Шунинг учун бу атама бугунги кунда шахсга йўналтирилган педагогиканинг асосий жиҳатларидан бирига айланганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўзини ўзи ташкил этиш – "иродаси ва ақл-идрокнинг онгли хусусиятларида, хулқ-атвор мавзуларида акс этган, фаолият ҳамда хатти-ҳаракатлар тартибида амалга ошириладиган ажралмас, табиий ва ижтимоий сотиб олинган хусусиятларнинг йиғиндиси"[135]. Шунинг учун ўзини ўзи ташкил этишнинг юқори даражадаги биринчи белгиси таълим олувчи шахс сифатида ўзини фаол яратиш, деб ҳисоблашимиз керак.

Биз шу ўринда бу жараённи амалга оширишнинг ижобий натижаларини қайд этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шахс, биринчи навбатда:

- ўзини ўзи таъминлаш;
- ўз фаолиятини режалаштириш;
- ўзини ўзи ташкил қилиш;
- ўз ҳаёт фаолиятидаги муайян усулларни назорат қилиш;
- ҳаётий танловга тўлиқ тайёргарликни шакллантириш;
- ўз индивидуал ўрнини тасдиқлаш;
- ўзини ўзи ҳаракатга келтириш заруратини шакллантириш;
- ўзини-ўзи ривожлантириш;
- ўзини ўзи ҳаракатлантириш каби натижаларга эга бўлади.

Буларнинг барчаси эркин шахснинг ўзини ўзи ривожлантиришига ёрдам беради, бу эса миллий таълим фалсафаси томонидан "таълимни қайта тиклаш ва юқори сифатнинг асосий йўли"[136] деб таърифланади.

[135] Дьяченко М.И., Кандыбович Л.А. Краткий психологический словарь: Личность, образование, самообразование, профессия. –Мн.: «Хэлтон», 1998. –242 с.
[136] Газман О.С., Вейсс Р.М., Крылова Н.Б. Новые ценности образования: содержание гуманистического образования. – М.: "Инноватор", 1995. - 81 с.





Таълимни демократлаштириш ғоясини давом эттиришда **ҳамкорлик тамойиллига** алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Юқорида келтирилган ўзини ўзи бошқариш ва ўзаро ҳамкорлик тамойиллари бевосита чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳамкорлик шарти сифатида таълим берувчи билан таълим олувчи ўрнининг ўзгариб туришида яққол кўришимиз мумкин. Ҳамкорлик тамойилининг амалга оширишнинг шарти ўқитувчининг таълим жараёнидаги ўрнини "талаба устидан" назорат ўрнини "ўқувчи билан бирга" ўрнига ўзгартиришни талаб қилиши билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда юқорида таъкидланганидек, ўзини-ўзи бошқариш тамойили ривожланади ва бу орқали "олдинга силжиш" жараёни ривожланади. Ҳамкорликнинг ҳам асосий шартларидан бири уларни демократлаштиришдир, чунки бу ҳамкорнинг алоҳида манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзини-ўзи ривожлантириш ва намоён қилишнинг асосий усулларидан бири ҳисобланади.

Мазкур тамойил нафақат ўқув жараёнида, балки бошқарув жараёнида ҳам қўлланилади. Ушбу тамойил кучли бошқарув ҳокимияти остидаги педагогикадан фарқли равишда, фойдали аҳамиятга эга бўлган қўшимча фаолиятга асосланади, бу кўплаб хорижий тадқиқотларда ўз аксини топган. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, "шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари бутун жамиятни қамраб олиши ва қуйи бўғинларни юқори бўғинларга бўйсундирмаслик қонунларига кўра қурилиши (чунки бу қадимдан шерикликнинг моҳияти тубдан йўқ қилинишига олиб келган), аммо шериклик ва ҳамкорлик ўртасидаги мутлақо янги муносабатлар мувофиқлик тамойилларига асосланган"[137] ҳолда ташкил қилиниши муҳим.

Бугунги кунда таълимни ҳамкорликда ташкил этиш тамойили анъанавий педагогикага хос бўлган "ўқитувчи-ўқувчи+фан-билим" уйғунлигини "таълим олувчилар жамоаси + интеграциялашган билимлар + қизиқишлар асосидаги индивидуал таълим" уйғунлиги билан алмаштириш муҳимлигини кўрсатади.

Яна бир муҳим бўлган таълим **муассасасининг очиқлиги** тамойилини амалга оширишнинг энг муҳим шарти таълим тизимида бозор муносабатларини ва ижтимоий ҳамда хорижий ҳамкорлар билан очиқ алоқаларни ривожлантиришдир. Узлуксиз

[137] Бабанский Ю.К. Рациональная организация учебной деятельности. –М.: "Знание", 1981. – 136 с.

таълимнинг турли шаклларида, яъни ҳар қандай босқич, даража ва йўналишлардаги асосий ҳамда қўшимча имкониятларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг бошқа ҳудудларидаги таълим муассасалари ва хорижий хамкасблар билан илмий, ижодий ва бошқа ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш таълимни демократлаштириш ғоясининг муассаса очиқлиги тамойилини янада ривожлантиради.

Таълимни демократлаштириш ғоясининг яна бир муҳим тамойили таълимни **ҳудудийлаштиришдир**. Таълимни бошқариш тизимини демократлаштиришнинг асосий вазифаси уни марказлаштириш бўлиб, унинг маъноси таълимни бошқаришда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини, кадрлар имкониятларини ва бошқа хусусиятларини, унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш заруратидир. Тарихий, маданий, табиий жуғрофий, ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-сиёсий ва иқтисодий хусусиятлар минтақанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди, бироқ уларнинг ҳеч бири алоҳида таълимни ҳудудийлаштиришнинг ягона асоси бўлмаслиги керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, минтақавий тамойил нафақат марказлаштириш, балки минтақанинг тарихи ва ҳозирги ҳолатини, унинг ривожланишининг илғор тенденцияларини максимал даражада ҳисобга олишни англатади.

Кўриниб турибдики, таълимни ҳудудийлаштириш жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ушбу тамойил давлат тузилмасининг бўғинлари доирасида амалга оширилиб, кўплаб муаммоларни ҳал қилишда давлат тузилмаларини марказлаштириш ва минтақавийлаштириш жараёнлари қуйи бўғинлари, объектлар ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини ўзгартирганда минтақавий даражага ўтади, бошқарувнинг барча тўртта асосий даражасида, яъни давлат, минтақа, шаҳар ва таълим муассасаси даражасида бошқарув қарорларининг мазмуни кўриб чиқилади, муаммолар ҳал этилади. Давлат миқёсидаги даражадан кейинги уч бўғинда улар ўзларини субъект сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, қарор қабул қилишда инновацион ўзгаришларни ҳисобга олмаслиги, субъектларнинг ҳозирги позицияси ўз сиёсатида таълимни ривожлантириш дастурида белгиланган стратегия ва усулларни такомиллаштиришни талаб қилади.





Таълимни демократлаштиришнинг жамият контекстидаги **тенг имкониятлар** тамойилини амалга ошириш демократик жамиятда ҳар бир инсонга тақдим этиладиган имкониятларни тартибга солишда давлатнинг ролини ошириш шарти билан амалга оширилади. Таълим стандартларини янада такомиллаштириш, элита таълимни ривожлантириш, ногиронлиги мавжуд ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа хусусиятларда “тенг имкониятлар”ни демократик руҳда аниқ ва мақсадли амалга ошириш билан характерланади.

Ушбу тамойилнинг тўлиқ амалга оширилиши **таълим тизимларининг хилма-хиллиги тамойили** билан янада очиқроқ кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу тамойилларни амалга оширишнинг асосий шартлари таълим муассасаларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд таълим дастурларини бир-биридан фарқлаш, таҳлил қилиш ва индивидуаллаштириш ҳисобланади.

Кластер ёндашуви асосида минтақавий **таълим тизимини марказлаштириш тамойилига** таянган ҳолда, ижтимоий-давлат бошқаруви орқали амалга ошириш усули самарали бўлиб, таълим давлат ва фуқаролик жамиятининг манфаатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий жараён, таълим субъектлари эса ижтимоий-маданий институт сифатида намоён бўлади. Ушбу тамойилнинг асосий моҳияти жамоатчиликни бошқариш функцияларини такомиллаштириш, уни молиялаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг асосий механизмларини аниқлаш орқали назорат қилишдир[138].

Таълимни **инсонпарварлаштириш** билан боғлиқ бўлган кейинги ғоя (таълим-шахс)да унинг шахсий йўналиши сифатларини қайта йўналтириш назарда тутилади. Бозор муносабатлари шароитида бу жараён шахснинг ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш натижасида ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида кўриб чиқилади. Инсонийликка йўналтирилган таълим фалсафаси барча босқичларда таълим жараёнини сифатли янгилашнинг стратегик дастурига айланади.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш таълимни инсонпарварлаштириш, таълим олувчи

[138] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. – М.: “Эгвес”, 2000. –130 с.

таълимнинг турли шаклларида, яъни ҳар қандай босқич, даража ва йўналишлардаги асосий ҳамда қўшимча имкониятларини ҳисобга олган ҳолда давлатнинг бошқа ҳудудларидаги таълим муассасалари ва хорижий хамкасблар билан илмий, ижодий ва бошқа ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш таълимни демократлаштириш ғоясининг муассаса очиклиги тамойилини янада ривожлантиради.

Таълимни демократлаштириш ғоясининг яна бир муҳим тамойили таълимни **ҳудудийлаштиришдир**. Таълимни бошқариш тизимини демократлаштиришнинг асосий вазифаси уни марказлаштириш бўлиб, унинг маъноси таълимни бошқаришда минтақанинг ўзига хос хусусиятларини, кадрлар имкониятларини ва бошқа хусусиятларини, унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиш заруратидир. Тарихий, маданий, табиий жуғрофий, ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий, маъмурий-сиёсий ва иқтисодий хусусиятлар минтақанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди, бироқ уларнинг ҳеч бири алоҳида таълимни ҳудудийлаштиришнинг ягона асоси бўлмаслиги керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, минтақавий тамойил нафақат марказлаштириш, балки минтақанинг тарихи ва ҳозирги ҳолатини, унинг ривожланишининг илғор тенденцияларини максимал даражада ҳисобга олишни англатади.

Кўриниб турибдики, таълимни ҳудудийлаштириш жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ушбу тамойил давлат тузилмасининг бўғинлари доирасида амалга оширилиб, кўплаб муаммоларни ҳал қилишда давлат тузилмаларини марказлаштириш ва минтақавийлаштириш жараёнлари қуйи бўғинлари, объектлар ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини ўзгартирганда минтақавий даражага ўтади, бошқарувнинг барча тўртта асосий даражасида, яъни давлат, минтақа, шаҳар ва таълим муассасаси даражасида бошқарув қарорларининг мазмуни кўриб чиқилади, муаммолар ҳал этилади. Давлат миқёсидаги даражадан кейинги уч бўғинда улар ўзларини субъект сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, қарор қабул қилишда инновацион ўзгаришларни ҳисобга олмаслиги, субъектларнинг ҳозирги позицияси ўз сиёсатида таълимни ривожлантириш дастурида белгиланган стратегия ва усулларни такомиллаштиришни талаб қилади.





Таълимни демократлаштиришнинг жамият контекстидаги **тенг имкониятлар** тамойилини амалга ошириш демократик жамиятда ҳар бир инсонга тақдим этиладиган имкониятларни тартибга солишда давлатнинг ролини ошириш шарти билан амалга оширилади. Таълим стандартларини янада такомиллаштириш, элита таълимни ривожлантириш, ногиронлиги мавжуд ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқа хусусиятларда "тенг имкониятлар"ни демократик руҳда аниқ ва мақсадли амалга ошириш билан характерланади.

Ушбу тамойилнинг тўлиқ амалга оширилиши **таълим тизимларининг хилма-хиллиги тамойили** билан янада очиқроқ кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу тамойилларни амалга оширишнинг асосий шартлари таълим муассасаларининг хилма-хиллигини ҳисобга олган холда, мавжуд таълим дастурларини бир-биридан фарқлаш, таҳлил қилиш ва индивидуаллаштириш ҳисобланади.

Кластер ёндашуви асосида минтақавий **таълим тизимини марказлаштириш тамойилига** таянган ҳолда, ижтимоий-давлат бошқаруви орқали амалга ошириш усули самарали бўлиб, таълим давлат ва фуқаролик жамиятининг манфаатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий жараён, таълим субъектлари эса ижтимоий-маданий институт сифатида намоён бўлади. Ушбу тамойилнинг асосий моҳияти жамоатчиликни бошқариш функцияларини такомиллаштириш, уни молиялаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг асосий механизмларини аниқлаш орқали назорат қилишдир[138].

Таълимни **инсонпарварлаштириш** билан боғлиқ бўлган кейинги ғоя (таълим-шахс)да унинг шахсий йўналиши сифатларини қайта йўналтириш назарда тутилади. Бозор муносабатлари шароитида бу жараён шахснинг ривожланиши ва ўзини ўзи тасдиқлаш натижасида ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий ҳимоя воситаси сифатида кўриб чиқилади. Инсонийликка йўналтирилган таълим фалсафаси барча босқичларда таълим жараёнини сифатли янгилашнинг стратегик дастурига айланади.

Республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга ошириш таълимни инсонпарварлаштириш, таълим олувчи

[138] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. – М.: "Эгвес", 2000. –130 с.

шахсини тўлақонли тушуниш, уни ҳурматлаш, ишониш ва уларни ишонтириш, қизиқиши ва қобилиятини рўёбга чиқаришга имконият яратиш билан бирга уларнинг инсоний сифатларини шакллантиришни талаб этади, яъни таълим олувчида шахснинг инсонийлиги, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ, ақл-идрок, ростгўйлик, раҳм-шафқатлилик, дўстлик-биродарлик, ўз юртини, Ватанини, халқини севиш каби фазилатларни тарбиялаш, айни пайтда, уларни дадил, ботир, қўрқмас, шижоатли, тадбиркор, уддабурон, ҳар бир нарсани қадрлай оладиган, миллий, умуминсоний қадриятни тушуниб етадиган қилиб тарбиялаш зарур.

Ҳозирги кунда таълим жараёнининг муҳим муаммоси таълим-тарбиянинг инсонпарвар парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу парадигмалар замонавий ижтимоий-маданий вазиятга мос келиши лозим. Шундагина у кўп маданиятлиликка асосланган таълим жараёни олдига қўйилган вазифаларни ҳал эта олади. Унинг ечимларини топишга ҳаракат қилиш инновацион тарбия концепцияси муаллифлари томонидан амалга оширилди. Инновацион таълим-тарбия концепциясининг асосини ташкил қилган инсонпарвар ёндашувларга таянадиган бўлсак, бу йўналишдаги қатор тадқиқотлар, жумладан, ўз-ўзини ривожлантиришга асосланган тарбия тизими (Л.И.Новикова); инсонни маданият ёрдамида тарбиялаш (Е.В.Бондаревская); жамоавий ижодий иш методлари (И.П.Иванов); эркинлик педагогикаси ва педагогик қўллаб-қувватлаш (О.С.Газман); шахсга йўналтирилган таълимнинг дидактик моделлари (В.В.Сериков); педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш (С.В.Кульневич) кабилар бунга мисол бўла олади. Мазкур тадқиқотлар негизида ифодаланган ғоя: дунёвий таълимнинг илмий-техник тараққиётга ўтиш парадигмасидан, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга асосланган шахсга йўналтирилган ҳамда ўз фаолиятини ижодий татбиқ этишга қаратилган инсонпарварлик парадигмасига ўтмоқда[139].

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг умумий қонуниятларини таҳлил қилган яна кўплаб тадқиқотчилар (И.Б.Котова, С.А.Смирнов, Э.Х.Шиянов) ўз изланишларида инсонпарварлаш-

[139] Бердиева М.М. Замонавий мактабгача таълимда бола шахсини қўллаб-қувватлаш масалалари // Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновациялар ва истиқболлар. Халқаро илмий конференция. –Т., 2018. –Б.180.





тиришнинг энг муҳим хусусиятлари деб қуйидагиларни белгилашади: "Таълим – ақлий хусусият ва вазифаларни шакллантириш жараёни сифатида ўсиб бораётган шахс ва ижтимоий муҳит билан ўзаро боғлиқ таъсирга эга"; "Шахснинг умуммаданий, ижтимоий-ахлоқий ва касбий ривожланиши қанчалик уйғун бўлса, у шунчалик эркин ва ижодий шахсга айланади"; "Шахснинг умуминсоний маданият билан уйғун ҳолда ривожланиши асосий ижтимоий маданиятнинг ривожланиш даражасига боғлиқ"; "Халқнинг маданий-тарихий анъаналарини, уларнинг умуминсоний маданият билан бирлигини ҳисобга олган ҳолда янги ўқув режалар ва дастурлар яратиш энг муҳим шартлардан биридир"; "Ўқувчи таълим олишнинг субъекти сифатида фаолият юритганда шахснинг умумий, ижтимоий-ахлоқий ва касбий ривожланиш жараёни ҳар тарафлама маъқул хусусиятига эга бўлади"; "Мулоқотли ёндашув тамойили таълим олувчининг шахсий тенг ҳолатини, ҳамкорликдаги инсонлар ҳолатида ўзгартиришни тақозо этади"[140].

Юқоридагиларни умумлаштириб, инсонпарварлик фалсафасининг асоси шахс бўлиб, унинг асосий фаолияти келажакка интилиш, унинг ижодий салоҳиятини эркин амалга ошириш, ўзига ишониш ва ўз "мен"ига эришиш имкониятидир, дейиш мумкин.

Инсон манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унинг ривожланиш истиқболларини таълимни инсонпарварлаштиришнинг асосий тамойиллари сифатида белгиланадиган **инсонпарварлик, мустаҳкам асослилик ва аниқ фаолият йўналишининг** танланиши муҳимлиги орқали келтириш мумкин.

**Инсонпарварлаштиришнинг асосий тамойили бўлган инсонпарварлик** таълим мазмунини ўзлаштиришнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, даражаси ва ҳолатидан қатъи назар, таълимдаги асосий ижтимоий муаммоларни инсон номи билан эркин мулоқот қилиш орқали амалга ошишини таъминлайди. Ушбу чора-тадбирлар тизими таълим мазмунидаги умумий маданий таркибий қисмларни биринчи ўринга қўйиш, шу билан ўқувчиларнинг шахсий етуклигини шакллантиришга йўналтириш орқали амалга оширилади.

[140] Педагогика: педагогические теории, системы, технологии: Учеб. для студ. высш. и сред. учеб. заведений / С.А.Смирнов, И.Б.Котова, Е.Н.Шиянов и др.; Под ред. С.А.Смирнова. 3-е изд., испр. и доп. –М.: Издательский центр "Академия", 1999. –С.37.

Таълимни инсонпарварлаштириш ғоясини таҳлилини давом эттириб, умумтаълим, умумилмий, умумкасбий назарий тайёргарликни чуқурлаш-тириш, узлуксизлик ва тартиб-интизомлараро алоқаларни ўрнатишни назарда тутадиган **мустаҳкам асослилик тамойилини** эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Унинг маъноси таълимни одамларнинг моддий ва маънавий, назарий ва амалий фаолиятининг ҳақиқий пойдеворига айлантиришдан иборат. Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, билим даражасининг муҳимлиги ёш авлодни замонавий ҳаётга тайёрлаш имконини беради.

Инсонпарварлаштириш ғоясининг **фаолият йўналиши тамойили** таълимни муҳокама қилиш, биринчи навбатда, фаол йўналишга қаратиш асосида инсон қобилиятини шакллантириш муҳимлигини кўрсатади. Таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлган билим унинг фақат таркибий қисмидан бири бўлиб, улар орасида ***"фаолият – асосий восита, қурол"*** эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси таълим тизимларининг ислоҳ қилишда фаолият йўналишининг танланиши муҳимлигини англаб етганлар. Таълимга нисбатан мазкур ёндашувнинг муҳимлигини америкалик таниқли тадбиркор **Джон Гриллос** жуда аниқ ифодалайди. Унинг фикрича, ўқувчилар у ёки муайян ўзлаштираётган билимларининг мустаҳкамлик даражаси унча муҳим эмас, чунки бу билимлар ҳар йили, баъзан ўқувчилар уларни ўзлаштиришга улгурмасларидан эскиради. Бинобарин, иқтисодиётга ахборот билан ишлашни мустақил ўрганишга, турли соҳалардаги билим ва кўникмаларини мустақил такомиллаштиришга, зарур ҳолда янги билимлар ва касбларни ўзлаштиришга қодир бўлган ёшлар келиши муҳимроқдир[141].

Таълимнинг замонавий тамойилларидан бири бўлган фаолият йўналиши тамойили маълум ижтимоий шароитда субъектив амалий фаолиятни ташкил қилишни белгилаб беради. Бу тамойил таълим жараёнида "шахсият" тушунчасини ўзгартириб, биринчи навбатда, унинг ижтимоий фазилатларига қўшимча равишда унинг таълимда мустақиллигининг ортишига, танлаш, ўзини ўзи бошқариш каби қобилиятларни тавсифловчи турли субъектив хусусиятларга эга

[141] Файзуллаева Н.С. Таълимни тоифалаштириш масалалари.// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. № 2, 2013. –Б. 93.





бўлишига олиб келади. Бунинг натижаси ўларок, унинг педагогик жараёндаги ўрни ўзгариб, педагогик жараён асосини ташкил этувчи "мавзу" ўрнига кўтарилади. Бунинг энг муҳим шартларидан бири ўқитувчида ўқувчиларга нисбатан инсонпарварлик механизмлари, яъни уларнинг қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш, ҳар бир ўқувчига нисбатан ҳиссий ҳолатидан келиб чиқиб, онгли ҳамдардлик билдириш, ишонч ва мулоқотли суҳбатлар муносабатида бўлиш кабиларни қўллашга туртки бўлади.

Бу эҳтиёжга асосланган шахс "вазиятда мустақил ҳаракат қилиши, фаолият йўналиши бўйича янги зарур билимларга эга бўлиши, объектив қонунлар ва мақсадига эришиш учун мўлжаллан-ган шартларга мувофиқ ҳаракат жараёнида ишлашнинг аниқ усуллари ва воситаларини аниқлаш, уларни янада такомиллаштириш орқали мақсадга эришиш"ни ҳисобга олиши муҳим[142]. Бу таълим жараёнида субъектнинг ролини оширишга имкон беради. Фаолият йўналиши муҳимлиги ўқитувчининг таълимни инсонпарварлаштириш тамойилининг муҳим ўлчовидир.

Бундан ташқари, ўқувчи-талабаларнинг туғма қобилияти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик дунёвий, маънавий бойликлардан баҳраманд этиш, шахс, жамият ва атроф муҳит муносабатларида уйғунликка эришиш, "Устоз-шогирд"ликнинг тарихий анъаналари асосида самимий муносабатларни ўрнатиш таълимни инсонпарварлаштиришнинг негизини ташкил этади[143].

Бугунги кунда таълимни инсонпарварлаштириш умумий ўрта таълим мактаблари билан ўзаро ҳамкорлик, ўқувчига ғамхўрлик кўрсатиш, эъзозлаш, кечиримли бўлиш, ўзини ўзи ривожлантириш муҳитини шакллантириш, психологик соғлом муҳит яратиш, ижодий муҳит, дўстона муносабатда иш юритиш, ўқувчи эҳтиёжи, қизиқиши, шахсий фазилати, иқтидорини ишга солиш кабилар-ларни тақозо этади[144].

Ушбу мезонлар яна бир бор таълимни инсонпарварлаштириш жараёни биринчи навбатда, унинг мақсади ва натижаларини болага

[142] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. – М.: Эгвес, 2000. –С.91.
[143] Атаева Н., Салаева М. ва б. Умумий педагогика. Дарслик II китоб. –Т.: 2013. –Б.91.
[144] Рахмонов А.Р. Инновацион таълим кластери ўкув фаолиятига самарали усул сифатида // Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар. Том II, 2019, Чирчиқ. –Б.47.

Таълимни инсонпарварлаштириш ғоясини таҳлилини давом эттириб, умумтаълим, умумилмий, умумкасбий назарий тайёргарликни чуқурлаш-тириш, узлуксизлик ва тартиб-интизомлараро алоқаларни ўрнатишни назарда тутадиган **мустаҳкам асослилик тамойилини** эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Унинг маъноси таълимни одамларнинг моддий ва маънавий, назарий ва амалий фаолиятининг ҳақиқий пойдеворига айлантиришдан иборат. Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, билим даражасининг муҳимлиги ёш авлодни замонавий ҳаётга тайёрлаш имконини беради.

Инсонпарварлаштириш ғоясининг **фаолият йўналиши тамойили** таълимни муҳокама қилиш, биринчи навбатда, фаол йўналишга қаратиш асосида инсон қобилиятини шакллантириш муҳимлигини кўрсатади. Таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлган билим унинг фақат таркибий қисмидан бири бўлиб, улар орасида ***"фаолият – асосий восита, қурол"*** эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг деярли барчаси таълим тизимларининг ислоҳ қилишда фаолият йўналишининг танланиши муҳимлигини англаб етганлар. Таълимга нисбатан мазкур ёндашувнинг муҳимлигини америкалик таниқли тадбиркор **Джон Гриллос** жуда аниқ ифодалайди. Унинг фикрича, ўқувчилар у ёки муайян ўзлаштираётган билимларининг мустаҳкамлик даражаси унча муҳим эмас, чунки бу билимлар ҳар йили, баъзан ўқувчилар уларни ўзлаштиришга улгурмасларидан эскиради. Бинобарин, иқтисодиётга ахборот билан ишлашни мустақил ўрганишга, турли соҳалардаги билим ва кўникмаларини мустақил такомиллаштиришга, зарур ҳолда янги билимлар ва касбларни ўзлаштиришга қодир бўлган ёшлар келиши муҳимроқдир[141].

Таълимнинг замонавий тамойилларидан бири бўлган фаолият йўналиши тамойили маълум ижтимоий шароитда субъектив амалий фаолиятни ташкил қилишни белгилаб беради. Бу тамойил таълим жараёнида "шахсият" тушунчасини ўзгартириб, биринчи навбатда, унинг ижтимоий фазилатларига қўшимча равишда унинг таълимда мустақиллигининг ортишига, танлаш, ўзини ўзи бошқариш каби қобилиятларни тавсифловчи турли субъектив хусусиятларга эга

[141] Файзуллаева Н.С. Таълимни тоифалаштириш масалалари.// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. № 2, 2013. –Б. 93.





бўлишига олиб келади. Бунинг натижаси ўларок, унинг педагогик жараёндаги ўрни ўзгариб, педагогик жараён асосини ташкил этувчи "мавзу" ўрнига кўтарилади. Бунинг энг муҳим шартларидан бири ўқитувчида ўқувчиларга нисбатан инсонпарварлик механизмлари, яъни уларнинг қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш, ҳар бир ўқувчига нисбатан ҳиссий ҳолатидан келиб чиқиб, онгли ҳамдардлик билдириш, ишонч ва мулоқотли суҳбатлар муносабатида бўлиш кабиларни қўллашга туртки бўлади.

Бу эҳтиёжга асосланган шахс "вазиятда мустақил ҳаракат қилиши, фаолият йўналиши бўйича янги зарур билимларга эга бўлиши, объектив қонунлар ва мақсадига эришиш учун мўлжалланган шартларга мувофиқ ҳаракат жараёнида ишлашнинг аниқ усуллари ва воситаларини аниқлаш, уларни янада такомиллаштириш орқали мақсадга эришиш"ни ҳисобга олиши муҳим[142]. Бу таълим жараёнида субъектнинг ролини оширишга имкон беради. Фаолият йўналиши муҳимлиги ўқитувчининг таълимни инсонпарварлаштириш тамойилининг муҳим ўлчовидир.

Бундан ташқари, ўқувчи-талабаларнинг туғма қобилияти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик дунёвий, маънавий бойликлардан баҳраманд этиш, шахс, жамият ва атроф муҳит муносабатларида уйғунликка эришиш, "Устоз-шогирд"ликнинг тарихий анъаналари асосида самимий муносабатларни ўрнатиш таълимни инсонпарварлаштиришнинг негизини ташкил этади[143].

Бугунги кунда таълимни инсонпарварлаштириш умумий ўрта таълим мактаблари билан ўзаро ҳамкорлик, ўқувчига ғамхўрлик кўрсатиш, эъзозлаш, кечиримли бўлиш, ўзини ўзи ривожлантириш муҳитини шакллантириш, психологик соғлом муҳит яратиш, ижодий муҳит, дўстона муносабатда иш юритиш, ўқувчи эҳтиёжи, қизиқиши, шахсий фазилати, иқтидорини ишга солиш кабиларни тақозо этади[144].

Ушбу мезонлар яна бир бор таълимни инсонпарварлаштириш жараёни биринчи навбатда, унинг мақсади ва натижаларини болага

[142] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. – М.: Эгвес, 2000. –С.91.
[143] Атаева Н., Салаева М. ва б. Умумий педагогика. Дарслик II китоб. –Т.: 2013. –Б.91.
[144] Рахмонов А.Р. Инновацион таълим кластери ўқув фаолиятига самарали усул сифатида // Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар. Том II, 2019, Чирчиқ. –Б.47.

энг юксак қадрият сифатида йўналтириш, унинг иштирокчиларининг ушбу ғояга асосланган дунёқарашини ўзгартириш; инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш; боланинг табиатга муносабатиниинг ривожланиши, унинг соғлигини сақлаб қолиши ва мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиш; ўзаро муносабатларнинг шахсий йўналтирилган моделига асосланган муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳақиқат эканлигини исботлайди.

Тадқиқотимизнинг асосини инсонийлик фалсафаси ташкил этар экан, таълим-тарбия жараёнида ўқувчини педагогик қўллаб-қувватлаш узвий тарзда ўзбек халқининг миллий анъаналари, фалсафаси, инсонийлик ва педагогика назарияси билан боғланади. Бу назариянинг илдизлари ўзбек халқининг инсонпарварлиги ва маданияти билан бевосита боғлиқ.

Хуллас, таълимни инсонпарварлаштириш ғояси орқали ривожлантириш замонавий жамиятдан юқорида келтирилган тамойилларни таълим жараёнларига татбиқ этган ҳолда минтақавий, худудий ва мактабларaро даражаларда ҳал этишни талаб қилади. Жамиятнинг барқарор ва изчил ривожланишида таълим сифатини бошқариш ва ташкил этиш самарадорлигини оширишга янгича ёндашувларни излаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу таълимга аниқ интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш қобилияти орқали амалга оширишни белгилаб беради. Жамият ва давлат ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ва демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгиланишини, ривожланишини белгилаб бериши бугунги кун таълим сифати таъминланишининг муҳим шартларидан бири бўлмоқда.

Таълимни ривожлантиришнинг яна бир муҳим ғояси узлуксиз таълим ғоясидир (А.М.Новиков, Г.П.Толкачев ва бошқалар). Ушбу ғоя, бир томондан, таълим сифатини оширишнинг шарти ҳисобланса, иккинчи томондан, таълим тизимини яхлит тизим сифатида қуришда замонавий ижтимоий мойилликларни акс эттирадиган энг муҳим ижтимоий-педагогик тамойил ҳисобланади.

Аввало, шуни эътиборга олиш керакки, анъанавий равишда ўрганилаётган илмий атамада узлуксизликка доимий таълим жараёни сифатида қаралади – замонавий жамиятда ҳаётнинг тез





ўзгариб бориши муносабати билан инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўз устида ишлаши назарда тутилади.

Аксарият тадқиқотчилар узлуксиз таълимни – тўла-тўкис қамраб олувчи, суръат ва йўналишга қараб индивидуаллашган, ҳар бир кишига таълим олиш учун ўз дастурини амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи маориф феномени сифатида белгилайдилар (Б.С.Гершунский, Г.М.Коджаспирова, П.И.Третяков ва бошқалар).

Бугунги кунда ҳар бир инсон ва жамиятдан узлуксиз ўқув жараёнига замонамизнинг асосий вазифа сифатида қараш талаб қилинади.

Узлуксиз таълим тузилиши, тадқиқотчи Г.М.Коджаспирова фикрига кўра, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган тўртта йўналишдан иборат:

✓ биринчиси – таълим тизимидаги анъанавий алоқаларни янада такомиллаштиришга қаратилган;

✓ иккинчиси – таълим ва ўз устида ишлашнинг ижтимоий шаклларини жадал ривожланиш жараёнини акс эттиради;

✓ учинчи – касбий йўналтириш ва касб танлашнинг ягона давлат ва жамоат тизимини яратиш ва такомиллаштириш зарурияти билан белгиланади;

✓ тўртинчиси – илғор кадрлар тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим ва ўз-ўзини тарбиялашни ривожлантириш билан боғлиқ[145].

Рус тадқиқотчиси А.М.Новиков асарларида, “узлуксиз таълим” тушунчаси мазмун-моҳиятининг батафсил тақдимотини учратиш мумкин, унга кўра, “бу вазиятда узлуксиз шахс, инсон доимий равишда, нисбатан узоқ танаффусларсиз таълим олади”. Бу ҳолда, муаллиф, шахснинг таълим маконидаги ҳаракатининг учта йўналишини тахмин қилади. “Олдинга ҳаракат йўналиши”га – мавжуд малака ошириш сифатида қаралади. “Юқорига қараб ҳаракатланиш йўналиши”га – таълимда янги даражалар олиш сифатида қаралади. “Горизонтал, ёнма-ён ҳаракат йўналиши”га таълимни узайтиришдаги ўзгариш сифатида қаралади. Таълимнинг узлуксизлиги қуйидагича тоифаланади:

[145] Коджаспирова Г.М. Культура профессионального самообразования педагога. Пособие / Под ред. д-ра психол. наук, акад. Ю.М.Забродина. –М., 1994. С.45.

- ўқув жараёни (ўқув дастурлари). Бу ҳолда, ўқув жараёнидаги узлуксизлик, шахс – таълим жараёнининг барча босқичларида ўқув жараёнига жалб этилганлигининг ўзига хос хусусияти сифатида хизмат қилади;

- таълимнинг ташкилий тузилмаси. Бу ҳолда, таълим хизматлари маконини ташкил этувчи, таълим дастурларининг узвий боғлиқлиги ва давомийлигини таъминловчи, жамиятда ва ҳар бир алоҳида минтақада юзага келадиган кўплаб таълим эҳтиёжларини қондира олувчи, таълим муассасалари тармоғининг ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги номенклатураси – узлуксизлик орқали тавсифланади.

Бу ўринда "Таълимнинг узлуксизлиги – шахснинг таълим соҳасидаги кўп ўлчовли ҳаракатланишини ва унинг ҳаракатланиши учун мақбул шарт-шароитларни яратишни таъминлаши керак"[146], деган фикрга тўлиқ қўшиламиз.

Узлуксиз таълим муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар доирасида янги ва анча мураккаб бўлган ушбу ғоянинг асосий тамойилларини қисқача баён қиламиз. Ушбу тамойиллар таркибини уларни амалга ошириш шартлари орқали тақдим этиш етарли деб ҳисоблаймиз.

**Биринчи тамойил** – базавий таълим тамойили, инсоннинг барча мумкин бўлган йўналишлар бўйлаб таълим соҳасидаги кейинги ҳаракатланиши учун замин яратиши шартларини бажариш орқали кўриб чиқилади.

**Иккинчи тамойил** – кўп босқичлилик, кўп даражали ўқув дастурларини жорий этиш орқали амалга оширилади.

**Учинчи тамойил** – асосий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни тўлдириш (бир-бирини тўлдирувчи), мутахассисни муайян иш жойида ишлаш учун қўшимча тайёрлаш ва қайта тайёрлаш шартларини ўз ичига олади; шахснинг ўзини англашини шакллантириш; фан, техника ва технология янгиликлари билан даврий танишиш (ўзлаштириш); катта ёшлилиар учун норасмий таълимни ривожлантириш.

**Тўртинчи тамойил** – таълим дастурларининг ҳаракатчанлиги, турли йўналиш, даража ва босқичлардаги ўқув дастурлари-

[146] Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия,векторы развития. – М.: Эгвес, 2000. –С.202.





нинг таркибини "туташтириш" технологиясини яратишни англатади.

**Бешинчи тамойил** – таълим дастурларининг давомийлиги (узвийлиги), барча даражадаги ўзаро боғланган таълим стандартлари ва таълим дастурлари.

**Олтинчи тамойил** – таълим тузилмаларининг интеграцияси, таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ўқув муассасаларидан ўқув дастурларига ўтказиш орқали тақдим этилади; интеграциялашган ўқув муассасаларини ривожлантириш (кўп босқичли, кўп тармоқли, кўп вазифали); ягона республика таълим маконини яратиш.

**Еттинчи тамойил** – ташкилий шаклларнинг мослашувчанлигига кундузги, сиртқи ва кечки таълим шакллари, очиқ таълим (ўқитиш), ташқи тадқиқотлар ва бошқаларни ривожлантириш орқали эришилади.

Кўриниб турибдики, узлуксиз таълим ғояси ўрганиш сифатида эмас, балки, таълим ва шу билан боғлиқ фаолият жараёнида шахснинг ривожланиши сифатида тушунилмоқда. Олинган маълумотлар бизга ушбу ғоянинг кўп қиррали моҳиятини чуқуррок ва тўлиқ англашга, таълимни узлуксиз ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш сифатида тушунишга имкон беради.

Таълимни ривожлантириш ғоялари билан танишиб чиқишда давом этар эканмиз, танланган муаммони ўрганишда тўртинчи ғоя бўлмиш илғор таълим ғоясига тўхталиб ўтиш лозим.

Илғор таълим "турли ижтимоий фаолият субъекти бўлмиш шахс учун, истиқболли талабларни башорат қилиш асосида шакллантирилган таълим" сифатида кўрилади[147].

Тадқиқотда, "универсал сифат менежменти" концепцияси доирасида ўрганиладиган ва ечим топадиган, барча фаолият турларини, шу жумладан, таълимни ривожлантириш жараёнини қамраб оладиган сифат муаммосига алоҳида эътибор қаратилади.

Тадқиқотда *сифат* деганда, объект ёки предметнинг зарур, нисбатан барқарор хусусиятлари ва тавсифлари йиғиндиси тушунилади. *Сифат* "объектнинг аниқлигини ифода этувчи тоифа"

[147] Вишнякова С.М. Профессиональное образование: Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. –М.: НМЦСПО, 1999. –С.213

сифатида таърифланади, айнан шу тоифа сабабли, у сифат ҳисобланади, бошқа нарса эмас"[148].

Объектлар ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатдан аниқлиги уларни барқарорлаштирадиган нарса бўлиб, уларни ажратиб туради ва дунёнинг чексиз хилма-хиллигини яратади.

Сифат предметнинг муҳим аниқлиги бўлиб, айнан сифат асосида у бошқа объект эмас, балки бошқа объектлардан фарқ қилиши тушунилади.

Таълим сифати кўп қиррали маънога эга ва турли хил таълим ёндашувлари билан боғлиқ.

**Ижтимоий ёндашувга** кўра, таълим сифати чегара сифатида қабул қилиниб, ушбу чегара доирасида ўқувчи таълимни ижтимоий ҳаракатларга айлантиради.

**Бихевиористик ёндашув** таълим сифатини ўзгача йўналишда кўриб чиқади, унга кўра, ўқувчиларни кузатилиши ва уларнинг ҳаракатлари маълум бир йўналишда белгиланиши аниқ ва такрорий таълим стандартларида сифатни ўлчашга имкон беради.

**Танқидий ёндашувга** кўра, таълим сифатини аниқлаш, таълим натижаларидан фойдаланишда тенгликнинг мавжуд эмаслиги ва таълимнинг мавжуд ижтимоий тузилмаларни қонунийлаштириш ва кўпайтиришдаги ролига қаратилади.

Бундай ҳолда, таълим сифати ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантиради, ижтимоий кучнинг танқидий таҳлилини қўллаб-қувватлайди ва талабанинг ўз таълимини қуришда фаол иштирок этишини таъминлайди.

**Анъанавий ёндашув** таълимнинг асосий йўналишларини рад этади, унинг маҳаллий шароитларга мослигини таъминлайди ва бутун ҳамжамиятнинг билимларини ўз ичига олади.

**Комплекс ёндашувда** таълим сифати шахс шаклланишининг барча босқичларини, ўқув-тарбия жараёнининг шартлари ва натижаларини, шунингдек, ўқув юрти фаолиятининг самарадорлиги, ҳақиқий натижаларнинг меъёрий, ижтимоий ва шахсий талабларга мувофиқлигини мезонлаштирувчи кўрсаткич сифатида қаралади.

[148] Вишнякова С.М. Профессиональное образование: Словарь. Ключевые понятия, термины, актуальная лексика. –М.: НМЦСПО, 1999. –С.121.





Тадқиқотчиларнинг таълим сифати бўйича кенг қарашларига қарамай, аксарият миллий таълим стратегиялари таълим сифатининг иккита асосига аниқлик киритади: таълим олувчиларнинг когнитив ривожланиши ҳамда ижтимоий, ижодий ва ҳиссий ривожланиши.

Когнитив, ижтимоий, ижодий ва ҳиссий ривожлантириш деярли ҳар қандай таълим тизимининг асосий мақсади, аммо бу ўқувчиларнинг бундай ютуқларини ўлчаш ҳозирги кунгача ҳам мунозарали ва муаммоли масала бўлиб қолмоқда.

"Дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан қабул қилинган барқарор ривожланишнинг янги моделида инсон сифатининг устувор ривожланиши, жамиятдаги таълим тизимининг сифати ва жамоатчилик онгининг ривожланиши етакчи қонунга айланмоқда.

Таълим ва интеллектуал ресурсларнинг сифати дунёдаги асосий геосиёсий омилга айланмоқда"[149].

Сўнгги пайтларда таълим ва тарбия сифати, ёш авлодни тайёрлаш, мамлакатларнинг ривожланиш даражасини белгилаб, уларнинг хавфсизлиги ва потенциалини таъминлайдиган стратегик соҳага айланиб бормоқда.

Таълим олувчиларнинг талабларига йўналтирилганлик ва уларнинг таълим олиши ва ривожланиши учун мақбул шароитларни яратиш, аксарият мамлакатларда таълимнинг юқори даражасини таъминлашнинг марказий тенденцияларига айланмоқда.

Ж.И.Харви тадқиқотларида, таълим сифати кўп томонлама ўрганилган бўлиб, у таълим сифати бўйича қуйидаги фикрларни тақдим қилади:

- **Ўзгариш потенциали сифатида**: ижтимоий ёки шахсий ўзгаришлар – таълимни йўналтиради, сифатли таълим – индивид ва жамиятдаги ижобий ўзгаришлар катализатори, таълим ижтимоий ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди.

- **Эксклюзивлик сифатида**: мукаммаллик – таълимни йўналтириш, сифатли таълим – тақлид қилишга арзийдиган таълим, мактаблар ҳар бир ўқувчининг максимал имкониятларига эришишга ҳаракат қилишлари керак.

[149] Ковалева Г.С. Оценка качества образования // Школьные технологии. 2006. № 5. –С.150.

**Бир хиллик сифатида**: тенглик – таълимни йўналтиради, сифат объективликни талаб қилади, мактаблар ва синфлар ўқувчиларга бир хил ҳаётий тажрибани тақдим этишлари керак.

**Эҳтиёжларни қондириш сифатида**: фан соҳаларининг мукаммаллиги таълимни йўналтиради, сифат талабаларни махсус ижтимоий ролларга тайёрлаш сифатида кўрилади.

**Ўз қийматига эга нарса сифатида**: таълим индивидуал ва давлат инвестицияларининг ўринли мувофиқлигини акс эттиради, таълим сифати инвестициялар эквивалентлиги ўлчови сифатида тушунилади.

Таълим ва билим олиш – таълим сифатини аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Улар дарс вақти, ўқитиш усуллари, баҳолаш тизими, қайта алоқа, рағбат ва синфдаги ўқувчилар сонини ўз ичига олади.

Натижалар, жумладан, саводхонлик ва ҳисоблаш, ижтимоий, ижодий ва ҳиссий кўникмалар, қадриятлар ва ижтимоий имтиёзлар таълим сифатини баҳолаш учун энг аниқ кўрсаткичлар ҳисобланади.

Таълим сифатини баҳолашнинг самарали тизимини яратиш, кўплаб мамлакатларда таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир.

Умумевропа таълим маконида билим, компетенция ва кўникмаларнинг юқори даражаси инсонларнинг ижтимоий бирлашуви, уларнинг фаол ва тўлиқ ҳаёти ва бандлиги учун асосий шарт ҳисобланади.

Узлуксиз таълим – шахснинг касбий ва шахсий камолотида муҳим рол ўйнайди, юқори даражадаги таълим, айниқса, глобал бозор талаблари, эркин меҳнат қилиш шароитида муҳимдир.

Таълим сифатини таҳлил қилиш кўплаб тадқиқот лойиҳалари ва ташаббусларининг асосий вазифасига айланмоқда.

Натижада “Педагогик таълим инновацион кластери” бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умумтаълим мактабларида таълим сифати билан боғлиқ маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва ҳисоботларни тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди.

Таълим сифатини баҳолашнинг бир қатор кўрсаткичлари аниқланиб, қуйидаги жабҳаларда бирлаштирилган: натижавийлик





даражаси, ютуқлар ва ҳаракат, мактаб таълими мониторинги, ўқув ресурслари ва тузилмалари.

Шундай қилиб, кўрсаткичлар қиёсий таққослашга, муаммолар ва саволларга жавоб беришга, натижада, ҳар бир минтақада қарорлар қабул қилишни таъминлайдиган турли хил таълим амалиётининг намуналари пайдо бўлишига олиб келади.

Кўрсаткичлар келажак учун бешта муҳим муаммоларни аниқлашга ёрдам берди: билим масаласи; қайта марказлаштириш масаласи; ресурслар муаммоси; ижтимоий интеграция муаммоси; маълумотлар ва таққослаш муаммоси.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, билим муаммоси, мактаб тизимининг меҳнатга, ижтимоий ҳаётга ва умр бўйи ўқишга тааллуқли вазифаларига тегишлидир.

Ахборот портлаши “билим” тушунчасини тубдан қайта кўриб чиқишни, уни ўқитувчилар томонидан трансляция қилинишини ва талабалар томонидан ушбу билимларни эгалланишини талаб қилади.

Бугунги кунда, бутун дунё таълимни сармоя сифатида қабул қилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, масаланинг ечими – анъанавий таълим тизимига катта ўзгартиришлар киритишда яширинган. Бу инсонларга мактабдан ташқари билим олиш имкониятини яратади, бу ўз ўрнида, уларнинг глобал иқтисодиётда заиф бўлмаслигига имкон берадиган кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради.

Маълумотлар таққосланиши муаммоси шуни кўрсатадики, мамлакатлар энди ўз қўшниларига назар ташлашлари, ўзларини улар билан солиштиришлари ва улардан энг яхши таълим амалиётларини жалб қилишлари керак.

Қиёсий таққослаш – миллий, минтақавий ва ҳар бир мактаб кесимидаги самарадорлик кўрсаткичларига ўзгача назар ташлашга имкон берди.

Қиёсий таққослаш фақат ахборот сифатида қўлланилишига қарамай, кўпинча жиддий таҳдидларни аниқлашда қўл келиши мумкин.

Илгари салбий ҳаракат сифатида қабул қилинган таққослаш усули самарадорликни ошириш воситасига айланиши керак.

Бизнинг фикримизча, таққослаш болалар аввало ўрганадиган стандартлардан бошланиши лозим.

Бундай маълумотлар ўкитиш сифати ва самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Бундай маълумотларга эга бўлган эҳтиёж – таққосланадиган маълумотларнинг мавжудлиги ва универсал маълумотларнинг йўқлиги масаласини кўтаради.

Таълимнинг барча ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги умумий таълим сифатини бошқариш жараёнида зарур бўлган фаолият таркиби вазият ва шароитлар уйғунлигини таъминлайдиган, таълимда самарали бошқарувни белгилайдиган кластер муҳитини яратиш билан ҳудудий тизимлар ва умумий таълим муассасаларини гуруҳлаштириш орқали мониторинг ишлари, таълимга янгича ёндашувлар, минтақада умумий таълим сифатини бошқариш моделини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Таълим инсонни билимлар билан қуроллантирибгина қолмаслиги, балки уни шахс сифатида камол топтириши ва такомиллаштириши зарур. Сўнгги йилларда таълимни инсонпарварлаштириш ғояси кенг татбиқ этилмоқда. Жамият ва таълимни инсонпарварлаштириш муаммоси таълимнинг оғзаки ахборот усулини унумли, яратувчилик усулига айлантириш билангина ҳал бўлиб қолмай, таълим мазмунини инсонпарвар қилишни татбиқ қилиш, яъни шахсда маданиятни шакллантиришда фанларнинг ролини ошириш, халқ маданиятининг барқарор бойликларини тушуниш, табиий-илмий ва техника фанларини экологик ҳамда ижтимоий аҳамиятли жиҳатлар билан бойитиш кабиларни таълимга татбиқ қилишдан иборат бўлиши шартлигини белгилаб беради. Таълимни инсонпарварлаштириш ғоясининг энг муҳим зарурати – ўқувчиларга фақат маълум бир соҳада ёки қийматда билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш имконидан ташқари уларни маданияти, унинг бойликлари ва хилма-хиллигига жалб этишидир.

Таълим сифатини такомиллаштириш бўйича юқорида келтирилган хусусиятларни нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан, мамлакатимизда, аниқроқ айтадиган бўлсак, Тошкент вилоятида кластерлашган таълимни ривожлантириш бўйича минтақавий дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги ва амалда татбиқ этилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда





тадқиқотда қўлланилган усуллар сифатида "Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончалари фаолиятини йўлга қўйишда ҳам бевосита йўналишлар кесимида алоҳида лойиҳа гуруҳлари фаолият олиб бораётганлиги, бу гуруҳлар Тошкент вилояти ХТБ билан келишилган ҳолда инновацион лойиҳани тажриба синовдан ўтказиш дастурларини ишлаб чиққанлиги ва ушбу дастурлар орқали тажриба-синов ишларининг назарий ва амалий фаолияти тартибга солинаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак.

Шундай қилиб, таълимни ривожлантириш назариясининг юқорида келтирилган тамойиллари таҳлили унинг сифати ва хусусиятларини замонавий жамиятда ушбу муаммони жамоат талабларига, муайян ҳудудларнинг манфаатлари ва таълим эҳтиёжларига қаратилган минтақавий, шаҳар ва мактаблар даражасида ҳал қилинишини таклиф қилади, деган хулосага келамиз. Шунинг учун таълим сифатини ошириш ва уни ташкил этиш таълим тизимида барқарор ва изчил ривожланиш, интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш қобилиятини белгиловчи янгича ёндашувларни татбиқ этишни талаб қилади.

Бугунги кунда Чирчиқ давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган таълим кластерлари доирасидаги амалиётларда таълим сифатини такомиллаштириш ва уни демократлаштириш-нинг юқорида эътироф этилган тамойиллари татбиқ этиш таклифлари берилмоқда.

Таълим сифати ва уни демократлаштириш ғоясининг таълим тизимидаги заруратидан келиб чиқиб, қуйидаги **хулосаларга** келишимиз мумкин:

- Таълимнинг ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги умумий таълим сифатини бошқариш жараёнида зарур бўлган фаолият таркиби вазият ва шароитлар уйғунлигини таъминлайдиган, таълимда самарали бошқарувни белгилайдиган кластер муҳитини яратиш билан ҳудудий тизимлар ва умумий таълим муассасаларини гуруҳлаштириш орқали мониторинг ишлари, таълимга янгича ёндашувлар, минтақада умумий таълим сифатини бошқариш моделини ишлаб чиқишни тақозо этади.
- Таълим сифатини оширишга замонавий ёндашувларнинг татбиқ этилиши, уни субъективлик, таркиб, тузилиш, ривожланиш,

шахс эхтиёжларини мувофиқлаштириш каби хусусиятлар орқали давлат ва жамиятни ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ҳамда демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгиланиши ва ривожланишини белгилаб беради.

➢ Таълим сифатини демократлаштириш ғоясининг назарий асосларини таҳлил қилиш орқали минтақанинг умумий таълим сифат менежментининг асосий хусусиятларини ҳар томонлама янгилаш ва ривожлантиришни амалга ошириш имконияти яратилади.

➢ Таълим жараёнларида ҳам таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатларда демократлаштириш ғоясининг самарали ва натижавий тамойилларини татбиқ этиш асосида минтақанинг умумий таълим сифати самарадорлигини такомиллаштириш вужудга келади.

➢ Таълим сифатини такомиллаштиришда кластер ёндашуви давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни демократлаштириш ғояси орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради.

➢ Кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилотлар ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

Узлуксиз таълим тизимида ўқув, ўқув-услубий, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий соҳаларнинг, хусусан, фан, таълим-тарбия ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси мукаммал тарзда амалга оширилмас экан, таълим сифати ва унинг натижавийлиги баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бобидаги стратегик мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун биринчи навбатда бугунги кунда таълимнинг мазмун-моҳиятини модернизация қилиш ва унга мутаносиб ҳолда педагогик инновацион ёндашувларни мунтазам амалиётларда татбиқ этиш, ўқув жараёнларидаги фаолиятларни амалиётлар биан ташкил тиш мақсадга мувофиқдир.





# III БОБ

# “МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ” ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ СИФАТИДА

❖ “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари

❖ Мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончалари ташкил этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар

❖ “Мактаб-лаборатория”ларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қисқача тавсифи

❖ “Мактаб-лаборатория”ларда тажриба-синов ишлари мазмуни ва унда “Иқтидор” лойиҳа гуруҳини шакллантириш механизмлари

❖ Умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар, уларни “Мактаб-лаборатория”ларда ҳал этиш усул ва воситалари

**Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.**

**Ш.М.МИРЗИЁЕВ**

## 3.1. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари

Педагогик таълим инновацион кластери миллий педагогикамизда янги ҳодиса бўлиб, уни амалга оширишнинг энг асосий омилларидан бири сифатида “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларини келтириш мумкин. Модомики шундай экан, аввало, “Мактаб-лаборатория” тушунчасига изоҳ бериб ўтиш лозим бўлади.

Педагогик таълим инновацион кластери доирасида таълим турларининг илмий, назарий, амалий, методик салоҳиятларини ягона мақсадга йўналтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ёки таълим муассасаларининг муайян йўналишдаги ишларининг самарадорлигини оширишда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида тажриба-синов сифатида “Мактаб-лаборатория”лари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, **“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари** узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат. Бундан кўриниб турибдики, “Мактаб-лаборатория”лари фаолияти таълим турлари ўртасидаги ўзаро интеграция жараёнларини фаоллаштиришга, уларнинг салоҳиятларидан самарали фойдаланишга, мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг инновацион шаклларини излаб топиш ва уларнинг ечимларига нисбатан илмий ёндашувларни шакллантиришга, таълим тизимидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлашга қаратилган тажриба-синов ишларини амалга оширишдан иборат. Бу йўналишдаги ишлар шу вақтга қадар таълим тизимида тарқоқ ҳолда мавжуд эди. Аммо педагогик таълим инновацион кластери воситасида бу йўналишдаги ишлар муайян тизимга солинмоқда, кучларни бирлаштириш воситасида тизимнинг умумий салоҳиятини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Демак, “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончаларига таълим турлари ҳамкорлигининг инновацион шакли сифатида қараш, тушунчанинг моҳиятини тўғри англашни таъминлайди.





Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- *тажриба-инновацион йўналиш;*
- *илмий-услубий йўналиш;*
- *илмий тадқиқот йўналиши;*
- *ахборот-таҳлилий йўналиш.*

Ҳар бир йўналиш ўзининг муайян **вазифаларига** эга бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

*1)* таълимнинг янгиланган мазмунини амалиётга татбиқ қилиш ва апробациядан ўтказиш; касбгача ва касбий педагогик тайёрлов бўйича таълим ва тарбиянинг инновацион усуллари, шакл ҳамда технологиялари бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва татбиқ этиш – *тажриба-инновацион йўналишда;*

*2)* педагогларнинг инновацион фаолиятида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш; конференциялар, семинарлар, мастер-класслар, очиқ машғулотлар, стажировкалар, гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этиш орқали педагогик кадрларнинг касбий маҳоратини ошириш ва “Мактаб–лаборатория”да тўпланган инновацион усулларни тарқатиш – *илмий-услубий йўналишда;*

*3)* психологик-педагогик тадқиқотларни таълим амалиётларида қўллаш ва экспертиза қилиш, педагогик таълимни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда самарадорликни тадқиқ қилиш – *илмий тадқиқот йўналишида;*

4) касбгача ва касбий-педагогик тайёрлашнинг илғор усулларини ўрганиш ҳамда умумлаштириш; таълимга оид ахборот ресурсларини яратиш, жамлаш ва янгилаб бориш; оммавий ахборот воситаларида педагогик таълимнинг жозибадорлигини оширувчи ва унинг мавқеини кўтарувчи реклама маҳсулотлари, мақола ҳамда видеороликлар тайёрлаш – *ахборот-таҳлилий йўналишда.*

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **“Мактаб-лаборатория” – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини**

**ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синов майдончалари.**

Педагогик таълим инновацион кластери бир гуруҳ таълим субъектларининг инновацион маҳсулот яратиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган янги тизим бўлиб, у соҳанинг миллий ва минтақавий даражада ривожланиши учун кучли рағбат беради. Шунга кўра, кластер ёндашуви фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ҳамда амалга ошириш имконини яратади. Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоблар ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади, шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойиҳаларни амалда синаб кўриш муайян тажриба-майдончалари бўлишни талаб этади. "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари бу борада асосий бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилиб, амалда ***педагогик инкубатор*** вазифасини бажаради.

"Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари" тушунчасининг илмий истеъмолга олиб кирилиши Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолияти билан боғлиқ. Педагогик таълим инновацион кластери институтнинг стратегик тадқиқот йўналиши бўлиб, "Мактаб-лаборатория"лар ушбу илмий лойиҳанинг ядросини ташкил қилади.

Бугунги кунда Тошкент вилояти ҳудудидаги умумий ўрта таълим мактабларида худди шундай 22 та "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари ташкил қилинди. Бу борадаги ишларни тизимли ва муайян режа асосида олиб бориш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика институти ва Чирчиқ шаҳар Халқ таълими бўлимларининг "Мактаб-лаборатория" тажриба майдончаларини ташкил этиш тўғрисида"ги қўшма буйруғи, институт факультетлари ва умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ҳамкорлик шартномалари ҳамда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.





Инновацияларнинг юзага келиши учун инновацион жараёнлар кузатилиши талаб этилади. Инновацион жараёнлар эса муайян соҳада ўзгаришлар қилишга тайёргарлик кўриш, ушбу ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан асослаш, уни амалга оширишни тақозо қилади. Педагогик таълимда бу соҳага нисбатан янгича ёндашувлар, усул, восита ва шаклларнинг ўзгариши, янгиликларнинг илмий педагогик ҳамжамият томонидан қабул қилиниши ва уларнинг илмий асосланиши билан боғлиқ жараёнларда кўзга ташланади. "Мактаб-лаборатория" тажриба майдончалари ташкил қилиш институт ташаббуси билан амалга оширилган бўлсада, унинг фаолиятида умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг фаоллиги катта роль ўйнайди. Тақдим қилинаётган илмий-педагогик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш мактаб ўқитувчиларининг профессионал салоҳияти ва масъулиятига боғлиқ.

"Мактаб-лаборатория" назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш, кўникмаларни ривожлантириш мақсадига қаратилган ўқитувчиларнинг мустақил амалий ҳамда тадқиқот фаолиятининг шаклларидан биридир. "Мактаб–лаборатория"да ўқитувчиларнинг тажриба-синов ишлари уларнинг илмий тадқиқот ишларининг таркибий қисми сифатида қаралади.

"Мактаб-лаборатория" доирасида ўқитувчиларнинг асосий фаолияти инновацион тажриба-синов ишлари бўлиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

– *тажриба-синов учун зарур бўлган илмий-услубий таъминотни тайёрлаш;*
– *тажриба-синов ишининг режа-схемасини ишлаб чиқиш;*
– *тажриба-синов ишлари ўтказиш;*
– *тажриба-синов натижаларини қайд қилиш.*

"Мактаб-лаборатория"да ўқитувчининг тажриба-синов ишлари натижаси сифатида адабиётларга шарҳ, илғор ва инновацион тажрибаларни тақдим этишни, ўқитувчиларнинг очиқ ёки тажриба дарсларини, янги авлод дидактик материаллар банкини тузишни, ўқувчиларнинг ривожланишида педагогик натижалар ташхисини, ўқитувчиларнинг ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларини, тўпламларда нашр қилинган илмий мақолаларни, ўқитувчиларнинг "Йил ўқитувчиси" танловларидаги иштирокини айтиб ўтиш мумкин.

"Мактаб-лаборатория" педагогик амалиётга инновацияларни ўзлаштириш ва жорий этишни ташкил этиш бўйича педагогик фан ва амалиётнинг алоҳида шаклидир. Мактабларнинг ҳозирги ҳақиқий шароитларида инновацион жараёнларнинг хилма-хиллиги уларни тартибга солиш заруратини келтириб чиқаради. Бу мураккаб ва узоқ муддатли жараён бўлиб, унинг тузилиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, муқаррар равишда тегишли бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мактаблар негизида тажриба муҳити шароитида бошқарув тизимини лойиҳалаш "Мактаб-лаборатория"нинг тажриба фаолияти мақсад ва вазифаларини ҳал қилиш учун зарур шарт сифатида қаралади.

"Мактаб–лаборатория" доирасида раҳбар ва ўқитувчилар таркибидан бир неча йўналишларда лойиҳа гуруҳларини тузиш унинг фаолиятини тизимли ва кўп тармоқли бўлишини таъминлайди. Мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида Тошкент вилоятида ташкил қилинган "Мактаб-лаборатория"ларда қуйидаги йўналишларда лойиҳаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

- **"Бошқарув лабораторияси" йўналиши** – бир нечта инновацион тажриба-синов оқимлари шароитида инновацияларни бошқариш самарадорлигини аниқлаш мезонларини белгиловчи ресурслар ишлаб чиқиш;
- **"Инновацион бошланғич мактаб" йўналиши** – бошланғич таълимда ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнининг инсонпарварлик ғоясига асосланувчи педагогика модели лойиҳасини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; янги авлод стандартларини амалга ошириш;
- **"Иқтидор" лойиҳа йўналиши** – иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш; иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва уни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳитини яратиш;
- **"Инноватор ўқитувчи" йўналиши** – инновацион жараёнларни таълим тизимига фаол татбиқ этиш муҳити ва ахборот таъминоти яратиш, ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳаларга рағбатлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш;





- **"Таълим сифатини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти" йўналиши** – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар, лойиҳалар, илмий-педагогик адабиётлар билан таъминлаш, таълим сифатини кўтариш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш;
- **"Мактаб биродарлиги" йўналиши** – "Мактаб биродарлиги" ўқувчилар ҳамжамияти фаолияти доирасида болалар ва ёшларнинг самарали ижтимоийлашуви учун педагогик-психологик шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича бир нечта лойиҳа дастурларини тузиш ва амалга ошириш мумкин. Бу йўналишлар таълим муассасалари фаолиятинининг деярли барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, уларда амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов ишлари, албатта, таълим муассасаларининг тўлақонли фаолиятини самрадорликка олиб чиқиши назарда тутилади.

## 3.2. "Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончалари ташкил этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар

"Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаларини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий масалалар ва уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бир қатор муҳим тадбирлар мажмуасини амалга оширишни ва тушунчанинг моҳиятини тўғри англашни талаб қилади.

Аввало, тушунчанинг моҳиятини тўлароқ англаш мақсадида таърифни яна бир бор эсга оламиз: **Мактаб-лаборатория – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синов майдончалари.**

Ушбу таърифни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги муҳим тушунчалар таърифда ўз аксини топганлигини кўрамиз:

▪ педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти;

Таълим турларининг:

▪ илмий-инновацион тажриба майдончаси;

■ услубий-инновацион тажриба майдончаси;

■ таълимий-инновацион тажриба майдончалари.

“Мактаб-лаборатория”ларда таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов ишлари амалга оширилади.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг фаолиятини йўлга қўйишда чегараларни аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун “Мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари билан олиб бориладиган ҳар қандай турдаги ҳамкорлик ишлари “Мактаб-лаборатория” фаолияти доирасига тушадими?” деган саволга аниқ жавобни қарор топтириш зарур. Бу саволга нисбатан аниқ жавобни қарор топтириш мазкур йўналишдаги келгуси фаолиятнинг самарадорлигини белгилаб беради. Ушбу йўналишдаги фаолиятимизнинг дастлабки даврларида мактаб ёки мактабгача таълим муассасаларида ташкил қилинган ҳар қандай тадбирни “Мактаб-лаборатория” фаолияти билан боғлаш ҳолатлари кузатилди. Бу тушунчанинг мақсадини, моҳиятини тўғри англамаслик натижасида содир бўлди. Агар ҳар қандай ҳамкорлик “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси тушунчаси билан боғланадиган бўлса, янги лойиҳанинг мақсад-моҳиятидан узоқлашиб кетиш билан боғлиқ чалкашликлар юз беради. Яна ҳам соддароқ қилиб айтганда, калаванинг учи йўқотилади. Натижада, “Мактаб-лаборатория” доирасида олиб борилаётган илмий, методик, амалий аҳамиятга эга бўлган тажриба-синов ишларининг шу пайтгача қилинган ва қилинаётган ишлардан фарқи қолмайди. Чунки таълим турлари ўртасидаги алоқадорлик, олий таълим муассасасининг илмий салоҳиятидан мактабда, лицей ва коллежда ёки мактабгача таълим муассасаларида фойдаланиш масаласи шу пайтгача ҳам бўлган. “Мактаб-лаборатория”да мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳалар, ишланмалар, инновациялар тажриба-синовдан ўтказилиши, агар тажриба-синов ишлари муваффақиятли деб топилса, бутун тизимга оммалаштирилиши керак. Шундагина “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолияти ўзининг мақсади, мазмун-моҳиятига мос





келади. Демак, лойиҳа доирасидаги ҳамкорлик аниқ мақсадга қаратилган бўлиши лозим.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолиятининг самарадорлиги янги инновацион лойиҳалар устида ишлаш, профессор-ўқитувчиларнинг инноваторлик ва ижодкорлик салоҳиятига боғлиқ. Янги, долзарб лойиҳалар ва ишланмаларни шакллантириш масаласида тизимдаги муаммолар ва муайян йўналишларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тафтиш қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим тизимида мавжуд муаммолар “Мактаб-лаборатория” учун объект сифатида лойиҳалар учун етарлича материал бера олади. Шунингдек, “Мактаб-лаборатория” фаолият йўналишларини янада торайтириш ва аниқлаштириш ҳар бир таълим йўналишининг спецификаси билан боғлиқ янги лойиҳалар учун асос бўладиган материалларни тақдим қилади. Бу борада биз қуйидаги тадбирларни таклиф қиламиз:

**➢ ҳар бир кафедранинг мавжуд таълим йўналишларининг специфкасидан келиб чиққан лойиҳа йўналишларини аниқлаб олиш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларини тасдиқлаш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг вазифаларини белгилаб олиш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг олдига белгиланган муддатда**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг олдига белгиланган муддатда лойиҳа йуналиши бўйича биттадан янги инновацион лойиҳа ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйиш;**

**➢ таклиф қилинган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш;**

**➢ таклиф қилинган лойиҳаларни амалга ошириш**

**➢ кафедраларда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш.**

**Лойиҳа йўналишларини аниқлаб олиш** борасида Тошкент вилояти халқ таълими тизимида мавжуд муаммолар ва институти кафедралари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги лойиҳа йўналишларини таклиф қилиш мумкин:

■ ***Мактаб менежменти* таълим йўналиши учун “Бошқарув лаборатория” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа бир нечта инновацион тажриба-синов оқимлари шароитида инновацияларни бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезонларини белгиловчи ресурсларни ишлаб чиқишни назарда тутади.

- услубий-инновацион тажриба майдончаси;
- таълимий-инновацион тажриба майдончалари.

“Мактаб-лаборатория”ларда таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов ишлари амалга оширилади.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг фаолиятини йўлга қўйишда чегараларни аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун “Мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари билан олиб бориладиган ҳар қандай турдаги ҳамкорлик ишлари “Мактаб-лаборатория” фаолияти доирасига тушадими?” деган саволга аниқ жавобни қарор топтириш зарур. Бу саволга нисбатан аниқ жавобни қарор топтириш мазкур йўналишдаги келгуси фаолиятнинг самарадорлигини белгилаб беради. Ушбу йўналишдаги фаолиятимизнинг дастлабки даврларида мактаб ёки мактабгача таълим муассасаларида ташкил қилинган ҳар қандай тадбирни “Мактаб-лаборатория” фаолияти билан боғлаш ҳолатлари кузатилди. Бу тушунчанинг мақсадини, моҳиятини тўғри англамаслик натижасида содир бўлди. Агар ҳар қандай ҳамкорлик “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси тушунчаси билан боғланадиган бўлса, янги лойиҳанинг мақсад-моҳиятидан узоқлашиб кетиш билан боғлиқ чалкашликлар юз беради. Яна ҳам соддароқ қилиб айтганда, калаванинг учи йўқотилади. Натижада, “Мактаб-лаборатория” доирасида олиб борилаётган илмий, методик, амалий аҳамиятга эга бўлган тажриба-синов ишларининг шу пайтгача қилинган ва қилинаётган ишлардан фарқи қолмайди. Чунки таълим турлари ўртасидаги алоқадорлик, олий таълим муассасасининг илмий салоҳиятидан мактабда, лицей ва коллежда ёки мактабгача таълим муассасаларида фойдаланиш масаласи шу пайтгача ҳам бўлган. “Мактаб-лаборатория”да мактаб ёки мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳалар, ишланмалар, инновациялар тажриба-синовдан ўтказилиши, агар тажриба-синов ишлари муваффақиятли деб топилса, бутун тизимга оммалаштирилиши керак. Шундагина “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолияти ўзининг мақсади, мазмун-моҳиятига мос





келади. Демак, лойиҳа доирасидаги ҳамкорлик аниқ мақсадга қаратилган бўлиши лозим.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари
фаолиятининг самарадорлиги янги инновацион лойиҳалар устида
ишлаш, профессор-ўқитувчиларнинг инноваторлик ва ижодкорлик
салоҳиятига боғлиқ. Янги, долзарб лойиҳалар ва ишланмаларни
шакллантириш масаласида тизимдаги муаммолар ва муайян
йўналишларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда
тафтиш қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим тизимида мавжуд
муаммолар “Мактаб-лаборатория” учун объект сифатида лойиҳалар
учун етарлича материал бера олади. Шунингдек, “Мактаб-
лаборатория” фаолият йўналишларини янада торайтириш ва
аниқлаштириш ҳар бир таълим йўналишининг спецификаси билан
боғлиқ янги лойиҳалар учун асос бўладиган материалларни тақдим
қилади. Бу борада биз қуйидаги тадбирларни таклиф қиламиз:

**➢ ҳар бир кафедранинг мавжуд таълим йўналишларининг спецификасидан келиб чиққан лойиҳа йўналишларини аниқлаб олиш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларини тасдиқлаш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг вазифаларини белгилаб олиш;**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг олдига белгиланган муддатда**

**➢ лойиҳа гуруҳларининг олдига белгиланган муддатда лойиҳа йуналиши бўйича биттадан янги инновацион лойиҳа ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифасини қўйиш;**

**➢ таклиф қилинган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш;**

**➢ кафедраларда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш.**

**Лойиҳа йўналишларини аниқлаб олиш** борасида Тошкент вилояти халқ таълими тизимида мавжуд муаммолар ва институти кафедралари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги лойиҳа йўналишларини таклиф қилиш мумкин:

■ ***Мактаб менежменти* таълим йўналиши учун “Бошқарув лаборатория” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа бир нечта инновацион тажриба-синов оқимлари шароитида инновацияларни бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезонларини белгиловчи ресурсларни ишлаб чиқишни назарда тутади.

■ ***Бошланғич таълим* йўналиши учун “Инновацион бошланғич мактаб” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа бошланғич таълимда ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнининг инсонпарварлик ғоясига асосланувчи педагогика модели лойиҳасини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; янги авлод стандартларини амалга оширишни назарда тутади.

■ ***Барча таълим йўналишлари учун* “Иқтидор” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш; иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва уни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳитини яратишни назарда тутади.

■ ***Педагогика, психология* таълим йўналишлари учун “Инноватор ўқитувчи” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа инновацион жараёнларни таълим тизимига фаол татбиқ этиш муҳитини ва ахборот таъминотини яратишни, ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳаларга рағбатлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

■ ***Барча таълим йўналишлари учун* “Таълим сифатини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар, лойиҳалар, илмий-педагогик адабиётлар билан таъминлаш, таълим сифатини кўтариш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришни назарда тутади.

■ ***Психология* таълим йўналиши учун “Мактаб биродарлиги” лойиҳа йўналиши.** Бу лойиҳа ўқувчилар ҳамжамияти фаолияти доирасида болалар ва ёшларнинг самарали ижтимоийлашуви учун педагогик-психологик шарт-шароитлар яратишни назарда тутади.

Биз таклиф қилаётган лойиҳа йўналишлари ихтиёрий характерга эга. Бу масалага кафедранинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқувчи ва ижодий ёндашув талаб қиладиган ўсувчи, ўзгарувчи кўрсаткичдир.

**Лойиҳа гуруҳларини тасдиқлаш** кафедрадаги ҳар бир лойиҳа йўналиши бўйича лойиҳа гуруҳларини шакллантиришни назарда тутади. Лойиҳа гуруҳлари таркибини тасодифий ўқитувчилардан эмас, балки шу йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган, ижодкорлик ва инноваторлик сифатларига эга бўлган ўқитувчилар таркибидан шакллантириш мақсадга мувофиқ. Лойиҳа гуруҳлари таркибига кафедра-профессор ўқитувчилардан ташқари шу йўналишнинг иқтидорли талабаларини, мактаб ўқитувчиларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Агар талабаларга бу ишнинг моҳияти тушунтирилса, улардан кўпроқ янги лойиҳалар, инновацияларни кутиш мумкин. Чунки профессор-ўқитувчиларнинг қарашларида анъанавий таълимнинг таъсири кучли. Бу ўринда талабаларнинг янгича дунёқараши ва профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасини уйғунлаштириш кутилган натижага эришишни осонлаштиради.





**Лойиҳа гуруҳларининг вазифаларини белгилаб олиш** “Мактаб-лаборатория”си фаолиятини йўлга қўйишнинг муҳим босқичларидан биридир. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда барча лойиҳалар учун умумий характердаги қуйидаги вазифаларни таклиф қилиш мумкин:

- *педагогик илм ва таълим амалиётининг долзарб муаммолари атрофида олий таълим, ўрта таълим ва таълимнинг бошқа босқичларининг ўқув-илмий-инновацион салоҳиятларини ўзаро интеграциялаш;*
- *инновацион лойиҳаларни узлуксиз педагогик таълим жараёнида амалга ошириш, илмий-методик ишланмаларни педагогик амалиётга татбиқ қилиш ва апробациядан ўтказиш, инновацияларни таълимга сингдириш учун тажриба-инновацион майдончалар ташкил этиш;*
- *ёш педагог кадрларнинг шахсий касб маҳоратини юксалтириш ва ривожлантиришга қаратилган узлуксиз педагогик таълим базасини ўзида мужассам этган таълим муҳитини яратиш;*
- *касбгача ва касбий педагогик тайёрловни амалга ошириш орқали педагогикага мойиллиги бўлган ўқувчиларни касбга йўналтириш ва танлаб олиш имкониятини яратиш;*
- *педагогларнинг шахсий-касбий маҳоратларни юксалтирувчи фан ва таълим фазосини яратиш, маслаҳатлар бериш, ижодий ташаббусларини методик ва ташкилий қўллаб-қувватлаш.*

**Лойиҳа гуруҳлари янги инновацион лойиҳа ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишда,** янги инновацион лойиҳаларни шакллантиришда масалага ижодий ёндашув билан қараши, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида амалиётдан ўтган андозаларни олиш ва уларни миллий таълим тизимимизга мослаштириш тавсия қилинади. Бу тахлитда ишлаш бир пайтнинг ўзида бир нечта ижодий гуруҳлар бир нечта лойиҳалар устида бош қотиришига эришилади. Шу жараёнда энг яхши инновацион лойиҳа танловини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу, биринчидан, профессор-ўқитувчиларда мазкур лойиҳа бўйича ишлашга нисбатан иштиёқни оширади, иккинчидан, тақдим қилинаётган инновацион лойиҳаларнинг сифатини оширишга ёрдам беради, учинчидан, сифатли инновацион лойиҳаларнинг кўпайишига олиб келади.

**Таклиф қилинган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш** жараёнида эксперт комиссияси томонидан истиқболли деб топилган лойиҳалар “Мактаб-лаборатория” тажриба-синов ишларига жорий қилинади. Бунда эксперт комиссияси институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан шакллантирилиши лозим.

**Кафедраларда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш борасида** қуйидаги тавсияларни таклиф қиламиз:

Лойиҳани амалга ошириш дастурида:

■ лойиҳа йўналиши бўйича умумтаълим мактабларида (мактабгача таълим муассасасида ва ҳоказо) айни пайтдаги кўрсаткичларни аниқлаш усул ва воситалари;

■ лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларида (мактабгача таълим муассасасида ва ҳоказо) кўрсаткичларни ошириш бўйича қилинадиган ишлар мажмуи;

■ лойиҳада ҳар бир ишнинг масъули ва аниқ муддатлари;

■ лойиҳадан кутиладиган натижани прогнозлаштириш параметрлари;

■ лойиҳа якунида кўрсаткичларни қайтадан аниқлаш ва динамикани солиштириш ишлари ўз аксини топиши лозим.

Ҳар бир лойиҳа гуруҳларининг фаолиятлари бўйича ҳисоботлари тегишли кафедра йиғилишлари ва факультет кенгашларида





кўриб борилиши мақсадга мувофиқ. Институт кенгашига тақдим қилинган кафедранинг (факультетнинг) ҳисоботида педагогик таълим инновацион кластери ва “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари бўйича қилинган ишларга алоҳида тўхталиш таклиф қилинади.

Педагогик таълим инновацион кластери ва “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг фаолияти натижасида таълим муассасалари учун муҳим бўлган қуйидаги йўналишларда самарадорлик таъминланади:

□ *ҳар бир кафедрада педагогик таълим кластери ва “Мактаб-лаборатория” тажриба инновацион майдончалари фаолияти билан боғлиқ янги лойиҳалар ва лойиҳа гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади;*

□ *истиқболли лойиҳаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади;*

□ *кафедраларда барча профессор-ўқитувчилар “Мактаб-лаборатория” ишига жалб қилинади;*

□ *“Мактаб-лаборатория” ишига талабаларнинг жалб қилиниши уларни илмий тадқиқот ишларига рағбатлантиради;*

□ *талабаларнинг ўқитувчилик касбига бўлган мослашувчанлик даври қисқаради;*

□ *мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва институт ўртасидаги ҳамкорликнинг, демакки, педагогик таълим кластери фаолиятининг самарадорлиги ошади;*

□ *педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга татбиқи тезлашади.*

Умуман олганда, “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш, умумтаълим мактаблари фаолиятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

**Лойиҳа гуруҳлари янги инновацион лойиҳа ва уни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқишда**, янги инновацион лойиҳаларни шакллантиришда масалага ижодий ёндашув билан қараши, шунингдек, ривожланган мамлакатларнинг таълим тизимида амалиётдан ўтган андозаларни олиш ва уларни миллий таълим тизимимизга мослаштириш тавсия қилинади. Бу тахлитда ишлаш бир пайтнинг ўзида бир нечта ижодий гуруҳлар бир нечта лойиҳалар устида бош қотиришига эришилади. Шу жараёнда энг яхши инновацион лойиҳа танловини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бу, биринчидан, профессор-ўқитувчиларда мазкур лойиҳа бўйича ишлашга нисбатан иштиёқни оширади, иккинчидан, тақдим қилинаётган инновацион лойиҳаларнинг сифатини оширишга ёрдам беради, учинчидан, сифатли инновацион лойиҳаларнинг кўпайишига олиб келади.

**Таклиф қилинган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш** жараёнида эксперт комиссияси томонидан истиқболли деб топилган лойиҳалар "Мактаб-лаборатория" тажриба-синов ишларига жорий қилинади. Бунда эксперт комиссияси институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан шакллантирилиши лозим.

**Кафедраларда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш борасида** қуйидаги тавсияларни таклиф қиламиз:

Лойиҳани амалга ошириш дастурида:

- лойиҳа йўналиши бўйича умумтаълим мактабларида (мактабгача таълим муассасасида ва ҳоказо) айни пайтдаги кўрсаткичларни аниқлаш усул ва воситалари;
- лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларида (мактабгача таълим муассасасида ва ҳоказо) кўрсаткичларни ошириш бўйича қилинадиган ишлар мажмуи;
- лойиҳада ҳар бир ишнинг масъули ва аниқ муддатлари;
- лойиҳадан кутиладиган натижани прогнозлаштириш параметрлари;
- лойиҳа якунида кўрсаткичларни қайтадан аниқлаш ва динамикани солиштириш ишлари ўз аксини топиши лозим.

Ҳар бир лойиҳа гуруҳларининг фаолиятлари бўйича ҳисоботлари тегишли кафедра йиғилишлари ва факультет кенгашларида





кўриб борилиши мақсадга мувофиқ. Институт кенгашига тақдим қилинган кафедранинг (факультетнинг) ҳисоботида педагогик таълим инновацион кластери ва "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари бўйича қилинган ишларга алоҳида тўхталиш таклиф қилинади.

Педагогик таълим инновацион кластери ва "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаларининг фаолияти натижасида таълим муассасалари учун муҳим бўлган қуйидаги йўналишларда самарадорлик таъминланади:

- *ҳар бир кафедрада педагогик таълим кластери ва "Мактаб-лаборатория" тажриба инновацион майдончалари фаолияти билан боғлиқ янги лойиҳалар ва лойиҳа гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилади;*
- *истиқболли лойиҳаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади;*
- *кафедраларда барча профессор-ўқитувчилар "Мактаб-лаборатория" ишига жалб қилинади;*
- *"Мактаб-лаборатория" ишига талабаларнинг жалб қилиниши уларни илмий тадқиқот ишларига рағбатлантиради;*
- *талабаларнинг ўқитувчилик касбига бўлган мослашувчанлик даври қисқаради;*
- *мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва институт ўртасидаги ҳамкорликнинг, демакки, педагогик таълим кластери фаолиятининг самарадорлиги ошади;*
- *педагогик таълим инновацион кластерининг амалиётга татбиқи тезлашади.*

Умуман олганда, "Мактаб-лаборатория" тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш, умумтаълим мактаблари фаолиятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

### 3.3. “Мактаб-лаборатория”ларда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қисқача тавсифи

**1. “Ёш ташаббускор мураббий” лойиҳаси.** Ҳозирги замон таълим ва тарбия жараёнларининг мазмун-моҳияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг шахсий сифатларини қанчалик даражада намоён қила олиши билан характерланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда кичик мактаб ёшидан ўқувчиларни ақлий интеллектуал имкониятлари, шахсий фазилатлари билан бирга, уларнинг жисмоний сифатларини ҳам тарбиялаш педагогикамизнинг муҳим масалалари қаторидан жой олади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ёш қобилият эгаларини яратиш ва уларни ижтимоий соҳаларга тўғри йўналтириш жамият ривожининг муҳим омилидир. Таълим соҳасида самарали меҳнат қила оладиган муносиб ўринбосарларни топиш, уларни қобилиятларига мос ҳолда касбга тайёрлаш таълим муассасасининг долзарб вазифаси ва уни амалга оширишни таъминлаш таълим муассасалари зиммасидадир.

**7. “Бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг диагностикаси ва динамикаси” лойиҳаси.** Ўзбек миллатини жаҳонга кўз-кўз қиладиган инсонлар бу истеъдодли, қобилиятли, зукко, малакали, ўз ишининг устаси бўлган ёшлардир. Кадрлар тайёрлашда долзарб ва катта истиқболли йўналишлардан бири – мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорли, зукко болаларни аниқлаш, уларни алоҳида дастурлар асосида ўқитиш, халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар қилиб етиштиришдир. Доно, тетик, ақли расо болаларни бошланғич синф ўқувчилари орасидан асосли равишда танлашимиз ва уларни лаёқат йўналишлари, қобилиятларига қараб муайян соҳага, касбга йўналтиришимиз керак. Истеъдодларни танлашда асло хатога йўл қўйиш мумкин эмас.

Таълим муассасасидаги бошланғич синф ўқитувчиларининг билиш жараёнлари шаклланишининг диагностикаси, бу инновацион психологик муҳитни ташкил қилиш педагогик жараённинг самарадорлиги, унинг субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мумкин бўлган шаклларини ишлаб чиқиш, жараённи амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш тактикаси,





янги технологиялар яратиш, педагогик вазият, дидактик ва таълим воситаларидан фойдаланган ҳолда таълим субъектларининг ташкилий ўзаро муносабатлари шаклларини яратиш учун шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олади.

Диагностиканинг самарадорлиги кўплаб омилларга, жумладан, ўқувчиларни фаоллаштиришга, билимларни яхшироқ тушуниш ва ахборотни ёдлашга ўргатиш, таълим муаммоларини ҳал этишга ўргатадиган психологик-педагогик технологияларга боғлиқдир. Бошланғич синф ўқитувчилари онгида, уларнинг амалий ишларида технологиянинг яхлит кўриниши йўқ, уларнинг тасаввурлари психологик-педагогик-технологик усулларнинг барча қисмини қамраб олмайди.

**Лойиҳанинг долзарблиги.** Бошланғич синф ўқитувчилари билиш жараёнлари шаклланиши диагностикасининг педагогик психологик фаолиятида ҳал қилинадиган профессионал топшириқларнинг бажарилишида мураббийнинг тайёргарлик даражаси асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёни диагностикаси уларнинг фанларни ўзлаштиришга бўлган қобилиятларини аниқлаш ва йўналтиришга нисбатан қўлланиладиган асосий методлардан ҳисобланади. Мазкур масала миллий педагогикамизда етарли ўрганилмаган муаммолардан эканлиги унинг долзарб масалала эканлигини асослайди.

**Дастурнинг мақсади.** Ўқитувчи таълимнинг асосий фигураси бўлиб, ўзининг фаоллиги, ўзига хослиги, ностандарт ва танқидий фикрлаши билан ажралиб туриши, шунингдек, ўз фаолиятига таълим технологияларини татбиқ қилиш орқали педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши лозим. Юқори сифатли касбий малакага эга бўлиш учун ўқитувчидан касбий аҳамиятга эга шахсий сифатлар, асосий педагогик қобилият, ўзини доимий такомиллаштириш, педагогик ижодкорлик ва новаторлик каби жиҳатлар талаб қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда дастурнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

– умумтаълим мактаблари ўқитувчиларида ностандарт ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

– дарс машғулотига ижодий жараён сифатида қаровчи, янгиликлардан қўрқмайдиган ўқитувчиларни тарбиялаш;

– Дарс машғулотларига самарали хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

– технология таркибида замонавийлик, шахсга йўналтирилган, тадқиқий, интерактив, индивидуал ва ижодий ёндашувларни қўллаш.

**Дастурнинг вазифалари:**

– бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришнинг психологик омиллари ва уларнинг имкониятларини аниқлаш;

– бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий, психологик ва педагогик жиҳатларини ёритиш;

– бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришнинг тизими, андозасини ишлаб чиқиш;

– "Бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмлари"ни ривожлантиришнинг амалий-технологик асосларини ёритиш;

– бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожланганлик даражасини мезонларини ишлаб чиқиш;

– бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришда юқори самарадорликка эришишни таъминловчи илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

– бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришнинг жараёнини ташкил этиш.

**Дастурни амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

– мактабларда дарс машғулотлари сифатини яхшиланади;

– умумтаълим мактаблари ўқитувчиларида ностандарт ва танқидий фикрлаш кўникмалари шакллантирилади;

– ўқитувчиларда қолипланган фикрлашдан чекиниш кўникмаси шаклланади;





– миллий педагогикамизда янгиликка, инновацияга интилувчи ўқитувчилар қатлами шакллантирилади;

– илғор хорижий тажрибалар ўзлаштирилади;

– мактаб ўқувчилари ўртасида иқтидорли ўқувчилар сонини ошириш;

– олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш асосида "Бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмлари"ни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар мазмуни ва кўламини таҳлил қилиш;

– ташхис методи ёрдамида "Бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмлари даражасни баҳолаш;

– дастлабки баҳолаш натижаларига таянган ҳолда амалий тажрибанинг йўналиши ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган аниқ вазифаларини белгилаш;

– бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришга доир дастур, ишчи режа ва махсус методика ишлаб чиқилади.

– дастур, ишчи режа ва махсус методиканинг ғоялари тажриба майдонларида синовдан ўтказиш;

– кўп босқичли тажриба натижалари ўзаро таққосланади. Асословчи ва таъкидловчи тажрибаларнинг натижалари ўзаро қиёсий ўрганилиб, фарқларини аниқлаш. Таъкидловчи тажриба натижаларини статистик таҳлил қилиш;

– якуний натижаларга кўра ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчилари индивидуал хусусиятлари ва билиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш психологик механизмларини ривожлантиришнинг истиқбол вазифаларини белгиловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш. Назарий маълумот ва амалий далиллар асосида монография яратиш.

**8. "Маданиятлараро мулоқотни шакллантириш" лойиҳаси.** Бугунги кунда инглиз тили глобал даражадаги тил ёки дунёга ёйилган алоқа воситаси сифатида қаралиши табиий ҳолга айланиб улгурди. Бу муносабат бутун дунёдаги таълим тизимини, шу билан

бирга, инглиз тилини ўқитиш тизимини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Инглиз тилини ўқитишдаги замонавий тенденциялар болаларга тилни кичик ёшдан ўргатиш ва XXI аср маданиятлараро мулоқотининг зарурияти асносида мулоқот кўникмалари талабини қўймоқда. Бундан ташқари, тил ва маданият шундай узвий тушунчаларки, улар бир-бирини тўлдириб келади. Шундай экан, тилни ўқитишда ўрганилаётган тил эгаларининг маданияти ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Кўп ҳолларда тили ўрганилаётган мамлакат маданиятидан бохабар бўлмаслик ўрганувчини тил кўникмаларидан тўлиқ фойдаланишини чеклаб қўяди. Бундай ҳолатда ўрганувчида маданиятлараро мулоқот кўникмасининг шаклланганлиги хорижий тилда эркин мулоқот ўрнатишга бевосита ёрдамчига айланади.

**Лойиҳанинг долзарблиги.** Тилни ўргатиш давомида тилга сингиган маданият ҳам бевосита ўргатиб борилади. Инглиз тилида тўртта тил кўникмалари (эшитиш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) мавжуд бўлса, маданиятлараро мулоқот унинг том маънодаги бешинчи кўникмаси ҳисобланади, чунки у инглиз тилидан фойдаланишдаги ўрганиш, тушуниш, қадриятларни англаш ҳамда ўзга маданият қатламларига бўлган муносабатлар жамланмаси ва техникасидир. Америкалик тилшунос Роберт Ладо таъкидлаганидек, хорижий тилни ўрганишдан мақсад ундан фойдалана олиш, ўрганилаётган тил ва маданиятдаги атамаларнинг ўз ва кўчма маъноларини англаш ҳамда ўзга маданият вакилининг оғзаки ва ёзма нутқини тушунишдир.

Тажриба-синов амалиёти давомида ўқувчиларда инглиз тили ўрганиш давомида маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, ўз маданияти ва ўзга маданиятдаги фарқларни англаш, таҳлил қила олиш, маданий шокнинг олдини олиш ҳамда асосийси ўрганилаётган тил мамлакат маданияти ёрдамида тилнинг кўринмас элементлари ва муаммоларига ечим топишга эътибор берилади. Дарсларни режалаштираётганда, уларни аниқ таркиб билан тўлдирганда, болаларнинг ўрганаётган тилидан мукаммал фойдалана олишига асосий эътибор бериш, натижани юқори ўринга қўйиш муҳим. Инглиз тилини ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш орқали ўқувчи келажакда ҳам ўз маданиятини





дунёга танита олади, ҳам ўзга маданиятни ҳурмат қилишга ўрганади.

**Лойиҳанинг мақсади:**

– хорижий тилни ўқитишда турли маданий усуллар (қўшиқ, шеър, топишмоқ, тез айтиш, эртак ва ҳоказо)дан фойдаланиш ва тил кўникмаларини чуқур ўргатиш;

– ўрганилаётган тил мамлакат маданияти ёрдамида тилнинг кўринмас элементлари ва муаммоларига ечим топиш;

– ўқувчиларнинг ўз маданияти ва ўзга маданиятидаги фарқларни англаши, таҳлил қила олиши;

– хорижий тилни ўрганиш давомида маданий шокнинг олдини олиш;

– ўқувчиларда маданиятлар турфа хиллигини таҳлил этиш ёрдамида танқидий фикрлашни ривожлантириш.

**Лойиҳанинг вазифалари:**

– дарсдан ташқари тил ўргатишга қаратилган ва маданий маълумотлар акс этган қўшимча машғулотлар ташкил этиш;

– мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган турли усул ва услубларни танлаб олиш;

– тил кўникмаларини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;

– ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича туман, вилоят танловлари, маданий кўргазмалар, турли танловларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

– маданий маълумотлар орқали тил қатламларининг яширин ва муаммоли элементларини тез ҳамда осон ўргатиш тизимини яратиш;

– мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;

– инглиз тилида қобилиятли ва иқтидорли болаларни эрта ташхислаш учун банк, технологиялар ҳамда дастурларни шакллантириш ва уларга чуқуррок таълим бериш.

**Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

– мактаб ўқувчиларининг хорижий тил таълими ва тарбия сифатини яхшилаш;

бирга, инглиз тилини ўқитиш тизимини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Инглиз тилини ўқитишдаги замонавий тенденциялар болаларга тилни кичик ёшдан ўргатиш ва XXI аср маданиятлараро мулоқотининг зарурияти асносида мулоқот кўникмалари талабини қўймоқда. Бундан ташқари, тил ва маданият шундай узвий тушунчаларки, улар бир-бирини тўлдириб келади. Шундай экан, тилни ўқитишда ўрганилаётган тил эгаларининг маданияти ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Кўп ҳолларда тили ўрганилаётган мамлакат маданиятидан бохабар бўлмаслик ўрганувчини тил кўникмаларидан тўлиқ фойдаланишини чеклаб қўяди. Бундай ҳолатда ўрганувчида маданиятлараро мулоқот кўникмасининг шаклланганлиги хорижий тилда эркин мулоқот ўрнатишга бевосита ёрдамчига айланади.

**Лойиҳанинг долзарблиги.** Тилни ўргатиш давомида тилга сингиган маданият ҳам бевосита ўргатиб борилади. Инглиз тилида тўртта тил кўникмалари (эшитиш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) мавжуд бўлса, маданиятлараро мулоқот унинг том маънодаги бешинчи кўникмаси ҳисобланади, чунки у инглиз тилидан фойдаланишдаги ўрганиш, тушуниш, қадриятларни англаш ҳамда ўзга маданият қатламларига бўлган муносабатлар жамланмаси ва техникасидир. Америкалик тилшунос Роберт Ладо таъкидлаганидек, хорижий тилни ўрганишдан мақсад ундан фойдалана олиш, ўрганилаётган тил ва маданиятдаги атамаларнинг ўз ва кўчма маъноларини англаш ҳамда ўзга маданият вакилининг оғзаки ва ёзма нутқини тушунишдир.

Тажриба-синов амалиёти давомида ўқувчиларда инглиз тили ўрганиш давомида маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, ўз маданияти ва ўзга маданиятдаги фарқларни англаш, таҳлил қила олиш, маданий шокнинг олдини олиш ҳамда асосийси ўрганилаётган тил мамлакат маданияти ёрдамида тилнинг кўринмас элементлари ва муаммоларига ечим топишга эътибор берилади. Дарсларни режалаштираётганда, уларни аниқ таркиб билан тўлдирганда, болаларнинг ўрганаётган тилидан мукаммал фойдалана олишига асосий эътибор бериш, натижани юқори ўринга қўйиш муҳим. Инглиз тилини ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш орқали ўқувчи келажакда ҳам ўз маданиятини





дунёга танита олади, ҳам ўзга маданиятни ҳурмат қилишга ўрганади.

**Лойиҳанинг мақсади:**

– хорижий тилни ўқитишда турли маданий усуллар (қўшиқ, шеър, топишмоқ, тез айтиш, эртак ва ҳоказо)дан фойдаланиш ва тил кўникмаларини чуқур ўргатиш;

– ўрганилаётган тил мамлакат маданияти ёрдамида тилнинг кўринмас элементлари ва муаммоларига ечим топиш;

– ўқувчиларнинг ўз маданияти ва ўзга маданиятидаги фарқларни англаши, таҳлил қила олиши;

– хорижий тилни ўрганиш давомида маданий шокнинг олдини олиш;

– ўқувчиларда маданиятлар турфа хиллигини таҳлил этиш ёрдамида танқидий фикрлашни ривожлантириш.

**Лойиҳанинг вазифалари:**

– дарсдан ташқари тил ўргатишга қаратилган ва маданий маълумотлар акс этган қўшимча машғулотлар ташкил этиш;

– мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган турли усул ва услубларни танлаб олиш;

– тил кўникмаларини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;

– ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича туман, вилоят танловлари, маданий кўргазмалар, турли танловларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

– маданий маълумотлар орқали тил қатламларининг яширин ва муаммоли элементларини тез ҳамда осон ўргатиш тизимини яратиш;

– мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;

– инглиз тилида қобилиятли ва иқтидорли болаларни эрта ташҳислаш учун банк, технологиялар ҳамда дастурларни шакллантириш ва уларга чуқурроқ таълим бериш.

**Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

– мактаб ўқувчиларининг хорижий тил таълими ва тарбия сифатини яхшилаш;

– мактаб ўқувчилари орасида шаҳар ва вилоят олимпиадаларининг ғолиб ва совриндорлари сонини кўпайтириш;

– ўқувчиларнинг тил ўрганиш қобилиятларини очиб бериш бўйича тадбирлар доирасини кенгайтириш;

– ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар учун қўшимча машғулотлар, услубий кўрсатмалар бериб бориш;

– педагогик таълим инновацион кластери субъектлари ўртасидаги интеграцияни янада такомиллаштириш;

– олий таълим муассасасига инглиз тили бўйича билимли, зукко, қобилиятли ўқувчиларни танлаш.

## 3.4. “Мактаб-лаборатория”ларда тажриба-синов ишлари мазмуни ва унда “Иқтидор” лойиҳа гуруҳини шакллантириш механизмлари

Инсоният камолоти ва жамият ривожини ҳар бир тадқиқотчи олдида турган долзарб вазифа, яъни жамики бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш вазифасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан шу вазифани амалга ошириш учун таълим тизимимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, ёш авлодни илм-фан ютуқлари балан янада қуроллантириш лозим. Бу жараёнда педагогика соҳасидаги тадқиқотлар ва уларнинг амалий аҳамиятининг ўрни катта.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий илм-фан ва амалиётда илмий базалар, мактаб ҳаёти мақсадли шаклланиши зарурлиги тўғрисидаги ғоялар доираси яратилди, муайян ўқув юртлари тузилмаларини янгилаш учун шарт-шароитлар аниқланди. Шу билан бирга, илмий адабиётларни, тадқиқотлар, мактаб амалиёти, норматив ҳужжатларни ўрганиш, таълимни ривожлантириш истиқболларини белгилаш узлуксиз таълим тизимида мактаб ҳаётининг замонавий усули қатор қарама-қаршиликларни аниқлади:

- ижтимоий ва педагогик ҳодиса сифатида жамият ва давлатнинг талаблари ўртасида шахснинг маънавий-ахлоқий тараққиёти ва тарбияланишини таъминлайдиган мактабнинг турмуш тарзини ўрганган, бирлаштирилган илмий назариянинг йўқлиги;





- мактаблар турмуш тарзини шаклланиш ва ривожланиш назарияси ва тарихий-педагогик амалиётини ўрганишда ички таълимнинг объектив эҳтиёжлари ва тадқиқот маълумотларининг етишмаслиги;

- миллий педагогика тарихида мактабларнинг самарали ҳаёт тарзини шакллантиришдаги самарали тажриба ва замонавий педагогик амалиётда мактаб намуналарини яратишга етарлича эътибор берилмаслиги;

- мактаб тузилмалари ўзгаришида жамият кўп таркибли ҳаётига мос келадиган замонавий ижтимоий дастурлар ва мактаб тузилмалари ривожланишидаги тенденцияларнинг назарий жиҳатдан ривожланмаганлиги ва ҳ.к.

Бугунги кунда педагогик тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари билан бирга уларнинг амалий аҳамияти ҳам эътиборга олиниши лозим. Амалий аҳамиятини илмий асослаш илмий-назарий ишланмаларнинг нечоғлик амалиётга фойдаси тегиши тажриба-синов ишлари билан аниқланади.

Шу ўринда педагогик тадқиқотларда тажриба-синов ишлари-нинг мақсад-вазифалари, уни амалга оширишнинг тартиблари, босқичларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсак.

Тажриба-синов ишларининг мақсади: яратилган амалий фаолият нуқтаи назаридан таълим технологияси натижаларини таҳлил қилиш, илмий ишланмалар натижалари кўрсаткичларини баҳолаш ва улардан амалиётга жорий этиш учун қулай ҳолга келтириш, яратилган инновацион таълим услубияти билан таълим олувчиларни қуроллантириш, таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзунинг яратилиши ва уни ўрганиш босқичлари ҳамда ривожланиш даражалари ҳақидаги билим ва тасаввурларни шакллантириш ҳамда улар шахсининг маънавий-ахлоқий тамойиллари тўғрисида, уларнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти тўғрисида билим, кўникма ва малакалар, тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат.

Тажриба-синов иш мақсадини белгилашда тажриба масаласининг қўйилиши, энг аввало, тадқиқот олиб боришнинг самарадорлигига ижобий таъсир этади.

Тажриба масаласини аниқ қўйиш тадқиқот объекти моделини (математик, физик, ташкилий-тузилмавий ва ҳ.к.) тузиш, у энг

аввал тажрибанинг тадқиқот ишчи фаразига асосан аниқ мақсад ва вазифани кўрсатишдир. Бунда тадқиқотчи тажрибаси, унинг илмий салоҳияти муҳим роль ўйнайди.

Тажриба-синов иши, одатда, илмий ишланманинг объектга ўхшашлигини текшириш ва уни оптималлаштириш учун ўтказилади.

Идентификация (айнан ўхшаш) – тажриба натижасида олинган ахборотларнинг баъзи фараз қилинган назарий алоқадорликка мос келиши, яъни назарий тадқиқот натижалари ва тажриба давомида олинган функционал ёки статистик боғлиқликларни ўрнатиш.

Оптималлаштириш бу – энг яхши ва қулай ечимни излаш. Бунда тажриба-синовнинг мақсади аниқ ифодаланиши керак. Умумий фаразлар билан чекланиш етарли эмас. Тажриба назарий тадқиқот натижаларини тасдиқлаш ёки қандайдир яратилган таълим технологияси ҳаётийлигини тадқиқ қилиш учун ўтказилади.

**Тажриба-синов ишининг вазифаси** тадқиқот илмий-назарий асосларининг амалий аҳамиятини қай даражадалигини баҳолашдан иборат. Бунда тадқиқотнинг илмий-назарий асосларини эътиборга олиб, таълим технологияларини яратишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- режалаштирилган таълим технологиясига ижтимоий-педагогик асослар нималардан иборат эканлигини аниқлаш;
- таълим технологиясининг жараённи босқичма-босқич амалга ошириладиган иерархик қатъий кетма-кетлиги мавжудлиги, уларнинг функционал тузилмаси нималардан иборат эканлигини белгилаш;
- бу технология бугунги кун талаби ва жаҳон таълими талабларига мос келишини ўрганиб чиқиш;
- агар қаралаётган таълим технологияси яхлит тизим сифатида қаралса, у ҳолда унинг тузилмасини ташкилий-функционал қисм тизимлар (элементлар) бўйича ифодалаш мумкинлигини ўрганиш;
- таълим технологиясиг мақсадини ўрганилаётган ўқув предмети (муайян таълим жараёнининг) мақсадлари билан мос келтириш.





Одатда, тажриба-синовиши уч босқичдан иборат бўлади. Бунда, аввало, тадқиқот вазифаларини эътиборга олган ҳолда тажриба-синовишининг предмети белгилаб олинади.

**Тажриба-синов ишининг предмети** қилиб қуйидагилар олиниши мумкин: таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг шуғулланаётган соҳаси (йўналиш ёки технология ёхуд мавзу) бўйича тарихий-илмий маълумотлар мажмуи ва уларнинг илмий-услубий салоҳияти; соҳа мутахассис олимларининг фалсафий-педагогик мероси; таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг касбий ва маънавий-ахлоқий таълим-тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳақидаги билим, кўникма ва малака; таълим берувчининг педагогик жараёнларда мураккаб ҳолатлар рўй берганда янги педагогик технологияларни қўллаш ёрдамида рўй берган муаммоларни ҳал қилиш ҳақидаги билим ва тасаввурлари; таълим берувчининг амалиётда янги ахборот технологияларидан фойдалана олиш имкониятлари ва таълим олувчиларнинг яратилган технологиялаштирилган таълим вариантларини қабул қила олиш, билим, кўникма, малака ва шу кабилар.

**Энди тажриба-синов ишининг босқичлари ҳақида қисқача тўхталамиз.**

**Биринчи – асословчи босқич**. Бунда тажриба-синов ишининг предметига оид саволлар бўйича таълим олувчилар билан суҳбатлар, ўқитувчилар билан давра суҳбатлари ўтказилади, мутахассис олимлардан интервьюлар олинади. Анкета саволлари тузилиб, улар таҳлил қилинади.

Ўтказилган суҳбатлар, интервьюлар анкета ва тест саволлари натижалари бўйича қуйидагилар аниқланади:

– таълим олувчиларнинг муайян таълим йўналишидан хабардорлиги (йўналиш тарихи, ривожланиш босқичлари, улардан фойдаланилган илғор технологиялар ва уларнинг назарий ва амалий аҳамияти);

– таълим берувчиларнинг муайян йўналиш бўйича илмий-услубий салоҳияти (бу соҳа бўйича фан-техника ютуқлари, технологияларни эгаллаганлиги, мазкур йўналиш бўйича таълим-тарбия жараёнини оптимал бошқара олиш қобилияти, таянч тушунчалар билан қуролланганлиги ва илғор педагогик

технологиялари билан танишлиги ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнига мосларини танлай билиш қобилияти).

Олинган натижалар таҳлилига асосланиб, таълим олувчилар ва таълим берувчилардаги билимлар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан белгиланган миллий йўналтириш тамойилларини тўлиқ амалга ошириш имкони етарли эмаслиги аниқланди. Бунда асосан тажриба-синов ишини амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим олувчини тегишли ахборотлар билан таъминлашда янги ахборот технологияларидан фойдаланиш шакллари, усуллари, вариантлари ва мазмуни ишлаб чиқилади.

**Иккинчи – тасдиқловчи босқич.** Бунда педагогик фаолиятда муаммонинг ҳолати, оммавий ва илғор тажрибалар ўрганилади. Тажриба-синов ишининг режаси, дастури ва тажрибавий ишланмалар тайёрланади. Тажриба-синов ишини амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган таълим мазмуни ва услублари бевосита таълим-тарбия жараёнида синаб кўрилади.

**Учинчи – шакллантирувчи босқич.** Бунда тадқиқот мақсади ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган таълим (тарбия) технологияси бўйича тажриба-синов иши олиб борилади, олинган натижалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Бу босқичда педагогик самарадорликни аниқлаш мезонларига эътиборни (талабни) кучлироқ қаратиш (қўйиш) лозим бўлади.

Чунки, бир хилда таълим-тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниқлаш мезони ҳамма йўналишдаги таълим-тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниқлашга етарли бўлавермайди. Бундай пайтларда тадқиқотчидан самарадорликни аниқлаш мезонлари ичидан тадқиқот йўналиши ва тажриба-синов иши менюсини тиклаш учун юксак илмий-услубий салоҳият талаб этилади. Бу орқали эса шуғулланаётган йўналишни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун услубий тавсиялар тизимининг оптимал вариантини тайёрлаш имкониятига эга бўлади[150].

Иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш ва уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда жаҳон миқёсидаги буюк кашфиётларни жамиятимиз негизини ташкил этадиган буюк

[150] Тўрақулов Х.А. Тажриба-синов ишларининг мазмун-моҳияти // “Фан, таълим ва амалиёт мажмуасининг долзарб муаммолари”. № 8. Т.: “Фан ва технология”, 2013. –Б. 7-8.





алломаларимиз меросига таянган ҳолда бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган буюк кашфиётлар яратиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб етади.

Жамият ҳозирги ҳолати ички дунё ва якка шахснинг ноёб имкониятларига эътиборнинг кучайиши билан тавсифланади. Шу муносабат билан, инсоннинг ички имкониятларини, унинг қобилият даражасини, болаликдан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси биринчи ўринга чиқади.

Иқтидорли болалар – мулкимиз. Қобилиятли болаларни аниқлаш ва улар билан ишлаш таълим муассасасининг долзарб вазифасидир.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини юксалтириш, турли фан йўналишларидаги янгиликларни излаб топиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишлари, билим самарадорлигини ошириш, ҳозирги замон фан ва техникасини ўрганишга бўлган интилишларини кучайтириш, уларни ижодкорликка ундаш, назарий билимларини амалиётда қўллаш малакасини ҳосил қилишда ўқитиш жараёнида замонавий илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб дарслар ташкил этиш натижасида мустақил фикрловчи, ижодкор, баркамол шахсни тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни фидоийлик билан амалга ошириш лозим.

Иқтидорли болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини алоҳида муаммо сифатида ажратиб бўлмайди, чунки уларнинг барчаси ўз қобилиятини ривожлантириш имкониятларига эга. Агар боланинг қобилияти тўлиқ ва ижодий ривожланмаса, унда катталар болаларнинг табиий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратмаган ёки ўз догматик ўқитиш усуллари билан табиий қобилиятини йўқ қилганликлари учун айбдор бўладилар. Шунинг учун нафақат иқтидорни ўлчаш, балки ҳар бир ўқувчининг табиий қобилиятини очиб беришга ёрдам берадиган тегишли ривожланувчи, ижодий таълим муҳити яратиш керак.

“Мактаб-лаборатория” тажриба синов майдончаларида “Иқтидор” лойиҳа гуруҳларининг иштирокчилари илмий ва

услубий адабиётларда таъкидланганидек, бир-бирларидан, биринчи навбатда, ўрганиш қобилиятлари билан фарқ қилади.

Шу ўринда иқтидор ўзи нима деган саволга назарий манбалар таҳлили асосида изоҳ берсак.

Иқтидор – бу ҳаёт давомида ривожланиб борадиган психиканинг тизимли сифати, у одамни бошқа одамлар билан солиштирганда бир ёки бир нечта фаолият турларида юқори (ғайриоддий, фавқулодда) натижаларга эришиш имкониятини белгилайди.

Психологик луғатларда "иқтидор" тушунчаси қуйидагича таърифланади:

1) иқтидор – фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашуви;

2) иқтидор – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3) иқтидор – ақлий потенциал. Таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг яхлит индивидуал тавсифи;

4) иқтидор – табиат томонидан инъом этилган қобилият, қобилият табиий асосларининг ўзига хослиги, уларнинг намоён бўлиш даражалари;

5) иқтидор – истеъдодлилик, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилият, бирор-бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилият ётади.

Иқтидорли бола муайян фаолият туридаги ёрқин, равшан, энг яхши ютуқлари билан ажралиб турадиган (ёки бундай ютуқларнинг ички шартларига эга) ўқувчидир. Бугунги кунда психологлар қобилият ривожланишининг даражаси, сифатли ўзига хослиги ва табиати ҳар доим ирсият (табиий мойиллик) ва боланинг фаолияти (ўйин, мактаб, иш) воситачилик қилган ижтимоий муҳитнинг мураккаб ўзаро таъсири натижаси эканлигини тан оладилар. Бундай ҳолда, боланинг шахсий фаолияти, шунингдек, индивидуал истеъдодни шакллантириш ва амалга ошириш асосида шаклланган





шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришнинг психологик механизмлари алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтидорли ўқувчилар, одатда, эрта нутқ ва фикрлашга асосланган ажойиб хотирага эга бўлади. Улар маълумот ва тажрибани таснифлаш ва олинган билимлардан кенг фойдаланиш қобилияти билан ажралиб туради. Мураккаб синтактик тузилмалар билан бирга олиб бориладиган катта сўз бойлиги, саволлар бериш қобилияти иқтидорли болага бошқаларнинг эътиборини жалб қилади. Кичкина "вундеркиндлар" луғат ва энциклопедияларни завқ билан ўқийдилар, улар ўз концепциялари ва хаёлий воқеаларни ифода этадиган сўзларни ўйлаб топадилар, ақлий қобилиятларни фаоллаштиришни талаб қиладиган ўйинларни афзал кўришади.

Иқтидорли болалар когнитив (идрок билан боғлиқ) билимдаги ноаниқликни осонликча енгишади, қийинчиликлар уларни ортга чекинтирмайди. Улар мураккаб ва узоқ муддатли вазифаларни бажаришдан завқ олишади, вазифалар жавоби тайёр берилишини улар хоҳламайди.

Иқтидорли бола бирор нарсага эътибори кучайиши, уни қизиқтирган соҳада натижаларга эришишда қатъийлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун уни яна топшириққа "чўмилиш" даражасини ҳам қўшиш керак. Кичик ҳаётий тажрибаси туфайли бундай болалар кўпинча ўзи ҳал қила олмайдиган ҳаракатларни қиладилар. Уларга катталарнинг тушуниши, баъзан йўл-йўриқлари керак, уларнинг хатоларига эътибор бермаслик лозим.

Руҳий-ижтимоий ривожланиш соҳасида иқтидорли болалар қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

• кучли ривожланган адолат туйғуси жуда эрта намоён бўлади. Иқтидорли болаларда шахсий қиймат тизимлари жуда кенг.

• жамият адолатсизлигини кескин қабул қиладилар. Улар ўзлари ва бошқаларга юқори талаблар қўядилар.

• улар ҳақиқат ва фантазияни аниқ ажрата олмайдилар.

• ҳазил туйғуси яхши ривожланган бўлиб, иқтидорли ўқувчилар, сўз ўйинлари, "илмоқли гапларни" ёқтирадилар.

• иқтидорли болалар ҳар доим ўзлари ҳали "тишлари ўтмайдиган" муаммоларни доимий равишда ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ривожланиш нуқтаи назаридан бундай ҳаракат фойдалидир.

услубий адабиётларда таъкидланганидек, бир-бирларидан, биринчи навбатда, ўрганиш қобилиятлари билан фарқ қилади.

Шу ўринда иктидор ўзи нима деган саволга назарий манбалар таҳлили асосида изоҳ берсак.

Иктидор – бу ҳаёт давомида ривожланиб борадиган психиканинг тизимли сифати, у одамни бошқа одамлар билан солиштирганда бир ёки бир нечта фаолият турларида юқори (ғайриоддий, фавқулодда) натижаларга эришиш имкониятини белгилайди.

Психологик луғатларда "иктидор" тушунчаси қуйидагича таърифланади:

1) иктидор – фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашуви;

2) иктидор – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3) иктидор – ақлий потенциал. Таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг яхлит индивидуал тавсифи;

4) иқтидор – табиат томонидан инъом этилган қобилият, қобилият табиий асосларининг ўзига хослиги, уларнинг намоён бўлиш даражалари;

5) иқтидор – истеъдодлилик, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилият, бирор-бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилият ётади.

Иқтидорли бола муайян фаолият туридаги ёрқин, равшан, энг яхши ютуқлари билан ажралиб турадиган (ёки бундай ютуқларнинг ички шартларига эга) ўқувчидир. Бугунги кунда психологлар қобилият ривожланишининг даражаси, сифатли ўзига хослиги ва табиати ҳар доим ирсият (табиий мойиллик) ва боланинг фаолияти (ўйин, мактаб, иш) воситачилик қилган ижтимоий муҳитнинг мураккаб ўзаро таъсири натижаси эканлигини тан оладилар. Бундай ҳолда, боланинг шахсий фаолияти, шунингдек, индивидуал истеъдодни шакллантириш ва амалга ошириш асосида шаклланган





шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришнинг психологик механизмлари алоҳида аҳамиятга эга.

Иктидорли ўқувчилар, одатда, эрта нутк ва фикрлашга асосланган ажойиб хотирага эга бўлади. Улар маълумот ва тажрибани таснифлаш ва олинган билимлардан кенг фойдаланиш қобилияти билан ажралиб туради. Мураккаб синтактик тузилмалар билан бирга олиб бориладиган катта сўз бойлиги, саволлар бериш қобилияти иктидорли болага бошқаларнинг эътиборини жалб қилади. Кичкина "вундеркиндлар" луғат ва энциклопедияларни завқ билан ўқийдилар, улар ўз концепциялари ва хаёлий воқеаларни ифода этадиган сўзларни ўйлаб топадилар, ақлий қобилиятларни фаоллаштиришни талаб қиладиган ўйинларни афзал кўришади.

Иқтидорли болалар когнитив (идрок билан боғлиқ) билимдаги ноаниқликни осонликча енгишади, қийинчиликлар уларни ортга чекинтирмайди. Улар мураккаб ва узоқ муддатли вазифаларни бажаришдан завқ олишади, вазифалар жавоби тайёр берилишини улар хоҳламайди.

Иқтидорли бола бирор нарсага эътибори кучайиши, уни қизиқтирган соҳада натижаларга эришишда қатъийлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун уни яна топшириққа "чўмилиш" даражасини ҳам қўшиш керак. Кичик ҳаётий тажрибаси туфайли бундай болалар кўпинча ўзи ҳал қила олмайдиган ҳаракатларни қиладилар. Уларга катталарнинг тушуниши, баъзан йўл-йўриқлари керак, уларнинг хатоларига эътибор бермаслик лозим.

Руҳий-ижтимоий ривожланиш соҳасида иқтидорли болалар қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

• кучли ривожланган адолат туйғуси жуда эрта намоён бўлади. Иқтидорли болаларда шахсий қиймат тизимлари жуда кенг.

• жамият адолатсизлигини кескин қабул қиладилар. Улар ўзлари ва бошқаларга юқори талаблар қўядилар.

• улар ҳақиқат ва фантазияни аниқ ажрата олмайдилар.

• ҳазил туйғуси яхши ривожланган бўлиб, иқтидорли ўқувчилар, сўз ўйинлари, "илмокли гапларни" ёктирадилар.

• иқтидорли болалар ҳар доим ўзлари ҳали "тишлари ўтмайдиган" муаммоларни доимий равишда ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ривожланиш нуқтаи назаридан бундай ҳаракат фойдалидир.

• иқтидорли болалар учун, одатда, ошириб юборилган қўрқувлар характерли, чунки улар кўплаб хавфли натижаларни тасаввур қилишга қодир.

• улар атрофдаги оғзаки бўлмаган ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига жуда сезгир ва улар атрофида юзага келадиган жим-житликка жуда мойил.

Иқтидорли ўқувчиларни ўрганиш қобилияти – унинг кўплаб шахсий фазилат ва қобилиятларига боғлиқ бўлган мураккаб таълим. Биринчидан, интеллектуал қобилият (таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, синтез қилиш, муҳим нарсаларни ажратиб кўрсатиш, таълим муаммоларини кўриш ва уларни ҳал қилиш), шунингдек, когнитив қизиқиш ва мотивация даражаси, қатъиятлилик, фикрлашнинг мослашувчанлиги, ўз-ўзини ташкил этиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мақсадга эришишда барқарорлик ва бошқалар.

Ўрганиш қобилияти чуқур фарқлаш, айниқса, когнитив мустақиллик нуқтаи назаридан, иқтидорли боланинг индивидуал шахсияти сифатида ўрганиш таълимдаги ҳаракатнинг турлича бўлишини аниқлайди. Демак, ўқувчи қобилияти унинг ўқиш суръати билан белгиланади.

**Умумий қобилият эгалари** – юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммо ёки масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятга ижодий ёндашиши билан ажралиб туради.

**Махсус қобилият эгалари** – бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилиятли бўлган ва шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадиган ўқувчилар.

Иқтидорли ўқувчилар умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб туради:

- қизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутқи;
- тафаккури, хотиранинг тез ривожланиши;
- эрта ёшданоқ мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, компьютер ва компьютер ўйинларига, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- замонавий компьютер технологиясида мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;





- тафаккурнинг самарадорлиги.

Умумтаълим мактабларидаги "Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончаларида ташкил этилган "Иқтидор" лойиҳа гуруҳи ўз фаолиятини тасдиқланган дастур асосида олиб боради.

Шу ўринда фаолият тартиби учун дастур ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамиятини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Таълимни модернизация қилиш концепцияси асосида жамият ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлларини топиш масаласи кескин кўтарилади. Бу кейинчалик ижтимоий жараённинг етакчи ғоялари ташувчиси бўлганларнинг интеллектуал даражаси ўсган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Таълимдаги етакчи инновацион ғояларнинг самараси ўлароқ, Чирчиқ давлат педагогика институти кенг жамоатчиликка таълимни модернизация қилишнинг илмий, назарий ва амалий концепциясини белгилаб берувчи, институтнинг асосий стратегик тадқиқот объекти бўлган педагогик таълим инновацион кластерини тақдим қилди. Педагогик таълим инновацион кластери субъекти ҳисобланган "Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончалари – инновацион тажриба майдончаларида амалга ошириладиган "иқтидор" лойиҳа гуруҳининг фаолиятини такомиллаштиришга асосланган.

Тажриба-синов амалиёти давомида нафақат заиф ўқувчилар билан ишлашга, балки ўқувчилар билимларидаги бўшлиқларни тўлдириш учун дарсларни ўз вақтида олиб боришга, кучли ўқувчилар билан ишлашга ҳам эътибор берилади. Дарсларни режалаштираётганда, уларни аниқ таркиб билан тўлдирганда, боланинг эришган ривожланиш даражасига мўлжал олиш кераксизлиги, уни тафаккурига унинг имконидан юқорироқ талаб қўйиш, яъни долзарблик даражасига эмас, балки яқин ривожланиш зонасига эътибор бериш муҳим. Иложи борича, ўқувчининг мустақил фикрини уйғотмоқ, фаол, юқори даражадаги ижодий фикрлашни ривожлантирмоқ керак.

Мотивацияланган болалар билан ишлашнинг мақсади ўқувчиларнинг фанга бўлган доимий қизиқишини шакллантириш, уларнинг турли йўналишларга бўлган қобилиятларини янада ривожлантириш, фан ва техниканинг турли соҳаларида самарали усуллардан фойдаланишдир.

**Лойиҳанинг мақсади:**

• мактабнинг оптимал тузилиши ва узлуксиз таълим орқали иқтидорли ўқувчиларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш;

• иқтидорли ўқувчиларни шахс, жамият ва давлат манфаатларига мос равишда аниқлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун қулай шароитлар яратиш;

• уларнинг шахсий, ижтимоий ўзини ўзи англаши ва касбий ўзини ўзи белгилашини таъминлаш.

**Лойиҳанинг вазифалари:**

• иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга ҳамроҳлик қилиш тизимини такомиллаштириш, уларни махсус қўллаб-қувватлаш, иқтидорли болаларга психологик ёрдам кўрсатиш учун психологик маслаҳат хизмати ташкил этиш;

• мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган турли усул ва услубларни танлаб олиш;

• иқтидорли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;

• иқтидорли ўқувчиларнинг туман, вилоят танловлари, илмий анжуманлар, ижодий кўргазмалар, турли танловларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш.

**Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:**

• мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;

• мактаб ўқувчилари орасида шаҳар ва вилоят олимпиада-лари ғолиб ва совриндорлари сонини кўпайтириш;

• ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини очиб бериш бўйича тадбирлар доирасини кенгайтириш;

• иқтидорли ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар учун қўшимча машғулотлар, услубий кўрсатмалар бериб бориш;

• педагогик таълим инновацион кластери субъектлари ўртасидаги интеграцияни янада такомиллаштириш;

• олий таълим муассасасига фан йўналишлари бўйича билимли, зукко, қобилиятли ўқувчиларни йўналтириш.





**Лойиҳани амалга ошириш:**

• ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини сақлаш ҳамда ошириш учун шароит яратиш;

• мақсадли дастур бўйича якка тартибда (индивидуал) ўқитиш;

• чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш (фундаментал фанлар, умумкасбий фанлар);

• олий таълим муассасалари талабларига асосланган ҳолда мактабда иқтидорли ўқувчиларнинг касбий, ўқув-ижодий ва тарбиявий тайёргарлигининг қўшимча йўналиши ва таълим хизматларини жорий этиш;

• иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчилар, амалиётчилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш;

• иқтидорли ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;

• мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;

• қобилиятли ва иқтидорли болаларни эрта ташхислаш учун банк, технологиялар ва дастурларни шакллантириш.

**Лойиҳанинг асосий фаолияти:**

• иқтидорли болалар учун индивидуал ўқитувчи тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

• мактаб мусобақалари, танловлар, конференциялар, кўргазмалар, интеллектуал мусобақалар ташкил этиш;

• мактаб ўқувчиларининг илмий-ижодий фаолияти ва иқтидорли болалар билан ишлашни ривожлантириш учун жиҳоз ва материаллар ташкил қилиш;

• иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий ва тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган илмий ва ўқув адабиётлар базасини ташкиллаштириш;

• ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ва ижодий ишлари раҳбарларини танлаш ва қўллаб-қувватлаш;

• иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш масаласи бўйича илмий конференциялар ва семинарлар ўтказиш.

Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти, асосан, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан ишлаш орқали аниқланади.

Бундан ташқари, ҳозирги вақтда кўпчилик қобилият ҳақида қайғурмоқда. Бу ёшларнинг меҳнат бозори талабларининг кучайиши, иқтидорли ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмининг йўқлиги билан бирлаштирилган ва йўналтирилганлиги билан ажралиб турадиган таълимнинг ривожланиши билан боғлиқ.

**Лойиҳани амалга оширишдаги субъектлар**: умумий ўрта таълим раҳбарлари, жумладан, мактаб директори ва унинг ўринбосарлари, услубий бирлашмалар, синф мураббийси, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, ота-оналар ҳамда барча ўқитувчи-мураббийлар, олий таълим муассасаси Педагогик таълим инновацион кластери ишчи гуруҳи аъзолари, илмий-изланувчилар.

**Лойиҳани сифатли амалга оширишда умумий ўрта таълим мактаби ва “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончасининг вазифалари:**

- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича йўриқнома;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг йиллик режаси ва жадвали;
- иқтидорли ўқувчиларнинг дастлабки ва якунловчи тажриба кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида тажриба гуруҳи ташкил этиш;
- тажриба гуруҳи таҳлилларини ўрганиб чиқиш, ишни тўғри ташкил қилиш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини оширишга оид ҳамкорликда буйруқлар тайёрлаш ва ижросини таъминлаш;
- ойлик ҳисоботлар;
- услубий бирлашмалар бўйича иқтидорли ўқувчилар рўйхати;
- ўқитувчилар ва амалиётчиларнинг иқтидорли ўқувчиларга берган тавсиялари ва унга илова қилинган ҳужжатлар;
- конференциялар, фан олимпиадалари, танловлар, мусобақалар ўтказилиши ва натижаларига оид ҳужжатлар ва ҳоказо.

**Иқтидорли ўқувчилар тоифалари:**

1. Умумий интеллектуал қобилиятлари жуда юқори бўлган ўқувчилар





2. Муайян фан соҳасида ва аниқ академик қобилиятли, махсус ақлий қобилиятли ўқувчилар
3. Ижодий (бадиий) қобилиятлари юқори бўлган ўқувчилар
4. Юқори етакчилик қобилиятига эга ўқувчилар;
5. Муайян сабабларга кўра, ўқув ютуқларига эришмаган, аммо ёрқин когнитив фаолиятга, ўзига хос фикрлаш ва ақлий зеҳнга эга бўлган ўқувчилар.

Когнитив сўзи инглизча “согнизе” сўзидан олинган бўлиб, у билмоқ, англамоқ, тушунмоқ ва фикрламоқ каби маъноларни беради. Ўз ўрнида билиш фаолияти инсоннинг воқеликни бевосита сезиши, ҳис этиши билан боғлиқ ҳодиса.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тамойиллари:**

- шахсий ривожланиши учун имкониятларнинг максимал даражада хилма-хиллиги тамойили;
- дарсларда ижодий фикрлашни ривожлантириш тамойили;
- синфдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти ошиб бориши тамойили;
- таълимни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойили;
- ўқувчиларга ўқитувчиларнинг минимал иштироки ёрдамида ишлашлари учун шароит яратиш тамойили;
- ўқувчиларга қўшимча таълим хизматлари, ёрдам, мураббийлик учун танлов эркинлиги тамойили.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш шартлари:**

1) доимий равишда уларнинг билишга бўлган қизиқишларини йўналтириш;
2) билиш жараёнига ижодий тус бериш;
3) ўқувчи энг юқори натижага эришиши мумкин бўлган йўналишни танлашга кўмаклашиш.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш шакллари:** иқтидорли талабалар билан гурух машғулотлари; имкониятлар; фан доиралари; қизиқиш уйғунлиги; расмлар; ихтиёрий курслар; олимпиадаларда иштирок этиш; индивидуал режалар устида ишлаш; ихтисослаштирилган синфлардаги машғулотлар; масофавий марафонлар.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчилар фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- иқтидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш дастури яратиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- шахсни ижодий фаолият субъекти сифатида баркамол ривожлантириш мақсадида шахсга йўналтирилган педагогик ёндашувни амалга ошириш;
- таълимнинг юқори даражасига эга бўлган болаларнинг ижодий потенциалини эрта аниқлаш ва очиб беришни таъминлайдиган психологик-педагогик тадқиқотлар асосида ривожланиш ҳамда ривожлантириш тизимини яратиш;
- шахсни шакллантириш жараёнларига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш омилларини ўрганиш, ўқувчиларнинг билим қобилиятларини самарали амалга ошириш;
- ўқув жараёнига барча ўқув фанларини асосий ўқув режаси тизимида уйғунлаштириш ғоясини киритиш, бу когнитив мотивациянинг доминант ролини таъминлаш, шахснинг ижодий ўзини ўзи идрок этишининг барча турлари ва шаклларини фаоллаштириш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни билиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш;
- ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг ривожланишини бошқариш;
- мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Таълим жараёнининг яхлитлиги таркибий тузилиш ва таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигига асосланади: ғоялар - ўқув таркибини янгилаш, ўқув дастурларининг ўзгарувчанлиги, индивидуал таълим йўлларини аниқлаш, технология, ўқитиш усуллари ва амалиётини ривожлантириш, таълим фаолияти, оилада болаларни ўқитиш ва тарбиялашда ёрдам бериш.

Шахсни ривожлантириш учун ўқув мақсадлари, мазмуни, усуллари, шаклларини оқилона танлаш керак. Умумтаълим мактабининг тажрибаси сифатида, яъни қаерда анъанавий дидактика ишласа, шу ерда асосий нарса ўтказиб юборилади; ўқитилаётган, тарбияланаётган, ривожлантирилаётган инсонга





бериладиган "озука" қай даражада умуман, талабга жавоб берадими?

**Педагогик тизим тўртта асосий ғоялар асосида қурилади:**

-биринчиси, ҳар бир ўқувнининг ноёб, бетакрор шахс сифатида ички моҳиятини англаш;

-иккинчиси, ҳар бир боланинг ривожланиш имкониятлари, шу қаторда унинг ижодий қобилиятлари тугамаслиги асосида белгилаш;

-учинчиси, ижодий ўз-ўзини ривожлантириш учун зарур бўлган эркинлик каби ташқи эркинликдан ички эркинликнинг устуворлиги асосида англаш;

-тўртинчиси, ижодий ўз-ўзини билиш, белгилаш, бошқариш, такомиллаштириш ва ўқувчи шахсини англашнинг бошланғич таркибий қисмларидан иборат бўлган "ўзи-ўзини"нинг ажралмас хусусияти сифатида ижодий ривожлантириш табиатини тушуниш.

Иқтидорли болаларни аниқлаш бошланғич мактабда кузатиш, психологик хусусиятларни, нутқни, хотирани, мантиқий фикрлашни ўрганиш асосида бошланиши керак. Иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлаш, уларни излаш, аниқлаш ва ривожлантириш мактабнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланиши керак.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда тадқиқотчи-амалиётчи қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:**

- ўз ишига иштиёқли, зийрак ва зукко;
- таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши, илмий ва ижодий фаолиятга қодир;
- юқори интеллектуал салоҳиятли касбий малака эгаси;
- билимдон ва юксак ахлоқий фазилатга эга;
- иқтидорли болалар психологиясини яхши билиши ҳамда уларнинг талаб ва қизиқишларини ҳис қила олиши;
- иқтидорли болаларни ўқитиш билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятни бажара олиши;
- илғор педагогик технологияларнинг етакчиси;
- психолог ва ўқув жараёнининг моҳир ташкилотчиси;
- изланувчан ва доимо ўз устида ишлаши;
- табиатан фаол ва киришимли;
- инсон ҳаётининг барча соҳалари бўйича мутахассис.

**Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи-амалиётчининг асосий вазифалари:**

– иқтидорли болаларни аниқлаш;

– уларнинг мақбул ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш.

**Биринчи мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:**

*1. Ўқитувчиларни иқтидорли болалар билан ишлашда самарали бўлган психологик хусусиятлари ва услубий усуллари тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш:*

- мутахассисларни таклиф қилган ҳолда педагогик маслаҳатлар ўтказиш;

- узлуксиз таълим курсларида ўқитиш;

- ўз-ўзини тарбиялаш учун зарур бўлган адабиётларни кутубхона фондига тўплаш ва янги олинган нарсаларни мунтазам кўриб чиқиш;

- ушбу соҳадаги илмий ва услубий ишлар (кейинчалик муҳокама ва тажриба алмашиш билан).

*2. Ўқувчиларнинг мойиллиги бўлган ва фаолиятнинг турли соҳаларида юқори кўрсаткичларга эга болаларни аниқлаш учун ўқув ва ўқувдан ташқари машғулотларни мақсадли кузатувдан ўтказиш:*

- иқтидор борлигини баҳолаш мезонларини муҳокама қилиш;

- мақсадли педагогик кузатув усуллари билан таништириш;

- ота-оналарни фарзандларининг мойиллиги, катта муваффақият соҳалари ва қизиқишлар доираси, унинг шахсий ривожланиш хусусиятлари тўғрисидаги фикри;

- фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари билан иқтидорли ўқувчиларнинг дарсларида қатнашишлари тўғрисида даврий маълумот тўплаш.

*3. Иқтидорликни аниқлаш учун материалларни танлаб олиш ва махсус тест синовлари ўтказиш қуйидаги ҳаракатлар билан бирлаштирилган ҳолда олиб борилади:*

- ушбу соҳадаги мавжуд амалий тажриба билан танишиш;

- синов натижаларининг самарадорлиги ва реал фаолиятдаги муваффақиятлар ўртасидаги боғлиқликни узоқ муддатли кузатиш;





- болага ўз қобилиятини намоён этишига имкон берадиган турли синфдан ташқари танловлар, мусобақалар ўтказиш.

**Иккинчи мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:**

*1. Фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорлик мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам берадиган турли таълим тизимлари орасидан қуйидаги усуллар, методлар ва услубларни танлаш:*

- тақдим этилган маълумотларнинг сони ва уни қайта ишлаш қобилиятини танлаш (таҳлил қилиш, таққослаш, таснифлаш, хулоса чиқариш);

- маълумот етказиш ёки ўқув топшириқларини бажаришнинг аниқ усулларини кўрсатиш учун минимал вақт ва муаммоларни муҳокама қилишлари учун болаларга кўпроқ имкониятлар бериш (ўқувчилар қандай қилиб хулоса, қарор, баҳо беришганини тушуниш учун "очиқ саволлар"дан фойдаланган ҳолда камроқ тушунтириш ва кўпроқ сўраш);

- синфдаги ҳар бир ўқувчининг жавоб беришга интилмасдан, диққат билан тинглаб, жавобларни баҳоламасдан, фақат сиз уларни қабул қилаётганингизни кўрсатинг. (Бундай хатти-ҳаракатлар ўқувчиларни бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишига олиб келади, кўпинча синфдошларининг фикри ва қарашлари ҳақида фикр билдиради. Шу боис улар ўқитувчиларга камроқ қарам бўладилар).

*2. Илмий раҳбар билан биргаликда қўшма фаолиятда кўникмаларни яхшилаш учун имконият бериш:*

- ўқувчилар танлаган илмий тадқиқотлар мавзусида юқори даражада маслаҳат берилиши;

- мақсадларга эришиш усуллари ва услубларини қўллаш соҳасини танлаш эркинлигини таъминловчи ташаббускорликни намоён қилиш;

- вазиятнинг хусусиятлари ва ўқувчининг шахсиятини ҳисобга олган ҳолда, ижодий ғояларни аниқ амалга ошириш учун шароит яратиш;

- бошқа соҳаларда ўзини синаб кўриш истагини уйғотишга ҳисса қўшади, ҳар қандай соҳада ишлашни рағбатлантиради.

*3. Маълум соҳаларда иқтидорлари аниқланган ўқувчилар учун мослашувчан индивидуал ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, бунда:*

- иқтидорли ўқувчи учун индивидуал ўқув дастурининг мақсади – иқтидор мақбул ривожланиши учун шароит яратиш ва шахсий ривожланишдаги номутаносибликларни бартараф этиш;

- бундай дастурларни яратиш бўйича таклиф ота-оналар, фан ўқитувчиси, синф раҳбари, мураббий, психолог, ўқитувчилар кенгаши ёки иқтидорли ўқувчининг тақдири билан қизиқувчи ҳар қандай бошқа шахслар томонидан киритилиши мумкин;

- дастурни ишлаб чиқиш ташаббуси психолог, мураббий, синф раҳбари, фан ўқитувчиси, ота-оналардан бири ёки ўқувчи (катта синф ўқувчиси) томонидан қабул қилинади, иқтидорли талабанинг тақдирига қизиққан одамлар дастурни ишлаб чиқишда иштирок этишга жалб қилинади.

*4. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, бунга қуйидагилар киради:*

- иқтидорли ўқувчининг ривожланиш хусусиятлари ҳақида тушунча;

- атрофдаги воқеликка муносиб муносабатни шакллантиришга, ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бошқалар билан муносабатда бўлиш ва одамларга нисбатан сезгир муносабатни ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқувчининг шахсий ривожланиш дастурини тузиш (бундай дастур психолог томонидан тузилади);

- интеллектуал, ҳиссий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишини уйғунлаштиришга ёрдам берадиган синфдошлар билан самарали ва ҳиссий жиҳатдан ижобий ўзаро таъсир қилиш ҳолатини яратиш;

- экстремал иқтидорли болалар билан ишлашдан қочиш истаги, бир томондан, болани юқори мансабга кўтариб, унинг махсус ҳуқуқларини таъкидлаб, иккинчи томондан, кадр-қимматини очиқчасига камситиш ёки "юлдузлик касали"га қарши курашда интеллектуал муваффақиятларга эътибор бермаслик;

- тенг даражада юқори ҳиссий ва ижтимоий етукликка эга бўлиши шарт эмас (ёмон мослашади, ўзини ўзи назорат қила олмайди, мустақил ва масъулиятли эмас);

- ҳар доим мустақил равишда шуғуллана олмайди, ўқитиш ва ёрдамни индивидуаллаштиришга муҳтож;

- жисмоний ривожланишдаги баъзи кечикишлар бўлиши мумкин (масалан, ҳаракатлар суст мувофиқлаштирилган).





Демак, ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида унинг ақлий, ижодий хусусиятлари намоён бўлади. Иқтидорли, ҳар томонлама шаклланган ўқувчиларимиз осонлик билан ўз мақсадларига етади, уларда шахсий хусусиятлар, билим ва кўникмаларни тўғри рағбатлантириб бориш ҳам таълим муассасасининг муваффақият мезонларини таъминлаб беради.

## 3.5. Умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар, уларни "Мактаб-лаборатория"ларда ҳал этиш усул ва воситалари

Бугунги кунда Чирчиқ давлат педагогика институти умумий ўрта таълим мактабларида таълим соҳасидаги миллий лойиҳаларни амалга ошириш муносабати билан жамоатчилик диққат марказида бўлиб келаётганлиги маълум.

Таълим хизматлари бозорида талабаларнинг интеллектуал ва ахлоқий тайёргарлигига бўлган талаб ортиб бораётган бир шароитда, таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги билан боғлиқ келажакдаги ўзгаришлар жиддий рақобатларни келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда таълим сифати – талабалар билимларининг давлат стандартларига мувофиқлиги, таълим муассасаси, ҳар бир таълим олувчининг муваффақиятли фаолияти билан белгиланмоқда.

Таълим хизматлари бозорида таълим муассасаси таълим сифатини аниқлаш параметрлари нималар орқали тавсифланади, биринчи навбатда, таълим сифатини аниқлашга қаратилган мақсаднинг нисбати ва натижаси белгиланган ҳолда, таълим олувчиларнинг билим даражаси, малака ва кўникмалари, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, амалга ошириш даражаси ва бунинг учун яратилган шароитлар билан белгиланади.

Олиб борилаётган тадқиқот сифатли таълимни таъминлашга тўсқинлик қилувчи барча омилларни аниқлаш имконини беради. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш орқали тадқиқотда ижобий натижаларга эришиш, умумий ўрта таълим мактаблари учун сифат самарадорлигини оширишга имкон беради.

Тошкент вилоятида халқ таълими тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режаларнинг бажарилмаслиги ва тақсимотнинг

тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи бугунги кунда ҳудуднинг ўта долзарб ижтимоий масалалари сирасига киради. Вилоят халқ таълими бевосита, узлуксиз таълим тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганлиги, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келди.

Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида малакали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжнинг тўла қондирилмаганлиги, ўқитувчиларнинг ҳам ўз билим, малака ва кўникмаларини ошириш устида етарли ишламаётганлиги натижасида бугунги кунда ҳудуднинг умумий ўрта таълим тизимида оқсоқлик кузатилмоқда. Ушбу муаммонинг илмий ва амалий ечимларини топиш Чирчиқ давлат педагогика институтидан тизимга нисбатан янгича ёндашувларни, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Минтақавий таълим тизими сифатини таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқот юзасидан Тошкент вилоятида Педагогик таълим инновацион кластери платформаси яратилди, масъул вакиллик органлари билан ҳамкорликда тадқиқот юзасидан бир қатор дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Кластер ўз фаолияти давомида минтақанинг халқ таълими вазирлигига тегишли долзарб муаммоларни, таълим сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга катта аҳамият қаратмоқда. Айниқса, мамлакатимизда сифатли таълим билан таъминлаш учун ҳозирги вақтда асосий ахборот маълумотларига муҳтож эканлиги бу каби тадқиқотларнинг кенг кўламли ривожланишини тақозо қилмоқда. Олиб борилаётган тадқиқот натижаси ўлароқ, минтақадаги таълим муассасалари сифат даражалари аниқланиб, минтақа микёсида сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали улар ўртасида рақобат майдонини яратади, бу сифат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Сифат самарадорлигини таъминлаш кенг жамоатчилик билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда мавжуд вакиллик органларининг ўрни муҳим, улар томонидан сифатли таълимни самарали таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш, мактаб муассасаларини жиҳозлар ва





керакли ресурслар билан таъминлаш, сифатли таълимга тўсқинлик қилувчи омилларни ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосий усуллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ўқитувчилар сифатли таълим беришда асосий иштирокчилар бўлиб, биринчи навбатда, сифатли таълимни таъминлашда уларнинг билимини ошириш, меҳнат фаолиятлари давомида уларни рағбатлантириб бориш ва тоифаларни оширишга кўмаклашадиган малакаларни ривожлантириш муҳим. Талабалар ҳам минтақавий умумтаълим мактаблари таълим сифатини таъминлашга иштирокчи сифатида катта аҳамиятга эга. Таълим сифатини таъминлашда талабаларнинг ўрни ва аҳамияти тажриба сифатида Тошкент вилояти умумтаълим мактабларида педагогик таълим инновацион кластерининг платформасидаги муҳим лойиҳалардан бири бўлган “Ташаббускор талабалар” гуруҳи орқали амалга оширилмоқда. Минтақадаги мавжуд паст сифат кўрсаткичли мактаблар тажрибага жалб қилинган бўлиб, 3 та умумтаълим мактабларида кимё, биология, ўзбек тили ва адабиёти каби фанларни умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган давлат таълим стандартлари ва намунавий дастурлари орқали мактаб ўқувчиларига Тошкент давлат педагогика институтининг юқори курс талабалари томонидан олиб борилмоқда. “Ташаббускор талабалар” гуруҳи фаолияти ўз навбатида ПТИК ишчи гуруҳи томонидан тартиблаштирилган ҳолда йўлга қўйилган бўлиб, лойиҳа иштирокчилари бириктирилган мактабларда белгиланган фанлардан олий таълим муассасасида олаётган билим, кўникма ва малакаларини синаб кўришга, шу билан бирга, умумтаълим мактабларида таълим сифати самарадорлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Янги инновацион лойиҳалардан кўзланаётган асосий мақсад педагогик таълим билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи муассасалар билан мақсадли ҳамкорликни ўрнатиш орқали умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; ҳудуднинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини сифатли қондириш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш; ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш; педагогик таълим соҳасидаги интеграция, инновация,

узвийлик, узлуксизлик, изчиллик, самарали ворисийликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий асосланган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнларини ташкил қилиш; таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш; педагог кадрлар тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланишга имконият яратиш; педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш; таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиб, таълимга татбиқ этиш; вилоятдаги умумтаълим мактабларини PISA дастурига тайёрлаш ва ҳоказо.

Ташаббускор талабалар иштирокидаги тажриба-синов ишининг асосий вазифалари минтақавий умумтаълим мактабларида мавжуд муаммоларни ўрганиш, яхлит тизимга солиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, талабалар томонидан умумтаълим мактабларда янги педагогик технологиялар асосида дарс машғулотлари ташкил қилиш ишларини такомиллаштириш кабилардан иборат.

“Ташаббускор талабалар” лойиҳаси бевосита уч босқич асосида ўз фаолиятини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, биринчи босқич давомида тажриба-синов майдончаларида PISA дастурига тегишли фанлардан дарс машғулоти олиб борувчи ўқитувчиларга ўқув-методик кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни тизимга солиш ва ечими бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Иккинчи босқичда эса, лойиҳа кенг жалб қилинган ҳолда, минтақани тўлиқ қамраб олади, яъни барча умумтаълим мактабларини PISA дастурига тайёрлаш билан чора-тадбирлар олиб борилади.

Учинчи босқичда лойиҳа фаолияти ҳажми янада кенгайиб, Тошкент вилоятидаги барча туманлар лойиҳа доирасига қамраб олинади. Ҳар бир босқич, ўз навбатида, тартиблашган дастур ва режалар асосида ташкил қилинади. Лойиҳа фаолияти умумтаълим мактабларида анкета ва сўровномалар орқали умумтаълим мактабларининг раҳбарият, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг фикрлари ўрганилади, у орқали таълим сифатига таъсир этувчи омиллар аниқланади. Тадқиқотчи томонидан аниқланган муаммолар





тизимлаштирилади, масалан, “Бошқарув билан боғлиқ муаммолар”, “Таълим сифати билан боғлиқ муаммолар”, “Тарбия билан боғлиқ муаммолар”, “Ота-оналар билан боғлиқ муаммолар”, “Ўқитувчилар билан боғлиқ муаммолар” ва ҳоказо.

Бундан ташқари, таълим сифатини оширишга ота-оналар ва кенг жамоатчилик аъзолари ҳам сифатли таълимни қўллаб-қувватлаш, мактабларни ривожлантиришда фаол иштирокчи сифати ҳисса қўшишади.

Тадқиқот доираси сифатли таълимни таъминлашга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чораларини кўриш билан чегараланган бўлиб, бунинг бир қисми Тошкент вилоятидаги узлуксиз таълим тизими сифати самарадорлигини оширишга қаратилган.

Таълим сифати таълимнинг мақсади ва стратегияси билан узвий боғлиқ. Ваҳоланки, бугунги кунда умумтаълим мактаблари таълимида аниқ белгиланган мақсаднинг йўқлиги, ноаниқлиги ва анъанавий таълим стратегиясининг сақланиб қолинганлиги унинг самарадорлиги пастлигига олиб келмоқда. Чунки таълимнинг анъанавий стратегияси ўсиб бораётган инсоннинг умумий ва махсус қобилиятлари ривожланишига тўсқинлик қилади, бу эса таълимда кўплаб йўқотишларга олиб келади, айниқса, мактаб битирувчиларининг кейинги ижтимоий мослашуви имкониятларини камайтиради. Боланинг таълим жараёнида нотекис ривожланишининг сабаблари орасида қуйидагилар мавжуд:

- ҳар бир ўқувчи учун унинг қобилияти ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда таълимни ривожлантиришнинг универсал психологик ва педагогик назариясининг йўқлиги;
- репродуктив таълим технологиялари мактабларининг оммавий амалиётида фикрлашнинг самарали турларини ривожлантиришга эмас, балки тайёр билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган технологияларни сақлаб қолиш;
- иқтидорли болалар билан ишлашга ўргатилмаган ўқитувчилар, уларнинг қобилиятига нисбатан уларнинг когнитив фаоллиги даражасига етарлича баҳо бермаслик;

• таълимнинг ижтимоий мотивациясининг пасайиши, умуман, жамиятнинг маънавий маданияти[151].

Таълим сифати муаммоси шахснинг ижтимоий тараққиётни жамият тараққиётининг омили сифатида шакллантирувчи таълим интеллектини шакллантириши билан узвий боғлиқ.

Таълим сифатини таъминланишида танлов назарияси муҳим саналиб, бу орқали ўқувчи рағбатлантирилади, яъни ўқувчи мактабда ўзига хос бўлган сифатли мавжудлик ва унга эришишга олиб келадиган фаолиятни танлаш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ўқувчига ўқитиш ва ўрганиш вазиятларида тасаввур қилишга ёрдам беради. Танлов назариясининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, таълим жараёнидаги қийин вазиятларда ҳам ўқувчиларни мажбурламасдан, уларни бошқаришнинг самарали усуллари орқали яхши натижаларга эришилади. Бошқача қилиб айтганда, танлов назарияси орқали ўқитувчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжига қараб нималарга кўпроқ эътибор қаратишни билиб олишлари мумкин.

Шу билан бирга, танлов назариясининг заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, бу, биринчи навбатда, ўқитувчининг масъулияти ва ўқувчининг хатти-ҳаракати ўртасидаги зиддиятда ўз аксини топади. Ўқитувчи мактабда ўқувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган муҳит яратишга масъул, лекин баъзан ўқувчилар хатти-ҳаракатларини ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб танлайдилар, бу танлов таълим сифатига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчини танлов назариясида нималар муҳимлиги, ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қиладиган танловларни танлаш бўйича тавсиялар бериши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида ўқувчини соғлом ва ижодий шахс сифатида ривожлантиришга қаратилган мактаб таълимининг янги тушунчалари зарур. Таълим сифати масаласини ўрганишда ўқитувчиларнинг ўзлари мактаб таълими сифати ҳақидаги фикрларини ўрганиш жуда муҳим бўлиб, бу уларнинг малакасини ошириш жараёнининг мақсади ва мазмунини мослаштиришга имкон беради. Шу мақсадни амалга ошириш учун

[151] Ростовцева Л.Г. Доклад на педагогической конференции по теме " Качество образования – предпосылки, сущность, оценка" // https://urok. 1sept.ru





Тошкент вилоятида яратилган Педагогик таълим инновацион кластери платформаси доирасида минтақадаги қатор мактабларда ўқитувчилар ўртасида сўров ва анкеталар ўтказилди. "Замонавий мактабда таълим сифати деганда нимани тушунасиз?" саволига жавоб берилган натижалар 4 та гуруҳга ажратилди:

**биринчи гуруҳ** – интеллектуал ривожланиш, таълим ва ўз-ўзини ўқитиш мотивацияси, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилияти,

**иккинчи гуруҳ** – битирувчиларнинг олий ўқув юртларига кириш даражаси, билим даражаси, натижаси,

**учинчи гуруҳ** – ўқув жараёнларининг ҳолати ва кўрсаткич натижалари;

**тўртинчи гуруҳ** – ўқувчиларнинг ижтимоий ва шахсий ривожланиши ҳамда таълим олишдаги иштироки.

Гуруҳлаштирилган сўровнома натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, таълим сифатини кўрсатувчи биринчи жиҳат иккинчи гуруҳдаги жавоблар деб топилди. Аксарият ўқитувчиларнинг таъкидлашича, таълим сифати ўз-ўзини ўқитиш ва таълимни олий ўқув юртларида давом эттириб, қўшимча таълим олиш учун етарли бўладиган билимлар йиғиндисидир, таълим сифати бу ўқув фанлари бўйича юқори даражадаги билим, олий ўқув юртларига киришда рақобатга бардош берадиган билимларни ҳаётда қўллаш қобилияти, билимларни қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш.

Гуруҳлаштирилган сўровнома натижаларида таълим сифатини белгилаб берувчи кейинги муҳим хусусият сифатида биринчи гуруҳдаги жавобларнинг муҳимлиги эътироф этилган. Сўровнома иштирокчилари ўз жавобларида таълим сифати интеллектуал ривожланишнинг юқори қобилиятини ўз ичига олишини, ўқувчининг ижодий салоҳиятини, олинган билимларни таҳлил қилиш, таққослаш ва уни қўллаш қобилиятининг муҳимлигини таъкидлаб ўтганлар. Юқори интеллектуал қобилият мустақил ижодий фаолият учун муҳим бўлиб, бу ўқувчининг таълим сифати маданиятини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга эканлиги бўйича фикрлар баён этилган.

Таълим сифати таъминланишида ўқув жараёнининг сифати муҳимлиги кейинги хусусият сифатида баҳоланган. Таълим сифатини таъминлашда ўқитувчининг профессионаллиги, замона-

вий технологиялар ва ўқув жараёнини замонавий усулларда олиб бориш, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ўқитувчининг етарли қобилиятга эга эканлиги, тегишли кўрсатма ва тавсиялар бериш қобилиятининг мавжудлиги, дарс жараёнлари олиб борилишида ўқитувчининг ҳақиқий бошқарувчилик маҳорати муҳимлиги эътироф этилган.

Ўқувчининг ижтимоий ва шахсий ривожланиши таълим сифатини таъминлашдаги кейинги ўринда белгиланган хусусиятлар сирасига тўғри келди. Натижалар таҳлилига кўра, инсонда доимий яхши томонга ўзгариш истаги, ҳаётда юқори натижага эришиш учун ҳаракат қилиш қобилияти, инсондаги масъулият, мавжуд тизимга мослашувчанлик, ўз позициясини ақл билан бошқариш ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қобилияти, ўқувчининг шахс сифатида ўз-ўзини англаш қобилияти каби хусусиятлар таълим сифатини таъминлашда муҳим саналади.

Сўровнома натижаларида таълим сифатини таъминлашга катта аҳамият берадиган хусусиятлардан ҳисобланган таълимни инсонпарварлаштириш, демократлаштиришга эътибор берилмаганлиги сифатни таъминлашда аксарият ўқитувчиларнинг етарлича назарияга эга эмаслигини кўрсатиб берди. Ҳатто, ўқитувчи ўқувчини доимий сиқувда, мажбуриятда ушлаб туриш, талабларни кучайтириш орқали таълим сифатини ошириши мумкин мазмунидаги натижаларнинг борлиги бугунги кунда таълимни замонавийлаштиришга катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Таълимни замонавийлаштиришга, унинг сифатини таъминлашга тўсиқ бўлаётган омиллар турлича бўлиб, айнан шу йўналишда тадқиқот олиб борган изланувчилар томонидан унинг турли жиҳатларига эътибор қаратилмоқда: маънавиятнинг йўқлигига, қадриятларнинг инқирози, профессионалликнинг етарли даражада эмаслиги, минтақада таълим тизимида мутахассисларнинг камлиги, битирувчиларнинг ижтимоий шароитларга мослаша олмасликлари, минтақавий ривожланишга таъсир кўрсатадиган ихтисосликларни шакллантиришга аҳамият берилмаслиги, вакиллик органлари, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг кенг йўлга қўйилмаганлиги.

Бугунги кунда сифатли таълим нимани англатади? Сифатли таълим – мамлакат келажаги, инсонга эркинликни таъминлайдиган





асосий манба бўлиб, унинг асосий мақсади эркин, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган шахсни тарбиялаш, жамоа ва жамиятга мослаштиришдан иборат. Шунинг учун бугунги кунда ҳар бир умумтаълим мактабларида шахсга йўналтирилган таълим бериш, унинг моҳиятини ўзгартириш катта аҳамиятга эга.

Сифатли таълим – шахсни шакллантириш, ўз-ўзини англаш, унинг қиёфаси, яъни, индивидуаллик, маънавият, ижодкорлигини ривожлантириш. Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, сифатли таълим шахсга уни қўллаб-қувватлаш, шахсни ривожлантириш, ўзини англаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини ҳимоя қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш механизмларини шакллантириш, табиат, маданият, цивилизация билан ҳамжиҳатликда яшаш ва бошқаларга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда таълимнинг мамлакатимиз ҳаётига таъсирининг асосий жиҳатларини, яъни:

- таълим ижтимоийлаштириш ва тарбия амалиёти сифатида:
- таълим индивидуаллаштирилган юқори даражадаги таълим хизматлари сифатида;
- таълим мактаб жамиятида ижтимоий ҳаётни шакллантириш механизми сифатидаги жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Мактаблар учун энг муҳим умумий мақсад алоҳида бўлган элита гуруҳларни шакллантириш ва улар билан янада кўпроқ иш олиб бориш эмас, балки, ҳар бир шахс учун сифатли ҳаётни таъминлашда, касбий жиҳатдан ўз-ўзини белгилайдиган, зарур вазиятларда ҳатто касбини ўзгартиришга қодир бўладиган шахснинг ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлигини таъмнлайдиган, жамиятдаги янги ижтимоий ўрин ва вазифаларни тез ўзлаштира оладиган рақобатбардош шахсларни шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Буни амалга ошириш учун умумтаълим мактабларида сифатли таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиши зарур:

✓ ўқувчиларнинг индивидуал, маданий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш ва шахсиятни ривожлантиришни таркибий қисмларга ажратишни таъминлайдиган янги педагогик технологияларнинг базавий ва минтақавий стандартлари асосида ишлаб чиқиш;

✓ шахс манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш;

✓ таълим шакллари хилма-хиллиги, билиш асослари ва шакллари орқали демократлаштиришни ривожлантириш;

✓ таълимнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш.

Шу ўринда педагогдан қандай қилиб фанга доимий қизиқишни ривожлантириш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам берадиган усул ва воситаларни жорий этиш мумкин, деган савол туғилади? Бунинг учун биринчи навбатда, айнан шунга хизмат қиладиган машғулотларни ташкил қилиш керак, ўқув муаммоларини ҳал қилиш учун маъқул шароитлар яратиб, қўлланиладиган ўқув материалларини диққат билан танлаб олиш, таълим сифатини таъминловчи хусусиятларни бирлаштириш, ривожлантириш орқали таълим сифати вазифалари ҳал қилинади.

Таълим берувчилар раҳбарлигида дарс жараёнларида ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ижодий фаолият олиб боришларига шароит яратиб бериш таълим сифатини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим самарали усулларидан биридир. Бу мақсадга эришиш учун, албатта ўқувчиларнинг билим фаоллигини янада фаоллаштирадиган ва таълим сифатини ривожлантирадиган муҳит яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ўқувчининг имконият ва қобилиятларини ҳисобга олишни ўз ичига оладиган таълимни индивидуаллаштиришни унутмаслигимиз керак.

Таълим сифатининг энг муҳим қиймати унинг индивидуаллаштириши бўлиши керак. **Таълимни индивидуаллаштириш** – ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг салоҳиятини шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб, таълим олувчи ва таълим берувчига индивидуал ҳолатда ёндашиш. Бугунги кун таълим тизимида узоқ вақт ўқувчиларга таълим жараёнларида индивидуал ёндашишга имкон берадиган аниқ механизм мавжуд эмаслиги ва жорий этилмаётганлиги сифат ривожланишига тўсиқ бўлиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи фақат маълум ижтимоий функцияларни бажаришга тайёр субъект сифатида намоён бўлиб, унинг шахс сифатида шаклланишига эҳтиёж ҳам сезилмади. Ваҳоланки, замонавий таълим тизимининг





муҳим шартларидан бири умумий ўрта таълим мактаблари ҳаётини шахсий ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган таълимдан иборат бўлишидир. Шу сабабли ҳам мактаб таълимида шахсий интеллектуал ва маърифий салоҳиятни шакллантиришга таъсир этувчи шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш биринчи ўринда туриши керак.

Ўқувчининг ижодий потенциалини, индивидуал қобилият-ларини аниқлаш, келажакда ўзи танлайдиган соҳасига оид фазилатларни шакллантириш учун мактаб амалиётларини жорий қилган ҳолда, конференция дарслари, бизнес ўйинлар, семинар ва натижали лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби ўқитиш шакллари-нинг янгича ёндашувларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Айнан бу ёндашувларни татбиқ қилишда мактаб таълимида илмий изланишлар олиб бориш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган ўқитиш усуллари ҳар бир ўқувчининг ўзига хослиги ва ижодий салоҳиятини очишга ёрдам беради.

Таълим мазмунида, биринчи навбатда, анъанавий таълимнинг қуйи йўналишли хусусиятларини тарк этиш зарур. Таълим мазмуни бўйича билимлар услубий ва маданий ҳолатда бўлиши сифат самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ҳатто, умумтаълим мактаб-ларида "Ўзингизни билиб олинг", "Ўз "мен"ингизни яратинг" каби махсус курслар киритиш ҳам тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган таълимни модернизация қилиш концепциясида барча даражадаги ўқитиш усул ва технологияларини ўзгартириш, масъулиятли фаолият тажрибасини шакллантирадиган, таълим олувчиларнинг мустақил ишлашини рағбатлантирадиган амалий маълумотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш зарурлигини таъкидлайди. Шу сабабли шахсга йўналтирилган таълим тамойилларини англаган ҳолда замонавий ахборот технологияларига асосланган янги ўқув моделига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Уларни яхлит таълим тизимининг таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, биз маълумотларга киришни осонлаштирамиз, турли таълим фаолияти учун имкониятлар очилиб, ўқувчилар таълим фаолиятида фаол ва тенг иштирок этадиган таълим тизимини яратамиз. Шу сабабли ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш замонавий мактабларда таълим

✓ шахс манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш;

✓ таълим шакллари хилма-хиллиги, билиш асослари ва шакллари орқали демократлаштиришни ривожлантириш;

✓ таълимнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш.

Шу ўринда педагогдан қандай қилиб фанга доимий қизиқишни ривожлантириш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам берадиган усул ва воситаларни жорий этиш мумкин, деган савол туғилади? Бунинг учун биринчи навбатда, айнан шунга хизмат қиладиган машғулотларни ташкил қилиш керак, ўқув муаммоларини ҳал қилиш учун маъқул шароитлар яратиб, қўлланиладиган ўқув материалларини диққат билан танлаб олиш, таълим сифатини таъминловчи хусусиятларни бирлаштириш, ривожлантириш орқали таълим сифати вазифалари ҳал қилинади.

Таълим берувчилар раҳбарлигида дарс жараёнларида ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ижодий фаолият олиб боришларига шароит яратиб бериш таълим сифатини такомиллаштиришнинг яна бир муҳим самарали усулларидан биридир. Бу мақсадга эришиш учун, албатта ўқувчиларнинг билим фаоллигини янада фаоллаштирадиган ва таълим сифатини ривожлантирадиган муҳит яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ўқувчининг имконият ва қобилиятларини ҳисобга олишни ўз ичига оладиган таълимни индивидуаллаштиришни унутмаслигимиз керак.

Таълим сифатининг энг муҳим қиймати унинг индивидуаллаштирилиши бўлиши керак. **Таълимни индивидуаллаштириш** – ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг салоҳиятини шакллантириш ва рўёбга чиқариш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб, таълим олувчи ва таълим берувчига индивидуал ҳолатда ёндашиш. Бугунги кун таълим тизимида узоқ вақт ўқувчиларга таълим жараёнларида индивидуал ёндашишга имкон берадиган аниқ механизм мавжуд эмаслиги ва жорий этилмаётганлиги сифат ривожланишига тўсиқ бўлиб келмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи фақат маълум ижтимоий функцияларни бажаришга тайёр субъект сифатида намоён бўлиб, унинг шахс сифатида шаклланишига эҳтиёж ҳам сезилмади. Ваҳоланки, замонавий таълим тизимининг





муҳим шартларидан бири умумий ўрта таълим мактаблари ҳаётини шахсий ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган таълимдан иборат бўлишидир. Шу сабабли ҳам мактаб таълимида шахсий интеллектуал ва маърифий салоҳиятни шакллантиришга таъсир этувчи шахсни ривожлантириш ва тарбиялаш биринчи ўринда туриши керак.

Ўқувчининг ижодий потенциалини, индивидуал қобилиятларини аниқлаш, келажакда ўзи танлайдиган соҳасига оид фазилатларни шакллантириш учун мактаб амалиётларини жорий қилган ҳолда, конференция дарслари, бизнес ўйинлар, семинар ва натижали лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш каби ўқитиш шаклларининг янгича ёндашувларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Айнан бу ёндашувларни татбиқ қилишда мактаб таълимида илмий изланишлар олиб бориш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Юқорида келтирилган ўқитиш усуллари ҳар бир ўқувчининг ўзига хослиги ва ижодий салоҳиятини очишга ёрдам беради.

Таълим мазмунида, биринчи навбатда, анъанавий таълимнинг қуйи йўналишли хусусиятларини тарк этиш зарур. Таълим мазмуни бўйича билимлар услубий ва маданий ҳолатда бўлиши сифат самарадорлигига таъсир кўрсатади. Ҳатто, умумтаълим мактабларида “Ўзингизни билиб олинг”, “Ўз “мен”ингизни яратинг” каби махсус курслар киритиш ҳам тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган таълимни модернизация қилиш концепциясида барча даражадаги ўқитиш усул ва технологияларини ўзгартириш, масъулиятли фаолият тажрибасини шакллантирадиган, таълим олувчиларнинг мустақил ишлашини рағбатлантирадиган амалий маълумотларни таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш зарурлигини таъкидлайди. Шу сабабли шахсга йўналтирилган таълим тамойилларини англаган ҳолда замонавий ахборот технологияларига асосланган янги ўқув моделига эҳтиёж пайдо бўлмоқда. Уларни яхлит таълим тизимининг таркибий қисмларидан бири сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, биз маълумотларга киришни осонлаштирамиз, турли таълим фаолияти учун имкониятлар очилиб, ўқувчилар таълим фаолиятида фаол ва тенг иштирок этадиган таълим тизимини яратамиз. Шу сабабли ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш замонавий мактабларда таълим

сифатини таъминловчи усуллардан бири деб ҳисоблаймиз. Компьютер ёрдамида ўқитишни бошқариш талабалар ақлий фаолиятини ривожлантиради, ўқувчилар фаоллиги, ўз навбатида, ўқув самарадорлиги ошишига олиб келувчи хусусият сифатида таълим сифатига таъсир кўрсатади.

Ўқитиш воситаси сифатида компьютернинг асосий мақсадларидан бири ўқувчилар ишини дастурий ва педагогик воситалар ёрдамида ташкил этиш, ўқитиш сифати уларнинг такомиллашиш даражасига боғлиқ. Ўқув жараёнининг мотивацион соҳаси ва унинг тузилишига компьютернинг диалогли ва тасвирий имкониятлари сезиларли даражада таъсир қилади. Таълим дастурларида жадваллар, диаграммлар, ёрдамчи воситалар кўринишидаги визуал турли шакллар нафақат статистик маълумотларни, балки динамикадаги турли ҳодисаларни графика, ранг, товуш, пиктография ва бошқалардан фойдаланишга имкон беради. АКТдан фойдаланиш ўқувчилар эътиборини фаоллаштиришга, иш шаклларини диверсификация қилиш ва шахснинг ижодий салоҳиятини оширишга имкон беради. Ўқувчилар томонидан тайёрланадиган тақдимотда диаграммлар, жадвалларнинг қурилиши вақтни тежайди. Турли кўнгилочар вазифалар, жумладан, кроссвордлар, чизмалар, расмлар, тестлар дарс жарёнини янада қизиқарли бўлишига имкон беради.

Таълим сифатининг муҳим устуворликлардан бири уни **стандартлаштириш** ҳамдир. Стандартлаштиришда таълим даражаси ва ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражасини акс эттириш жуда муҳим. Таълим сифатини таъминлашнинг кейинги муҳим вазифаларидан бири сифатида ўқитувчи томонидан турли таълим технологияларини ўзлаштириш ҳисобланади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ўқитиш қобилияти ўқитувчига ўқувчиларни қандай ва қайси технологиялар асосида ўқиши, ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб ўз усулларини қай даражада ўзгартиришига боғлиқ бўлиб, бунда асосийси педагогик маҳорат ва қўллаб-қувватлашдир.

Олиб борилган тадқиқот анкеталаридаги фикрлар таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактабларида таълим сифатига энг катта таъсир кўрсатаётган Педагогик таълим инновацион кластерининг ташкил этиш механизми ҳисобланган “Мактаб-





лаборатория” тажриба-синов майдончаларида умумтаълим мактаблари таълим сифати самарадорлигини ошириш бўйича қатор лойиҳалар мавжуд бўлиб, қўшма лойиҳалар ПТИК дастурига киритилган. Ушбу лойиҳаларни муваффаққиятли амалиётга татбиқ этиш умумтаълим мактабларида таълим сифати самарадорлигини оширишнинг қуйидаги йўналишларига таъсир кўрсатади, ижобий натижаларга эришиш имкониятини беради (12-жадвал).

Юқорида келтирилган ҳар бир йўналишлар ўз объекти, кутилаётган натижалар, кўрсаткичларга эга бўлиб, бу, ўз навбатида, ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг маълум фаолият қобилиятини ривожлантиришга, янада юқори натижаларга эришишга, мактабларнинг таълим сифати самарадорлиги ошиши ҳамда сифат кўрсаткичининг кўтарилишига қаратилган. Умумтаълим мактабларида мазкур лойиҳа йўналишларининг ҳамкорликдаги фаолияти таълим сифатини бошқариш принципини ўзгартириб, замонавий натижаларга йўналтирилган таълим сифатини баҳолашнинг янгича тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

*12-жадвал*

*"Мактаб-лаборатория" синов майдончаларида таълим сифати самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳа йўналишларининг мазмуни ва мақсади*

| № | Лойиҳа мазмуни | Лойиҳа мақсади |
|---|---|---|
| | **Таълим тизимини такомиллаштириш** | |
| 1. | **Умумтаълим мактабини бошқариш тизимини оптималлаш-тириш** | 1. Умумтаълим мактабини бошқариш жараёнида ўқув жараёни субъектларининг фаол иштироки.<br>2. Педагог-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш.<br>3. Ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш. |
| 2. | **Ахборот таъминоти** | 1. Самарали ахборот таъминоти тизимини яратиш.<br>2. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ахборот жамиятида ишлашга тайёрлаш.<br>3. Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини илмий ва услубий таъминлаш даражасини ошириш. |
| 3. | **Мактаб муҳити** | 1. Мактабдаги муҳитни яхшилаш.<br>2. Ота-оналар ва мактаб ўртасидаги муносабатлар табиатини ўзгартириш.<br>3. Мактабнинг ота-оналар ва ўқувчилар талабларини инобатга олган ҳолда йўналишни кучайтириш.<br>4. Ижтимоий ва демократик тамойилларга эътибор берган ҳолда мактаб баҳолаш мезонларини ўзгартириш.<br>5. Жамоатчилик томонидан мактаб нуфузи ўсишига эътибор бериш. |
| 4. | **Оила** | 1. Оила тарбияси муаммолари бўйича услубий ёрдам яратиш.<br>2. Оила ва оила тарбиясини тарғиб қилиш, умумлаштириш. |





| | | |
|---|---|---|
| | | 3. Оила билан ишлаш бўйича турли ўқув қўлланмалар нашр қилиш.<br>4. Бу бўйича мақола ва тезислар нашр қилиш. |
| 5. | **"Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончалари** | 1. Таълим жараёни барча субъектларининг таълим сифати самарадорлигини таъминлашга тайёргарлиги.<br>2. Таълим жараёнини янги инновациялар мантиғида муваффақиятли амалга ошириш.<br>3. Мавжуд лойиҳалар воситасида кўзда тутилган натижаларга камида 80 фоиз эришиш.<br>4. Узлуксиз таълим тизими муассасалари ўртасида ўқув жараёнини сифатли амалга оширишда интеграция тизимини таъминлаш.<br>5. Умумтаълим мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларида ўқишни муваффақиятли давом эттиришга тайёргарлиги. |
| | **Профессионал ўқитувчи** | |
| 1. | **Ўқитувчи-нинг услубий маданияти** | 1. Ўқитувчиларнинг умумий маданий ва касбий маҳоратини ошириш.<br>2. Педагогик фаолият жараёнида касбий маҳоратни ошириш учун мослашувчан тизим яратиш.<br>3. Ўқитиш сифатини ошириш.<br>4. Мактаб ўқитувчиларининг ижтимоий-касбий мавқеи ўсишига эришиш. |
| 2. | **Коммуника-тив маданияти** | 1. Педагогик жараён барча субъектларининг коммуникатив маданиятининг ўсиши.<br>2. Мактаблардаги низолар сонини камайтириш.<br>3. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг умумий маданиятини ошириш.<br>4. Мактабларда қулай ижтимоий-психологик муҳит яратиш. |

*12-жадвал*

*"Мактаб-лаборатория" синов майдончаларида таълим сифати самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳа йўналишларининг мазмуни ва мақсади*

| № | Лойиҳа мазмуни | Лойиҳа мақсади |
|---|---|---|
| | **Таълим тизимини такомиллаштириш** | |
| 1. | **Умумтаълим мактабини бошқариш тизимини оптималлаштириш** | 1. Умумтаълим мактабини бошқариш жараёнида ўқув жараёни субъектларининг фаол иштироки.<br>2. Педагог-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш.<br>3. Ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш. |
| 2. | **Ахборот таъминоти** | 1. Самарали ахборот таъминоти тизимини яратиш.<br>2. Ўқитувчи ва ўқувчиларни ахборот жамиятида ишлашга тайёрлаш.<br>3. Ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини илмий ва услубий таъминлаш даражасини ошириш. |
| 3. | **Мактаб муҳити** | 1. Мактабдаги муҳитни яхшилаш.<br>2. Ота-оналар ва мактаб ўртасидаги муносабатлар табиатини ўзгартириш.<br>3. Мактабнинг ота-оналар ва ўқувчилар талабларини инобатга олган ҳолда йўналишни кучайтириш.<br>4. Ижтимоий ва демократик тамойилларга эътибор берган ҳолда мактаб баҳолаш мезонларини ўзгартириш.<br>5. Жамоатчилик томонидан мактаб нуфузи ўсишига эътибор бериш. |
| 4. | **Оила** | 1. Оила тарбияси муаммолари бўйича услубий ёрдам яратиш.<br>2. Оила ва оила тарбиясини тарғиб қилиш, умумлаштириш.<br>3. Оила билан ишлаш бўйича турли ўқув қўлланмалар нашр қилиш.<br>4. Бу бўйича мақола ва тезислар нашр қилиш. |
| 5. | **"Мактаб-лаборатория" тажриба-синов майдончалари** | 1. Таълим жараёни барча субъектларининг таълим сифати самарадорлигини таъминлашга тайёргарлиги.<br>2. Таълим жараёнини янги инновациялар мантиғида муваффақиятли амалга ошириш.<br>3. Мавжуд лойиҳалар воситасида кўзда тутилган натижаларга камида 80 фоиз эришиш.<br>4. Узлуксиз таълим тизими муассасалари ўртасида ўқув жараёнини сифатли амалга оширишда интеграция тизимини таъминлаш.<br>5. Умумтаълим мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларида ўқишни муваффақиятли давом эттиришга тайёргарлиги. |
| | **Профессионал ўқитувчи** | |
| 1. | **Ўқитувчининг услубий маданияти** | 1. Ўқитувчиларнинг умумий маданий ва касбий маҳоратини ошириш.<br>2. Педагогик фаолият жараёнида касбий маҳоратни ошириш учун мослашувчан тизим яратиш.<br>3. Ўқитиш сифатини ошириш.<br>4. Мактаб ўқитувчиларининг ижтимоий-касбий мавқеи ўсишига эришиш. |
| 2. | **Коммуникатив маданияти** | 1. Педагогик жараён барча субъектларининг коммуникатив маданиятининг ўсиши.<br>2. Мактаблардаги низолар сонини камайтириш.<br>3. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг умумий маданиятини ошириш.<br>4. Мактабларда қулай ижтимоий-психологик муҳит яратиш. |

| | | |
|---|---|---|
| 3. | **Умумтаълим мактабларида янги педагогик технология-лар** | 1. Мактабларда таълим сифатини ошириш.<br>2. Ўқувчилар билим мотивациясининг ўсишига эришиш.<br>3. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш.<br>4. Ўқув жараёнини оптималлаштириш.<br>5. Ўқувчиларнинг соғлигига эътибор бериш. |
| | **Таълим натижалари – баркамол талаба** | |
| 1. | **Мактаб ўқувчиси саломатлиги** | 1. Умумтаълим мактаблари ўқув жараёнида ўқувчилар сонини меъёрлаштириш.<br>2. Ўқувчиларнинг шахсий ва спорт ютуқларининг ўсиши.<br>3. Ўқувчилар ва ота-оналар маънавиятини ошириш.<br>4. Ўқув жараёни субъектларининг қулайлигини ошириш. |
| 2. | **Иқтидорли болалар** | 1. Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари ва танловларда қатнашуви ҳамда муваффақиятини ўсиши.<br>2. Ўқувчи иқтидор ютуқларининг ўсиши.<br>3. Ўз устида ишлаш ва қизиқишнинг ортиб бориши. |
| | **Мактабнинг ўқув муҳити** | |
| 1. | **Умумтаълим мактабларда инноватор мураббий** | 1. Ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш ва мураббий ишини яхшилаш.<br>2. Таълим жараёни субъектлари эҳтиёжларига жавоб берадиган ижтимоий йўналтирилган таълим тизимини шакллантириш.<br>3. Ўқувчиларнинг профессионаллигини ошириш.<br>4. Анъанавий тадбирларда мактаб барча ўқитувчиларининг фаол иштироки.<br>5. Синф мураббийи ўқув ишлар тизимини илғор таълим технологиялар ўзлаштиришнинг доимий инновацион жараёнга айлантириш. |





| | | |
|---|---|---|
| | | 6. Таълим жараёнининг ижтимоий йўналишини таъминлаш. |
| 2. | **Ўқувчиларнинг ўқув жараёнида ўз-ўзини бошқариш** | 1. Ўқувчиларни мактаб фаолиятига жалб қилиш, фаоллик ва қизиқиш даражасини ошириш.<br>2. Ўқувчилар томонидан ҳаракатларнинг универсал усулларини ўрганиш:<br>- ўз фаолияти ва бошқалар фаолиятини ташкиллаштириш;<br>- жамоада ишлаш қобилияти;<br>- ўз тажрибалари билан ўртоқлашиш;<br>- ўз-ўзини бошқариш қобилиятини таҳлил қилиш.<br>3. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро муносабатлар даражасини ошириш.<br>4. Таълим фаолиятини жадаллаштириш: ўқувчининг ўз-ўзини бошқариш тизимини яратиш.<br>5. Ижтимоий хатти-ҳаракатлар кўламини камайтириш.<br>6. Мактабнинг жамиятдаги нуфузини ошириш. |
| 3. | **Синфдан ташқари тадбирлар ташкил қилиш** | 1. Ўқувчиларнинг мактаб фаолиятига, мактабдан кейинги вақт ҳаётига жалб қилиш, фаоллик ва қизиқиш даражасини ошириш.<br>2. Назоратга олинган ўқувчиларни синфдан ташқари машғулотларга жалб қилиш.<br>3. Синфдан ташқари машғулотларни фаоллаштириш: мақбул бўладиган моделларни аниқлаш, мониторинг тизимини такомиллаштириш.<br>4. Ўқувчи шахсини ижодий ривожлантириш, унинг қизиқишларини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтириш.<br>5. Ягона таълим маконини шакллантириш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | 6. Мактабнинг жамиятдаги нуфузини ошириш. |
| **Ўқув жараёнини моддий-техник ва ресурс билан таъминлаш** | | |
| 1. | **Моддий база билан таъминлаш** | 1. Ўқув жараёни сифатини ошириш.<br>2. Ўқув машғулотлари ва дарсдан ташқари машғулотлар пайтида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни таъминлаш.<br>3. Ўқитувчилар ишлаши учун мақбул шароитлар яратиш.<br>4. Ўқув жараёнининг моддий базасини замон талабларига мувофиқлаштириш. |
| 2. | **Молиялаштириш** | 1. Турли молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.<br>2. Мактабни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш. |

Таълим сифатини таъминлаш ва бошқаришнинг ташкилий шартлари сифатида қуйидагилар эътиборга олинган:

- умумтаълим мактабларида ўз-ўзини ривожлантириш, меҳнат шароит ва натижаларни яхшилаш учун ички эҳтиёжларга эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар таркибига эга бўлиш;
- ўқувчиларнинг индивидуал талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш, бунда зарур асосий ваколатларга эга бўлишга имкон берадиган замонавий технологиялар, ўқитиш шакллари ва усулларидан кенг фойдаланиш;
- ўқув жараёнини замонавий таълим стандартларига жавоб берадиган даражада моддий-техник ва илмий-услубий таъминотнинг мавжудлиги;
- ўқув жараёнида давлат таълим стандартларини бажаришга имкон берадиган ўқув дастурлари ва ўқув мажмуаларидан фойдаланиш;
- таълим муассасасини бошқариш учун дастурий ва дизайн услубларига эга бўлган маъмурий гуруҳнинг мавжудлиги;
- умумтаълим муассасасида таълим сифатини назорат қилиш тизимининг мавжудлиги ва ҳоказо.





Бугунги кунда замонавий мактабнинг асосий вазифалардан бири – таълим сифати муаммосини ҳал қилишга имкон берадиган таълим муассасалари ташқи муҳитининг ўзгаришига, жамият эҳтиёжларига, ижтимоий тартибга, самарали ва педагогик жиҳатдан асосланган усул ва технологиялар танланишига муносиб жавоб берадиган усул, воситаларни жорий қилган ҳамда амалиётга татбиқ этадиган янгича инновацион ёндашувларни истеьмолга киритиш.

Юқорида тақдим этилган барча инновацион лойиҳалар таълим сифати тушунчасини ўзгартиришга нафақат янги ёндашувларни, балки умумтаълим мактаблари ўқув фаолияти сифатини баҳолаш ва ушбу тизимни бошқаришнинг барча тизимларини тақдим этиш имконияти билан яратилганлиги алоҳида аҳамиятга молик.

# ХУЛОСА

Педагогик таълим инновацион кластери муаммосининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниши унинг таълимдаги инновацион, айни пайтда, кенг қамровли ҳодиса эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу тушунча доирасида таълим турлари ўртасидаги интеграция масаласи, таълимдаги узвийлик ва узлуксизлик, таълим тизими ва сифатини бошқариш, таълим воситаларини такомиллаштириш. педагогик илмий тадқиқотларнинг сони ва сифатини ошириш масаласини, пировардида, сифатли таълимга эришиш орқали педагогик таълимнинг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, педагогик таълим инновацион кластери педагогикамизда мутлақо янги ҳодиса эмас, балки мавжуд йўналишларга тараққиёт кўзгуси воситасида қарашни, таълим турлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари янги механизмларини ишлаб чиқишни назарда тутади. Таклиф қилинаётган ушбу механизмда ютуқ ва муваффақиятларнинг ҳам, муаммо ва камчиликларнинг “бегонаси” бўлмайди. Таълим муассасаларининг ўзаро назорат тамойилига асосан иш кўриши натижасида аниқланган камчиликларнинг зудлик билан бартараф қилинишига эришилади.

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Буни таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини чамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини



ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ

ишлаб чиқиш илмий жамоатчиликнинг олдидаги муҳим муаммолардан саналади. Кластер ёндашуви давлат таълим сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириб, субъектлар муносабатларига ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради. Натижада, кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилот ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

Давлатимиз раҳбарининг ***“Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”***[152], деб айтган фикрларидан келиб чиққан ҳолда педагогик олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятларини умумтаълим мактаблари томон йўналтириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг куч ва салоҳиятларини бир нуқтага жамлашда миллий педагогикамиз учун инновацион ҳодиса ҳисобланган педагогик таълим кластерларини замонавий, айни пайтда энг мақбул инновацион модел сифатида эътироф этиш мумкин.

Умуман, педагогик таълим инновацион кластери борасида олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларини таҳлил қилиш ва

---

152 Мирзиёев Ш. Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур. 2019 йил 23 августда ўтказилган видеоселектордаги нутқи. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги сайти, 23.08.2019.

# ХУЛОСА

Педагогик таълим инновацион кластери муаммосининг илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниши унинг таълимдаги инновацион, айни пайтда, кенг қамровли ҳодиса эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу тушунча доирасида таълим турлари ўртасидаги интеграция масаласи, таълимдаги узвийлик ва узлуксизлик, таълим тизими ва сифатини бошқариш, таълим воситаларини такомиллаштириш, педагогик илмий тадқиқотларнинг сони ва сифатини ошириш масаласини, пировардида, сифатли таълимга эришиш орқали педагогик таълимнинг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни кўриш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, педагогик таълим инновацион кластери педагогикамизда мутлақо янги ҳодиса эмас, балки мавжуд йўналишларга тараққиёт кўзгуси воситасида қарашни, таълим турлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари янги механизмларини ишлаб чиқишни назарда тутади. Таклиф қилинаётган ушбу механизмда ютуқ ва муваффақиятларнинг ҳам, муаммо ва камчиликларнинг "бегонаси" бўлмайди. Таълим муассасаларининг ўзаро назорат тамойилига асосан иш кўриши натижасида аниқланган камчиликларнинг зудлик билан бартараф қилинишига эришилади.

"Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончалари таълим тизимидаги узлуксизлик ва алоқани, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Буни таълимга нисбатан инновация сифатида қараш ва самарадорлигини чамалаш ҳамда амалга ошириш механизмларини





